

## МУНДАРИЖА

### ПАХТАЧИЛИК

<b>С.ЭГАМБЕРДИЕВА, Т.СЕЙТНАЗАРОВА.</b> Фўзанинг $F_2$ ва $F_3$ дурагайлида қимматли-хўжалик белгилари бўйича трансгрессия даражаси ва частотаси таҳлили.....	3
<b>Я.БАБАЕВ, Г.ОРАЗБАЙЕВА, М.МИРАХМЕДОВ, Р.БАРДИЕВА.</b> Селекцион кўчатзордаги янги тизмаларнинг морфо-хўжалик белгилари.....	4
<b>С.РАҲМОНҚУЛОВ, А.ДАНАБАЕВ, Х.ЖАЛОЛОВ.</b> Ўрта толали гўза навларининг морфо-хўжалик кўрсаткичларига гармселнинг таъсири.....	5
<b>Б.ГАППАРОВ, Б.АМАНОВ, С.РИЗАЕВА.</b> Фўзанинг тетраплоид G.HIRSUTUM-L ва ёввойи G.PALMERII турини ўзаро чатиштириш натижалари .....	7
<b>К. МИРЗОЁҚУБОВ, Ш. МАМАНАЗАРОВ, Й. МУҲАММАДОВ, Н. ХУСЕНОВ.</b> “Равнақ-2” гўза навининг бирламчи уруғчилигига нав белгиларини яхшилаш .....	8
<b>Х. САЙДАЛИЕВ, А. ХОЛМУРОДОВ, А. БАКИРОВА.</b> Энергия прорастания и всхожесть семян у межвидовых гибридов хлопчатника.....	9
<b>Ҳ.МАРДАНОВ, Ш.НАМАЗОВ, Р.ЮЛДАШЕВА.</b> Фўза навлари тола микронейрига табии гармселнинг таъсири .....	11
<b>Ш.НАМАЗОВ, Д.ТОХИРБОЕВА, М.СОДИҚОВА, С. МАТЕҚУБОВ.</b> Интроверсив гўза тизмаларининг тола сифати.....	12
<b>Ф.ГОППОРОВ, Л.МАМАТҚУЛОВА.</b> Янги ўрта толали гўза навлари чигитларининг унувчанлиги.....	13
<b>И.АБДУРАҲМОНОВ.</b> Сугориш ва озиқлантириш меъёрларининг янги гўза навларига сарфланадиган сув миқдорларига таъсири..	14
<b>Б.МАМАРАХИМОВ, С.ТУРСОАТОВ.</b> Гўза навларидага маҳсулдорликнинг бошқа хўжалик белгилари билан ўзаро боғлиқлиги...	15
<b>О.ЭРГАШЕВ.</b> Тола чиқими кўрсаткичларининг янги гўза нави бир неча авлодларидаги фенотипик акс этиши.....	17
<b>С.МАТЕҚУБОВ, Ш.НАМАЗОВ.</b> Геномлараро мураккаб дурагайлаш орқали олинган юқори авлод дурагайларидаги толанинг айрим сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши .....	18
<b>О.ПИРИМОВ, М.ОЧИЛОВ, Ж.БЕКҚУЛОВ.</b> Чигита электр майдонида ишлов беришнинг гўза унувчанлигига таъсири .....	19
<b>С.РАҲМОНҚУЛОВ, Ҳ.МАРДАНОВ, А.ДАНАБАЕВ.</b> Табии гармсел шароитида гўзанинг “Истиқпол-14” навини суғориш муддатлари ва меъёрлари .....	20
<b>М.АБЕРҚУЛОВ, И.РАСУЛОВ, М.СОДИҚОВА.</b> Янги яратилган гўза оиласини толасининг айрим сифат кўрсаткичлари.....	22
<b>Ш.РАҲМОНОВ.</b> “Зарафшон” гўза навида мукобил агротехнологияни такомиллаштириш .....	23
<b>А.КУРБОНОВ, А.АШИРҚУЛОВ, В.АВТОНОМОВ.</b> Полевая всхожесть семян в зависимости от воздействия на семена ультрафиолетовым облучением.....	24
<b>Г.ШОДМОНОВА, П.ИБРАГИМОВ, Б.УРОЗОВ.</b> Создание устойчивого селекционного материала к коробочному червию на базе трансгенного хлопчатника .....	25
<b>Ф.ТЕШАЕВ, А.УЛЖАБОЕВ.</b> Турлича шўрланган майдонларда гўза барги тўклиши ва кўсакларнинг очилишига дефолиантларнинг таъсири.....	26
<b>Ш.САМАНОВ, Б.АМАНОВ, С.РИЗАЕВА, Б.ГАППАРОВ, И.САМАДОВ.</b> Фўзанинг ингичка толали навларини йирик кўсакли тизмалар билан дурагайлаш асосида олинган F1 ўсимликларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши .....	27

### ҒАЛЛАЧИЛИК

<b>И.ЭГАМОВА, Т.РАХИМОВ, Н.ЮСУПОВ.</b> Кузги юмшоқ буғдойнинг констант шаклларини ҳар томонлама ўрганиш натижалари.....	28
---	----

<b>Д.МУСИРМАНОВ, А.АМАНОВ, С.АЛИҚУЛОВ.</b> Ўзбекистон шароитида кўп ийлилк буғдой нав намуналарини ўрганиш истиқболлари....	30
<b>Ш.ДИЛМУРОДОВ, Ш.ҲАЗРАТҚУЛОВА.</b> Юмшоқ буғдойнинг дон сифати юқори тизмалари селекцияси .....	32
<b>Д.РАШИДОВА, Ш.АМАНТУРДИЕВ, Ш.ШАРИПОВ, В.ШПИЛЕВСКИЙ.</b> Всхожесть семян пшеницы и сои, обработанных агро-нанополимерными препаратами .....	33
<b>Н.ОТАМИРЗАЕВ.</b> Шоли уругига уруғдорилагичлар билан ишлов бериш самарадорлиги .....	34
<b>Х.НАЗАРОВ.</b> Юқори лизинли маккажӯхори дони — паррандачилика да тўйимли озуқа гарови .....	36
<b>И.САПАРНИЯЗОВ, С.САНАЕВ.</b> Қорақалпогистон Республикаси шароитида мульчалаш усулларининг сабзавот (ширин) маккажӯхори нав ва дурагайлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири .....	37

### МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

<b>А.КАЮМОВ, Г.КАРАХОДЖАЕВА.</b> Олманинг “Пинк Леди” нави мева-ларининг сақланишига қофоз қопчаларнинг таъсирини ўрганиш...	38
<b>А.МАЛИКОВ, Н.НОРКАБУЛОВА, Б.ҚАЮМОВ.</b> Узумнинг шароббоп дурагай шакллари кимёвий таркиби .....	40
<b>А.ГУЛЯМОВ, Д.ЖАНАКОВА.</b> Влияние фосфорно-калийных подкормок на развитие анатомической структуры побегов винограда и накопление углеводов .....	41
<b>Ҳ.АБДУЛЛАЕВА.</b> Кулупнай навларининг қурғоқчиликка чидамлилиги.....	42
<b>А.ҚОСИМОВ.</b> Олтисимон қорағат навларининг иссиққа чидамлилиги .....	44
<b>Ҳ.АМИРОВ.</b> Қовун уругини экишолди тайёрлашнинг мақбул усули ва экиш муддати .....	45
<b>Р.НИЗОМОВ, Б.ИБРОҲИМОВ.</b> Ноанъанавий сабзавот — бамия (HIBISCUS ESCULENTUS I) ни етишириш ва унинг ишлатилиши..	45
<b>Т.ХОЛМУМИНОВ.</b> Изучение сортобразцов сладкого перца и выделение перспективных сортов для Узбекистана .....	46
<b>Э.БЕРДИМУРОТОВ, А.ЭЛМУРОДОВ, Ж.АБДУЗУХУРОВ.</b> Топинамбур нав ва намуналарини қимматли белги-хусусиятлари бўйича баҳолаш .....	48
<b>А.УБАЙДИЛЛАЕВ, Р.МУРАДОВ, Е.ЛЯН.</b> Ўзбекистонда иссиқхоналардан фойдаланиш мавсумлари ва самарадорлиги.....	49
<b>Ж. РАЗЗОҚОВ, И. БЕГИМҚУЛОВ.</b> Картошка намуналарида уруғларнинг унувчанлиги ва кўчатларнинг тутувчанлик кўрсаткичлари..	51
<b>А.ШАМСИЕВ, Т.ОСТОНАҚУЛОВ, А.АБДУРАҲМАНОВА, М.КОМИЛОВА.</b> Ширин картошка (батат) навларининг экиш тартибини белгилаш .....	52
<b>Р.НИЗОМОВ, Н.ХУШВАҚТОВ, Ж.ШЕРАЛИЕВ.</b> Иситилмайдиган иссиқхоналарда аччиқ қалампирни мақбул экиш схемаларини танлаш.....	53
<b>И.РАХМАТОВ, Т.УСМОНОВ.</b> Интенсив тилдаги пакана олма боғларидаги фитометрик кўрсаткичларнинг нав ва пайвандтаглар комбинацияларига боғлиқлиги.....	54

### ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

<b>М.РАХМОНОВА, К.ХАМДАМОВ, У.РАСУЛОВ, У.БОХОДИРОВ.</b> Мевали боғларда учрайдиган энтомофаглар доминант турларининг систематик таҳлили .....	55
<b>У.АБДУРАҲМАНОВ.</b> Янги “Ento-defol” 540 г/л с.к. дефолиантини ўрта толали гўзада кўллаш самарадорлиги .....	57

**С.САДИКОВА, А.РАХМАТОВ, Ж.РАХМОНОВ.** Аччиқ қалампирнинг фитофтороз касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ..... 58

## ЧОРВАЧИЛИК

**Т.НАЎРЫЗОВ.** Голштинлаштирилган турли генотипли буқачалар ўсиш ва ривожланишининг ирсиятга боғлиқлиги ..... 59  
**М.РЎЗИМУРОДОВ, А.УЛУФМУРАДОВ, У.САТТАРОВ, А.САЙДОВ.** Чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида ҳайвонларнинг бруцеллэз касаллигига қарши кураш ва профилактикаси чора-тадбирлари ..... 60  
**Г.АМАНТУРДИЕВ, М.САФАРОВ, С.ИСРОИЛОВ.** Морфо – функциональные качества вымени у симменталь-голштинских коров .... 63  
**Х.ЭРГАШЕВ, Р.САЙДОВА.** Ўстириш ҳовузларида шу йилги чавоқларни етиштириш ..... 64  
**Е.ЛАРЬКИНА, К.САЛИХОВА.** Продуктивность гибридов из высокоранговых по биологическим показателям пород мировой коллекции тутового шелкопряда ..... 65  
**У.САНГИРОВА, Р.ИСАҚУЗИЕВ.** Кластерное совершенствование отрасли пчеловодства – залог экономической стабильности регионов ..... 66  
**Л.ОРТИКОВА.** Фитомелиоранты пастбиши Кызылкум ..... 68

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

**Х.МАХСАДОВ, Б.ХОЛМАТОВ.** Жиззах вилояти шароитида тупроқ шўрланиш жараёнининг олдини олиш ва унумдорлигини ошириш омиллари ..... 69  
**У.САДИЕВ, А.ПЕТРОВ, А.ЭРНАЗАРОВ.** Тошкент магистрал каналининг фильтрация солиштирма сув сарфини ҳисоблаш усуллари ..... 70  
**Т.УСМОНОВ, М.БУРХОНОВА, Ф.ОТАМУРОДОВ.** Қопламали ирригация тизимларини тозалаш машинаси ..... 72  
**М.ҲАЙИТОВА, Э.МАЛИКОВ.** Тупроқ эрозиясининг ҳосил бўлиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари ..... 73  
**Ф.ДУСИЁРОВ, Ё.ШЕРМАТОВ, А.СЕЙТОВ, М.ШЕРБАЕВ.** Қашқадарё ҳавзасида сув ресурсларининг ҳосил бўлиши ва гидро-графиги ..... 74  
**Б.УРИШЕВ, Ф.НОСИРОВ, Ж.ДУСТМУРОДОВ, П.ХОЛИЯРОВ.** Суғориш насос станцияларида сув бериш унумдорлигини оширишнинг янги усули ..... 76  
**А.БОТИРОВ, Ҳ.АБДУМУТАЛИПОВА, Ю.САТТИЕВ, Р.ЗОКИРОВ.** Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари ва истиқболлари ..... 77  
**Ш.НУРМАТОВ, А.РАХИМОВ.** Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида такорий экинлар ва органо-маъдан компостларнинг тупроқ донадорлигига таъсири ..... 79  
**М.АВЛАКУЛОВ, Т.ДОНИЁРОВ.** Фўзани кимёвий препаратлар солиш орқали эгатлаб суғорища сув мувозанати ва сув истеъмоли ..... 80  
**Ф.РАСУЛОВА, Б.ХАЛИКОВ.** Сабзавот-ғалла алмашлаб экиш тизимларида тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги ..... 82  
**А.ҲАЙДАРОВ, Н.ЎРАЗМАТОВ.** Асосий экин ловиядан кейин экилиган “Андижон-37” ва “ЎзПИТИ-201” фўза навларига тупроқ унумдорлигининг таъсири ..... 83  
**А.БАИРОВ, Х.НУРИДДИНОВА.** Минерал ва органик ўғитларнинг “фўза-кузги буғдои” тизимида азот мувозанатига таъсири ..... 84  
**С.ЗОКИРОВА, Р.АКБАРОВ, Н.ҚОДИРОВА.** Текисланган дўнгбарҳанли кумларда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг ўғит меъёрларига боғлиқлиги ..... 86  
**И.БОЗАРОВ, С.АБДУҚОДИРОВА.** Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни барқарор ривожлантириш муаммолари ..... 87

**Ш.БЕРДИЕВ, И.ГАИМНАЗАРОВ, А.ИСАКОВ.** Полив хлопчатника с помощью гибких плёночных шлангов с отверстиями в междуурядьях которых заложены блоки-влажнители из различных материалов ..... 88

**Т.ОРТИКОВ, Ф.ТУРЕХАНОВ, М.ДАМИНОВ.** Заражен вохаси тупроқлари гумус ҳолатининг шаклланишида микробиологик жараёнларнинг роли ..... 90

**Ш.ХАЛМАТОВА, М.НАЗАРОВ, С.МУХАММАДАЛИЕВ.** Фўзанинг илдиз ва барг сатҳи ўсишига озиқланиш майдонининг таъсири ... 91

**А.МИРЗАХОДЖАЕВ, Б.МИРЗАХОДЖАЕВ.** Тупроқни мелиорациялаш учун ипак куртини боқишида ҳосил бўлган чиқиндилардан ҳамда шоли походидан органик ўғитлар тайёрлаш усуллари ..... 92

**Ж.ҚЎЗИЕВ, С.САНАҚУЛОВ, Ш.ЖУМАЕВ, С.НИЗАМОВ.** Арнасий тумани сугориладиган тупроқларининг унумдорлиги ва уни яхшилаш йўллари ..... 93

**Д.ШАРИПОВ, О.ХАФИЗОВ.** Зависимость скорости ветра от высоты с учетом рельефа местности при моделировании процесса распространения аэрозольных выбросов в атмосфере ..... 94

**Т.РАЖАБОВ.** Шўрланиш ва маъдан ўғитларнинг меъёрлари ..... 96

**З.НЕГМАТУЛЛОЕВ.** Взаимодействие потока с конструктивными элементами водопроводящего тракта Сардабинского водохранилища и причины возникновения вибрации в трубопроводах ..... 97

**Н.МАХМУДОВ, А.ҲАЙДАРОВ.** Суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрларининг “ЎзПИТИ-202” фўза нави ўсиш ва ривожланишига таъсири ..... 99

**И.ИБРАГИМОВ, Д.ИНОМОВ.** Сув оқими ростланган шароитда ўзандаги тошқин сувлар динамикасини ўрганиш ..... 101

**С.АХМЕДОВ, С.ВАФОЕВ, И.ХУДАЕВ, Р.ВАФОЕВ.** Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда дренажларнинг ўрни ..... 102

**Е.МАМБЕТНАЗАРОВ.** Тупроқга ишлов бериш усулларининг тупроқ унумдорлиги ва фўза ҳосилдорлигига таъсири ..... 103

**Ш.АКМАЛОВ, Х.АБДУХАМИТОВ, Ф.ОЧИЛДИЕВ.** Сув тармоқлари техник ҳолатини ГАТ технологиялари ёрдамида ўрганиш ..... 104

## МЕХАНИЗАЦИЯ

**Н.НУРАЛИЕВА, А.БОКИЕВ, А.РАДЖАБОВ.** Қишлоқ ҳўжалиги истеъмолчиларининг қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган энергия таъминоти тизимида энергияни саклаш муаммолари ..... 105

**К.ШУКУРУЛЛАЕВА, Х.ТУРКМЕНОВ, Ш.АБДУРАХМОНОВА.** Синтетик олмослар қўлланилиши ва ишлаб чиқарилиши ..... 106

**Н.ЭШПУЛАТОВ, Э.КАРИМОВ.** Мева ва узумга шарбат олишдан олдин электр ишлов бериш учун импульс генераторининг параметрларини асослаш ..... 107

**О.АУЕЗОВ, У.САДАДДИНОВ.** Трактор для измельчения стеблей хлопчатника ..... 109

**А.ЮЛДАШЕВ.** Влияние режимов работы вентиляторного опрыскивателя на качество дефолиации хлопчатника ..... 110

**А.САИТОВ, И.КОЛЕСНИКОВ.** Электромагнитная технология переработки растительного сырья ..... 112

## ИҚТИСОДИЁТ

**Б.ШАРИПОВ.** Ипакчилик тармоғи корхоналари диверсификациялашувини баҳолашнинг услубий асослари ..... 113

**В.ВАХОБОВ, М.ХИДОЯТОВА.** Қишлоқ ҳўжалик жараёнларини Марков занжири ёрдамида таҳлил қилиш методи ..... 114

**З.ТОЖИБОЕВ.** Қишлоқ ҳўжалигига ердан барқарор фойдаланишнинг баъзи бир масалалари хусусида ..... 116

**Ш.АЗИЗОВ.** Кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурс тежамкор технологияларнинг аҳамияти ..... 117

**Б.ТИЛАБОВ.** Мұхандис-механиклар устози ..... 119

# ҒЎЗАНИНГ $F_2$ ВА $F_3$ ДУРАГАЙЛАРИДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ТРАНСГРЕССИЯ ДАРАЖАСИ ВА ЧАСТОТАСИ ТАҲЛИЛИ

In the article, the results of the selective - genetic analysis of inheritance of hybrids  $F_2$  and  $F_3$  are presented. Degree and frequency of transgression calculated.

Селекцияда янги навлар яратишда энг самарали усувлардан бири — белгиларнинг ирсийланишини генетик таҳлил натижалари асосланган ҳолда баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотларда иккинчи ва учинчи авлод ўсимликларида кузатилган трансгрессия частотаси ва даражасини аниқланди. Трансгрессия частотаси ва даражаси Воскресенской ва Шпота усулида аниқланди, (1,2- жадвал).

Микдорий жиҳатдан трансгрессия иккита кўрсаткич – частотаси ва даражаси билан аниқланади. Трансгрессия даражаси билан частотасининг биргалиқда юзага келиши дурагай популяцияларнинг селекцион қимматини белгиловчи аҳамиятли кўрсаткичларнинг биридир (И.Н.Радченко).

Трансгрессия частотаси ва даражасини аниқлаш селекционерга тўғри танлов олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларига кўра  $F_2$  ва  $F_3$  дурагай комбинацияларида трансгрессия частотаси ва даражаси бўйича кўрсаткичлар, белги ва комбинациялардан келиб чиқиб, сезиларли фарқланганлигини кўришимиз мумкин. Бир дона ўсимликдаги кўсаклар сони бўйича трансгрессия ҳолати намоён бўлган ўсимликлар  $F_3$  дурагай комбинацияларида  $F_2$  га нисба-

тан юқори бўлди. Бу ҳолат битта кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими ва узунлиги, ўсов даври давомийлиги бўйича ҳам кузатилди. Бир дона ўсимликдаги кўсаклар сони бўйича  $F_2$  дурагай комбинациясида трансгрессия даражаси 1,7 % дан ( $\text{Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6003$ ) 26,9 % гача ( $\text{Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6082$ ), трансгрессия частотаси 5,2% дан 25 % гача оралиқда,  $F_3$  ўсимликларида бўлса, бу кўрсаткич 28% дан 66,6% гача кўтарилиди.

Аксарият  $F_2$ - $F_3$  дурагай комбинацияларда ўсов даврининг давомийлиги бўйича чап томонлама салбий трансгрессия юз бериши, яъни тезпишар рекомбинантларнинг пайдо бўлиши аниқланди. Трансгрессия даражаси  $F_2$  дурагай комбинациярида 0,9 дан 6,3% гача оралиқда,  $F_3$  ўсимликларида 1,2 дан 7,9% оралиғида бўлди. Трансгрессия частотаси ва даражаси бўйича кўрсаткичлар ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-6003$ ), ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-6596$ ), ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-6593$ ) ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-2515$ ) комбинацияларида нисбатан юқори бўлди.

Битта кўсакдаги пахта вазни бўйича ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-6003$ ), ( $\text{Л}-578 \times \text{S}-2515$ ), ( $\text{Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6082$ ), ( $\text{Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6596$ ) дурагай комбинацияларида трансгрессия даражаси ва частотаси бўйича кўрсаткичлар нисбатан юқори бўлди.

1-жадвал

Ғўзанинг  $F_2$  дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгилари бўйича трансгрессия даражаси ва частотаси

T/p	Дурагай комбинациялар	Ўсов даври давомийлиги		Битта кўсакдаги пахта вазни		Бир дона ўсим. кўсаклар сони		1000 дона чигит вазни		Тола чиқими		Тола узунлиги	
		T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %
1	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-6003$	2,6	29,4	12,3	54,4	8,3	13,4	16,6	18,2	10	63,6	-5,13	-
2	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6003$	6,3	27	8,4	50	1,7	18,2	0,0	0,0	-5,09	-	-6,1	-
3	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-2515$	5,2	14,3	1,5	16,6	4,2	28	0,0	0,0	9,5	83,8	-8,5	-
4	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-2515$	5,2	28,8	4,5	14,2	0,0	0,0	0,0	0,0	10,1	57	-6,07	-
5	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-2515$	0,9	57	-9,1	-	2,4	19,2	0,0	0,0	8,5	42,8	2,8	14,2
6	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-6082$	1,75	2,3	9,2	66,6	10,8	15,7	0,0	0,0	-4,3	-	-8,5	-
7	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6082$	1,7	29,6	-21	-	26,9	19,2	-28,5	-	3,6	13,8	0,0	0,0
8	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6082$	0,9	18,2	6,25	31,5	12	5,2	16,6	12,1	1,9	15,6	1,1	10,5
9	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-489$	3,5	66,6	1,5	14,2	-2,4	-	16,6	33,3	-7,12	-	3,2	28,5
10	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-489$	4,3	17,6	-10,6	-	3,1	17,3	12,4	21	-3,11	-	4,4	12,5
11	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-489$	2,7	2,5	-22,2	-	0,0	0,0	0,0	0,0	7,6	53,2	-1,6	-
12	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-6593$	3,5	28,2	7,6	44,4	13,2	25,0	0,0	0,0	2,7	22	-3,7	-
13	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6593$	1,4	14,5	4,4	19,3	9,1	20,5	0,0	0,0	5,3	22,5	4,4	32,2
14	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6593$	2,1	10,8	4,6	28,5	12,9	15,7	8,3	14,2	1,8	37,5	4,4	25
15	$\text{F}_2\text{-Л}-578 \times \text{S}-6596$	1,7	15,6	1,8	14,8	10,5	13,1	0,0	0,0	1,2	11,7	1,5	14,3
16	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6596$	1,3	23	0,0	0,0	11,7	24,1	10,8	33,3	2,9	16,2	2,1	10,4
17	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6596$	3,4	18,5	2,3	29	-1,8	-	-14,2	-	4,1	24,6	0,0	0,0
18	$\text{F}_2\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6003$	3,5	12,6	1,2	21,6	16,9	7,4	0,0	0,0	4,4	42,8	3,2	13,6

2-жадвал.

Ғўзанинг  $F_3$  дурагай комбинацияларида қимматли хўжалик белгилари бўйича трансгрессия даражаси ва тезлиги

T/p	Дурагай комбинациялар	Ўсов даври давомийлиги		Битта кўсакдаги пахта вазни		Бир дона ўсим. кўсаклар сони		1000 дона чигитвазни		Тола чиқими		Тола узунлиги	
		T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %	T <sub>д</sub> %	T <sub>ч</sub> %
1	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-6003$	7,7	22	17,6	9,09	16,4	54	7,6	9,1	4,3	72	7,5	51,8
2	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6003$	4,2	33	-0,56	-	-2,7	-	12,9	12,5	13,7	87,5	8,2	50
3	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6003$	1,2	13,4	9,6	43,7	12,3	14,5	0,0	0,0	-2,1	-	2,3	25,6
4	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-2515$	6,8	52	10,2	20	28	40	7,6	33,3	7,97	60	6,7	33,3
5	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-2515$	6,1	28,3	9,4	21,7	13,6	56	0,0	0,0	2,6	28	2,9	46,1
6	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-2515$	4	42,5	8,9	23,5	15,8	38	11,9	25	4,7	35	4,9	54,5
7	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-6082$	1,75	10,4	0,0	0,0	-1,8	-	-1,1	-	7,17	56	7,5	75
8	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6082$	1,76	11,8	10,6	23,3	18,6	25,4	0,0	0,0	5,8	41,3	2,8	37,2
9	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6082$	4,5	22	11,8	47	13,3	29,4	13,3	22,2	13,3	64	8,4	54,7
10	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-489$	5,6	12,2	-2,3	-	17,2	66,6	-3,4	-	5,3	50	19,3	53,3
11	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-489$	4	17,6	-3,1	-	10,4	54	11,6	20	7,7	80	2,4	40
12	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-489$	5,2	18,3	12,6	21,6	12,1	28,9	12,6	21	3,5	45	1,8	34
13	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-6593$	8,2	9,2	-4,2	-	18	55	-2,3	-	6,3	65	-0,3	-
14	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6593$	4,9	24	-1,7	-	10	48	11,3	23	-4,1	-	6,6	62
15	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6593$	5,5	23	-0,8	-	-3,1	-	0,0	0,0	0,23	73	2,5	57
16	$\text{F}_3\text{-Л}-578 \times \text{S}-6596$	7,9	11,4	11,4	18,6	12,5	46,2	-1,7	-	2,8	34,2	3,3	50
17	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{T} \times \text{S}-6596$	5,8	17,6	9,5	15,8	13,2	31,3	0,0	0,0	3,4	35,3	-0,8	-
18	$\text{F}_3\text{-Л}-\text{Ю} \times \text{S}-6596$	2,7	28,2	14,2	59,2	16,4	33,3	12,6	20	8,7	44,4	0,0	0,0

1000 дона чигит вазни бўйича (Л-Ю x S-6596), (Л-Т x S-6596), (Л-Ю x S-6082), (Л-Т x S-2515), (Л-Т x S-6003), (Л-578 x S-6003) комбинацияларида трансгрессия ҳолати намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, (Л-Ю x S-6082) комбинациясида юзага келган трансгрессия ҳолати кузатилган ўсимликлар 13,3% ни ташкил этган бўлса, ушбу белги бўйича ота - она шаклларидан 22,2% га юқори бўлди, (Л-Т x S-6003) комбинациясида кўрсаткич мос равиша 12,9% ва 12,5% га тенг бўлди.

Тола чиқими бўйича (Л-578 x S-6003), (Л-Т x S-6003), (Л-578 x S-2515), (Л-Ю x S-6082), (Л-578 x S-6593) комбинацияларида трансгрессия ҳолати кузатилди.

Тола узунлиги белгиси бўйича 2 та дурагай комбинацияда салбий трансгрессия ҳолати кузатилди. Трансгрессия частотаси ва даражаси бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар (Л-578 x S-489), (Л-578 x S-6003), (Л-Т x S-6003), (Л-Ю x S-6082) комбинацияларида аниқланди.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, 1000 дона чигит вазни бўйича кўрсаткичли аксарият дурагай комбинацияларда ота-она шаклларидан юқори бўлмади ёки тенг бўлди.

Тадқиқотларда иккинчи ва учинчи авлод дурагайларида олиб борилган селекцион-генетик тахлилларга кўра, қимматли хўжалик белгилари бўйича (битта ўсимлиқдаги кўсақлар сони, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги, 1000 дона чигит вазни) трансгрессия ҳолати кузатилган комбинациялар (Л-578 x S-6003), (Л-578 x S-2515), (Л-Т x S-2515), (Л-Ю x S-6082), ажратиб олинди. Шунингдек, трансгрессия ҳолати кузатилган бошқа комбинацияларнинг аниқланиши, кейинги тадқиқотлар учун энг яхши дурагайларни танлаш имконини беради.

**С.ЭГАМБЕРДИЕВА,  
к.х.ф.д., к.и.х.,  
Т.СЕЙТНАЗАРОВА,  
докторант,  
ПСУЕАИТИ.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Воскресенская Г.С., Шпота В.И. Трансгрессия признаков у гибридов *Brassica* и методика количественного учета этого явления // Доклады ВАСХНИП.-1967.-№7.-С.18-20.
2. Донцова А.А., Филиппов Е.Г. Типы наследования по признаку «Высота растений» у гибридов  $F_2$  озимого ячменя.- Научный журнал КубГАУ,- 2011 г.-№66(02) <http://ej.kubagro.ru/2011/02/pdf/21.pdf>
3. Радченко И.Н. Проявление положительной трансгрессивной изменчивости по элементам продуктивности колоса у гибридов  $F_2$  озимой мягкой пшеницы. 2008. Селекция и семеноводство. Выпуск 96. С.72-79.

УЎТ: 633:511:631.

## СЕЛЕКЦИОН КЎЧАТЗОРДАГИ ЯНГИ ТИЗМАЛАРНИНГ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

The article presents the morphological features of the families of the breeding nursery on a natural infected wilted background. The T-526, T-888, T-2014, T-2015 and T-2017 families surpass the standard variety Namangan-77 in early ripeness, fiber yield and quality, box size, and 1000 seed weight. Especially, all families exceeded the standard variety Namangan-77 for resistance to life.

*Gossypium L.* турининг полиморф туричи хилма-хилллиги қимматли генетик ресурс манба ҳисобланиб, амалдаги ва янги истиқболли навлар белгиларини яхшилашда катта қизиқиш ўйготади. (А.А. Абдуллаев ва б.

Янги ғўза навларини яратиш – узун ва кўп меҳнатли жараён. Селекция ишини самарадорлигини ҳамда унинг натижавийлигини ошириш ҳар бир селекционер олдида долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда турли касалликларга бардошли, шўрланишга ва сув танқислигига бардошлиларни оширувчи янги генларга эга бўлган ғўза генофондини кенгайтириш талаб этилади.

Иккисодий самарадорлик ва ижтимоий муҳимлик нуқтаиназаридан қарайдиган бўлсак, ғўза навларининг асосий мезонлари бу тезпишарлик ва ҳосилни юқори суръатда пишиб етилишидир.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, тезпишарлик – бу энг асосий белги ҳисобланиб, ушбу белгини яхшилашда мақсадли селекция ишлари олиб борилади. У билан ҳосилнинг саломги, пахта хом ашёси ва толанинг сифати ҳамда ўззанинг механизацияга мослашганлиги ва бошқа қимматли белгилари аниқланади. Сўнгги 12 йил ичida 19 та районлашган ғўза навлари ичida пишиш муддатлари ўртача 5-7 кунга қисқарди. Ундан ташқари яратилган истиқболли навлар эса янада юқори тезпишарликка эга эканлиги аниқланган.

Пахтачиликда асосий долзарб муаммо – бу ўсимликларни касалликлардан, биринчи навбатда вилт касаллигидан ҳимоя қилишдир. Сўнгги 22 йил ичida селекционерлар томонидан 196 та нав яратилди. Улардан 55 таси турли йилларда Давлат реестрига киритилиб, Республиканинг турли вилоятларида экиш

учун тавсия этилган. Бунда асосий эътибор вертиципллэз ва фузаризов вилт касаллиги ва бошқа касалликларга юқори комплекс бардошли, тола сифати халқаро бозор талабларига жавоб берадиган навларни яратишга қаратилган.

Вилтнинг тола сифатига салбий таъсирини бартараф этиш учун комплекс агротехник тадбирлар билан бирга вилтга қарши етишириш технологияси биргаликда қўлланилиши натижасида бир қатор қимматли хўжалик белгиларига ва тола сифатига эта, аналог навлардан тола зичлиги, нисбий узилиш кучи ва микронерий бўйича устун бўлган навлар олинган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касаллигига бардошли навларни яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Вилт билан табиий заарланган фонда олиб борилган тажрибамиизда 1 йил селекцион кўчатзорда 7 та тизма тезпишарлиги, бир дона кўсақдаги пахта хомашёси вазни, 1000 дона чигит вазни, тола сифати ва вилт касаллигига бардошлилиги бўйича ўрганилди (жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларда тезпишарлик белгиси селекцион тизмаларда турлича бўлиб, бу кўрсаткич 107 кундан 114 кунни ташкил этди. Айниқса, Т-2014 (109 кун) ва Т-2015 (107 кун) тизмалари бошқаларга нисбатан ўта тезпишарлики намоён этди. Барча тизмалар андоза навдан 3-9 кунга эртапишар эканлиги кузатилди.

Бир дона кўсақдаги пахта хомашёси вазни кўрсаткичи тизмаларда 5,3 граммдан 6,5 граммни ташкил этиб, андоза навдан (5,3гр.) устунликни намоён этди. Энг юқори кўрсаткич Т-2015 ва

Т-2016 тизмаларда намоён бўлиб 6,0-6,5 гр.ни ташкил этди. Фақатниа Т-2014 тизмасида бу кўрсаткич андо-за нав кўрсаткичи атрофида бўлди.

Тола чиқими белгиси бўйича Т-526, Т-888, Т-2014, Т-2015 ва Т-2017 тизмалари андоза навдан юқори кўрсаткичини намоён этиб, бу кўрсаткич 35,7% дан 37,3% ни ташкил этди. Қолган тизмалар (Т-717 ва Т-2016) андоза навдан 0,8% гача паст кўрсаткичда бўлди. Т-717 ва Т-2016 тизмалари 1000 дона чигит вазни андоза навга ва барча тизмаларга нисбатан юқори кўрсаткичда (131-133 гр.) бўлганлиги сабабли тола чиқими паст кўрсаткичини намоён этди. Т-888 ва Т-2015 тизмаларда 1000 дона чигит вазни андоза нав кўрсаткичи атрофида бўлиб 120-122 гр.ни ташкил этди.

Тола узунлиги, микронейр ва тола зичлиги кўрсаткичлари Т-2014 ва Т-2015 тизмаларида андоза навга нисбатан юқори кўрсаткичда бўлиб, тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ жавоб беради. Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш жоизки, кўп йиллик танлов ишларини олиб бориш на-тижасида яратилган тизмаларни аксарияти андоза навдан ўзининг тезпишарлиги, бир дона кўсақдаги пахта хомашёси вазнининг

Жадвал

**Селекцион кўчатзоридаги тизмаларнинг морфо-хўжалик белгилари.**

№	Нав ва тизмалар	Тезпи шарлик, кун	Кўсак вазни, г.	Тола чиқими %	Тола узунлиги, мм	1000 дона чигит вазни, г.	Вилт билан зарарланиш, %.		Толанинг сифат кўрсаткичлари		
							Умумий	Шу жум. кучли зарар.	Mic.	Str.	Len.
1	Наманган-77 (St)	116	5.3	35.5	33.1	120	60	36	4.9	32.3	1.13
2	T-717	113	5.9	34.7	32.8	133	15	6	4.9	32.9	1.15
3	T-526	112	5.8	35.7	32.4	130	13	3	4.6	32.8	1.17
4	T-888	114	5.6	35.7	32.2	122	8	2	4.9	31.6	1.15
5	T-2014	109	5.3	37.3	33.8	113	10	4	4.4	33.6	1.20
6	T-2015	107	6.0	36.1	33.0	120	11	-	4.8	31.7	1.16
7	T-2016	110	6.5	34.7	32.3	131	9	2	4.8	31.7	1.12
8	T-2017	111	5.8	36.4	32.4	128	6	-	4.8	32.8	1.16

юқорилиги, вилт касаллигига нисбатан бардошлилиги ва юқори тола сифатига эга эканлигини инобатга олиб, улардан келгусида рақобатбардош бўлган янги фўза навларини яратиш мумкин.

**Я.БАБАЕВ,**  
к.х.ф.н., кат.и.х.,

**Г.ОРАЗБАЙЕВА,**  
к.и.х.,

**ПСУЕАИТИ,**

**М.МИРАХМЕДОВ,**  
б.ф.н., доц.

**Р.БАРДИЕВА,**  
магистр,

Ўзбекистон Миллий университети.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Абдуллаев А.А., Ризаева С.М., Эрназарова З.А., Абдуллаев Ф.Х., Эрназарова Д.К., Аманов Б.Х., Арсланов Д.М., Муминов Х.А., Рафиева Ф.У., Сирожаддинов Б.А. Изучение морфо-биологических особенностей и наследования ценных признаков у межвидовых гибридов  $F_2$  и  $F_1B_1$ . “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши истиқболлари”. Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари тўплами. Тошкент, 2015 йил, 15-16 декабр. 60-63 бетлар.

УЎТ: 631.511:551.58.055

## **ЎРТА ТОЛАЛИ ФЎЗА НАВЛАРИНИНГ МОРФО-ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ГАРМСЕЛНИНГ ТАЪСИРИ**

In this paper presents results of researches on impact of natural hot wind on row of cotton varieties created by scientists of Uzbekistan. It has been established that among 35 varieties and cotton lines studied in the conditions of the natural hot wind, plants of the varieties Bukhara-6, C-6541, Namangan-77, Andijan-37, Kupaysin, Istiklol-14, Dzharkurgan retained from 61.4% to 71.3% of yield elements and varieties C-9082, Beskakhramon, Termez-256, Kupaysin, Barhayot, Istiklol-14, Namangan-77 and UzFA-703 showed high productivity. These varieties can be attributed to the relatively resistant to hot wind.

Дунёда ва мамлакатимизда экстремал ҳолатларнинг тез-тез такрорланиб туришини инобатга олиб, ҳозирги кунда тезпишар, серҳосил, ташки мухитнинг кескин ўзгарувчан омилларига, касаллик ва зарар-кунандаларга бардошли, сув таъкислиги шароитларида етиширишга мос, энг муҳими, тола сифати ва чиқими кўрсаткичлари юқори бўлган фўза навларини тезроқ яратишни талаб этади. Агар бунга ҳар соҳада қатъий чоралар кўрилмаса, иқлим ўзгаришига кейинги мослашиб катта сарф-харажат ва ҳаракатларни талаб қилиши мумкин.

Маълумки, республикамизниң жанубий ва қисман марказий худудларида, яъни Сурхондарё Қашқадарё, Бухоро, ва Навоий вилоятининг пахта майдонларига гармсеп катта зарар етказмоқда. Натижада, ушбу худудларда пахта ҳосилдорлиги 20% ва кўпроқ миқдорга камаймоқда.

Гармсеп ҳодисасини тўлиқроқ ўрганиш мақсадида ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС (Собиқ ЎзПИТИ нинг Сурхондарё филиали)да табиий гармсеп шароитида “Oregon” кичик мобил метеостанциясидан

фойдаланиб, об-ҳавонинг ўзгариш параметрлари ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, июл ва август ойи давомида ҳаво ҳароратининг қиймати эрталаб соат 9<sup>00</sup> дан 40<sup>00</sup>С га яқинлашиб, кейинги соатларда гармсеп таъсирида 40<sup>00</sup>С ва ундан юқори сакланиб туриши ва бу ҳолат кеч соат 17<sup>00</sup>-18<sup>00</sup> гача давом этиши аниқланди. Шу вақтда ҳаво нисбий намлигининг фоиздаги миқдори эрталаб соат 8<sup>00</sup> да 14-34 %, 9<sup>00</sup> да 11-25 %, 10<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача 8-14% да сакланиб туриши кузатилди.

Ушбу тадқиқотларимизда районлашган, истиқболли деб топилган, ДНС да синалаётган, ҳамда янги фўза навлари ва тизмалари ичидан гармсепга бардошли бўлганларини аниқлаш, ажратиб олиш ва экиб синаб қўриш мақсадида 35 та нав ва тизмалар устида илмий изла-нишлар олиб борилди.

Табиий гармсеп шароитида тадқиқотларга жалб қилинган навлар ва тизмаларнинг ўсуб ривожланиши ва ҳосил органлари шаклланиши бир-биридан сезиларли фарқ қилиши кузатилди ва бу уларнинг биометрик белгиларида ўз аксини топди.

Нав ва тизмаларнинг ҳосил элементлари сақлаб қолишини аниқлаш натижаларини таҳлилига кўра, (1 июль ҳолатига) нав ва тизмалар ўртача 13,3 донадан 24,0 донагача ҳосил элементлари тўплаганлиги, ўта эртапишар навларда 3,6 донагача кўсаклар пайдо бўлганлиги, 1-июлгача шоналар тўкилиши барча навларда жуда кам (ўртача 0,9 донагача) эканлиги аниқланди.

Июл ойида гўза генератив органларининг шаклланиши кучайиб, шоналаш фазаси ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. 1-август ҳолатига бир ўсимлика ўртача 16,2 донадан 45,2 донагача шона, тул ва кўсаклар тўплаганлиги аниқланди. Июл ойининг кейинги ярмидан бошлаб шоналар ва гуллар тўкилиши ҳам кучайганлиги ва 1-августга келиб бир ўсимлика ўртача 4,4 донадан (Бухоро-6) 15,2 донагача (С-9082) тўкилганлиги, шу санада сақланиб қолган ҳосил элементлари ўртача 11,8 донадан 29,6 донагача, уларнинг 9,9 дан 22,8 донагача кўсаклар эканлиги қайд этилди. “Бухоро-8”, “Бухоро-6”, “Келажак”, “Султон”, “Кўпайсин”, “Андижон-37”, “Жарқўргон” навларидан шона ва гуллар камроқ (34,3-47,7%), С-8284, “Пайту”, “Бўстон”, С-8286, С-8290, Л-588 тизмаси ва навларидан кўпроқ (42,1-59,7%) тўкилганлиги маълум бўлди. Фақат ўртапишар “Бухоро-102” ва “ЎзФА-703” навларида бошқа навларга нисбатан кўпроқ (49-50%), шунингдек, “С-6541”, “Андижон-37”, “Бухоро-6”, “Жарқўргон”, “Истиқпол-14”, “Наманган-77”, “Кўпайсин” навларидан ҳосил элементлари нисбатан кам (28,7-38,6%) тўкилганлиги бу навларнинг келиб чиқиши ва ирсий имкониятларига боғлиқ эканлигидан дарак беради.

Тезпишарлик белгилари билан гармсегла бардошлилиги ўртасидаги боғланиши аниқлаш мақсадида, тезпишарликнинг асосий унсури бўлган ўсимликларнинг униб чиққандан 50% гуллаши таҳлил этилганда, С-8284 нави 54,7 кунда, С-2510 В ва С-8290 навлари 55,2 кунда, Истиқпол-14 нави ва Л-588 тизмаси 55,5 кунда, Омад нави ва Л-7276 тизмаси 56,0 кунда, С-8286 ва Бўстон навлари 56,5 кунда, яъни эрта гулга кирганлиги, Бухоро-8 (63,2 кун), Андижон-37 (61,5 кун), Бухоро-6 (60,5 кун), Бухоро-102 (60,2 кун), ЎзФА-703 (60,2 кун) навлари кеч гулга кирганлиги аниқланди. Бухоро-8 ва Андижон-37 навлари андоза нав Бухоро-6 дан ҳам 1-2,7 кунгача кечроқ гулланлиги қайд этилди (2-жадвал).

Нав ва тизмаларнинг униб чиққандан 50% кўсакларнинг очилган санасини таҳлил қўлганимизда С-8284 (87,2 кун), Пайту (87,7 кун), Бешариқ-96 (87,7 кун), Бўстон (88,0 кун), Истиқпол-14 (89,2 кун), С-6775 ва С-9082 (90,0 кун), Наманган-77, С-8286, С-8290 ва Л-588 (90,7 кун) навлари ўта тезпишар эканликлари, Бухоро-8, Бухоро-6, Келажак, ЎзФА-703, Бухоро-102, Султон, Андижон-37, Кўпайсин ва Жарқўргон навлари эса синалаётган навлар ичida кечроқ пишганлиги маълум бўлди.

Ишимиизда нав ва тизмаларнинг бир кўсакдаги пахта вазни нав ва тизмаларнинг морфобиологиясига мос равишда шаклланганлиги кузатилди. Олинган натижалар таҳлилига кўра, Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Султон, С-2510 В, Жарқўргон, С-8284, Келажак, Омад навларида юқори (5,3-6,9 г) С-6541, Термиз-256, ЎзФА-703, С-9082, Умид, Чарос навларидан кичик (4,1-4,4 г) эканлиги аниқланди.

Навларни баҳолашда ётиборга олинадиган интеграт кўрсаткич бу бир ўсимлик маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Маълумотларига кўра, Наманган-34 (72,2 г), С-6541 (71,9), Чарос (70,2), Жарқўргон (72,2), С-9082 (72,0), С-8290 (66,6 г), Андижон-37 (66,3 г) ва Султон (65,8 г) навлари юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, биринчи андоза (Бухоро-6) навининг кўрсаткич билан деярли тенг ёки +5,3 г га, иккинчи андоза (Бухоро-102) навининг кўрсаткичидан +5,7 г дан +16,7 г гача юқори эканлиги аниқланди.

Бир ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи бўйича С-2510 В (46,9 г), Бешариқ-96 (45,5 г), Омад (48,1), Ибрат (49,4), Умид (49,0 г) навлари нисбатан паст кўрсаткич кўрсатиб, андоза навларидан -10,9 г дан -20,0 г гача кам маҳсулдорликка эга бўлди.

Сентябрь ҳосили бўйича С-9082, Бешқаҳрамон, Термиз-256, Кўпайсин, Барҳаёт, Наманган-77, Истиқпол-14 навлари бўлиб (43,1-39,2 ц/га), андоза Бухоро-102 навидан 4,8-8,7 ц/га кўп ҳосил тўплаганлиги маълум бўлди.

Ҳосил элементлари шаклланиш жадаллиги ва сақланиб қолиши

билан ҳосилдорликни таққослаб ўрганимизда, С-9082, С-8284, Умид, Истиқпол-14, С-8290, Наманган-34, Л-7276 ва С-6775 навлари ва тизмасида ҳосил элементлари сони ва тўпланиш суръати юқори, шунингдек, тўкилиши ҳамда сақланиб қолиши ҳам юқори бўлганни сабабли ҳосил миқдори бошқа навларга нисбатан кўп эканлигини қайд этиш лозим. Бу навларда ҳосил элементлари кўп тўплаганлигидан тўкилиши сезилип бўлса ҳам) юқори ҳосил олинди. Ҳосил элементларини кам ташлаган Бухоро-6, С-6541, Андижон-37, Жарқўргон, Келажак, Ибрат, Омад, Кўпайсин ва бошқа навларда ҳосил элементлари шаклланиши ва тўпланиши кам, яъни тўкилиши кам бўлишига қарамай ҳосилдорлиги юқори эмас. Бунга навларнинг нокулат тупроқ-иклим шароитига, қўлланилган агротехник тадбирларга муносабатини белгиловчи ўзига хос ички ирсий ва физиологик имкониятларининг намоён бўлиши даражаси сифатида қараш мумкин. Яъни бу каби навларда гармсеп ва жуда юқори ҳарорат кузатилган кунларда ҳосил элементлари жуда кам пайдо бўлганлиги қайд этилди (Жарқўргон, Бухоро-6). Шунингдек, барглар ва гул банди пайдо бўлишига қарамай шона боғламаган ҳолатлар (бўш ўринлар) сони навларда турли даражада эканлиги ҳам кузатилди.

#### Юқоридаги таҳлиллар натижасида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Илк бор табии гармсеп шароитида ўрганилган 35 та нав ва тизмалар ичидан С-8284, Бешариқ-96, Истиқпол-14 ва Пайту навлари униб чиққандан кўсакларнинг 50% очилиши 87,2-89,2 кунни ташкил қилиб, мазкур навлар тезпишарликни намоён этди.

2. Бир ўсимлика сақланиб қолган ҳосил элементлари бўйича Бухоро-6 (16,4 дона), С-6541 (25,6 дона), Наманган-77 (22,3 дона), Андижон-37 (22,6 дона), Кўпайсин (20,5 дона), Истиқпол-14 (24,0 дона), Жарқўргон (22,9 дона) навлари 61,4% дан 71,3% гача ҳосил элементларини сақлаб қолиб, табиий гармсегла нисбатан бардошли эканлиги қайд этилди.

3. Олинган натижалар таҳлилига кўра, табиий гармсеп шароитида Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Султон, С-2510 В, Жарқўргон, С-8284, Келажак, Омад навларидан бир дона кўсақдаги пахта вазни энг юқори (5,3-6,9 г) эканлиги аниқланди.

4. Табиий гармсеп шароитида энг юқори ҳосилдорликка С-9082, Бешқаҳрамон, Термиз-256, Кўпайсин, Барҳаёт, Истиқпол-14, Наманган-77 ва ЎзФА-703 гўза навлари эга бўлиб, мос равиша 43,1; 41,5; 39,8; 39,7; 39,6; 39,4; 39,4 ва 39,2 ц/га га ёки андоза Бухоро-102 навидан 4,8-8,7 ц/га юқори ҳосил тўплаганлиги аниқланди.

5. Гармсеп ҳодисаси шоналар пайдо бўлиши ва ривожланишига жуда катта салбий таъсир этиши, унинг натижасида шона пайдо бўлмай (боғланмай) қолиши, тўкилиши кучайганлиги, шунингдек, бунда турли навлар турли даражада зарар кўриши, бунга навларнинг шохланши типи, илдиз тизими ривожланиши, ўсув даври ҳам маълум аҳамиятга эга эканлиги, ирсий имкониятларининг намоён бўлишиларига доир илк маълумотлар олинди.

**С.РАҲМОНҚУЛОВ,**  
ЎзҚҲФА мухбир аъзоси, б.ф.д., профессор,  
**А.ДАНАБАЕВ,**  
қ.х.ф.н., к.и.х.  
**Х.ЖАЛОЛОВ,**  
қ.х.ф.ф.д., к.и.х., ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. 574-бет.

2. С.Раҳмонқулов, А.Аманов, А.Амантурдиеев, Ш.Намозов, Х.Жалолов. Гармсеп ва унине гўзанинг миқдорий кўрсаткичларига таъсир // “Турли экстремал шароитларга бардошли гўза ва беданинг янги навларини яратишда генетик-селекцион услублардан фойдаланиш” номли рес. илмий-амалий конф. Материаллари 32-тўплами. Тошкент, 2012.

## ҒЎЗАНИНГ ТЕТРАПЛОИД G.HIRSUTUM-L ВА ЁВВОЙИ G.PALMERII ТУРИНИ ЎЗАРО ЧАТИШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ

This article however, in combinations where cultivars belonging to the intraspecific varieties G.hirsutum L. participated as a father, they had a high percentage in relation to germination of full seeds.

Ғўзанинг *Gossypium* L. туркумига мансуб тур ва туричи хилмаликлар классификациясининг ҳанузгача тўлиқ ечилмаган ва мунозарали масалаларини ҳал этиш, турлараро хилма-хилмаликлигининг ўзаро филогенетик муносабатларини ўрганиш, алоҳида тур ва шаклларнинг биологик ва қимматли хўжалик белгиларидан фойдаланилмаган манбаларини селекция жараёнига татбиқ этиш имкониятларини аниқлаш долзарб муаммолардандир. Дурагайлаш жараёнида ҳосил бўлган кўсак ва кўсақдаги уруғларнинг тугилиши натижаларининг юкори ёки паст бўлиши, чатиштириша фойдаланилаётган тур ва шаклларнинг ўзаро филогенетик муносабатларига ҳамда генетик жиҳатдан узоқ-яқинлигини аниқловчи омиллардан биридир. Бу эса ўрганилаётган турларнинг генетик яқинлиги дурагайлаш натижаларининг самараси, яъни сунъий чатиштиришдаги тугилиш натижаларининг юкори ва паст бўлиши чатиштирища фойдаланилаётган тур ва туричи хилма-хилмаликларига мансуб шаклларнинг филогенетик жиҳатдан узоқ-яқинлигига боғлиқидир.

Дурагайлаш жараёнида ҳосил бўлган кўсак ва кўсақдаги уруғларда тугилиш натижаларининг юкори ва паст бўлиши чатиштирища фойдаланилаётган тур ва туричи хилма-хилмаликларига мансуб шаклларнинг филогенетик жиҳатдан узоқ-яқинлигига боғлиқидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Фўза систематикаси ва интродукцияси лабораториясининг “Дунёвий ғўза генофонди” коллекциясида сақланаётган ёввойи *G.palmerii* тури, *G.hirsutum* L. айрим туричи хилма-хилмаликларидан *subsp. mexicanum f.yucatanense*, *subsp. punctatum var. gambiya* шакллари ҳамда маданий “Келажак”, “Султон”, “Порлоқ-1” навлари тадқиқот учун асос қилиб олинди.

Илмий изланишларни амалга ошириш учун куйидаги успублардан фойдаланилди: туричи ва турлараро дурагайлаш, лаборатория ва математик таҳлилдан ўтказилди.

Олиб борилган тадқиқотларда *G.palmerii* турининг *G.hirsutum* L. туричи шакллари билан туричи ва турлараро яхши чатишиши, дурагай кўсаклар тугилиши

эса 30-90%, дурагай кўсакларда тўлиқ уруғ тугилиши эса 38,2-97,1% ни ташкил этганлиги аниқланди (1-жадвал).

Ўрганилган турлар, туричи хилма-хилмаликларини чатиштириша натижасида олинган дурагай комбинациялари 2 та гурухга бўлиб таҳлил қилинди. Турлараро ёввойи *G.palmerii* тури билан *G.hirsutum* L. туричи шакллари билан чатиштирилганда дурагай кўсаклар тугилиши 30,0-90,0% ни, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиши 52,4-96,3% ни ташкил этди.

Ўрганилган дурагай кўсаклар ва улардаги тўлиқ уруғлар тугилишининг юкори кўрсаткичлари ёввойи *G.palmerii* x Келажак комбинациясида кузатилди (мос равишида 80,0-84,4%). Аксинча, дурагай кўсаклар тугилишининг паст кўрсаткичи (30,0%) *G.palmerii*

1-жадвал

$F_0$  дурагай кўсакларининг ва кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилишининг фоизи

№	Дурагай комбинациялари	Чатиштиришлар сони	Тугилган кўсаклар сони	Кўсак тугилиши, %	Тўлиқ уруғлар тугилиши фоизи, %			
					$\bar{x} \pm S \bar{x}$	Limit	S	V %
<b>Турлараро дурагайлаш</b>								
1	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i> x <i>G.palmerii</i>	10	5	50,0	96,3±1,6	89,2-100,0	5,1	5,3
2	<i>G.palmerii</i> x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i>	10	3	30,0	86,0±2,9	76,9-100,0	9,2	10,7
3	<i>G.palmerii</i> x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i>	10	6	60,0	85,4± 6,5	75,4-100,0	23,2	26,1
4	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i> x <i>G.palmerii</i>	10	5	50,0	78,2± 0,57	76,3-80,1	1,6	1,9
5	<i>G.palmerii</i> x Султон	10	4	40,0	92,4±1,3	93,8-100,0	4,1	4,4
6	Султон x <i>G.palmerii</i>	10	9	90,0	52,4±3,8	38,4-64,2	12,0	23,0
7	<i>G.palmerii</i> x Келажак	10	8	80,0	84,4± 7,6	76,6-100,0	24,4	28,4
8	Келажак x <i>G.palmerii</i>	10	8	80,0	55,1± 5,8	33,3-78,1	18,4	33,5
9	Порлоқ-1 x <i>G.palmerii</i>	10	9	90,0	65,3± 2,8	50,0-72,4	8,9	13,6
10	<i>G.palmerii</i> x Порлоқ-1	10	8	80,0	85,3± 0,98	82,0-90,0	3,1	3,6
<b>Туричи дурагайлаш</b>								
11	Султон x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i>	10	4	40,0	61,3± 0,86	55,9-72,0	7,2	11,7
12	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i> x Султон	10	4	40,0	95,0±0,93	95,2-100,0	2,9	3,0
13	Келажак x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i>	10	8	80,0	38,2±0,98	15,3-54,1	3,0	8,0
14	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i> x Келажак	10	8	80,0	66,6±6,1	50,0-100,0	19,4	29,1
15	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i> x Келажак	10	5	50,0	91,0± 2,6	82,1-100,0	8,3	9,2
16	Келажак x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i>	10	7	70,0	66,7± 1,6	60,7-62,1	5,1	7,7
17	Султон x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i>	10	4	40,0	65,9± 1,1	60,0-70,0	3,7	5,7
18	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i> x Султон	10	5	50,0	88,4±1,7	80,0-94,0	5,5	6,2
19	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i> x Порлоқ-1	10	8	80,0	97,1± 1,5	94,1-100,0	4,9	5,0
20	<i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. punctatum</i> var. <i>gambiya</i> x <i>G.hirsutum</i> L. <i>subsp. mexicanum f.yucatanense</i>	10	3	30,0	76,2± 0,49	74,1-78,2	1,5	2,0

x G.hirsutum L. subsb.mexicanum f.yucatanense комбинациясида кузатилди. Дурагай кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи юқори (92,4-96,3%) бўлди. Гўзани G.palmerii тури билан ўзаро чатиштирилганда, дурагай кўсаклар тугилиш фоизи (30,0-60,0 %) ва улардаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи (85,4-92,4%) эканлиги аниқланди.

Ўрганилган G.hirsutum L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро чатишиши, дурагай кўсак ва кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи 30,0-80,0%; 38,2-97,1% га тенг бўлди. Чатиштириш на-тижасида олинган G.hirsutum L. subsb.mexicanum f.yucatanense x Порлок-1 комбинациясида дурагай кўсаклар тугилиши юқори 80,0 % ни, кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиши ҳам юқори 97,1 % ни ташкил этди. Бундан ташқари, G.hirsutum L. subsp.punctatum var.gambiya x G.hirsutum L. subsb.mexicanum f.yucatanense шаклларини чатиштирилганда тугилган дурагай кўсаклар фоизи энг паст (30,0%) ва Келажак x G.hirsutum L. subsp.punctatum var. gambiya комбинациясида кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи бўйича энг паст кўрсаткини (38,2%) қайд этди.

**УЎТ: 633.511.**

## “РАВНАҚ-2” ГЎЗА НАВИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИДА НАВ БЕЛГИЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

According to the statistic analyze, considerable variations on the traits of fiber output and fiber length were identified in the variety nurseries of elite seed reproduction. The index of coefficient on the fiber output was considerable (44/5%), by this have been determined the possibility of samples selection with 40% of fiber output and its consolidation in the progenies. Selection of selected seeds from the 39.9 to 40.2% of fiber output recommended for improving of stability on the traits of fiber output and also for enhancing seed production efficiency.

Тадқиқотда Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан маркерларга асосланган селекция технологияси асосида яратилган “Равнақ-2” гўза нави танлаб олинди. Равнақ-2 гўза навининг морфо-биологик белгилари: вегетацион ривожланиш даври 110—115 кун, ўсимликнинг бўйи 100—110 см, поясининг шакли конуссимон, шохланиши 1-2 тип, пояси ўртacha тукланган, биринчи ҳосил шохи (hs) 4-5 бўғинларидан бошланган, барги ўртacha катталиқда 5 панжали, гули ўртacha катталиқда, кўсаги йирик юмалоқ учли ва аксарияти 5 чаноқдан иборат, ҳосилдорлиги - 45 ц/га, тола чиқими — 38—39 фоиз, толанинг штапел узунлиги 37,0—38,0 мм, солишиб оғирлик кучи — 34г/текс, бир дона кўсақдаги пахта вазни 7,2—7,6 г., 1000 дона чигит вазни — 140 гр, толанинг узунлиги дюмда (Len) — 1,18, микронейри — 4,3 ни ташкил этиб, толаси III—IV саноат типига мансуб.

Тажриба Геномика ва биоинформатика марказининг махсус уруғчиллик хўжалиги даласининг 1-йил уруғ кўпайтириш кўчатзорларида 10 метрдан 90x20x1 схемасида жойлаштирилиб экилди. Равнақ-2 гўза навининг вегетация даврида фенологик тадбирлардан: униб чиқиш, биринчи чинбарг ҳосил бўлиши, гуллаш ва пишиб етилиш фазалари дала дафтарларига қайд қилиниб борилди. Пишиб етилган даврида бирламчи уруғ кўпайтириш кўчатзоридаги ўсимликлардан юқорида санаб ўтилган морфо-биологик белгиларига мос келувчи, яъни навдор ўсимликлари белгилаб чиқилди. Бу ўсимликлардан кўпайтириш кўчатзори бўйича 200 та якка танлов учун тўлиқ пишиб етилган чаноқли пахталар териб олинди. Териб олинган якка танловларнинг пахталари лаборатория шароитида толасининг ранги, чигитининг туклилиги, ва шакли бўйича навининг морфо-биологик навдорларига мос келмаганлари ҳам

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатди, туричи ва турлараро дурагайлаш натижалари, G.hirsutum L. туричи хилма-хилликларига мансуб маданий навлар ота сифатида иштирок этган комбинацияларда тўлиқ уруғ тугилиш фоизи юқори бўлиши билан ажралиб турди.

**Б.ГАППАРОВ,  
Б.АМАНОВ,  
С.РИЗАЕВА,**

ЎзР Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий ходимлари.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А.А. Эволюция и систематика полиплоидных видов хлопчатника. - Ташкент: Фан, 1974. - С. 5-80.


2. Эрназарова Д.К. Внутри- и межвидовое филогенетическое родство разновидностей *G.hirsutum L.* и *G.tricuspidatum Lam.*: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. - Ташкент: АН Р Уз ИГиЭБР. 2008. - С. 7-10.

чиқитга чиқарилди. Натижада, 200 та якка танловларнинг 197 тасида тола чиқими ва тола узунликларининг статистик вариацион таҳлили амалга оширилди.

Статистик вариацион таҳлил маълумотларидан кўриниб турибди, тола чиқими бўйича 197 та якка танлов намуналари ўзларининг вазнлари бўйича 10 та синфи ташкил этди (жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, якка танлов намуналарида тола чиқими бўйича учраш эҳтимоли (частотаси), оптималь вариантлари 39.3 дан 40.2 фоизгача эга синфларда (57 ва 34 та) учрайди. Чунки, вариацион таҳлил натижаси 95 фоизлик кузатиш эҳтимолида умумий ўртacha интервали  $40.2 \pm 37.7\%$  оралигидалигини курсатиб берди. Бунда, танлов ўртачасининг абсолют хатоси 6,3 фоизни, нисбий хатоси 1,6 фоизни, тола чиқими фоизидаги тафовут (вариация) коэффициенти 44,5 фоизни ташкил этди.

Статистик вариацион таҳлили натижасига кўра, Равнақ-2 гўза



навининг уруғ кўпайтириш кўчатзоридаги ўсимликларидан териб олинган намуналарида тола чиқими ўзгарувчанлиги график кўринишида кўйидаги кўринишни ташкил этади (расм 1).

Илмий тадқиқотимиз натижасида кўйидагича холосаларга келдик:

1. Равнақ-2 гўза навининг бирламчи уруғ кўпайтириш кўчатзори ўсимликларига якка танлов намуналарида тола

чиқими ва тола узунликлари бўйича аҳамиятли ўзгарувчанликлар мавжуд. Бунда тола чиқимидаги вариация тафовути аҳамиятли кўрсатгичга (44.5%) эга бўлиб, 40 фоизлик намуналарни ташлаш ва авлодларида мустаҳкамлаш имконияти борлигини ҳам кўрсатмоқда.

2. Уруғларини кўпайтириш жараёнида навнинг тола чиқими бўйича барқарорлигини яхшилаш хамда уруғчилиги самара-дорлигини оширишда, тола чиқими 39.3 фоиздан 40.2 фоизгача бўлган намуналар чигитларини экиш учун танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

### Равнақ-2 ғўза навининг уруғ кўпайтириш кўчатзоридан олинган якка танловларида тола чиқими вариацияси

Синфлар	36.0	36.5	37.0	37.5	38.0	38.5	39.0	39.5	40.0	40.5
Синфлар чегараси	35.8-36.2	36.3-36.7	36.8-37.2	37.3-37.7	37.8-38.2	38.3-38.7	38.8-39.2	39.3-39.7	39.8-40.2	40.3-40.7
Намуналар	1	1	9	8	21	27	37	57	34	2

**К. МИРЗОЁҚУБОВ,**  
кичик илмий ходим,  
**Ш. МАМАНАЗАРОВ,**  
кичик илмий ходим,  
**Й. МУҲАММАДОВ,**  
кичик илмий ходим,  
**Н. ХУСЕНОВ.**  
таянч докторант.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқадиров Д.А. *Хусусий селекция*. Тошкент. 2007, 506 бет.
2. Ким Р.Г, Марупов А.И. Влияние различных географических изолятов (штамм) *Vertrilium Lihlias Kleb* вилтоусойчивостью сортов и мний вида *G. Hirsutum L.* Материалы меж. д. Научный конф. "Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других культур" посвящённой 95-летию со дня рождения академика Г.С. Садыкова, Ташкент. Фан. 2005 г. с. 113-114.
3. Амантурдиев Ш.Б., Тореев Ф.Н., Авлонова Н.У., Якубов М.М. Изменчивость признака "Всего коробочек на одном растении" у межвидовых гибридов  $F_1$ - $F_2$  хлопчатника. "Селекция ва уруғчилек соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши истиқболлари". Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2014, йил, 18 декабрь. Стр. 18-22.

**УДК: 633.51:575:631.52**

## ЭНЕРГИЯ ПРОРАСТАНИЯ И ВСХОЖЕСТЬ СЕМЯН У МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА

**Many useful genes of wild relatives of cotton are almost lost in the process of long-term selection and increasing cultivation of breeding varieties. All this dictates the need to look for new genotypes with useful traits.**

**For conducting breeding genetic studies and obtaining interspecific hybrids, it is advisable to use the wild polyploid species *G.tomentosum* with the species *G.hirsutum L.*, since they freely intersect and give full-fledged hybrid seeds.**

Многие дикие формы хлопчатника обладают уникальными признаками, такими, как иммунитет к болезням и вредителям, засухо- и холодоустойчивость, листопадность, высоким качеством волокна (крепость и тонина) и другими. Географически отдаленная гибридизация диким видом *G.tomentosum* с рудеральными и культивируемыми формами относящихся виду *G.hirsutum L.*, осуществляется значительно легче, чем гибридизации с дикими видами относящимися к разным геномам, т. к. в первом случае снимаются проблемы нескрещиваемости и стерильности гибридов первого поколения. Однако, чтобы передать культивируемым сортам и рудеральным формам положительные признаки дикой формы *G.tomentosum* необходимо, прежде всего хорошо изучить их биологию.

Исследования в этом направлении позволили получить важные результаты о подборе родительских форм с участием полиплоидным видом *G.tomentosum Nutt ex Seem* в скрещиваниях при создании фертильных гибридов, а также установлении степени генетического родства с видом *G.hirsutum L.*

Исследования проводились в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника.

Для гибридизации в тепличном услов-

ии были высажены дикие рудеральные и культивируемые формы, а также альтернативные формы и сорта по признакам опушненности. В качестве исходных родительских форм были использованы следующие образцы:

*G.tomentosum Nutt ex seem*. Гавайские острова.

*G.hirsutum ssp punctatum*. Мексика.

*G.hirsutum C-6530*. НИИССАВХ.

*G.hirsutum MCU -5*. Индия.

*G.hirsutum 433*. Болгария.

*G.hirsutum L Acala sj-5*. США.

Дикие и полудикие формы, как растения строго фотоперiodичные выращивали в условиях укороченного 10-часового светового дня под черными полиэтиленовыми укрытиями до массового цветения по методу разработанным и предложенным Ю.И.Икрамова и др. (1991). Культивируемые формы высевались в обычных ус-

Таблица

**Энергия прорастания и всхожесть семян родительских форм, %**

№ пп	Родительские формы и их происхождение	Энергия прорастания	Всхожесть
1	<i>G.tomentosum Nutt. ex Seem</i> . - Гавайские острова	33.0	53.0
2	<i>G.hirsutum L. ssp. punctatum</i> - Мексика-Юкатан	20.0	32.0
3	<i>G.hirsutum L. Acala sj-5</i> - США	93,0	95,0
4	<i>G.hirsutum L. MCU-5</i> - Индия	99,0	99,0
5	<i>G.hirsutum L. C-6530</i> - Узбекистан	95,0	96,0
6	<i>G.hirsutum L. 433 (07860)</i> Болгария	86,0	92,0

ловиях. Семена дикие и полудикие формы имеют свойство каменистости, поэтому, были подвергнуты стратификации. После стратификации семена прорачивались в термостате при температуре 25° С и влажностью 60%. По мере появления проростков, семена высаживались в горшочки с земляно-перегнойной почвой. С появлением 1-2 настоящих листочков, растения высаживались в грунт. При этом проведен учет энергии прорастания и всхожести семян по ГОСТу.

При проведении селекционно-генетических исследований одним из важных этапов является изучение энергии прорастания и всхожести семян хлопчатника. Эта особенность еще большее значение приобретает при отдаленной межвидовой гибридизации с участием исконно диких иrudеральных форм. Так как дикие иrudеральные формы приспособлены к естественным условиям до нас дошли лишь те формы и виды которые выжили все неблагоприятные условия среды. В результате естественного отбора у этих форм семена стали "каменистыми". При неблагоприятных условиях эти семена могут находиться в почве несколько лет, а при появлении оптимальных условий (высокая температура и влажность) семена могли набухать и давать проростки. А такие условия встречаются в тропиках и субтропиках. Изучаемые нами формы тоже являются выходцами из тропиков и субтропиков.

Чтобы изучать характер наследования энергии прорастания и всхожести семян, а также формирования этих признаков при гибридизации, семена родительских форм и межвидовых гибридов  $F_1$ - $F_2$ - $B_1$ - $F_3$ - $B_1$ - $F_4$ - $B_1$  прорачивали в обычных оптимальных для культурных сортов условиях в термостате при температуре +26 С и влажности 60%.

Наши исследованиями подтвердился ранее установленный факт, (Абдуллаев 1966, Константинов 1967, Сайдалиев и др. 1982), что энергия прорастания и всхожесть семян дикой формы *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. иrudеральной формы, *G.hirsutum* L. ssp. punctatum в условиях нашего опыта было затруднено, причем эти показатели варьировали очень сильно. Энергия прорастания дикой формы *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. была очень низкой и этот показатель составил лишь 33,0%. А представитель вида *G.hirsutum* L. ssp. punctatum лишь 20,0%. В результате изучения выяснилось, что энергия прорастания этих форм хотя в начале была низкой, но если продолжать удерживание семян этих видов в оптимальных условиях, то на последующих этапах наблюдалось постепенное нарастание этих показателей до уровня сортов.

Так по сортам, которые были включены для гибридизации в частности у сорта *Acala sj* этот показатель был равен 93,0%, у индийского сорта *MCU-5*-99,0%, у сорта *C-6530*-95,0%, а у Болгарского сорта *433-86*,0%.

Почти аналогичную картину мы наблюдали по всхожести семян. Так, всхожесть значительно выше была у дикого вида *G.tomentosum* чем ожидалось и это составило 53,0%, а уrudеральной формы ssp.punctatum (02672) оно было равно 32,0%. Но и тут в последующих этапах наблюдений этот показатель доходил до уровня сортов. У изучаемых сортов всхожесть была равна у сорта *Acala sj-5* 95,0% у *MCU-5* 99,0%, у сорта *C-6530*

96,0% и у сорта *433* 92,0%. Эти показатели также были изучены и у межвидовых гибридов с участием выше перечисленных исходных родительских форм.

Так у гибридов  $F_1$  02672 x *G.tomentosum* энергия прорастания составляла 30,0%, что перевысило показатель средних двух родителей на +3,5%, а более высокий показатель мы наблюдали в комбинации *Acala sj-5* x *G.tomentosum*. В этой комбинации показатель был равен 71,0%, что явно свидетельствует влиянии материнского организма, т. е. сорта.

У остальных межвидовых гибридах  $F_1$ , где в качестве материнской формы участвовали сорта, мы наблюдали гетерозис. При этом показатель варьировал от 8,0 до 36,5%. По всхожести семян у вышеперечисленных гибридных комбинациях наблюдали гетерозис, за исключением комбинации  $F_1$  02672 x *G.tomentosum*, у которых отклонение от средних двух родителей составило 6,5%,

По остальным гибридным комбинациям этот показатель варьировал от 9,0% до +25,5%. Но, к сожалению мы не могли анализировать в  $F_1$  энергию прорастания и всхожести семян по обратным комбинациям из-за ограниченного количества семян, где в качестве материнской формы участвовала дикая форма *G.tomentosum*. *G.tomentosum* x *433* x *433* во всех остальных как при прямых, так и в реципрокных гибридах наблюдали значительное улучшение этого показателя.

При этом, по энергии прорастания отклонение от средних двух родителей колебалась от +14,0 до 32,0%, а по всхожести семян у гибридов  $F_4$ - $B_1$  она была в пределах от + 17,5 до 37,5%. У гибридов  $F_4$ - $B_1$ , энергия прорастания семян значительно понизилась в цифровых значениях. Это видимо, объясняется тем, что в результате выщепления появились растения с уклоном в сторону дикого вида *G.tomentosum* иrudеральной формы ssp. punctatum. По всхожести семян у гибридов  $F_4$ - $B_1$  наблюдалось нарастание показателя, за исключением гибридной комбинации (*G.tomentosum* x *C-6530*) x *C-6530*. В этой комбинации по всхожести семян отклонения от средних двух родителей составляла - 7,5. По остальным комбинациям наблюдался положительный гетерозис.

Исходя из выше изложенных анализов можно сделать заключение, о том что, для ведения селекционно-генетических исследований и получения межвидовых гибридов целесообразно использовать дикий полиплоидный вид *G.tomentosum* с видом *G.hirsutum* L., так как они свободно скрещиваются и дают полноценные гибридные семена. В последующих поколениях у межвидовых гибридов с участием *G.hirsutum* L. и *G.tomentosum* энергия прорастания и всхожесть семян повышается, и уже в 3-4 м поколении эти показатели доходят до уровня культивируемых форм и сортов, что важно для решения практических вопросов.

**Х. САЙДАЛИЕВ,**  
д. с. х. н., проф.,

**А. ХОЛМУРОДОВ,**  
канд. с. х. н.,

**А. БАКИРОВА**  
мл. н. с.,  
НИИССАВХ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Абдуллаев А.А., Омельченко М.В. Формообразование при отдаленной гибридизации видов хлопчатника секции *Magnibracteata*.— Ташкент: Фан, 1966. -141 с.
2. Вавилов Н.И. Значение межвидовой и межродовой гибридизации в селекции и эволюции. // Изв. АНССР, 1938. №3. -С.543-563.
3. Мирахмедов С.М. Внутривидовая отдаленная гибридизация хлопчатника *G.hirsutum* L. на вилтоустойчивость. —Ташкент: Фан, 1974. —188 с.
4. Сайдалиев Х., Холмуродов А., Халикова М. Использование вида *G.tomentosum* для улучшения хозяйствственно-биологических показателей вида *G.hirsutum* L.//—Ташкент: Навруз, 2014. -127 с.

## ҒЎЗА НАВЛАРИ ТОЛА МИКРОНЕЙРИГА ТАБИЙИ ГАРМСЕЛНИНГ ТАЪСИРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бўён пахта маҳсулотларини етишириш борасида янги техника ва технологиялар кенг кўлланилимоқда. Шунинг билан бирга, мамлакатимиз селекционерлари томонидан тезпишар, юқори ҳосилдор, тола сифати юқори ва турли хил экстремал шароитлар (шўрланиш, иссиқ шамол (гареммел) сув танқислиги, вилт касаллиги) га бардошли навлар муттасип ишлаб чиқаришига етказиб берилмоқда.

Пахта етишириш учун ўзиға хос иқлим шароитлари талаб қилинади. Ҳароратнинг юқорилиги, ҳавонинг қуруқлиги ва сувнинг етарли бўлиши билан уйғунлиги ҳар доим ҳам учрайвермайди. Ғўза асосан йирик дарёларнинг дельталарида етиширилади. Бундай дельталар АҚШнинг Мисисипи, буқоқ Хитой дарёлари, Хиндистоннинг Инда ва Ганг, мамлакатимизда Амударё ҳамда Сирдарё, Мирсда эса, Нил дарёсида мавжуд. Юқорида кўрсатиб ўтилган ташқари давлатларда бундай шароит қисман худудларда учрайди ва дунё пахтачилигига учнчалик катта рол ўйнамайди.

Усиш жойи ва шароитдан келип чиқиб, турли ғўза навлари бир-биридан тола сифати ва хусусиятлари бўйича сезизларни фарқ қиласи. Бирок, нав бу асосийи эмас, балки - ундан қандай сифатдаги тола олинишидир.

Ўзбекистонда дастлабки HIV тизимлари 1989 - 1990 йилларда пайдо бўлган ва 1993 йилдан бошлаб эса, унинг кўрсаткичлари республика стандартларига қисман киритилди. 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга ошириладиган тола сифатини баҳолаш ишлари тўлигича HIV тизимида аниқланмоқда. Ўлчовларни ўтказиш учун HIV тизими стандарт иқлум шароитларига жойлаштирилиши лозим. Ҳаво ҳарорати  $21 \pm 1^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик  $65 \pm 2$  фоиз ( $0,1^{\circ}\text{C}$  ли шкалага эга бўлган Астман психрометрида назорат қилинганда) ёки аниқлиги бўйича ҳароратни ва намликни  $6,75$  фоиздан  $8,25$  фоизгача чегарада ўлчовчи ускуналар билан эквивалент бўлиши лозим. Барча ҳисоблашлар HIV тизимининг ички микропроцессор дастурларида ҳар бир синов намунасида амалга оширилади ва параллел ўлчов натижалари бўлганда кўрсаткичининг ўртасаси кўрсатилади.

Бизнинг тадқиқотларимизда навларнинг микронейр кўрсаткичи бўйича ўрганилган 16 ва навларнинг маълумотлари келтирилди. Бунда навлар ўсимликларининг 1- ва 3-ярусларида микронейр

кўрсаткичлари бир-бири билан солиштириб ўрганилди.

Адабиётларда микронейр кўрсаткичи мезонлари: 3,0 дан паст бўлса - "жуда ингичка", 3,0-3,9 оралиғида – "ингичка", 4,0-4,9 оралиғида – "ўрта", 5,0-5,9 оралиғида – "дағал", 6,0 дан катта бўлса "жуда дағал" деб ажратилган (Б.Халманов ва бошк., 2012).

Маълумки, кейинги йилларда ҳалқаро тола бозорида толанинг микронейр кўрсаткичига қараб унинг харидоргирлиги белгиланади. Янни, мазкур белги бўйича толанинг типи белгиланади. Ҳозирги қабул қилинган андозаларга асосан белги бўйича 3,8 дан 4,8 гача микронейрга эга толалар талаб даражасида ҳисобланади.

Кейинги йилларда дунё бозорида толанинг микронейр кўрсаткичига олоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин, тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан яна бирни бу унинг нисбий узилиш узунлиги (Str) ва тола узунлиги дюйм (Len) кўрсаткичлари ҳам толанинг сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Толанинг микронейр кўрсаткичи "Бухоро-6" ва "Бухоро-102" навларидан мутаносиб равишда 4,4 ва 4,5 бўлса, "Истиқпол-14" навида бу кўрсаткич 4,0 ни ташкил этгани ҳолда фарқи 0,4 ва 0,5 га тенг бўлган. Шу каби фарқланиш назорат навларга нисбатан толанинг узилиш узунлиги 0,7 ва 3,2, ҳамда толанинг дюймдаги узунлиги бўйича ҳам фарқланиш мутаносиб равишда 0,13 ва 0,17 ни ташкил этди.

Маълумки, толанинг мажмуавий сифатини таърифлайдиган асосий ва муҳим кўрсаткичларидан бирни тола микронейрди. Шу боис микронейр кўрсаткичи маълум миқдордан ошса, тола шунча дағаллашади.

Биз тадқиқотларимизда навларнинг микронейр кўрсаткичи бўйича ўрганилган жами 16 та навларнинг маълумотлари келтирилди. Бунда навлар ўсимликларининг 1- ва 3-ярусларида микронейр кўрсаткичлари бир-бири билан солиштириб ўрганилди.

Тола микронейр кўрсаткичи навлардан олинган намуналар бўйича 3,8-5,3 оралиғида бўлиб, кўпчилик навларда ўсимлиқ яруси ошиши билан микронейр кўрсаткичи ҳам ошиши қузатилди. Ҳалқаро стандартлар талабларига кўра баҳоланганда "Бешқархамон" (5,2), "Наманган-77" (4,8), "С-8286" (4,7) навларнинг микронейр белгиси кўрсаткичи жуда юқорилиги бу навларнинг салбий жиҳати ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда ўрганилган "Истиқпол-14", "С-2118", "ЎзФА-703" навларнинг тола микронейри кўрсаткичи 4,0-4,2 оралиғида бўлиб, андоза "Бухоро-6" ва "Бухоро-102" ғўза навларнинг шу белги кўрсаткичидан -0,2; -0,5 гача паст бўлиб, жаҳон бозори андозалари талабларига тўлиқ жавоб бериши қузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимизда ўрганилган навларда микронейр кўрсаткичи 4,7-4,8 бўлган "Наманган-77", "Султон", "С-8286" навлари мазкур белгиси бўйича паст баҳоланиши мумкин.

**Ҳ.МАРДАНОВ,  
Ш.НАМАЗОВ,  
Р.ЮЛДАШЕВА,  
ПСУЕАИТИ.**

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, II том, Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат имлий нашриёти, 2001 й., -Б.574.

2. Халманов Б., Сайдалиев Ҳ. Микронейр таърифида шарҳ. // "Агро илм" журнали. Тошкент. -2012. №3(23), -Б.3.

3. Раҳмонкулов С., Жалолов Ҳ., Марданов Ҳ. Экстремал шароитларга бардошли ғўза гавларини жорий этиши – замон талаби // "Ўзбекистон қишлоқ хўялиги" журнали, Тошкент, 2017.№2 – Б.20-31.

**Ўрганилган навларнинг 2012-2013 йилларда ўрганилган ғўза яруслар  
бўйича тола микронейри кўрсаткичи**

№	Навлар	Нави тав- сифнома- сидағи	2012 йил			2013 йил		
			Ўсимлик яруслари			Ўртacha	Ўсимлик яруслари	
			I	II	III		I	II
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Бухоро-6	4,2-4,6	4,5	4,4	4,3	4,4	4,3	4,4
2	Бухоро-102	4,3-4,4	4,5	4,5	4,6	4,5	4,2	4,3
3	Бухоро-8	4,2-4,6	4,5	4,6	4,7	4,6	4,3	4,4
8	Султон	4,5-4,6	4,5	4,6	4,7	4,6	4,4	4,5
10	Бешқархамон	4,2-4,4	5,1	5,2	5,2	5,2	4,3	4,4
12	Наманган-77	4,3-4,7	4,8	4,8	4,7	4,8	4,4	4,5
13	C-6775	4,4-4,6	4,2	4,3	4,4	4,3	4,3	4,4
14	C-2510 В	4,3-4,5	4,4	4,3	4,2	4,3	4,4	4,5
15	C-8286	4,4-4,5	4,5	4,7	4,8	4,7	4,3	4,4
22	Истиқпол-14	4,0-4,2	4,0	4,0	4,1	4,0	4,1	4,2
25	C-9082	4,6-4,7	4,5	4,6	4,6	4,6	4,5	4,7
26	Жарқўргон	4,5-4,7	4,0	4,5	4,5	4,5	4,6	4,7
29	ЎзФА-703	4,1-4,4	4,1	4,2	4,4	4,2	4,2	4,2
30	Умид	4,1-4,3	4,1	4,1	4,1	4,1	4,2	4,3
31	C-2118	4,0-4,2	4,0	4,0	4,0	4,0	4,1	4,2
32	Термиз-256	4,4-4,5	4,4	4,5	4,5	4,5	4,4	4,4
	X <sub>уртacha</sub>					5,5		
	HCP <sub>(05)</sub>					2,99		

## ИНТРОГРЕССИВ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ТОЛА СИФАТИ

The article provides an analysis of data on individual indicators of the quality of fiber rings, ordered by the method of introducing hypertension. According to the study, the choice of quality of cotton fiber by the method of intrusive hybridization in the selection of cotton confirmed that it is possible to create cotton tapes that are very compatible with international standards.

Кўп йиллар давомида пахта толасининг сифатини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида турлараро дурагайлаш орқали тола сифати белгиси бўйича кенг миқёсдаги ўзгарувчанликка эришиш мумкинлиги аниқланган. Маълумотларга кўра, тола сифати мураккаб ирсий белги бўлиб, жуда кўп омиллар таъсирида шаклланади. Хусусан, ғўзанинг G.arboeum x G.anomalum турлараро дурагайларини G.hirsutum L. ва G.barradense L. турлари билан дурагайлаш орқали яратилган дурагай ўсимилкларда тола узунлиги, пишиклиги ва нафислиги яхшиланиши билан бир қаторда уларнинг ҳашарот ва касалликларга бардошлилиги ҳам ортганлиги қайд этилган.

Юкоридагиларни назарда тутган ҳолда, тадқиқотларимизда янги яратилган ғўза тизмаларида тола сифатини белгиловчи мухим кўрсаткичлардан ҳисобланган тола микронейри, узунлиги ва узилиш узунлиги каби кўрсаткичларнинг шаклланишини ўрганиш вазифаси кўйилди.

Янги ғўза тизмаларининг дала тажрибалари “Пахта селекцияси, уруҷилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти” нинг “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида, тола сифатини аниқлаш эса, “Сифат” марказида HVI лабораториясида амалга оширилди. Тадқиқот обьекти сифатида лабораторияяда аввалги йилларда яратилган интрогресив ғўза тизмаларидан фойдаланилди.

Маълумки, пахта толасининг микронейр кўрсаткичи халқаро мезонларга асосан қуйидаги гурухларга ажратилади:

3,7-4,2 интервали “мукофотли оралиқ”,  
3,5-3,6 ва 4,3-4,9 интерваллари “асосий оралиқ”,  
3,4 дан кам ва 5,0 дан юқори кўрсаткичга эга бўлса, “чегирмали оралиқ”.

Халқаро пахта толаси бозорида толанинг нархи ва сифатини белгилашда унинг майнинглиги, ёки микронейр кўрсаткичига асосий эътибор қаратилишини инобатга олиб, турлараро мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган янги интрогресив ғўза тизмалари толасининг микронейр кўрсаткичининг шаклланишини ўргандик.

Олинган натижалардан (жадвал) кўриниб турибиди, янги яратилган ғўза тизмалари орасида ЛЦГ-2018/XCA тизмаси энг яхши (3,5), ЛЦГ-22/06 тизмаси эса, нисбатан юқори (4,8) тола микронейрига эга экан. Шунингдек, ўрганилган МД-02, ЛЦГ-2018/TP, ЛЦГ-2018/TPa ғўза тизмаларининг микронейри бир хилда 4,0 га тенг бўлганини, ЛЦГ-4/06, ЛЦГ-3/06, Т-267, Т-507 тизмалариники 4,1-4,4 оралиқда жойлашганини, ҳамда андоза “C-6524” навининг микронейр кўрсаткичи 4,3 эканлиги, яъни барчаси “мукофотли оралиқ” талабларига тўлиқ жавоб берishi мумкинлигини қайд этиш керак.

Толанинг нисбий узилиш кучи (Str) унинг сифатини белгиловчи мухим кўрсаткичлардан бири эканлигини инобатга олиб, тадқиқотларимизда ўрганилган тизмаларга ушбу кўрсаткич бўйича ҳам баҳо бердик. Халқаро андозаларга асосан, нисбий узилиш кучи кўрсаткичи бўйича толалар қуйидаги:

“Жуда пишиқ” -31

“Пишиқ” - 29-30

“Ўртача” - 26-28

“Оралиқ” - 24-25

“Кучсиз” <23 гурухларига ажратилишини таъкидлаш лозим.

Жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриниб турибди-

ки, янги яратилган интрогресив ғўза тизмаларининг барчаси андоза навга нисбатан солиштирма узилиш кучи бўйича юқори кўрсаткичларга эга.

Айниқса, солиштирма узилиш кучи бўйича ЛЦГ-2018/TP тизмасининг энг юқори кўрсаткич (32,9 г.к.текс), яъни халқаро мезонларнинг “жуда пишиқ” гурухига мансуб бўлгани қайд этилди. Шунингдек, МД-02 (31,3 г.к.текс), Т-267 (31,9 г.к.текс), ЛЦГ-22/06 (31,8 г.к.текс), Т-507 (31,4 г.к.текс), ЛЦГ-4/06 (31,3 г.к.текс) ва ЛЦГ-3/06 (30,9 г.к.текс) тизмалари халқаро андозаларга асосан, нисбий узилиш кучи кўрсаткичи бўйича кўрсатилган “жуда пишиқ” гурухига мансублиги аниқланди.

Ўрганилган ашёлар орасида ЛЦГ-2018/TPa тизмаси ва андоза С-6524 навлари толанинг нисбий узилиш кучи бўйича нисбатан паст (тегиши равиша 29,8 ва 29,1 г.к.текс. га) кўрсаткичларни намоён этган бўлса-да, қабул қилинган класификацияга асосан “пишиқ” талабларига жавоб берини таъкидлаш лозим.

Маълумки, қабул қилинган халқаро класификацияга асосан, пахта толасининг узунлигини ўлчашда юқори яримўртча узунлик бирлигидан кенг фойдаланилади. Юқори яримўртча узунлик кўрсаткичи бир дюймдаги энг узун толаларнинг ўртача 50% узунлигини кўрсатади ҳамда ушбу кўрсаткич калаванинг майин-

Жадвал

**Янги яратилган интрогресив ғўза тизмаларининг тола сифати кўрсаткичлари**

№	Тизмалар	Микронейр кўрсаткичи		Солиштирма узилиш кучи, г.к.текс		Тола узунлиги, дюйм	
		M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
1.	МД-02	4,03±0,12	6,85	31,3±0,38	2,79	1,25±0,01	3,13
2.	Т-267	4,30±0,11	5,93	31,9±0,54	3,83	1,25±0,01	2,73
3.	Т-507	4,44±0,14	7,40	31,4±0,29	2,08	1,24±0,01	2,87
4.	ЛЦГ-22/06	4,80±0,11	5,31	31,8±0,39	2,80	1,21±0,01	2,22
5.	ЛЦГ-3/06	4,16±0,16	8,77	30,9±0,43	3,18	1,25±0,00	1,33
6.	ЛЦГ-4/06	4,11±0,11	5,45	31,3±0,28	2,05	1,27±0,01	3,20
7.	ЛЦГ-2018/TP	4,04±0,09	5,13	32,9±0,49	3,35	1,25±0,01	3,55
8.	ЛЦГ-2018/XCA	3,46±0,16	10,34	30,2±0,38	2,83	1,29±0,01	2,48
9.	ЛЦГ-2018/TPa	4,02±0,06	3,69	29,8±0,56	4,24	1,24±0,02	4,55
10.	С-6524 (андоза)	4,30±0,10	5,45	29,1±0,69	1,50	1,10±0,69	3,35

лиги, пишиклиги, эшилувчанлиги ва йигириувчанлик самарадорлигига катта таъсири этади. Шунинг учун, тадқиқотларимизда янги яратилган интрогресив ғўза тизмаларига тола узунлиги бўйича ҳам баҳо берилди. Олинган маълумотлар янги яратилган барча интрогресив ғўза тизмаларининг тола узунлиги (дюйм) бўйича андоза нав “C-6524” кўрсаткичи (1.10)га нисбатан устунлигини кўрсатди. Белги бўйича тизмалар орасида энг юқори кўрсаткич ЛЦГ-2018/XCA (1.29) ва ЛЦГ-4/06 тизмаларида (1.27), нисбатан паст кўрсаткич эса, ЛЦГ-22/06 тизмасида намоён бўлди. Қолган тизмаларнинг тола узунлиги кўрсаткичлари ҳам юқори даражада III-IV-тип талаблари даражасида бўлганини таъкидлаш лозим.

Турлараро мураккаб дурагайлаш асосида янги яратилган интрогресив ғўза тизмаларининг айрим тола сифати кўрсаткичлари бўйича андоза С-6524 нави билан таққослаб ўрганиш натижасида қуйидаги хуласаларга келинди:

Янги ғўза навлари селекциясида тола сифатини яхшилаш учун турлараро мураккаб дурагайлаш услубининг самарадорлиги ҳамда ўрганилган интрогресив ғўза тизмаларининг

тола сифати кўрсаткичлари халқаро андозалар талабларига тўла жавоб бериши билан тасдиқланди.

Янги интровергесив ғўза тизмалари орасидан тола миқронейри бўйича ЛЦГ-2018/ХСА, МД-02, ЛЦГ-2018/ТР, ЛЦГ-2018/ТРа тизмалари, толанинг нисбий узилиш кучи бўйича ЛЦГ-2018/ТР, МД-02, Т-267, ЛЦГ-22/06, Т-507, ЛЦГ-4/06, ЛЦГ-3/06 ва тола узунлиги бўйича барча ўрганилган тизмалар андоза “С-6524” навидан устун эканлиги ҳамда юқори даражадаги III- ва IV-тип талабларига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Тола миқронейри, нисбий узилиш кучи ва узунлиги каби муҳим

кўрсаткичларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган ғўза навлари селекцияси борасидаги тадқиқотларда яратилган янги интровергесив ғўза тизмаларидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**Ш. НАМАЗОВ,**  
к.х.ф.д.профессор,  
**Д.ТОХИРБОЕВА,**  
**М.СОДИҚОВА,**  
тадқиқотлар (ТошДАУ),  
**С. МАТЕҚУБОВ,**  
таянч докторант, (ПСУЕАТИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бобоев С. Намазов Ш.Э. Муратов А. Ғўзанинг янги кўп геномли турлараро дурагайларида тола сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши. // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: Материалы Международной научно-практической конференции. Ташкент. 2006. С. 67-68.
2. Намазов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника. – Ташкент: “Nishon-Noshir”, 2014. 56-179 с.
3. Страумал Б.П. Генетика хлопчатника с основами селекции.– Тошкент, «ФАН», 1974. 27-29 с.

**УЎТ: 633.511/631.5**

## ЯНГИ ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ ЧИГИТЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИ

The seed germination of cotton varieties C-8295 and Kelajak in the condition of old irrigated typical sierozem soils of Tashkent province were presented in article.

Ҳар бир янги ғўза нави яратилар экан, уни Республикаизнинг турли тупроқ-икълим шароитларини инобатга олган ҳолда мақбул парваришлаш агротадбирлар тизимини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланади.

Тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтуда амалга оширилмоқда. Республикаизнинг марказий минтақаси Тошкент вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз тупроқлари шароитида янги ўрта толали ғўза навларидан “Келажак”, С-8295 навларидан юқори пахта ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқотлар олиб борилганда ЧДНСга нисбатан сугоришолди тупроқ намлиги, минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ва кўчкат қалинликлари тадқиқ қилинмоқда.

Тадқиқотларимизда ғўза навларининг экишдан олдинги лаборатория унувчанликлари термостатда 25°C га кўйилиб аниқланганда, чигитлар кузатувнинг С-6524 (назорат) ғўза навида чигитларнинг унувчанлиги кузатувнинг охирги 8-куни 93,2% ни, “Келажак” ғўза навида чигитларнинг унувчанлиги кузатувнинг охирги 8-куни 92,0% ни, “С-8295” ғўза навида охирги 8-куни 94,4% ни ташкил этди. Иккинчи усулда чигитларнинг лаборатория унувчанлиги ўрганилган ғўза навлари орасида энг юқори кўрсаткич “С-8295” ғўза навида 94,4% ни, энг паст кўрсаткич эса “Келажак” ғўза навида 92,0 % ни ташкил этганлиги кузатилди. Амал даври охирида турли сугориш ва озиқлантириш тартибларига боғлиқ ҳолда лаборатория унувчанлигини аниқлаганда “Келажак” ғўза навида ЧДНСга нисбатан 70-75-65 сугоришолди тупроқ намлигига нисбатан 65-65-60 сугориш тартиби ва маъдан ўғит меъёри эса 200-140-100 кг/га нисбатан 225-157,5-112,5 кг/га да яхши бўлганлигини, яъни 98% ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин. “С-8295” ғўза навида сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 сугориш тартибига нисбатан 70-75-65 сугоришолди

тупроқ намлигига лаборатория унувчанлиги 98,3% ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Жорий йилда ўрганилган ғўза навларининг ўсиш-ривожланиши бўйича кузатувлар олиб борилганда, ғўза навларининг сувга бўлган талабига кўра битта қонуният аниқланди. Жумладан, ўрганилган “С-8295” ва “Келажак” ғўза навларининг сувга бўлган талаби пастроқ эканлиги аниқланиб, юқори сугориш тартиби, яъни ЧДНСга нисбатан 70-75-65% сугориш тартибида ғўза бош поясининг ўсиши тезлашиши, бўйининг баландроқ бўлиши, кўпроқ биомасса тўплаши ва кўсаклар сони камроқ бўлиши қонунияти аниқланди. Ўрганилган ғўза навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларига турли сугориш ва озиқлантириш тартибларининг таъсири ўрганилди. Бунда “Келажак” ғўза нави учун сугоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % таъминланиши ва минерал ўғит меъёрларининг N-225, P-157,5, K-112,5 кг/га қўлланилиши мақбул эканлиги аниқланди ҳамда назоратга нисбатан 0,3 ц/га қўшимча ҳосил олинди. “С-8295” ғўза нави сугоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% сугориш тартиби ва минерал ўғит меъёрлари N-225, P-157,5, K-112,5 кг/га қўлланилган вариантда назорат вариантига нисбатан 5,0 ц/га ни ташкил этиб, энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Жорий йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, “С-8295” ғўза навининг сувга бўлган талаби юқори бўлиб, ушбу сугориш тартибларида ғўзанинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлганлиги кузатилди.

“Келажак” ғўза навида эса аксинча, яъни сувга бўлган талаби камроқ эканлиги кузатилиб, ғўза бош поя баландлигининг ошиши ва ҳосил элементларининг камроқ тўпланиши ҳисобига ҳосилдорлик кўрсаткичлари сугоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% сугориш тартибига нисбатан 2,5-3,4 ц/га кам бўлганлиги аниқланди. Ушбу тадқиқот натижалари асосида дастлабки хуносалар қилиниб, 2018

йилги натижаларга кўра, “Келажак” ғўза навида энг мақбул суфоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% ва “С-8295” ғўза навида эса ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суфоришолди тупроқ намлиги ҳамда ҳар иккала ғўза навида мақбул минерал ўғит меъёрлари N-225, Р-157,5, К-112,5 кг/га бўлиши аниқланиб, тадқиқотлар давом эттирилмоқда ва тадқиқот якуннида тезпишарлиги турлича бўлган ҳар бир

ўрта толали ғўза навлари бўйича парваришилаш агротехнологияси юзасидан агротавсиялар тайёрланиб, чоп этилиши режалаштирилган.

**Ф.ФОППОРОВ,**  
таянч докторант,  
**Л.МАМАТҚУЛОВА,**  
кичик илмий ходим, ПСУЕАИТИ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Авлиёқулов А.Э., Батталов А. ва бошқалар. “Бухоро-6” нави парвариши. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. - Тошкент, 5-сон, 2003., 11-12-б.

2. Шамсиев А. Қатор орасини мулчалаб суфори орқали ғўзанинг сув истеъмолини мақбуллаштириши. Докторлик диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2015 й.

**УЎТ: 633.51:631.432.3**

## СУФОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИГА САРФЛАНАДИГАН СУВ МИҚДОРЛАРИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, ғўза навларининг ҳосилдорлиги ва тола сифати аввало илмий жиҳатдан асосланган, юқори савиядаги замонавий агротехникага тўлиқ риоя қилиш ҳамда уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тадбирлар қўллашга боғлиқидр.

Кейинги йилларда Андикон вилояти шароитида районлаштирилган ва истиқболли янги ғўза навларини (хусусан “Султон” ҳамда “ЎзПИТИ-201”) парваришилаш агротехникасидаги барча жиҳатларини ҳар томонлами илмий асосда тадқиқ қилиб, такомилига етказилган мукаммал тавсия ишлаб чиқиш, вилоят пахтчилигига бош масала бўлиб, муҳим аҳамиятта эга ва шу куннинг допзарб масаласи ҳисобланади.

Ушбу масаладан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда Андикон вилояти учун районлашган “Султон” ҳамда истиқболли “ЎзПИТИ-201” ғўза навларини минтақа шароитига мос суфориш ва озиқлантариш меъёrlарини тадқиқ қилиб, уларнинг сувга ва маъдан ўйтитларга бўлган талабини аниқлаш ҳамда улардан барқарор юқори ва сифатли эртапишар пахта ҳосили етиштиришни таъминловчи такомиллашган агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида 2015-2017 йилларда Кўргонтепа туманининг “Давр ҳамкорлиги” фермер хўжалигига дала тажрибалари ўтказилди.

Тажриба Андикон вилояти Асака туманин ПСУЕАИТИ Андикон илмий-тажриба станциясининг тажриба даласида ўтказилди. Шунингдек, тажрибада иши дастур режасига кўра “Султон” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларини 90x12-1 ва 90x12-1-2 экиш тизимида озиқлантаришнинг NPK 200-140-100 ва 250-175-125 кг/га меъёrlарида ЧДНС га нисбатан 70-75-60% суфориш тартибида суфориб парвариш қилиш агротехнологияси тадқиқ қилинди.

Тажриба далалари эскитдан суфорилиб келинган, оч тусли бўз тупроқ бўлиб, механик таркиби ўртача қумоқ, сизот сувлари ер сатҳидан 4-5 м пастда жойлашган, ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 0,9-1,0% ни ташкил қиласди.

Вариантлар уч қайтариқли, бир ярусада жойлашган, ҳар бир бўлакчанинг умумий майдони 200 м<sup>2</sup>, ҳисобий майдони 100 м<sup>2</sup> ни ташкил қиласди.

Тажрибада “Султон” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларини 90x12-1, 90x12-1-2 икки хил тизимида экиб, маъдан ўйтитлар билан озиқлантаришнинг NPK-200-140-100 ва 250-175-125 кг/га меъёrlарида парвариш қилинди. “Андикон-35” нави назорат сифатида амалдаги тавсияларга кўра 90x12-1 экиш тизимида экилди ва маъдан ўйтитларни NPK-200-140-100 кг/га меъёrlарида озиқлантарилиб, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% суфориш тартибида суфорилди. Шунингдек, тажрибада ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиш ҳамда ҳисоб-китоблар қўйидаги тартиба олиб борилди.

Шунингдек, фенологик кузатувлар олиб бориш учун ҳисобий бўлакчаларнинг учта жойида 50 та ўсимлик ажратилиб этикетлар олиб кўйилди. Кузатув ва ҳисоб-китоблар ҳар ойнинг (июн, июл, август, сентябр) 1-кунида ана шу ўсимликларда олиб борилди.

Тажрибаларнинг якуннида варианктар бўйича пахта ҳосилдорлиги аниқланди. Бунинг учун ҳар бир терим олдидан бўлакчаларнинг ҳар бирордан 50 тадан кўсак пахтаси териб олинниб, 1 дона кўсақдаги пахта ҳосилининг вазни аниқланди. Сўнгра ҳар бир вариантлардаги пахта ҳосилини алоҳида териб, ҳисоб-китоб қилинди. Теримлар бўйича пахта ҳосили умумлаштирилиб, жами ҳосилдорлик аниқланди.

Жадвал.

Тажриба варианларидаги истеъмол қилинган сув миқдорлари, ўртача 3 йиллик, (2015-2017 йиллар)

Вар. №	Ғўза навлари	Амал даври бошидаги захира сув, м <sup>3</sup> /га	Амал даври охирида-ги захира сув, м <sup>3</sup> /га	Захира сув ҳисобидан фойдалан- илган сув, м <sup>3</sup> /га	Суфориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	Ёғингарчи- лик ҳисобидан, м <sup>3</sup> /га	Жами истеъ- мол қилинган сув, м <sup>3</sup> /га	Ҳосил- дорлик ц/га	Сув сарфи	
									1 ц ҳисоби- га м <sup>3</sup>	1 м <sup>3</sup> ҳисоби- га
1	Андикон-35 (назорат)	3833	3015	818	4815	235	5050	33,9	149,0	0,67
2	Султон	3833	3015	818	4815	235	5050	36,0	140,3	0,73
3	Султон	3833	3015	818	4815	235	5050	32,6	154,9	0,64
4	ЎзПИТИ-201	3833	3015	818	4815	235	5050	36,9	136,8	0,73
5	ЎзПИТИ-201	3833	3015	818	4815	235	5050	31,3	161,3	0,62
6	Султон	3833	3015	818	4815	235	5050	36,7	137,6	0,73
7	Султон	3833	3015	818	4815	235	5050	33,4	151,2	0,66
8	ЎзПИТИ-201	3833	3015	818	4815	235	5050	35,9	140,7	0,71
9	ЎзПИТИ-201	3833	3015	818	4815	235	5050	31,9	158,3	0,61

Ғўзани сугориш ЎзПИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибалари ни ўтказиш услублари” асосида (С.Н.Рыков услугида) илдиз етиб борган тупроқ қатламининг ялпи кўрсаткичи асосида амалга оширилди. Тупроқ намлиги чигитнинг униб чиқишидан шоналаш давригача 0-50 см, гуллаш даврида 0-70 см, ҳосил тўплаш ва ҳосил пишиш даврида 0-100 см чукурликдаги тупроқ қатламида аниқланди.

Тупроқ намлигини кузатиш тупроқ қатламлари бўйича олинган наимнапар тарозида тортиш ва куритиш йўли билан амалга оширилди

Кўйилган сув ва оқова сув сарфлари 50 см ли “Чипполетти” сув тўғони ёрдамида ўтчанди ва ҳисоб-китоб қилинди. Барча таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида олиб борилди. Тажриба маълумотлари Б.А.Доспеҳовнинг “Методика полевого опыта” услуби асосида математик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Шундай қилиб, тажриба варианtlарида етиширилган пахта ҳосили бўйича олинган натижаларга қараганда, 1 ц пахта ҳосили етишириш учун сарфланган сув миқдори агротадбирларнинг таъсирида турлича миқдорларни ташкил қилди.

Жумладан, тажриба варианtlарида сарфланган сув миқдорларининг ҳисоб-китобига қараганда, ЧДНСга нисбатан 70-75-60% сугориш тартибида сугорилган варианtlarda сарфланган жами сув 5050 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди (1-жадвал).

Тажриба натижаларига қараганда, “Султон” ғўза нави маъдан ўғитларни NPK-200-140-100 кг/га озиқлантириш меъёрларида ЧДНС га нисбатан 70-75-60% сугориш тартибида сугорилган 90x12-1 экиш тизимида кўчатлар сони сийраклаштирилган гектарига 99,4 минг туп кўчат қалинлигидаги вариантда (2 вар.) ўртacha 36,0 ц/га, маъдан ўғитларни NPK-250-175-125 кг/га озиқлантириш меъёрларида 93,6 минг туп кўчат қалинлигига парвариши қилинган вариантида (6 вар.) 36,7 ц/га энг юкори пахта ҳосилдорлигини ташкил этди. Бу варианtlarda пахта ҳосилдорлиги бошқа варианtlarga нисбатан энг юкори бўлиши билан бирга 1 ц пахта ҳосили учун энг из миқдорда сув сарфланди. Чунки, бу вариантда юкорида айтиб ўтилганидек, амал даврида тупроқ намлиги ва бошқа омиллар таъсирида сув сарфи сезилиарли камайди. Бунда 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи ўртacha 140,3 м<sup>3</sup> ва 137,6 м<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, кўчатлар сони қалинлаштирилган (3 ва 7 вар.) варианtlарга нисбатан сув сарфи 9,0-10,5 % га, яъни 14,6 ва 13,6 м<sup>3</sup> камайди.

Шунингдек, ЎзПИТИ-201 навининг 90x12-1 экиш тизимида маъдан ўғитларни NPK-200-140-100 кг/га озиқлантириш меъёрларида кўчатлар сони сийраклаштирилган гектарига 96,4 минг туп кўчат қалинлигидаги вариантда (4) ўртacha 36,9 ц/га, маъдан ўғитларни NPK-250-175-125 кг/га озиқлантириш меъёрларида парвариши қилинган 95,5 минг туп кўчат қалинлигига вариантда (8 вар.) 35,9 ц/га пахта ҳосили етишириш учун 136,8 ва 140,7 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганлиги аниқланди. Ёки кўчатлар сони қалинлаштирилган варианtlарга (5 ва 9 вар.) нисбатан 24,5 ва 17,6 м<sup>3</sup>/га сув камроқ сарфланиб, 15,2 ва 11,1% сув тежалди.

УЎТ: 633.511: 575.127

## ҒЎЗА НАВЛАРИДА МАҲСУЛДОРЛИКНИНГ БОШҚА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Productivity of cultivars of cotton is a difficult sign which is defined by number of boxes and them size, weight of seeds and early maturity. Usually interrelation of signs discussed on pair factors of correlation. Between efficiency and signs its components it is possible to discussed communication presence more correctly on beta factors.

Ғўза навининг маҳсулдорлиги мураккаб белги бўлиб, кўсаклар сони ва уларнинг йириклиги, чигит вазни ҳамда мавжуд хўжалик ҳосилини вақтида йиғиб олиш нуқтаи назаридан тезпишарлик билан боғлиқ равиша аниқланади.

Тадқиқотларимиз давомида “Бухоро-102” ва С-01 навла-

рида ўсимлик маҳсулдорлигининг очилган кўсаклар сони, умумий кўсаклар сони, кўсак йириклиги, 1000 дона чигит вазни ва тезпишарлиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Ҳар иккала навда ҳам маҳсулдорлик билан очилган кўсаклар сони ва умумий кўсаклар сони орасида сезиларли

Хулоса қилиб айтганда, янги ғўза навининг парваришида маъдан ўғитларни NPK-200-140-100 кг/га озиқлантирилган ЧДНС га нисбатан 70-75-60% сугориш тартибида сугорилган кўчатлар сони сийраклаштирилган варианtlarda (2 ва 4 вар.) 1 ц пахта ҳосили етишириш учун сув сарфи энг из миқдорда бўлиб, “Султон” навида 140,3 ва “ЎзПИТИ-201” навида 136,8 м<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, амалдаги тавсиялар асосида парвариши қилинган назорат вариант — “Андижон-35” навига нисбатан эса, тегиши равиша 6,4 ва 9,9 м<sup>3</sup> сув тежалганлиги аниқланди.

Шунингдек, 1 м<sup>3</sup> сув ҳисобига етиширилган пахта ҳосили бўйича олинган натижаларга қараганда, кўчатлар сони сийраклаштирилган иккала маъдан ўғитлар меъёрида озиқлантирилган ғўза наварида 1 м<sup>3</sup> сув ҳисобига энг кўп пахта ҳосили айни шу 90x12-1 экиш тартибида варианtlarda (2, 4 ва 6, 8) кузатилди. Масалан, “Султон” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза наварини 90x12-1 экиш тизимида кўчатлар сони сийраклаштирилган гектарига 99,4 ва 93,6; 96,4 ва 95,5 минг туп кўчат қалинлигига парвариши қилинган 2 ва 4, 6 ва 8-варианtlarda 1 м<sup>3</sup> ҳисобига тегиши равиша 0,71 ва 0,73 кг дан пахта ҳосили етиширилди.

Демак, уч ийллик тадқиқот натижаларига кўра, “Султон” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза наварининг парвариши агротехникисида ЧДНСга нисбатан 70-75-60% сугориш тартибида, ёки 1-2-2 сугориш тизимида 90x12-1 экиш тизими мақбул ҳисобланиб, “Султон” ғўза нави учун гектарига 90-100 ва “ЎзПИТИ-201” ғўза нави учун гектарига 100-110 минг туп кўчат қалинлигига парвариши қилиш тавсия этилади.

**И.АБДУРАҲМОНОВ,**  
кamatta илмий ходим,  
ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станцияси.

### АДАБИЁТЛАР

1. Кўзибоев Ш., Абдуллаев Ф. Ғўзанинг “Ўнқўргон-1” нави агротехникиси. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2010 йил №8, 15 бет.

2. Назаров Р., Ибраимов О.Ҳосил замини. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2006, №7, 13 бет.

3. Назаров Р., Курбонов И. Зиёев З. Ғўзанинг янги навларига фосфорли ўғитлар кўпланилганда. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №3, 2002.

4. Тиллабеков Б.Х., Фармонов С., Қодирхўжаева М.Ф. Навоий вилояти шароитида ўғитлаши муддатларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири. Ўзбекистон пахтасигини ривожлантириши истиқболлари Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2014 йил, 11-12 декабр). (II-қисм). 128-155 бет

5. Турсунов Т., Ӯроздматов Н. Истиқболли “Фарғона-5” нави. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №6, 2001 йил.

6. Юсупов С., Ҳайдаров А. Истиқболли “Андижон-34” ва “Андижон-35” навлари. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2003, №4.

даражадаги ижобий боғлиқлик мавжуд. Кўсак йириклиги бир ўсимлик маҳсулдорлиги билан ўртача (навларда мос равишда 0,56 ва 0,49) ва 1000 дона чигит вазни эса маҳсулдорлик белгиси билан кучсиз боғланган (0,31 ва 0,26). Бир ўсимликнинг маҳсулдорлиги ва тезпишарлик орасида салбий боғлиқлик аниқланди.

Олинган жуфт корреляцияларда ҳар бир белгининг маҳсулдорликка алоҳида таъсири бошқа омилларнинг билвосита таъсири туфайли ўзгариб кетади.

Ўсимлик маҳсулдорлигига ҳар бир белгининг хусусий (алоҳида) таъсирини аниқлаш учун биз бета-коэффициентдан фойдаландик. Шунингдек, бета-коэффициент орқали танлов самарадорлигига баҳо берилди. Ҳар иккала нав бўйича олинган танланма

2-жадеал

#### Ҳосилдорликнинг танлов натижасида бир стандарт оғишмага мос равишда ўзгариши

Кўрсаткичлар	Очилган кўсаклар сони	Кўсаклар сони	Кўсак йириклиги	1000 дона чигит вазни	Тезпишарлик
Бухоро 102 нави					
Beta коэффициент	0,27	0,53	0,41	0,10	0,06
Ст. хатоликлар	0,02	0,03	0,25	0,21	0,010
С-01 нави					
Beta коэффициент	0,30	0,57	0,50	-0,11	0,01
Ст. хатоликлар	0,03	0,04	0,02	0,04	0,04

3-жадеал

#### Бошқа белгиларнинг бир стандарт оғиш кўрсаткичи бўйича танловлар таъсирида маҳсулдорликнинг ўзгариши (2010 й.)

Очилган кўсаклар сони	Кўсаклар сони	Кўсак йириклиги	1000 дона чигит вазни	Тезпишарлик
“Бухоро-102” нави				
3.78	7.42	5.74	1.4	0.84
С-01 нави				
6.0	11.4	10.0	-2.2	0,2

асосида белгилар бўйича ўртача арифметик ва стандарт оғиш кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвал).

Хисоблашларни кўпёклама регрессион таҳлил модули бета-коэффициентларни хисоблашга имкон берадиган “Статистика” компютер дастуридан фойдаланиб амалга оширилди (2-жадвал).

Белгиларнинг ўртача арифметик ва стандартдан оғиш кўрсаткичлари ҳамда бета-коэффициентларни хисобга ол-

1-жадеал  
Белгиларнинг ўртача арифметик ва стандартдан оғиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Маҳсулдорлик, г/ўсим.	Кўсаклар сони, дона	Кўсак йириклиги, г	1000 дона чигит вазни, г	Тезпишарлик, кун	Очилган кўсаклар сони, дона
Ўртача	65,00	16,3	5.8	118,3	118,2	12,1
Стандартдан оғиш	14	2,0	0,6	11,4	1,6	2,1
Бухоро-102 нави						
Ўртача	73,6	18,4	6.0	116,8	112,8	14,2
Стандартдан оғиш	10,1	3,2	1,2	9,2	2,7	3,5
С-01 нави						

ган ҳолда стандарт кўринишдаги кўп ёқлама корреляция тенгламаси тузилади.

Жадваллардаги маълумотлардан кўринадики, корреляциянинг жуфт коэффициентлари ва бета-коэффициентлар орасида анчагина фарқ мавжуд. Бундай фарқ жуфт боғлиқларни ҳисоблашда бошқа белгиларнинг билвосита таъсири остида кўрсаткичларнинг ўзгариши билан тушунтирилади. Маҳсулдорлик ва уни ташкил қилувчи бошқа белгилар орасидаги ўзаро боғлиқларнинг мавжудлиги тўғрисида бета-коэффициентлар орқали хулоса қилиш тўғрироқ бўлади. Бета-коэффициентлар ҳар бир белгининг ўсимлик маҳсулдорлигига хусусий таъсирининг таққослаш мумкин бўлган кўрсаткичи бўлиб, танлов самарадорлигини кўрсатади. Танлов самарадорлигини башорат қилиш қўйидагича амалга оширилади: стандарт кўринишдаги кўпёклама корреляция тенгламасига мувофиқ очилган “Бухоро-102” навида кўсаклар сонининг бир стандарт оғишга ўзгариши ўсимлик маҳсулдорлигининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бошқа белгиларнинг бир стандарт оғиш кўрсаткичи бўйича танловлар таъсирида маҳсулдорликнинг ўзгариши 3-жадвалда кўрсатилган. Танлов таъсирида маҳсулдорликнинг ортиши учун белгининг ўзгариши бета коэффициент ижобий бўлганда ижобий томонга, бета коэффициент салбий бўлганда эса салбий томонга йўналган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бета-коэффициент ўсимлик маҳсулдорлигининг уни ташкил қилувчи ҳар бир белги билан боғлиқлик даражасини белгилайди ва танлов самарадорлигини кўрсатиб беради. Ўсимлик маҳсулдорлигига ҳар бир белгининг хусусий (алоҳида) таъсирини аниқлашда бета-коэффициентдан фойдаланиш мумкин.

**Б.МАМАРАХИМОВ,**  
Рўза уруғчилиги Республика маркази  
бош мутахассиси, қ.х.ф.д.,  
**С.ТУРСОАТОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети  
тадқиқотчisi.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. *Fўза маҳсулдорлигининг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро боғланниши / ПСУЕАИТИнинг илмий асарлар тўпл.* – Тошкент, 2002. – Б. 62–67.
2. Мамарахимов Б.И. *Модальный отбор и отбор по комплексу признаков при формировании элиты нового сорта // “Agro IIM” журнали.* – Ташкент, 2012. – №2[22]. – Б. 8–9.
3. Рахимов Х.Р., Кашкарова З.Я., Наримов С. *Семеноводство и семеноведение хлопчатника в Узбекистане.* – Ташкент, 1991. – 28 с.
4. Nazarov R., Murtalibov M., Mamarakhimov B. *Condition and prospects of cotton growing development of the Republic of Uzbekistan // Journal International Uzbek cotton & textile fair.* – Tashkent, 2015. P. 16-17.

# ТОЛА ЧИҚИМИ КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЯНГИ ҒЎЗА НАВИ БИР НЕЧА АВЛОДЛАРИДА ФЕНОТИПИК АКС ЭТИШИ

In this article analyzed information on appearance of lint output traits of the variety of cotton UzFA-710 for six years.

Пахта ҳосилидан келадиган асосий даромад унинг то-  
ласи ҳисобига тўғри келади. Шундай экан, ундан тайёр-  
ланадиган энг құмматли маҳсулот ҳам тола ҳисобланади.  
Сўнгги йилларда Республикаиз пахтасилик соҳасида  
кластер тизимининг жорий этилиши келажакда агар кла-  
стер хўжалиги ўзи этиштирган пахта толасини ўзи қайта  
ишлайдиган бўлса, табиийки, бу турдаги хўжаликларга  
тола чиқими энг юқори бўлган ғўза навларини экиш за-  
рур бўлади. Бунинг учун эса, хўжалик аъзоларининг ол-  
дида “Ё чаноқ оғирлиги ёки тола чиқими” деган танлов-  
дан бирини танлаш масаласи долзарб бўлиб қолади.  
Лекин шундай навлар ҳам борки, хўжаликларга ҳам  
бир кўсақдаги пахта оғирлигини, ҳам тола чиқимини  
энг юқори кўрсаткичларда бера олади. Бунинг учун эса,  
хўжаликлар раҳбарлари янги ғўза навларини экиб си-  
наб кўришдан чўчимасликлари лозим бўлади.

Юқорида келтирилганларга ҳамоҳанг равишда  
ғўзанинг “ЎзФА-710” нави ҳам дехқонбоб, яъни бир  
чаноқдаги пахта вазни 5.5-6.0 гр., ҳам кластербоп яъни  
тола чиқими энг юқори бўлган навлардан биридир. Шу билан  
бирга, мазкур навнинг тола узунлиги кўрсаткичлари  
ҳам сўнгги бир неча йиллик таҳлилларимизга кўра, (2013-  
2015 й.) 34.5 мм да барқарорлашгани ушбу навнинг ҳар  
томонлами андозадаги навлар билан рақобатлаша оли-  
шини исбот этади.

Ғўзанинг янги ЎзФА-710 нави популяцияси ва тола  
чиқими кўрсаткичлари бўйича олти йиллик (2010-2015  
й.) таҳлилий маълумотлар тадқиқотларимизнинг ашё-  
си ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотларни олиб бориша популацияон  
таҳлил услубларидан фойдаланилди.

Сўнгги йилларда лабораториямизда яратилган  
ғўзанинг янги “ЎзФА-710” нави популяциясидаги тола  
чиқими кўрсаткичларининг бир неча авлодларда (олти  
йилда) ташки муҳит омиллари ва генотипдаги ирсий бел-  
гиларнинг ўзаро таъсири остида фенотипда акс этиши-  
ни кузатиш ва таҳлил этиш тадқиқотларимизнинг асо-  
сий мақсади ҳисобланади.

1-жадвал

№	Йил лар	Хўжалик белгиси		
		Тола чиқими, %		
		X ± m	σ	v
1	2	3	4	5
2	2010	43.4±0,27	1.78	4.11
3	2011	40.6±0,34	2.27	5.59
4	2012	42.5±0,35	2.34	5.50
5	2013	41.0±0,29	1.79	4.75
6	2014	41.8±0,36	2.41	5.77
7	2015	41.7±0,46	3.03	7.27
Ўртача олти йиллик		41.8±0,34	2.27	5.49

Ғўзанинг янги “ЎзФА-710” нави генотипида мавжуд  
бўлган тола чиқими кўрсаткичларининг шаклланиб бо-  
риши қуидаги кўринишда акс этди:

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, таҳлилдаги  
олти йил давомида энг юқори кўрсаткич 2010 ва 2012  
йилларда кузатилган. 2010-2015 йиллардаги тебраниш-  
нинг энг паст кўриниши 2011 йилда содир бўлиб, мазкур  
йилда ушбу кўрсаткичларнинг фенотипик жиҳатдан на-  
моён бўлишида генотипга нисбатан ташки муҳит омил-  
ларининг таъсири кучли бўлган, дейишимиз мумкин.  
Лекин кейинги 2013-2015 йиллардаги маълумотлар-  
нинг деярли бир хил кўринишда акс этиши нав гено-  
типида тола чиқими кўрсаткичларининг шаклланиши  
барқарорлашув жараёнига етиб келган. Барқарорликнинг  
узоқ давом этиши учун эса, белги кўрсаткичларининг  
генотипда шаклланиши, барқарорлашув ҳамда ирсий-  
ланишига ташки муҳит омиллари орасида энг сезилар-  
ли таъсири қиладигани – яъни инсон томонидан амал-  
га ошириладиган танлаш ишларининг аҳамияти жуда  
катта ҳисобланар экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса  
қилишимиз мумкинки, ғўзанинг янги “ЎзФА-710” навидаги  
тола чиқими кўрсаткичлари 41 мм атрофида ирсийланиб,  
ушбу жиҳатдан мазкур нав генотипида барқарорлик мав-  
жудлигини таҳлилий маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

О.ЭРГАШЕВ,  
ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институти ходими.

## АДАБИЁТЛАР

1. Батталов А.М., Неъматов Х.Ш. Бухоро вилояти шароитида чигити маркибидаги заҳарли госсипол бўлмаган янги “Бухоро-9” ғўза нави яратилди. // ЎзПИТИ: Ғўза ва ғўза мажмуудаги экинларни парваришилаш агротехнологияларини тақомиллаштириш” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. (2013 йил 4-5 декабр), 339-345 б.
2. Х.Чориева, М.Тожиев. Янги яратилган ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг афзалликлари. ЎзПИТИ: Ғўза ва ғўза мажмуудаги экинларни парваришилаш агротехнологияларини тақомиллаштириш” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. (2013 йил 4-5 декабр), 346-348 б.
3. К.Хударганов, С.Усманов. Хоразм вилояти тупрок-иклим шароитида қўшқатор экишга мос ғўза навлари селекцияси учун янги манба. “АгроВИМ” журнали 2[30] сон, 2014, 8-9-б.
4. Абдураҳмонов Э.Б., Саидов Ж.И., Абдураҳмонов Х.Э. Танлов нав синовидаги янги ғўза навларининг құмматли хўжалик ва сифат кўрсаткичлари. “Ғўза ва ғўза мажмуудаги экинларни парваришилаш агротехнологияларини тақомиллаштириш” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2013 йил 4-5 декабрь, 373-375-б.
5. Б.К. Суннатов “G hirsutum L. турига мансуб навлар биологик хусусиятларига ташки муҳит омиллари таъсири” – Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачиллик масалалари тўплами. Тошкент – 1993. 38-б.

# ГЕНОМЛАРАРО МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ ОРҚАЛИ ОЛИНГАН ЮҚОРИ АВЛОД ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛАНИНГ АЙРИМ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

The article presents high-quality analyzes of high-generation hybrids obtained by intramuscular hybridization. When studying the quality of females, it was confirmed that the importance of the integrated method of intercostalization is positive.

Халқаро пахта толаси бозорида толанинг нархи ва сифатини белгилашда микронейр кўрсаткичига асосий эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун, турли чатиштириш услублари, айнича, турлараро ва беккросс дурагайлаш орқали тола микронейрининг шаклланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш дол зарб ҳисобланади. Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, тадқиқотларимизда янги яратилган ғўза тизмаларида тола сифатини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланган тола микронейри, узунлиги ва узилиш узунлиги каби кўрсаткичларнинг шаклланишини ўрганиш вазифаси қўйилган.

Дала тажрибалари “Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти” нинг “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида, тола сифатини аниқлаш эса, “Сифат” марказида HVI лабораториясида амалга оширилди. Тадқиқот обьекти сифатида лабораторияда аввалги йилларда яратилган интрогрессив ғўза тизмаларидан фойдаланилди.

Маълумки, пахта толасининг микронейр кўрсаткичи халқаро мезонларга асосан кўйидаги гурухларга ажратилади:

3,7-4,2 интервали “мукофотли оралик”,  
3,5-3,6 ва 4,3-4,9 интерваллари “асосий оралик”,  
3,4 дан кам ва 5,0 дан юқори кўрсаткичга эга бўлса, “чегирмали”.

Халқаро пахта толаси бозорида толанинг нархи ва сифатини белгилашда унинг майнинглиги, ёки микронейр кўрсаткичига асосий эътибор қаратилишини инобатга олиб, турлараро мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган янги интрогрессив ғўза тизмалари толасининг микронейр кўрсаткичи шаклланишини ўргандик.

Тадқиқотлар давомида олинган айrim натижаларнинг кўрсаткичлари жадвалда келтирилган.

Олинган натижалардан (жадвал) кўриниб тўрибдик, янги яратилган ғўза тизмалари орасида МВГ-2 тизмаси энг яхши (3,59), Л-1979 тизмаси эса, нисбатан юқори (4,78) тола микронейрига эга экан. Шунингдек, ўрганилган  $F_{24}$  Наманган-1x Сурхон-5,  $F_{23}$  К-58 x G.arboreum, л-470/1, Л-175/248, л-138, Л-95, Л-58, ВСГ-

2/06, тизмаларини 4,1-4,4 оралиқда жойлашганини, ҳамда андоза С-6524 навининг микронейр кўрсаткичи 4,3 эканлиги, яъни барчаси “мукофотли оралик” талабларига тўлиқ жавоб берishi мумкинligини қайд этиш керак.

Толанинг нисбий узилиш кучи (Str) унинг сифатини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири эканлигини инобатга олиб, тадқиқотларимизда ўрганилган тизмаларга ушбу кўрсаткич бўйича ҳам баҳо бердик. Халқаро андозаларга асосан, нисбий узилиш кучи кўрсаткич бўйича толалар қуидаги:

“Жуда пишиқ” >31

“Пишиқ” - 29-30

“Ўртача” - 26-28

“Оралик” - 24-25

“Кучизз” <23 гурухларига ажратилишини таъкидлаш лозим.

Жадвалда кептирилган маълумотларидан кўриниб тўрибдик, янги яратилган интрогрессив ғўза тизмаларининг барчаси андоза навга нисбатан солиштирма узилиш кучи бўйича юқори кўрсаткичларга эга.

Айниқса, солиштирма узилиш кучи бўйича Л-95 тизмасининг энг юқори кўрсаткич (41,6 г.к.текс), яъни халқаро мезонларнинг “жуда пишиқ” гурухига мансуб бўлгани қайд этилди. Шунингдек, қолган аксарият намуналар Наманган-1x Сурхон-5 (38,5 г.к.текс. га),  $F_{23}$  К-58 x G.arboreum (31,9 г.к.текс. га), л-470/1 (40,8 г.к.текс. га), Л-1979 (34,1 г.к.текс. га), Л-175/248 (35,8 г.к.текс. га), л-138 (39 г.к.текс. га), Л-58 (39,8 г.к.текс. га), ВСГ-2/06 (37,2 г.к.текс. га) ва БСГ (36,2 г.к.текс. га) тизмалари халқаро андозаларга асосан, нисбий узилиш кучи кўрсаткич бўйича кўрсатилган “жуда пишиқ” гурухига мансублиги аниқланди.

Маълумки, қабул қилинган халқаро класификацияга асосан, пахта толасининг узунлигини улчашда юқори яримўртача узунлик бирлигидан кенг фойдаланилади. Юқори яримўртача узунлик кўрсаткичи бир дюмдаги энг узун толаларнинг ўртача 50% ни узунлигини кўрсатади ҳамда ушбу кўрсаткич калаванинг майнинглиги, пишиқлиги, эшилувчанлиги ва йигиривчанлик самарадорлигига катта таъсир этади. Олинган маълумотлар янги яратилган ғўза тизмаларининг тола узунлиги (дюйм)

Жадвал

Турлараро мураккаб чатиштириб олинган юқори авлод дурагайларининг сифат кўрсаткичлари

№	Комбинациялар	Микронейр кўрсаткичи (Mic)		Солиштирма узилиш кучи (Str)		Тола узунлиги (мм)	
		M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
1	$F_{24}$ Наманган-1x Сурхон-5	4,24±0,21	13,60	38,5±1,96	16,14	1,23±0,01	2,75
2	$F_{23}$ К-58 x G.arboreum	4,10±0,07	2,44	31,9±1,31	13,03	1,24±0,01	2,81
3	л-470/1	4,26±0,08	3,58	40,8±0,74	5,73	1,23±0,01	2,59
4	Л-1979	4,78±0,04	1,60	34,1±1,35	12,52	1,20±0,01	3,94
5	Л-175/248	4,50±0,05	2,22	35,8±1,77	15,68	1,25±0,01	2,68
6	л-138	4,45±0,02	1,12	39,0±1,14	9,23	1,21±0,01	3,21
7	Л-95	4,20±0,05	2,38	41,6±1,04	7,98	1,24±0,02	6,75
8	Л-58	4,24±0,12	4,99	39,8±1,01	8,03	1,24±0,01	2,57
9	МВГ-2	3,59±0,31	15,36	36,2±1,56	13,70	1,24±0,01	4,29
10	ВСГ-2/06	4,33±0,21	7,05	37,2±0,84	7,14	1,22±0,01	4,22
11	St- C6524	4,30±0,10	5,45	29,1±0,69	1,50	1,10±0,69	3,35

бўйича андоза нав С-6524 кўрсаткичи (1.10)га нисбатан устунлигини кўрсатди. Белги бўйича тизмалар орасида энг юқори кўрсаткич Л-175/248 (1,25) тизмасида, нисбатан паст кўрсаткич эса, Л-1979 тизмасида намоён бўлди.

Турларо мураккаб дурагайлаш асосида янги яратилган ғўза тизмаларининг айрим тола сифати кўрсаткичлари бўйича андо-за С-6524 нави билан таққослаб ўрганиш натижасида куйидаги хуласаларга келинди:

Янги ғўза навлари селекциясида тола сифатини яхшилаш учун турларо мураккаб дурагайлаш услубининг самараси юқори эканлиги яна бир марта ўз тасдиқини топди.

Тола микронейри, нисбий узилиш кучи ва узунлиги каби мухим кўрсаткичларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган ғўза навлари

селекцияси борасидаги тадқиқотларда яратилган ғўза тизмаларидан бошлангич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**С.МАТЁҚУБОВ,**  
таянч докторант (ПСУЕАТИ).  
**Ш.НАМАЗОВ,**  
к.х.ф.д.профессор.

#### АДАБИЁТЛАР

Доспехов Б.А. *Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований.* – Москва: Колос, 1985.– 416 с.

**УЎТ: 633.511.512**

## ЧИГИТГА ЭЛЕКТР МАЙДОНИДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ҒЎЗА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

**This article make review about electrical seed disinfection is more important than treatment with various chemical toxicants, so the seeds do not adversely affect germination energy and the environment.**

Ҳозирги пайтда уруғлик чигитни турли касалликлар микроорганизмла-ридан заарсизлантириш уларнинг юзасига заҳарли химиқатлар билан ишлов бериш орқали олиб борилади. Аммо, мавжуд меҳаник дорилагичлар чигитларга сифатли ишлов берга олмаслиги оқибатида, айниқса, баҳор ёғинли ва салқин келган йилларда, кўплаб майдонларда ғўза турли хил касалликларга чалинмоқда ва қайта экилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили уруғлик чигит билан ерга минглаб тонна заҳарли химиқатлар солиниши атроф мухитининг экологик мувозанатига салбий таъсири кўрсатмоқда, одамлар ва жониворларнинг касалланишига сабаб бўлмокда.

Россиянинг Красноярк қишлоқ ҳўжалиги университетида ЎЮЧ қурилманинг конвейер тури яратилган бўлиб, унинг ишлап принципи заарланган уруғликка ЎЮЧ манбасидан нурланувчи майдоннинг таъсирига асосланган.

Ишлов бериладиган уруғликларни асосий тавсифловчи катталиклари сифатида қизиш ҳарорати, даладаги унувчанлиги, уруғликнинг заарсизлантири-лиш даражаси ва унувчанлиги ҳисобланади.

Уруғлик чигитга ЎЮЧ ли майдон билан узлуксиз режимда ишлов бериш бошқа конструкцияларга нисбатан фарқ қиласи ва кимёвий ишлов беришдан кўра электромагнитли микротўлкун ёрдамида ишлов бериш иқтисодий тарафдан самарали ҳисобланади.

Уруғлик чигитни гоммоз ва бошқа касалликлар инфекциясидан экологик жиҳатдан тоза заарсизлантириш имконини берувчи усул устида олиб борилган илмий изланишлар натижаси ўлароқ ўта юқори частотали электромагнит майдонли технология яратилди. Мазкур технологияни амалга ошируви қурилмани ишлаб чиқиш учун ўта юқори частотали электромагнит майдони айрим катталикларининг ҳозирда районлаштирилган ғўза навлари чигитларининг унувчанлигига таъсирини тадқиқ этиш лозим бўлади.

Юқорида таъқидлаганимиздек, уруғлик чигитни экологик тоза усулда заарсизлантириш жараёнида ўта юқори частотали электромагнит майдони (ЎЮЧ ЭММ) ни кўллаш унинг ядросида жойлашган муртакка кўрсатадиган таъсири натижасида турли хил биофизик ва биологик ўзгаришлар содир бўлади. Ушбу ўзгаришлар ташки ЭММнинг миқдори (дозаси)га қараб уруғлик чигитнинг унувчанлиги, резистентлиги ва улардан униб чиқадиган ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига тезлаштирувчи (рагбатлантирувчи) ёки

секинлаштирувчи (жабрловчи) таъсири этиши мумкин. Иккинчи ҳолатда ЭММнинг миқдори кескин (критик) катталикка тенг ёки ундан ошиб кетса, чигит ўзининг униш қобилиятини бутунлай йўқотши ҳам мумкин. Баён этилганларга кўра уруғлик чигитни экологик соғ усулда заарсизлантирувчи технологиянинг ва униамалга оширувчи қурилмаларнинг асосий ўлчамларини асослаш лозим бўлади.

Олиб борилган назарий тадқиқотлар натижаси ўлароқ уруғлик чигитларга ўта юқори частотали электромагнит майдони (ЎЮЧ ЭММ) ёрдамида ишлов бериш уларнинг агробиологияни кўрсаткичларига бераётган таъсирини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти (ЎЎҲҚИТИ) да тажриба синовлари ўтказилди. Унга кўра, уруғлик чигитларни ЎЮЧ электромагнит майдонида заарсизлантириш учун гоммоз касаллигининг бактерияси тайёрланиб, суспензияси ёрдамида чигитлар заарсизлантирилди. Ўта юқори частотали электромагнит майдон ёрдамида уруғлик чигитни заарсизлантирувчи қурилмани яратиша айрим техник воситаларни танлаш ва уларнинг параметрларини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб бориш йўлга кўйилган, яъни қурилмани яратиш учун қуввати 0,8 кВт ли ЎЮЧли генератор параметрлари ўрганилди, натижада уруғликларни касалликларга қарши заарсизлантиришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди ва уруғликка таъсири этувчи катталиклар ўрганилди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларини текшириш мақсадида "С-6524" навли тукли уруғлик чигити олиниб, уни гоммоз касаллиги бактерияси ва илдиз чириши касаллиги замбуруғлари билан заарлантирилди ва намлиги сув ёрдамида хона ҳароратида 8 - 10% га келтирилди.

Лаборатория — дала шароитида ўтказиладиган тажрибанинг услубияти ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ равишда 8 та вариантларда уруғлик чигит тайёрланиб, шундан 5 вариантни учун турли хил режимларда ЎЮЧ электромагнит майдонида ишлов берилиб, экологик соғ усулда заарсизлантирилди. Тайёрланган чигит вариантлари дала шароитида экилди, натижада, уруғлик чигитларни электр заарсизлантириш турли хил кимёвий заҳарли дори билан ишлов беришга нисбатан, уруғлик чигитнинг униш энергиясига ва экологик мухитга салбий таъсири этаслиги билан аҳамиятлидир. ЎЮЧ ли ЭММ ёрдамида уруғликларни экологик

соф зарарсизлантириш бир вақтнинг ўзида улардаги касаллик уйғутувчи микроорганизмларни йўқотиши билан бирга, чигитларнинг биоактивлигини оширишга ҳам хизмат қилиши аниқланди.

Хулоса ўрнида шуну айтиш мумкинки, уруғлукларни экологик тоза зарарсизлантирувчи ЎЮЧ ЭММ дан фойдаланиш улардаги касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни йўқотиш билан бирга уларнинг биофизик кўрсаткичларига ҳам таъсири этади. Бунда ЭММ нинг таъсири касаллик замбуруғларига термик

таъсири этиш билан бир қаторда уруғнинг ҳаётий фаолиятига актив таъсири этади, бу эса касалликка чидамли соғлом кўчут ундириб олишга шароит яратади.

**О.ПИРИМОВ,**  
т.ф.н., ТИҚҲММИ Қарши филиали,  
**М.ОЧИЛОВ,**  
капта ўқитувчи,  
**Ж.БЕКҚУЛОВ,**  
ассистент, ҚарМИИ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. А.Юсубалиев, О.Ж.Пиримов Т. Қурбонбоев. Уруғлик чигитга электр майдонида ишлов бериш. Монография. Т, “Адабиёт учқунлари”, 2017.-18 6.
2. Yusubaliyev A., Pirimov O.J. Environmentally friendly disinfection of cotton seeds in the electric field // American scientific journal., №2 (2) / 2016, p 27-30.
3. Юсубалиев А. Экологически чистая технология обеззараживания семян хлопчатника.: Сб.науч.тр.УзМЭИ . – Гулбахор, 2006, С.57-61.

УЎТ: 633.511:631.526.32:581.3

## ТАБИЙ ГАРМСЕЛ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ “ИСТИҚПОЛ-14” НАВИНИ СУГОРИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ

During vegetation period of cotton heating of the air temperature and over dry humidity consequences shortage of water at soil and in the air. At the period of increased water demand, ie, at flowering and yield harvest period, unfavorable environmental factors like hot wind, air and soil drought will lead to destruction of morpho-physiological and biochemical processes and spill of yield elements. Therefore, precise determination of the plant's water requirements, irrigation periods, number and norms plays important role to the cultivation of high yields.

Маълумки, республикамизнинг бир қатор вилоятларида ғўзанинг амал даврида ҳаво ҳарорати ҳаддан зиёд қизиб кетиши ва ҳаво намлигининг жуда қуруқ бўлиши натижасида ҳавода ва турпроқ сув танқислигини келтириб чиқаради. Айниқса, ғўза навларининг сувга талаби кучайган, яъни гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида гармсел, атмосфера ва турпроқ қурғоқчилиги каби нокулай экологик омилларнинг кучли салбий таъсири кузатилади. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва гармсел эсиши натижасида ғўза ниҳолларида кечадиган морфо-физиологик ва биокимёвий жараёнлар бузилиб, кўплаб ҳосил элементлари тўклиб кетади. Шунинг учун, ўсимликнинг сувга бўлган талаби, суғориш муддатлари, сони ва меъёрини тўғри аниқлаш сувдан тежамли фойдаланишда ҳамда юқори ҳосил етиштиришда катта аҳамиятта эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нокулай омилларга чидамли, турпроқ намлиги ва турпроқнинг чуқур қатламлари намлигидан самарали фойдаланадиган, айни пайтда биологик ва хўжалик ҳосили юқори бўлган ғўза навларини яратиш, уларни гармсел, атмосфера ва турпроқ қурғоқчилиги каби нокулай шароитларда етиштириш агротехнологияларини аниқлаш долзарб муаммодир.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси ИТИда яратилиб, (2012 йил) истиқболли деб топилиб, районланган (2015 йил) “Истиқпол-14” ва янги “С-2118” ғўза навларининг табиий гармсел шароитидаги суғориш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этишда изланишлардан кўзланган мақсадни амалга ошириш учун институттнинг Сурхондарё иммий-тажриба станциясида табиий гармсел шароитида тажрибалар олиб борилди.

Сурхондарё иммий-тажриба станцияси такир-ўтлөк турпроқлари шароитида ғўзанинг умумий сувга бўлган талаби инобатга олиниб, ғўзани суғориш тажриба схемасида белгиланган тартибида амалга оширилди. Суғориш тартиби ўсув даври бўйича, ривожланиш фазаларида ўсимликнинг сувга бўлган талабига ҳамда турпроқнинг

ҳисобий қатламларида мавжуд бўлган намлик микдорига қараб белгиланди. Суғориш тартибини тўғри белгилаш учун ўсимлик умумий сув истеъмолининг микдори аниқланди. Бунда турпроқнинг генетик қатламларидаги мавжуд сув микдори ва ундан ўсимликнинг фойдаланиш имконияти (микдори) ҳисобга олинди.

Турпроқ намлигини доимий аниқлаб боришида 100 см қатламидаги нам захираси ўзгариши билан ўсимлик барглари рангининг ўзгариши, барг пластинкасининг тургорлиги ва гуллар ўрни ҳисобга олинди. Шунга асосланаби, суғоришолди намлигини белгилашда турпроқ кесмасининг 0-60 см қатламидаги намлик микдорини ҳисобга олган ҳолда суғориш муддати ва меъёри белгиланди.

Турпроқ намлиги суғориш яқунлангандан 3 кундан кейин барча қудуқларда аниқланди. Суғоришлар ўртасида эса “элементар” қудуқларда аниқланиб, навбатдаги суғориш яқинлашгач суғоришини бошлаш вақти таҳминан белгиланди ва суғоришини бошлашдан 1-2 кун олдин барча қудуқлардаги турпроқ намлиги аниқланди. Суғоришлар белгиланган суғориш тартибида (ЧДНСнинг 60-65-60%, 65-70-65% ва 70-75-70%) асосланаб амалга оширилди. Ўсув даврида турпроқ намлиги ЧДНСнинг 60-65-60% тартибида сақланган варианtlарда 3 марта, 65-70-65% тартибида 4 марта, 70-75-70% тартибида эса 5 марта суғорилди.

ЧДНС бирлиги, нам захираси, намлаш чуқурлиги маълум бўлса, суғориш меъёри С.Н.Рижовнинг қўйидаги формуласи орқали ҳисобланади:

$$W=[A-B]^*H+K, \quad m^3/ga.$$

Бу ерда:

А-ҳисобий қатламнинг ЧДНС микдори, турпроқ ҳажмига нисбатан % ҳисобида;

В-шу қатламдаги суғоришолди намлик захираси, турпроқ ҳажмига нисбатан % ҳисобида;

Н-ҳисобий қатлам чуқурлиги, см;

К-суғориш даврида сувнинг атмосферага буғланиб сарфла-

Жадвал.

**Суғоришдан олдинги ва кейинги тупроқ намлигини аниқлаш натижалари ҳамда суғориш вақти.**  
(ЧДНС 26,8%). 2014 йил.

Вақти	Тупроқ қат- лами, см	Кузатув қудуклари							
		1	2	3	4	5	6	7	8
16.06	10-30	13.9	15.1	15.6	15.2	15.7	12.2	12.1	13.1
	10-60	16.4	16.8	16.9	16.8	16.9	14.5	14.2	14.3
	10-100	20.2	20.6	20.7	20.6	20.6	17.1	17.9	18.2
	1-суғориш 18.06-19.06.								
23.06	0-30	22.8	23.1	22.8	22.2	22.5	22.9	22.4	22.0
	0-60	24.6	24.5	24.6	24.2	24.6	24.7	24.2	24.3
	0-100	25.1	25.2	25.2	25.1	25.2	25.4	24.9	25.1
Нетто	м³/га	729	655	627	612	619	959	819	843
11.07	10-30	14.2	14.5	14.0	13.9	13.7	14.4	13.2	13.9
	10-60	17.1	17.0	16.9	16.8	17.0	18.0	17.4	17.7
	10-100	17.8	18.9	18.8	15.9	18.6	18.0	18.6	18.3
	2-суғориш 12.07-14.07								
18.07	0-30	25.5	25.0	24.3	24.7	25.4	25.2	25.0	24.9
	0-60	25.0	25.8	35.3	26.0	26.0	26.4	26.2	26.3
	0-100	26.2	26.1	26.1	26.2	26.3	26.4	26.5	26.7
Нетто	м³/га	849	883	884	852	839	912	954	924
3.08	10-30	14.4	13.9	14.7	13.7	14.8	14.0	14.4	14.1
	10-60	16.7	16.2	16.4	15.0	15.0	15.8	16.2	16.2
	10-100	17.4	17.8	16.8	16.8	17.5	16.9	17.7	17.4
	3-суғориш 4.08-6.08								
10.08	0-30	25.8	25.2	25.4	25.9	26.6	25.8	25.4	26.2
	0-60	26.4	26.6	27.0	26.8	27.5	26.9	27.3	28.0
	0-100	25.6	24.9	24.7	25.9	26.0	26.2	26.4	26.0
Нетто	м³/га	961	935	951	1029	1039	1115	1011	1126
16.06	10-30	13.3	13.9	14.5	15.0	14.6	13.2	13.3	13.8
	10-60	16.7	15.9	16.4	17.6	16.5	15.9	15.5	15.8
	10-100	19.2	20.0	18.9	20.0	19.9	18.8	17.7	19.3
	1-суғориш 18.06-19.06								
23.06	0-30	22.8	23.1	22.8	22.3	22.6	23.0	22.5	22.4
	0-60	24.6	24.5	24.6	24.1	24.4	24.7	24.2	24.4
	0-100	25.1	25.0	25.3	25.2	25.3	25.5	25.0	25.2
Нетто	м³/га	758	734	751	622	693	826	829	752
11.07	10-30	14.7	14.2	13.6	13.9	14.0	13.9	13.8	13.6
	10-60	17.7	16.7	17.2	17.2	18.3	17.3	17.8	16.9

ниши (суғориш меъёрининг 10% и миқдорида қабул қилинган).

Суғориш меъёри (нетто) 60-65-60% да суғорилган варианtlар бўйича ўртача 1-суғоришда 696-828 м³/га. ни, 2-суғоришда 887-932 м³/га. ни, 3-суғоришда 979-1063 м³/га. ни ташкил этди.

Изоҳ: 1-8 варианtlар, ЧДНС нинг 60-65-60% тупроқ намлиги ВНП-1 нам ўлчагичида аниқланди.

Умумий суғориш меъёри (нетто) 2612-2785 м³/га. ни ташкил этди. К-коэффицент хисобга олингандан мос ҳолда 766-911; 976-1025; 1077-1169 м³/га. га, умумий суғориш меъёри 2873-3064 м³/га. га тенг бўлди.

Суғориш меъёри (нетто) 65-70-65% да суғорилган варианtlар бўйича ўртача 1-суғоришда 684-771 м³/га., 2-суғоришда 603-692 м³/га., 3-суғоришда 672-743 м³/га., 4-суғоришда 708-767 м³/га. ни, умумий суғориш меъёри эса 2757-2900 м³/га. ни ташкил этди.

Изланишлар натижасида ғўза амал даврида 60-70-65% да суғорилганда 1-суғоришда 840 м³/га (нетто) миқдорда сарфланган бўлса, 65-70-65% эса 712 м³/га, яъни улар ўртасидаги фарқ 128 м³/га ни ташкил этиши, лекин 2- ва 3- суғоришларда 4 марта суғорилганга нисбатан 3 марта суғорилганда кўп сув сарфланиши аниқланди. Ғўзанинг тупроқ намлигидан фойдаланиши ортиши билан суғориш меъёри ҳам органлиги, ҳамда сувдан фойдаланиш коэффициенти сезиларли камайиши кузатилди. Ушбу

	10-100	18.1	17.9	18.4	18.6	18.6	18.3	18.7	18.0
<b>2-суғориш 12.07-14.07</b>									
18.07	0-30	24.7	25.0	25.0	24.8	24.7	25.8	25.4	25.3
	0-60	25.5	25.6	25.8	25.9	25.9	26.4	26.4	26.2
	0-100	26.1	25.7	26.6	25.9	26.1	25.8	26.2	26.8
Нетто	м³/га	774	904	928	880	849	930	906	850
3.08	10-30	14.2	13.9	14.3	14.0	13.2	13.7	13.9	14.0
	10-60	15.1	15.5	16.1	17.1	16.2	15.9	15.3	15.5
	10-100	17.2	16.8	17.4	17.9	17.5	17.2	16.9	17.4
<b>3-суғориш 4.08-6.08</b>									
10.08	0-30	25.2	24.9	25.7	26.0	24.8	24.2	25.6	24.8
	0-60	26.4	26.2	25.9	26.7	25.8	26.0	26.4	25.9
	0-100	25.2	25.7	26.0	26.1	25.5	25.4	26.0	26.7
Нетто	м³/га	989	1007	980	976	984	965	1054	1080
16.06	10-30	14.2	14.4	14.0	14.6	14.9	13.8	13.7	14.0
	10-60	16.6	16.2	15.5	15.7	16.0	15.3	14.4	16.0
	10-100	20.4	20.8	19.8	18.8	20.6	20.7	19.6	19.4
<b>1-суғориш 18.06-19.06</b>									
23.06	0-30	23.3	23.7	22.6	22.8	23.1	22.9	23.6	23.8
	0-60	24.4	24.6	24.2	25.4	24.8	25.2	24.4	25.0
	0-100	23.3	26.6	25.7	26.6	25.8	26.4	26.6	25.8
Нетто	м³/га	703	759	755	849	718	798	807	820
11.07	10-30	14.7	13.9	13.8	14.4	14.6	13.8	13.7	14.2
	10-60	17.1	17.0	16.8	16.9	17.2	17.5	17.4	17.7
	10-100	18.3	18.0	17.9	17.8	18.1	18.4	17.9	18.2
<b>2-суғориш 12.07-14.07</b>									
18.07	0-30	24.7	25.5	25.6	24.4	24.7	24.3	25.0	25.2
	0-60	26.2	26.4	25.8	26.9	26.0	25.8	26.2	25.6
	0-100	26.4	26.5	26.6	27.0	26.8	26.5	26.2	26.2
Нетто	м³/га	897	970	972	960	915	888	935	887
3.08	10-30	13.7	13.8	14.2	14.3	13.8	14.4	13.9	14.0
	10-60	16.7	16.3	16.5	15.9	16.0	15.8	16.2	16.6
	10-100	17.4	16.9	17.6	17.0	16.9	17.2	17.8	17.5
<b>3-суғориш 4.08-6.08</b>									
11.08	0-30	25.4	25.2	26.1	26.4	25.2	26.8	25.5	25.0
	0-60	26.9	26.7	27.1	27.2	27.4	26.9	26.6	27.1
	0-100	25.4	25.8	26.1	25.9	26.0	26.2	25.8	25.9
Нетто	м³/га	977	1010	946	1058	1028	1065	980	981

нав 3 марта суғорилганда умумий суғориш меъёри ўртача 2945 м³/га ни, 4 марта суғорилганда эса 2824 м³/га ни ташкил этганлиги (фарқ-121 м³/га) суғориши сони ортиши билан сув сарфли маслигини аксинча камроқ бўлиши ва сувдан фойдаланиш коэффициенти юқори бўлиши маълум бўлди.

Тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 60-70-65% да сақлаб туриш натижасида тупроқ қатламидағи жумладан, ҳайдов ва ҳайдовости қатламидағи намлик эвопотранспирацияга кўпроқ сарфланишини ва бунинг оқибатида суғориш натижасида кўпроқ сувни сингдириши аниқланди.

**С.РАХМОНҚУЛОВ,  
Ҳ.МАРДАНОВ,  
А.ДОНАБАЕВ,  
ПСУЕАТИ.**

**АДАБИЁТЛАР**

1. Имомалиев А. ва бошқалар. Юқори ҳосил олишда озиқа ва сув режими. "Пахтакилик" журнали, 1979, № 1, 16-б.
2. Муминов Ф.Х. Хлопчатник и погода. Ленинград, "Гидрометеоиздат", 1983, С. 6-8.
3. Рахмонкулов С.Р. Физиологик-биохимические основы гетерозиса хлопчатника //Ж. "Вестник Аграрной науки Узбекистана". 2003. №4(14). С. 50-59.

## ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ФЎЗА ОИЛАЛАРИ ТОЛАСИНИНГ АЙРИМ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

The article analyzes the data obtained from the study of fiber quality indicators of new cotton progenies, which are developed by using of intra- and inter-specific hybridisation methods. Based on the findings of the study, it was concluded that the various methods of hybridization used to form the fiber quality parameters at the international standards are highly effective.

Маълумки, фўза асосан толаси учун етиштириллади ва яратилажак фўза навларининг юқори тола сифатига эга бўлиши долзарб ҳисобланади. Шунинг учун, аксарият олимларнинг тадқиқотларида тола сифатини белгиловчи асосий технологик кўрсаткичларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

Қабул қилинган классификацияга асосан, ингичка ва ўрта толали фўза навларининг тола сифати шартли равишда 9 типга бўлинади. Ҳозирги кунда фўза генетикаси ва селекцияси бўйича илмий дастурларининг асосий вазифаларидан бири — ўрта толали (*G.hirsutum L.*) фўза навларига ингичка толали (*G.bababense L.*) фўза навларидаги юқори тола сифатини ўтказишдан иборат.

Муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб, изланишларимизда турли хил дурагайлаш услубларини кўллаш натижасида яратилган янги фўза оилаларида тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган микронейр, солиштирма узилиш кучи, юқори ўртача узунлик ва толанинг йигириувчаник хусусияти каби муҳим технологик кўрсаткичлари ўрганилди.

Илмий тадқиқот ишлари ВА-ҚХФ-5-027 лойихаси дастури доирасида бажарилди. Дала тажрибалари "Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти" нинг "Фўза генетикаси ва цитологияси" лабораториясида, тола сифатини аниқлаш эса, "Сифат" марказида HVI лабораториясида амалга оширилди. Тадқиқот обьекти сифатида турли хил дурагайлаш услублари орқали яратилган 22 та янги фўза оилалари олиниб, уларнинг асосий тола сифати кўрсаткичлари, яъни микронейр (Mic), солиштирма узилиш кучи (г./к. текс.str.), юқори ўртача узунлиги (дюйм, Len), толанинг йигириувчаник хусусияти (SCI) каби хусусиятлари андоза С-6524 нави билан таққослаб ўрганилди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳалқаро тола бозорида унинг микронейр кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Микронейр кўрсаткичи бўйича тола кўйидаги гурухларга ажратилади: "Премиум"-3,7-4,2; "Таянч"-3,5-3,6 ёки 4,3-4,9; "Чегирмали"-3,4 гача ёки 5,0 дан юқори. Ўрта толали фўза навлари учун микронейр кўрсаткичининг асосий диапазони 3,5-4,5 чегарасида бўлиши керак. Микронейр кўрсаткичи 4,9 дан юқори ёки 3,5 дан паст бўлгандга белгиланган тартибда толанинг нархи камайтирилади.

Тадқиқотларимизда ўрганилган янги фўза оилаларининг микронейр кўрсаткичи юқорида келтирилган ҳалқаро талаблар мезонлари асосида таҳлил этилди.

Олинган натижалар янги фўза оилаларининг микронейри 3,8 дан 4,6 гача оралиқда бўлганилигини кўрсатди. Толанинг микронейр кўрсаткичи бўйича олинган маълумотлар асосида энг яхши кўрсаткичлар O-911-12/17 (3,8), O-219-29/17 (4,0), O-468/17 (4,1), O-454-59/17 (4,2) ва O-606-07/17 (4,2) янги фўза оилаларида намоён бўлгани, яъни ушбу оилалар белги бўйича қабул қилинган классификациянинг "Премиум" - 3,7-4,2 гурухи талабларига жавоб бериши тасдиқланди. Ўрганилган оилалар орасида нисбатан ёмон микронейр O-38-38/17 (4,6) ва O-291-94/17 (4,6) ларида кузатилган бўлса-да, улар ҳам бошқа ўрганилган фўза оилалари каби ҳалқаро андоза талаблари, яъни "Таянч" гурухи (4,3-4,9) меъёрларига жавоб беришини таъкидлаш лозим. Тур ичидага турлараро дурагайлаш натижасида янги яратилган фўза оилаларида толанинг асосий технологик кўрсаткичларини ўрганиш асосида олинган маълумотлар тола сифати бўйича аввалги йил-

ларда ўтказилган генетик-селекцион изланишларимиз самара-ли бўлганилигини тасдиқлайди.

Ҳалқаро андоза талабларига асосан, нисбий узилиш кучи кўрсаткичи бўйича толалар қўйидаги:

"Жуда пишиқ" >31

"Пишиқ" - 29-30

"Ўртча" - 26-28

"Оралиқ" - 24-25

"Кучиз" <23 гурухларига ажратилади.

Тадқиқотларимизда ўрганилган янги фўза оилалари солиштирма узилиш кучи бўйича андоза С-6524 навига (29,1 г.куч./текс) нисбатан 1,6-5,9 г.куч./текс юқори кўрсаткичларга эга эканлиги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб тўрибида. Ўрганилган фўза оилаларининг ичидаги О-581-82/17 оиласи солиштирма узилиш кучи бўйича энг юқори кўрсаткич (35,0 г.куч/текс.), О-83-86/17 оиласи эса, нисбатан паст кўрсаткич (30,7) намоён этишиди. Шунингдек, яратилган О-452-53/17 (33,7), О-99-100/17 (34,1), О-394-400/17 (34,2), О-94-95/17 (34,7) фўза оилаларининг солиштирма узилиш кучи бошқаларга нисбатан юқори бўлганини таъкидлаш лозим. Умуман олганда, барча янги фўза оилаларида солиштирма узилиш кучи кўрсаткичлари тўқимачилик саноати томонидан I-III-тип толаларга кўйиладиган меъёрий талабларга тўлиқ жавоб беришини таъкидлаш лозим.

Тола сифатини аниқлашда муҳим кўрсаткичлардан бири юқори яримўртча узунлик ҳисобланниб, ушбу кўрсаткич бир дюймдаги энг узун толаларнинг ўртача 50% ни узунлигини кўрсатади. Селекция ишларида дурагайларнинг юқори авлодларида тола узунлигининг шаклланишини ўрганиш орқали тола сифати ҳалқаро андозалар талабларига мос фўза навларини яратиш муҳимлигини ҳисобга олиб, янги фўза оилаларига белги бўйича баҳо берилди. Олинган маълумотлар андоза С-6524 навининг юқори ярим ўртача тола узунлиги 1.10 дюомга тенглиги, янги яратилган фўза оилаларида эса, белгининг кўрсаткич 1,16 дан (О-83-86/17) 1,29 гача (О-606-07/17) бўлганини кўрсатди. Умуман олганда, барча янги яратилган фўза оилалари юқори ярим ўртача узунлик кўрсаткичи бўйича андоза навга нисбатан 0,06 дан 0,19 дюомгача устун эканлиги аниқланди. Айниқса, янги яратилган О-219-29/17, О-205-08/17 ва О-581-82/17 фўза оилаларининг тола узунлиги жуда юқори, яъни тегишли равишида, 1,28; 1,26 ва 1,25 дюймга тенг бўлгани, яъни I ва III-тип талаблари даражасида бўлганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Кейинги йилларда, фўза генетикаси ва селекцияси борасидаги тадқиқотларда яратилаётган янги бошлангич ашё ва донорларнинг толасининг йигириувчаник хусусиятини ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун, тадқиқотларимизда янги фўза оилаларини ушбу кўрсаткич бўйича ҳам баҳоладик. Олинган маълумотлар асосида аксарият фўза оилаларида толанинг йигириувчаник хусусияти андоза нави кўрсаткичи дараҷасида ёки устун эканлиги аниқланди. Ушбу фикримизга мисол сифатида О-606-07/17 (172), О-219-29/17 (169), О-94-95/17 (166), О-99-100/17 (165), О-911-12/17 (165), О-120-25/17 (164), О-394-400/17 (164), О-581-82/17 (163) ва О-38-38/17 (162) каби фўза оилаларини келтириш мумкин. Бироқ, ўрганилган оилалар орасида О-83-86/17 (141), О-19-22/17 (145), О-468/17 (151), О-21-22/17 (152), О-558-67/17 (152) оилалари белги бўйича андоза навга нис-

батан паст, қолган ҳолларда унга тенг ёки юкори йигириувчанлик хусусияти намоён этишганини қайд этиш жоиз.

Умуман олганда, турли дурагайлаш услублари орқали янги яратилган гўза оиласидаги пахта толасининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларимиз асосида кўйидаги хулосаларга келинди:

1. Биринчи маротаба, турли хил дурагайлаш услубларини қўллаш орқали яратилган янги гўза тизмаларида тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган толанинг миқонеири, солиштирма узилиш кучи, юкори ўртача узунлик ва йигириувчанлик хусусияти каби муҳим технологик кўрсаткичларининг шаклланиши қиёсий ўрганилди.

2. Толанинг миқонеири кўрсаткичи бўйича барча ўрганилган гўза оиласидарига ҳалқаро андоза талабларининг "Таянч" гуруҳи (4,3-4,9) талабларига мослиги, О-911-12/17 (3,8), О-219-29/17 (4,0), О-468/17 (4,1), О-454-59/17 (4,2) ва О-606-07/17 (4,2) гўза оиласидарига миқонеири эса, "Премиум", яъни 3,7-4,2 гуруҳи талабларига жавоб бериши тасдиқланди.

3. Тур ичидаги турлараро дурагайлаш орқали яратилган барча янги гўза оиласидарига солиштирма узилиш кучи бўйича тўқимачилик саноати томонидан I-III-тип толаларга кўйиладиган меъёрий талабларга тўлиқ жавоб бериши, айниқса, О-581-82/17 (35,0 г.куч/текс.), О-452-53/17 (33,7 г.куч/текс.), О-99-100/17 (34,1 г.куч/текс.), О-394-400/17 (34,2 г.куч/текс.), О-94-95/17 (34,7 г.куч/текс.) оиласидарига белгининг нисбатан юкори эканлиги аниқланди.

4. Деярли барча янги гўза оиласидарига (О-83-86/17 оиласидан ташқари) юкори ярим ўртача узунлик кўрсаткичи бўйича

тўқимачилик саноати томонидан кўйиладиган I ва III-тип талабларига тўлиқ мос эканлиги, айниқса О-606-07/17, О-219-29/17, О-205-08/17 ва О-581-82/17 гўза оиласидарига белги бўйича энг юкори бўлганилиги тасдиқланди.

5. Ўрганилган гўза оиласидарига толанинг йигириувчанлик хусусияти бўйича энг юкори кўрсаткичлар О-606-07/17 (172), О-219-29/17 (169), О-94-95/17 (166), О-99-100/17 (165), О-911-12/17 (165), О-120-25/17 (164), О-394-400/17 (164), О-581-82/17 (163) ва О-38-38/17 (162) гўза оиласидарига эканлиги, қолган оиласидарига эса, андоза нав даражасида ёки пастроқ эканлиги аниқланди.

6. Тола сифатининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши қонуниятларини ўрганиш ҳамда яхшилаш борасидаги генетик-селекцион тадқиқотларда тур ичидаги турлараро дурагайлаш услубларини кенг қўллаш тавсия этилади.

7. Тадқиқотлар натижасида яратилган янги О-219-29/17, О-99-100/17, О-38-38/17, О-394-400/17, О-94-95/17, О-911-12/17, О-120-25/17, О-120-25/17, О-606-07/17 гўза оиласидарига тола генетикаси ва селекцияси борасидаги илмий тадқиқотларда қимматли бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**М.АБЕРҚУЛОВ,**  
б.ф.н.,

**И.РАСУЛОВ,**  
к.х.ф.ф.д.,

**М.СОДИҚОВА,**  
талаабаси,  
ТошДАУ.

УЎТ: 633.511:631.5:621.7.019

## "ЗАРАФШОН" ГЎЗА НАВИДА МУҚОБИЛ АГРОТЕХНОЛОГИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

The conditions and norms of application of the new UzDEF and PoliDEF defoliants depending on irrigation regimes and timing of cotton "Zarafshon" in moderate loamy soils with shallow-gray, groundwater depths of 7-8 meters in Samarkand region.

According to the data obtained, there is a direct impact on the efficiency of defoliants used in the experimental field as a result of the different effects of irrigation procedures and timing periods on plant growth and development.

Пахтачилиқда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан сув ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш, гўзани ҳосилга ўтказиш мақсадида мақбул муддатларда чилпиш ва етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ўтишишириб олишда дефолиантларни қўллашда илмий асосланган меъёрларга амал қилишга боғлиқ.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда, Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида гўзанинг "Зарафшон" навининг сугориш режимлари ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда янги ЎзДЕФ ва ПолиДЕФ дефолиантларини қўллаш муддатлари ва меъёрлари ўрганилди.

Дала тажрибалари Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз, сизот сувлари 7-8 метр чуқурлиқда жойлашган, ўртача қумоқ тупроқлари шароитида ўтказилди. Тажриба 16 вариантдан иборат бўлиб 3 қайтариқда, иккита сугориш тартиби, 12-13 ва 14-15 ҳосил шоҳида чилпиш муддатларида ЎзДЕФ дефолиантининг 6,0-7,0-8,0 л/га ва ПолиДЕФ дефолиантининг 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларини қўллаш варианtlари жойлаштирилди (1-жадвал).

Дастурга асосан гўзани чилпиш ишлари кимёвий усулда "Энто жеан" препарати ёрдамида ўтказилди. Дефолиация режага мувоғиқ равиша тажриба даласида қўлланилди.

Тажрибада иш режасига асосан гўзани сугориш тартиблари ва чилпиш муддатларини гўза барг сатҳи ва қуруқ массаси-

ни тўплашга таъсирини ўрганиш мақсадида 10 сентябр ҳолатига фенологик кузатувлар ўтказилди.

Олинган маълумотларга кўра, суфоришлоди намлигининг ошиши, ўсимликнинг барг сатҳи ва қуруқ массаси тўпланишининг ошиб боришини таъминлаганлиги кузатилмоқда, яъни гўзани

1-жадвал

### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

T/р	Сугориш тартиби	Чилпиш муддатлари	Дефолиантларни қўллаш меъёри
1	ЧДНС 65-70-60%	Чилпиш 12-13 ҳосил шоҳида	Назорат-
2			СуюқХМД-8,0 л/га
3			ЎзДЕФ-6,0 л/га
4			ЎзДЕФ-7,0 л/га
5			ЎзДЕФ-8,0 л/га
6			ПолиДЕФ-5,0 л/га
7			ПолиДЕФ-6,0 л/га
8			ПолиДЕФ-7,0 л/га
1	ЧДНС 70-75-65%	Чилпиш 12-13 ҳосил шоҳида	Назорат-
2			СуюқХМД-8,0 л/га
3			ЎзДЕФ-6,0 л/га
4			ЎзДЕФ-7,0 л/га
5			ЎзДЕФ-8,0 л/га
6			ПолиДЕФ-5,0 л/га
7			ПолиДЕФ-6,0 л/га
8			ПолиДЕФ-7,0 л/га

сугоришолди намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-60 фоиз бўлган фонда бир дона ўсимлиқда барг сатҳи 2262,5-2299,5 см<sup>2</sup> ва бир дона ўсимлиқнинг куруқ массаси 89,4-96,8 грамм бўлганлиги кузатилди.

Бу кўрсаткичлар ғўзани сугоришолди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60 фоиз бўлган фонда бир дона ғўзанинг барг сатҳи 2475,9-2527,9 см<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, бир дона ўсимлиқнинг куруқ массаси 109,1-116,3 граммни ташкил қиди.

Шунингдек, тажрибада ғўзанинг дефолиация ўтказиш тадбирдан олдинги биологик ҳолатини ўрганиш мақсадида вариантилар бўйича кузатиш ишлари ўтказилди.

Кузатишлар натижасида олинган маълумотларни фонлар бўйича таҳлил қилганимизда, ғўзанинг сугоришолди намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-60 фоиз ва ғўзани 12-13 ҳосил шохидаги чилпилган фонда ўсимлик бўйи ўртacha 75,7 см дан 79,9 см гача, ўсимлиқдаги барглар сони 41,6 донадан 46,2 донагача бўлиб, кўсаклар сони 8,8 донадан 9,2 донагача бўлганлиги кузатилди.

Ғўзанинг 14-15 ҳосил шохидаги чилпилганда эса ғўзанинг ўртacha бўйи 85,5 см дан 89,3 см гача, бир ўсимлиқдаги барглар сони ўртacha 52,8 донадан 55,3 донагача ва кўсаклар сони 10,4 донадан 11,1 донагача бўлганлиги қайд қилинди.

Тажрибанинг иккинчи сугориш фонида, яъни сугориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 фоизлик сугориш тартибида 11-12 ҳосил шохидаги чилпилган вариантиларда, ўсимлиқнинг бўйи ўртacha 92,3 см. дан 94,5 см. гача бўлиб, ўсимлиқдаги барглар сони ўртacha 55,4 донадан 58,3 донагача, кўсаклар сони 10,5 донадан 11,8 донагача бўлганлиги кузатилди.

УДК: 633.511:631.173.3

## ПОЛЕВАЯ ВСХОЖЕСТЬ СЕМЯН В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА СЕМЕНА УЛЬТРАФИОЛЕТОВЫМ ОБЛУЧЕНИЕМ

The article provides an analysis of the results of research, on the basis of which conclusions are drawn on the established genetic laws of variability of the trait "field germination of seeds" when studying the effect of aftereffect on the effects of various physical factors on seeds.

Одной из наиболее важных проблем в земледелии является разработка и внедрение в производство новых методов повышения продуктивности культурных растений. Использование ультрафиолетового облучения (УФО) для создания высококачественного семенного материала является весьма перспективным направлением. В настоящее время в нашей стране и за рубежом накоплен обширный материал, свидетельствующий о положительном влиянии УФО на семена и в конечном итоге на урожай и качество урожая сельскохозяйственных культур, в том числе хлопчатника. Распространение вышеназванных приемов в повышении урожайности местных сортов основных сельскохозяйственных культур представляется весьма актуальной проблемой.

Опыт исследований в области электрообработки позволяет рассмотреть альтернативный способ повышения продуктивности сельскохозяйственных культур на основе воздействия искусственных ультрафиолетовых и электромагнитных источников облучения на объекты (семена, растения, почвы) с учетом экологических требований предельно допустимых норм параметров излучения.

Наиболее известными являются экспериментальные и теоретические работы по облучению различных биологических объектов (семена, микроводоросли, дрожжи, бактерии) сверхвысокочастотным, микроволновым и лазерным излучениями. Разработаны приборы предпосевной обработки семян, в которых засыпанные семена облучаются электромагнитными полями различных частот малой мощности в течение короткого времени.

Бу кўрсаткичлар ғўзани 14-15 ҳосил шохидаги чилпилган вариантиларда 102,2 см дан 106,5 см. гача, бир ўсимлиқдаги барг сони ўртacha 58,0 донадан 65,9 донагача ва кўсаклар сони 11,1 донадан 12,2 донагача бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада ғўзани сугориш тартиблари ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда дефолиантларнинг ғўза баргини тўкилиши ва кўсакларни очилишини ўрганиш кўзда тутилган ва кузатишлар қўлланма асосида олиб борилди.

Дефолиациядан сўнгги 14-куни олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда энг юқори кўрсаткичлар ғўзанинг сугоришолди намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-60 фоизли фонда 12-13 ҳосил шохидаги ЎзДЕФ дефолиантни 8,0 л/га қўлланилганда эса 93,3 фоизни ташкил қиди.

Ғўзани сугоришолди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60 фоизлик сугориш тартибида 14-15 ҳосил шохидаги дефолиантларнинг энг юқори самарарадорлиги ЎзДЕФ дефолиантни 8,0 л/га ва Поли ДЕФ дефолиантини 6,0 л/га қўлланилганда 89,8 фоизни ташкил қиди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдик, тажриба даласида сугориш тартиби ва чилпиш муддатлари ўсимлиқнинг ўсиши ва ривожланишига турлича таъсир қилиши натижасида кўлланиладиган дефолиантлар самарарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир этиши кузатилди.

Ш.РАҲМОНОВ,  
ПСУЕАИТИ Самарқанд илмий-тажриба стансияси,  
таянч докторантни.

- воздействие УФО на опущенные семена в течении 15 минут 4.04.2017 в 2017 г.;
- комплексное воздействие УФО на опущенные семена в течении 15 минут и ЭМО 4.04.2017;
- воздействие ЭМО на опущенные семена 4.04.2017.

На 15.09.2018 г. проводилось морфобиологическое описание каждого растения оставленного после прореживания в полевом опыте.

Полевой опыт проводился самостоятельно в полевых условиях НИИССАВХ, при этом посев проведен 4-х рядковыми, 40 луночными делянками, в трехкратной повторности, рендомизированными блоками, ручным способом, с предварительным просчетом семян каждой повторности из расчета 800 семян каждого варианта, каждого повторения. Опущенные семена получены с растений урожая 2017 года получен урожай из семян на которые оказывалось перед посевом воздействие следующих физических факторов: - УФО в течение 15 минут, ЭМО, комплексное воздействие УФО и ЭМО, и контроль без какого-либо воздействия.

Полученные семена урожая 2017 года использовались в 4-вариантах в полевом опыте 2018 года с целью установления возможного сохранения эффекта стимулирования или отсутствие от вышеназванных факторов физического воздействия на посевные семена оказанном перед посевом 2017 г.

Воздействие в 2017 г. на семена и растения УФО и ЭМО проводилось на опытно-промышленных образцах стационарных установок, которые разработал и создал в АО «БМКБ-Агромаш» д.т.н., проф. Мухаммадиев А.

Проанализировав результаты полевых исследований по признаку «% взошедших растений на 04.05.2018 г.», установлено, что в варианте полевого опыта наилучшими по среднему значению признака «полевая всхожесть семян» у сортов С-6524 и Намangan-77 оказывалось комплексное воздействие УФО в течении 15 минут и ЭМО перед посевом в 2017 году. Полученные семена с урожая 2017 года и высеванные в 2018 году, у которых соответственно следующее значение признака равнялось 79.03 и 81.12%.

То есть к варианту опыта – контроль увеличение признака составило по сортам хлопчатника вовлеченных в эксперимент соответственно 65.33 и 67.59%.

В варианте полевого опыта, где на опущенные посевные семена сортов хлопчатника С-6524 и Намangan-77 оказывалось воздействие УФО в течении 15 минут, в первой декаде апреля 2017 г., величина признака «полевая всхожесть семян» составила соответственно 71.5 и 76.7%. То есть по отношению к варианту опыта – контроль увеличение значения признака составило соответственно 46.12% и 44.37%.

**УДК: 633.511:632:631.572**

## СОЗДАНИЕ УСТОЙЧИВОГО СЕЛЕКЦИОННОГО МАТЕРИАЛА К КОРОБОЧНОМУ ЧЕРВЮ НА БАЗЕ ТРАНСГЕННОГО ХЛОПЧАТНИКА

**In this article the results of crossing BT gene cotton sample with several uzbek varieties are illustrated. The resistance to Helicoverpa armigera was observed as dominant trait and in F<sub>3</sub> the most resistant families were selected combining other agronomic traits.**

Мировое сельскохозяйственное производство ежегодно теряет 1,4 триллион долларов от сельскохозяйственных вредителей, что составляет более 5% от мирового ВВП. Современной проблемой хлопководства в различных странах мира является создание новых сортов устойчивых к биотическим и абиотическим условиям окружающей среды. *Helicoverpa armigera* имеющаяся как коробочный червь широко распространена во всех хлопкосеющих стран мира. Начиная с 1996 года после открытия BT гена компанией Monsanto устойчивого к коробочному черви, в большинстве хлопкосеющих странах начали возделывать

В варианте полевого опыта, где на опущенные посевные семена сортов хлопчатника С-6524 и Намangan-77 оказывалось воздействие ЭМО, в первой декаде апреля 2017 г., как это видно из таблицы 7.2.1, величина признака «полевая всхожесть семян» составила соответственно 59.92 и 59.53%. То есть по отношению к варианту опыта – контроль увеличение значения признака составило соответственно 46.19 и 44.32%.

Исходя из анализа результатов полевых исследований, проведенных в 2018 году по признаку «полевая всхожесть семян», сделаны выводы:

- при воздействии на опущенные посевные семена УФО в течении 15 минут и ЭМО, в первой декаде апреля 2017 г. установлено значительное увеличение среднего значения признака «полевая всхожесть семян», у сортов хлопчатника С-6524 и Намangan-77 при комплексном воздействии УФО в течении 15 минут и ЭМО среднее значение признака составило соответственно 79.03 и 81.12%, то есть к варианту опыта – контроль увеличение признака составило соответственно 65.30 и 65.90%.

- при воздействии на семена ЭМО в 2017 г. среднее значение вышеназванного признака в 2018 г. у сортов хлопчатника С-6524 и Намangan-77 соответственно составило 66.08 и 62.06%, то есть по отношению к варианту опыта – контроль увеличение значения признака составило соответственно 52.65 и 47.20%.

**А.КУРБОНОВ,**  
д.ф. (PhD), с.н.с.,

**А.АШИРКУЛОВ,**  
к.с.х.н., с.н.с.,

**В.АВТОНОМОВ,**  
д.с.х.н., проф.,  
НИИССАВХ.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Абдурахманов Т., Турсунов Л., Ли А., Нурмухамедов А. Рекомендации по использованию оксикумата в качестве стимулятора роста и развития растений. – Ташкент: Университет, 2000. – 11 с.
2. Абдуллаева М.М., Рахимов М.М., Валиханов М.Н. Действие полифосфатов на активность липазы при прорастании семян хлопчатника. //Узбекский биологический журнал, 1998. №1. С.33-35.
3. Автономов В.А., Амантурдиев А.Б., Мухаммадиев А., Арипов А., Ахмедов Д.Д., Изменчивость признака «высота закладки первой симподии на растении» в зависимости от экспозиции воздействия (УФО) и зоны возделывания сортов хлопчатника С-6524, Чимбай-5018 и Дустлик-2. //Сборник ПСУЕАТИ «Узбекистон пахтчилигини ривожлантириши истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуман материалари тўплами. Тошкент. 2014. С.115-118.

Таблица 1

№	Сорта и гибриды	Общее количество растений (шт.)	Количество коробочек (шт.)	Количество поражённых коробочек (шт.)	Процент заражения (%)
1	BL	23	382	7	1.8
2	Наманган-77	26	429	86	20.0
3	C-6524	32	544	104	19.1
4	C-2610	24	397	73	18.6
5	Шодиёна	27	456	82	17.9
6	F <sub>1</sub> BL x C-6524	19	341	10	3.4
7	F <sub>1</sub> C-6524 x BL	18	289	9	3.1
8	F <sub>1</sub> BL x Шодиёна	25	425	11	2.5
9	F <sub>1</sub> Шодиёна x BL	24	419	16	3.8
10	F <sub>1</sub> BL x C-2610	27	451	12	2.7
11	F <sub>1</sub> C-2610 x BL	28	472	18	3.8
12	F <sub>1</sub> BL x Наманган-77	24	384	11	2.8
13	F <sub>1</sub> Наманган-77 x BL	21	337	14	4.1

была заражена в 10<sup>ти</sup> кратном количестве. Такое нашествие коробочного червя в естественных условиях не наблюдается. Установлено, что у гибридов F<sub>1</sub> устойчивость к коробочному черви наследуются по типу полного доминирования.

Поражаемость сортов и гибридов F<sub>1</sub> на искусственно заражённом фоне личинками Helicoverpa armigera.

В каждом варианте количество растений варьировало от 18

до 32 шт. В ходе вегетации были подсчитаны количество коробочек на кусте и количество поражённых коробочек. Наиболее устойчивым оказался сортобразец BL хлопчатник. У него процент заражения был минимальным и составил 1,8 %. Узбекские сорта поражались во много раз больше и процент заражения колебался от 17,9 до 20,0 %. Отбор резистентных растений в F<sub>2</sub> позволил отобрать в F<sub>3</sub> семена сохраняющие относительно хорошую устойчивость к этому вредителю. Наиболее устойчивые растения были отобраны индивидуально и на следующий год изучены посемейно. В результате этого процент заражения у семей F<sub>3</sub> не превышал 5 %.

**Г.ШОДМОНОВА,**  
ассистент,  
**П.ИБРАГИМОВ,**  
профессор,  
**Б.УРОЗОВ,**  
мл.н.с.,  
Тошдау, ПСУЕАИТИ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Sharma H.C. and Agarwal R.A (1978). Effect of some antibiotic compounds in gossypium on the post-embryonic development of spotted bollworm (*Earias vittella*). *Entomologia Experimentalis et Applicata Volume 31, Numbers 2-3, 225-228.*

2. Singh S.P., Ballal C.R., Poorani J. Old world bollworm *Helicoverpa armigera*, associated *Heliothinae* and their natural enemies. Project Directorate of Biological Control. Bangalore. India. Technol. Bull. 2002. N. 31. 135 p.

УЎТ: 633.511.621.7.019:631.413.3

## ТУРЛИЧА ШЎРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ҒЎЗА БАРГИ ТЎКИЛИШИ ВА КЎСАКЛАРНИНГ ОЧИЛИШИГА ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Under the conditions of low saline, moderate and saline soils of the Andijan region, the local UzDEF and FanDEF defoliants have been identified to have their impact on the opening and closing of the cotton leaf. In this case Liquid XMD in norms 5,0-6,0-7,0 liters hectare compared to 8,0 liters in low saline area at 6,0-7,0 liters, moderate salinity – 5,0-6,0 liters compared with 7,0 liters of deforesters in the un-saline area.

Андижон вилоятининг турлича шўрланган тупроқлари шароитида 2017-2018 йилларда янги маҳаллий УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларини ғўза кўсаклари 45-50% очилган муддатда кўллаб, назорат варианти хамда СуюқХМД дефолианти 8 л/га кўлланилган вариантларга таққосланган ҳолда баргларнинг тўкилиши ва кўсакларнинг очилишига таъсири ўрганилди.

А.Имамалиевнинг (1969) фикрича, ғўза барглари тўкилишидан олдин барг пластинкаси таркибида кремний, темир, магний, кальций тузларининг кўпайиши билан бирга, азот, фосфор ва калий каби муҳим минерал озиқа элементлари миқдори пасаяр экан. Шунинг учун ғўза баргларнинг тўкилишига бир томондан баргларнинг минераллашуви сабаб бўлса, иккинчи томондан ғўза баргларидаги озуқа моддаларининг қайта тақсимланиб, тез қаришига сабаб бўлади. Ғўза баргларидаги озиқа моддалари эса энг аввало ёш барларга шона, гул, кўсакларга етказилади. Шунинг учун ғўза баргларида бу пайтда фотосинтез маҳсулдорлиги ва унинг интенсивлиги пасаяди, ўсиши ва куруқ модда тўпланиши тўхтайди.

Шунингдек, Андижон вилоятининг турлича шўрланган тупроқлари шароитида етиширилаётган пахта майдонларидаги толанинг сифат кўрсаткичларини ошириш ва хосилини қиска муддатларда нестнобуд қиласдан юғишишиб олишида дефолиация тадбирининг ўрни мухимdir. Бизнинг мақсадимиз ўрта толали ғўза навлари баргини тўқтиришда, УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг кучиси

шўрланган, ўртача шўрланган ва шўрланмаган майдонларда қўллаб, мақбул меъёрларни аниқлашдан иборат.

Тупрок шўрланиши кучисиздан кучли даражага қараб ошиб боришига мувофиқ равишда дефолиантлар меъёри 10-20% га камайтирилади. Сув танқис ҳудудлардаги ғўзадаги дефолиантлар меъёрини мақбул сугориш тартибида етиштирилган ғўзаларга нисбатан 10-15% га ошириш лозим (Тешаев, Синдаров 2011).

Ф.Тешаевнинг (2015) фикрича кўсаклар очилиши даврида ғўза тупида баргларнинг кўп бўлиши пахта даласини шабадаланиб туришига халал бериб, ҳавонинг ерга якин турган қатламида намликинг ортиб кетишига сабаб бўлади. Натижада кўсаклар димикиб, очилиши кечикади, ҳатто, айримларида кўсакни чиритадиган бактериялар, замбуруғлар кўпайиб, кўсакларнинг чириш ҳолатлари кўпроқ кузатилади.

Тажрибалар Андижон вилояти Улуғнор тумани Мирзаахмедов мас-сивидаги фермер хўжаликларининг турлича шўрланган дала майдонларида олиб борилди. Тажриба институт услубномасига Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПИТИ 2007; Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмаларга асосан ўтказилиб, УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг турли (5,0-6,0-7,0 л/га) меъёрлари СуюқХМД дефолиантига қиёслаб ўрганилди.


Андижон вилоятининг турлича шўрланган тупроқлари шароитида олиб борилган дала тажрибалари натижаларига қараганда,

УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантлари СуюқХМД дефолиантига нисбатан самаралироқ таъсир этиши тажрибада кузатилди.

Кучисиз шўрланган майдонларда дефолиациядан 14 кун ўтгач, СуюқХМД 8 л/га кўлланилган вариантда куриган барглар 14,1% ни, яrim куриган барг 9,3% ни, тўкилган баглар эса 76,3% ни ташкил этган бўлса, УзДЕФ дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда кўлланилган вариантларда тўкилган баргалар 75,5-77,1-79,6% га етганлиги, қолаверса, шунга мос равишда тупида куриган баргалар 11,8-11,9-10,9% га, яrimкуриган баргалар эса 9,6-8,4-8,2% етганлиги маълум бўлди. ФанДЕФ дефолиантини СуюқХМД дефолиантига нисбатан 6,0-7,0 л/га кўлланган вариантларда 0,2-2,1% гача баргларни тўкилишида юқори натижалар олинди.

Ўртача шўрланган майдонларда хам дефолиациядан 14 кун ўтгач, СуюқХМД 8 л/га кўлланилган вариантда куриган баргалар 10,3% ни, яrimкуриган барг 8,2% ни, тўкилган баргалар эса 80,2% ни ташкил этган бўлса, УзДЕФ дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда кўлланилган вариантларда тўкилган баргалар 80,3-83,7-79,9% га етганлиги, қолаверса, шунга мос равишда тупида куриган баргалар 11,3-10,4-13,0% га, яrimкуриган баргалар эса 7,2-5,2-6,3% етганлиги маълум бўлди. ФанДЕФ дефолиантини СуюқХМД дефолиантига нисбатан 5,0-6,0-7,0 л/га кўлланган вариантларда 3,0-4,0-0,2% гача баргларни тўкилиши юқори бўлди. Шўрланмаган майдонда олиб борилган тажрибамизда дефолиациядан 14 кун ўтгач, СуюқХМД 8 л/га кўлланилган вариантда куриган баргалар 12,2% ни, яrimкуриган барг 10,4% ни, тўкилган баргалар эса 77,4% ни ташкил этган бўлса, УзДЕФ дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда кўлланилган вариантларда тўкилган баргалар 78,6-81,1-85,0% га етганлиги, қолаверса, шунга мос равишда тупида куриган баргалар 10,1-8,9-8,6% га, яrimкуриган баргалар эса 10,2-9,0-5,8% етганлиги маълум бўлди. ФанДЕФ дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га кўлланган вариантларда эса 0,6-3,8-7,5% гача баргларнинг тўкилиши хам юқори бўлди.

Кучисиз шўрланган тажриба даласида назорат варианти ҳам ўрганилган бўлиб, назорат вариантига нисбатан кўсакларни очилиши СуюқХМД дефолиантини кўлланган вариант 13,9% га, УзДЕФ дефолиантини кўлланган вариантларда эса 5,0-6,0-7,0 л/га 11,8-15,4-16,5% га юқори бўлганилиги, ФанДЕФ дефолиантини кўлланганда эса 5,0-6,0-7,0 л/га вариантларда кўсакларнинг очилиши назоратга нисбатан 10,9-11,4-16,3% гача юқори натижалар олинди. Ўртача шўрланган майдонларда назоратга нисбатан СуюқХМД варианти 9,1% га, УзДЕФ дефолиантини кўлланган вариантларда эса 5,0-6,0-7,0 л/га 10,0-12,5-10,3% га кўсаклар кўпроқ очилди. ФанДЕФ дефолиантини кўлланган 5,0-6,0-7,0 л/га вариантларда кўсакларнинг очилиши назоратга нисбатан 10,1-12,7-8,8% га кўсакларнинг очилиши



1-расм. Дефолиантларнинг барг тўкилиши ва кўсаклар очилишига таъсири.

кузатилди. Шўрланмаган тажриба майдонида эса назоратга нисбатан СуюқХМД варианти 14,5% га, УзДЕФ дефолиантини кўлланган вариантларда эса 5,0-6,0-7,0 л/га 11,1-14,3-17,5% га кўсаклар кўпроқ очилди. ФанДЕФ дефолиантини кўлланган 5,0-6,0-7,0 л/га вариантларда кўсакларнинг очилиши назоратга нисбатан 10,3-13,7-16,9% га кўсакларнинг очилиши юқори бўлди.

Андижон вилояти шароитида турлича шўрланган майдонларда, хусусан, кучисиз шўрланган майдонларда пахта хомаёсини тез ва қиска кунлар ичida териб олиш мақсадида, УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини гектарига 6,0-7,0 л/га, ўртача шўрланган майдонларда 5,0-6,0 л/га, шўрланмаган майдонларда эса 7,0 л/га кўлаш яхши самара беради.

**Ф.ТЕШАЕВ,**  
к.х.ф.д проф,  
**А.УЛЖАБОЕВ,**  
ПСУЕАИТИ таянч докторантни.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Тешаев Ш., Синдаров О. Дефолиация-муҳим тадбир. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2011 йил № 8-сон, — 7-8-б.
2. Тешаев Ф.Ж. Турли агротадбирларнинг гўза навлари дефолиацияси самарадорлигига таъсири. // Дисс... қиши. х/ф док. – Тошкент, 2015. – 200 бет.
3. Дала тажрибаларини ўтказиши услублари. УзПИТИ. Тошкент, 2007. 87-бет.

УЙТ: 633. 511. 575. 22. 2.

## ҒЎЗАНИНГ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ НАВЛАРИНИ ИРИК КЎСАКЛИ ТИЗМАЛАР БИЛАН ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН F<sub>1</sub> ЎСИМЛИКЛАРДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Илмий изланишларимизда ғўзанинг ингичка толали нав ва тизмаларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган F<sub>1</sub> ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанилиги бўйича олинган натижалар тахлил қилинди.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Fўза систематикаси ва интродукцияси лабораторияси тажриба даласида бажарилди. Тажриба учун G.barbadense L. турига мансуб маданий “Термиз-31”, “Сурхон-14”, “Сурхон-18”, “Илотон”, ирик кўсакли “Ангор” нави ва тизмалари олинди.

Илмий изланишларни амалга оширишда куйидаги услублардан фойдаланилди: оддий дурагайлаш, лабораториявий, математик ва кластер тахлилдан ўтказилди.

Тадқиқот учун танланган бошлангич намуналардан битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича олинган кўрсаткичлардан маълум бўлди, “T-2006” тизмасида энг ирик кўсак ўртача 5,9 грамм, белги бўйича паст кўрсаткич маданий “Илотон” навида 2,4 грамм эканлиги аниқланди” (1-жадвал).

Ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичларининг тахлилида нав ва тизмаларни дурагайлаш натижасида олинган F<sub>1</sub> ўсимликларида битта кўсақдаги

пахта вазни ўртача 3,2-4,6 граммни ташкил этди ва ушбу белгининг ирсийланиши турлича кечишини кўрсатди. Кўсақдаги пахта вазни бир-биридан кам фарқ қилган икки шаклни чатиштирилиб олинган ўсимликларда кучли гетерозис ҳолати кузатилган бўлса, кўсаги йирик ва майда шаклларни чатиштиришдан олинган дурагайларда ўрганилаётган битта кўсақдаги пахта вазни белгиси ижобий ва салбий оралиқ ҳолатида ирсийланиши кузатилди. Масалан,  $F_1$  Сурхон-18 x Илотон комбинациясида битта кўсақдаги пахта вазни белгиси ўртача 3,2 граммни ташкил этган бўлса, ўта доминант ( $hp=4,3$ ), Сурхон-14 x Ангор комбинациясида ижобий оралиқ ( $hp=0,2$ ) ҳолатда ирсийланиши аниқланди.

Бошланғич манба сифатида танлаб олинган ингичка толали нав ва тизмаларини тола узунлиги белгисини ўрганиш натижасида кўрсаткич 39,3-40,7 мм ни ташкил этди.

Дурагайлаш натижасида олинган  $F_1$ , ўсимликларда тола узунлиги белгиси бўйича самарали натижалар кузатилиб, 37,6-40,0 мм, ушбу белги бўйича яхши кўрсаткич  $F_1$  T-2017-2 x Сурхон-14 комбинациясида ўртача 40,3 мм қайд этилган бўлса, белгининг доминант ҳолатда ( $hp=1,0$ ), тола узунлиги белгиси бўйича энг паст кўрсаткич  $F_1$  T-2017x Сурхон-14 комбинациясида ўртача 37,6 мм, ирсийланиш коэффициенти эса салбий ўта доминантлик ( $hp=-14,5$ ) ҳолатида ирсийланиш кузатилди.

#### **Бошланғич манбалар ва уларни дурагайлаш асосида олинган $F_1$ , ўсимликлари қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши**

Бошланғич манбалар ва $F_1$ дурагай комбинациялари	Битта кўсақдаги пахта вазни, г	hp	Тола узун-лиги	hp	Тола чиқими	hp	1000 дона чигит вазни	hp
Сурхон-14	3,2±0,13	-	40,3±0,26	-	34,0±0,03	-	119,3±1,1	-
Сурхон-18	2,7±0,08	-	40,3±0,18	-	37,3±0,49	-	107,95±1,2	-
Илотон	2,4±0,19	-	39,5±0,13	-	34,0±0,38	-	104,0±1,4	-
Термиз-31	3,2±0,20	-	39,4±0,31	-	36,5±0,53	-	123,6±1,8	-
Ангор	4,8±0,12	-	40,2±0,17	-	36,5±0,35	-	141,4±1,8	-
T-1985	5,7±0,06	-	40,2±0,16	-	35,3±1,03	-	143,7±2,3	-
T-2006	5,9±0,38	-	40,3±0,18	-	34,8±0,52	-	146,0±1,7	-
T-2017	5,6±0,20	-	40,7±0,24	-	34,6±0,29	-	139,8±1,8	-
T-2017-2	5,3±0,20	-	39,3±0,26	-	35,9±0,40	-	134,1±1,9	-
F <sub>T</sub> -1985 x Сурхон-14	4,4±0,07	-0,04	40,0±0,04	-5,0	36,9±0,68	3,4	102,6±0,08	-2,3
F <sub>T</sub> Сурхон-14 x Ангор	4,2±0,15	0,2	39,0±0,04	-25,0	36,4±0,36	0,9	105,4±0,06	-1,2
F <sub>T</sub> Сурхон-14 x Илотон	3,8±0,06	2,5	38,8±0,02	-2,7	36,4±0,58	2,4	120,8±0,08	1,1
F <sub>T</sub> Термиз-31 x Ангор	4,2±0,15	0,2	38,3±0,03	-1,9	37,4±0,34	0,9	108,5±0,07	-2,6
F <sub>T</sub> Ангор x Сурхон-14	4,2±0,07	0,2	38,5±0,03	-0,3	36,4±0,31	0,9	107,1±0,10	-2,1
F <sub>T</sub> -2017-2 x Илотон	4,3±0,07	0,3	38,7±0,02	-7,0	30,5±0,51	-3,0	116,9±0,09	-0,14
F <sub>T</sub> -2017x Сурхон-14	3,9±0,07	-0,4	37,6±0,02	-14,5	35,3±1,20	-3,3	98,4±0,14	-3,0
F <sub>T</sub> Сурхон-18 x Илотон	3,2±0,09	4,3	38,0±0,04	-4,7	34,2±0,70	-0,8	79,3±0,48	-9,0
F <sub>T</sub> Ангор x Илотон	4,1±0,11	0,4	40,2±0,03	1,0	33,7±0,13	-1,2	114,4±0,10	-0,43
F <sub>T</sub> -2017 x Илотон	4,0±0,10	1,6	39,2±0,03	-1,1	35,5±0,59	4,0	109,8±0,05	-0,67
F <sub>T</sub> -2017-2 x Сурхон-14	3,9±0,03	-0,3	40,3±0,02	1,0	36,8±1,83	1,9	105±0,14	-2,93
F <sub>T</sub> Ангор x Сурхон-14	4,3±0,08	0,3	38,2±0,08	-41,0	35,3±0,57	0,04	81,3±0,17	-4,4
F <sub>T</sub> -2006x Илотон	4,6±0,05	0,2	39,8±0,03	-0,2	34,3±0,28	-0,2	89,4±0,14	-1,69
F <sub>T</sub> -1985 x Илотон	4,0±0,08	-0,03	38,6±0,03	-3,5	32,5±1,13	-3,3	108,2±0,04	-0,78

Тадқиқот натижаларининг таҳлилидан кўриниб турибдики (1-жадвал), танлаб олинган бошланғич манбаларда тола чиқими

#### **АДАБИЁТЛАР**

- Абдурахманов И.Ю. Структурная и функциональная особенности хлопчатника: создание маркеров, генетическое картирование, клонирование и следование функций полезных генов рода *GossypiumL*. Автореф. дисс. док. биол. наук. Ташкент. 2008.- С. 13-16.
- Ахмедов Ж.Х., Чориева Х. Ингичка толали ғўзанинг афзаллуклари:// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент. 2018. -№9. - 31 б.

**УЎТ: 631.521.52.524**

**ҒАЛЛАЧИЛИК**

## **КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ КОНСТАНТ ШАКЛЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**

**The study of all-round pathology of hygroscopic lines with 53 stable states in the control nursery has been studied. It has been studied for durable lipid-resistant, moderate, fungal diseases, winter and frost-resistant, high-yielding, early harvesting, and 9 hybrid lines for next year nursery selected.**

Илмий тадқиқот ишлари 2015-2016 йиллар давомида Андикон вилоятida жойлашган Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг “Марказий” тажриба участкасида ўтказилди. Лаборатория

белгиси турлича бўлиб, “Сурхон-18” навида кўрсаткич юқори, яъни 37,3% ни ташкил этган бўлса, “Сурхон-14” ва “Илотон” навларида 34,0% га тенг бўлди.

Ўрганилган  $F_1$  ўсимликларда тола чиқими ўртача 30,5-37,4%. Ушбу белги бўйича энг юқори кўрсаткич  $F_1$  Термиз-31 x Ангор комбинациясида ўртача 37,3% қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич T-2017-2 x Илотон комбинациясида ўртача 30,5% ни ташкил этди.

*Garbadense L.* турига мансуб нав ва тизмаларни чатиштириш натижасида олинган  $F_1$  дурагайларида тола чиқими белгиси салбий ва ижобий оралиқ, доминант ёки ўта доминант ҳолатларда ирсийланиши кузатилди.

Тажриба маълумотлари бўйича, 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича дурагайлашда иштирок этган бошланғич манба намуналари бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. “T-2006” тизмасида чигити йирик 146,0 г бўлган бўлса, “Илотон” навида 1000 дона чигит вазни ўртача эканлиги, яъни белги кўрсаткич 104,0 г бўлиши аниқланди (1-жадвал).

Чатиштириш натижасида олинган  $F_1$  ўсимликларда 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича турлия натижаларнинг ўртаси 79,3-120,8 грамм, ушбу белги бўйича яхши кўрсакич  $F_1$  Сурхон-14 x Илотон комбинациясида ўртача йирик чигит 120,8 грамм қайд этилган бўлса, белгиси ижобий ўта доминант ҳолатда ( $hp=1,1$ ), 1000 дона чигит

**1-жадвал** вазни белгиси бўйича майда чигит кўрсаткичи  $F_1$  Сурхон-18 x Илотон комбинациясида ўртача 79,3 грамм, ирсийланиш коэффициенти эса салбий ўта доминантлик ( $hp=-9,0$ ) ҳолатида ирсийланиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, ингичка толали ғўза турига мансуб нав ва тизмаларни дурагайлаш асосида олинган  $F_1$  ўсимликларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши таҳлил қилинди. Ўрганилган битта кўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни белгилари бўйича доминантлик даражаси ижобий ва салбий оралиқ, доминант ҳамда ўта доминант ҳолатда ирсийланиши аниқланди.  $F_1$  авлодда эришилган ижобий гетерозис ҳолатини сақлаб қолиш учун кейинги авлодларда генетик-селекцион тадқиқотлар ишларини давом этириш керак бўлади.

**Ш.САМАНОВ,  
Б.АМАНОВ,  
С.РИЗАЕВА,  
Б.ГАППАРОВ,  
И.САМАДОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.**

таҳлиллари эса институтнинг «Ўсимликлар физиологияси ва дона сифатини баҳолаш» лабораториясида олиб борилиб, ҳар бир тажрибалар бўйича таҳлил натижалари ўрганилди.

Жадвал

Кузги юмшоқ буғдоининг назорат кўчатзорида линияларни фенологик  
кузатув натижалари. (2015-2016 й.)

№	Нав ва намуналар	Экипган муддат	Униб чиқиш	Туплаш	Найчалаш	Бошоғаш	Пишиш фазалари			Қишишга совукқа чидамли- лиги	Хосилдор- лик ц/га	
							Сут	Мум	Тўла			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	AC-2004-Д8	01.10.15	12.10.15	15.11.15	20.03.16	23.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	9	5	51.7
2	AC-2004-Д16	01.10.15	12.10.15	12.11.15	20.03.16	22.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	9	-	71.3
3	AC-2004-Д9	01.10.15	13.10.15	16.11.15	19.03.16	19.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	9	5	50.4
4	AC-2004-Д31	01.10.15	12.10.15	16.11.15	20.03.16	21.04.16	08.05.16	20.05.16	01.06.16	9	20	49.7
5	AC-2004-Д51	01.10.15	13.10.15	17.11.15	21.03.16	19.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	9	-	62.3
6	AC-2004-Д42	01.10.15	12.10.15	15.11.15	18.03.16	21.04.16	07.05.16	19.05.16	01.06.16	7	-	60.7
7	AC-2004-Д12	01.10.15	13.10.15	15.11.15	20.03.16	18.04.16	05.05.16	17.05.16	29.05.16	9	20	38.7
8	AC-2004-Д23	01.10.15	13.10.15	17.11.15	21.03.16	21.04.16	08.05.16	20.05.16	01.06.16	9	5	60.0
9	AC-2004-Д45	01.10.15	12.10.15	12.11.15	19.03.16	23.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	9	-	72.3
10	AC-2004-Д52	01.10.15	13.10.15	18.11.15	18.03.16	18.04.16	08.05.16	20.05.16	02.06.16	9	45	39.7
11	AC-2004-Д7	01.10.15	12.10.15	15.11.15	17.03.16	20.04.16	07.05.16	19.05.16	01.06.16	7	-	55.9
12	AC-2004-Д28	01.10.15	12.10.15	15.11.15	17.03.16	19.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	7	25	67.2
13	AC-2004-Д50	01.10.15	12.10.15	14.11.15	18.03.16	21.04.16	09.05.16	22.05.16	02.06.16	7	-	65.3
14	AC-2005-С8	01.10.15	12.10.15	15.11.15	17.03.16	18.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	9	-	57.8
15	AC-2005-С56	01.10.15	13.10.15	15.11.15	10.03.16	10.04.16	07.05.16	19.05.16	01.06.16	9	5	38.3
16	AC-2005-С74	01.10.15	12.10.15	16.11.15	12.03.16	11.04.16	08.05.16	20.05.16	02.06.16	9	45	35.5
17	AC-2005-С5	01.10.15	13.10.15	17.11.15	13.03.16	11.04.16	30.04.16	12.05.16	25.05.16	9	10	36.3
18	AC-2005-С64	01.10.15	13.10.15	13.11.15	18.03.16	23.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	9	-	66.3
19	AC-2005-С124	01.10.15	13.10.15	18.11.15	10.03.16	07.04.16	25.04.16	11.05.16	23.05.16	9	-	61.9
20	AC-2005-С282	01.10.15	12.10.15	18.11.15	17.03.16	18.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	9	-	60.9
21	AC-2005-С306	01.10.15	12.10.15	15.11.15	10.03.16	07.04.16	25.04.16	12.05.16	24.05.16	9	40	34.2
22	AC-2006-С22	01.10.15	12.10.15	14.11.15	14.03.16	23.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	7	5	69.5
23	AC-2006-С135	01.10.15	10.10.15	12.11.15	14.03.16	10.04.16	28.04.16	10.05.16	22.05.16	9	5	65.7
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
24	AC-2006-С107	01.10.15	12.10.15	14.11.15	19.03.16	23.04.16	10.05.16	23.05.16	03.06.16	9	-	76.1
25	AC-2006-С95	01.10.15	13.10.15	15.11.15	11.03.16	05.04.16	23.04.16	05.05.16	17.05.16	9	-	73.5
26	AC-2006-Д13	01.10.15	12.10.15	15.11.15	12.03.16	15.04.16	02.05.16	14.05.16	26.05.16	9	-	63.8
27	NII-3h92k-206	01.10.15	12.10.15	16.11.15	20.03.16	22.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	-	55.0
28	BWSN-299	01.10.15	12.10.15	18.11.15	20.03.16	21.04.16	08.05.16	20.05.16	01.06.16	9	-	52.3
29	AC-2006-Д4	01.10.15	10.10.15	14.11.15	19.03.16	19.04.16	07.05.16	19.05.16	30.05.16	9	-	51.3
30	AC-2006-Д1	01.10.15	13.10.15	15.11.15	17.03.16	13.04.16	02.05.16	14.05.16	26.05.16	9	-	54.0
31	AC-2006-Д17	01.10.15	12.10.15	15.11.15	19.03.16	22.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	-	50.6
32	AC-2006-Д3	01.10.15	12.10.15	14.11.15	20.03.16	22.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	5	49.7
33	AC-2006-Д10	01.10.15	12.10.15	16.11.15	18.03.16	23.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	25	60.2
34	AC-2006-Д16	01.10.15	12.10.15	18.11.15	16.03.16	21.04.16	09.05.16	21.05.16	02.06.16	9	5	49.1
35	AC-2006-С25	01.10.15	13.10.15	17.11.15	12.03.16	23.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	40	37.6
36	AC-2006-С20	01.10.15	13.10.15	15.11.15	13.03.16	22.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	10	48.9
37	AC-2006-С24	01.10.15	13.10.15	13.11.15	14.03.16	23.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	5	35.3
38	AC-2006-С27	01.10.15	12.10.15	16.11.15	17.03.16	19.04.16	07.05.16	19.05.16	30.05.16	9	5	60.2
39	AC-2004-Д33	01.10.15	12.10.15	16.11.15	17.03.16	19.04.16	06.05.16	18.05.16	30.05.16	9	-	65.0
40	AC-2004-Д36	01.10.15	12.10.15	17.11.15	18.03.16	18.04.16	05.05.16	17.05.16	29.05.16	9	25	39.7
41	AC-2004-Д10	01.10.15	12.10.15	15.11.15	18.03.16	24.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	-	68.3
42	AC-2004-Д53	01.10.15	13.10.15	15.11.15	19.03.16	19.04.16	08.05.16	20.05.16	01.06.16	9	-	37.2
43	AC-2004-Д17	01.10.15	13.10.15	16.11.15	20.03.16	23.04.16	09.05.16	21.05.16	02.06.16	9	-	63.5
44	AC-2004-Д26	01.10.15	13.10.15	15.11.15	12.03.16	24.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	-	37.5
45	AC-2004-Д21	01.10.15	12.10.15	15.11.15	13.03.16	23.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	-	58.2
46	AC-2004-Д81	01.10.15	13.10.15	15.11.15	11.03.16	19.04.16	08.05.16	20.05.16	30.06.16	9	-	52.1
47	AC-2004-Д37	01.10.15	13.10.15	18.11.15	17.03.16	22.04.16	10.05.16	22.05.16	02.06.16	9	20	27.8
48	AC-2004-Д41	01.10.15	13.10.15	14.11.15	19.03.16	23.04.16	10.05.16	21.05.16	02.06.16	9	10	52.7
49	AC-2004-Д96	01.10.15	12.10.15	14.11.15	13.03.16	23.04.16	09.05.16	21.05.16	02.06.16	9	5	55.0
50	AC-2005-С38	01.10.15	12.10.15	13.11.15	14.03.16	20.04.16	09.05.16	17.05.16	02.06.16	9	10	21.8
51	AC-2004-Д55	01.10.15	12.10.15	15.11.15	20.03.16	23.04.16	09.05.16	20.05.16	02.06.16	9	5	63.4
52	AC-2005-С85	01.10.15	12.10.15	16.11.15	12.03.16	15.04.16	05.05.16	17.05.16	29.05.16	9	-	60.2
53	AC-2005-С92	01.10.15	10.10.15	15.11.15	15.03.16	22.04.16	08.05.16	17.05.16	01.06.16	9	55	38.3

Дала тажрибалари Андижон вилояти Андижон тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти тажриба даласининг ўтлоғи тупроқлари шароитида ўтказилди.

Назорат кўчатзорида 2015-2016 йилларда 53 та констант (ўзгармас) ҳолатга келган янги дуррагай линиялар олиб борилган

тажрибанинг майдони 25 м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Тажрибалар даври давомида ҳар томонлама фенологик кузатув ишлари олиб борилди.

Тажрибаларда Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти ва Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти томонидан

ишилаб чиқилган услубий қўлланмалар асосида бир қатор агрокимёвий, фенологик кузатиш, баҳолаш, танлаш, касалликлар билан зарарланиш даражаларини ҳисобга олиш ишлари ўтказилди.

Б.А.Доспеховнинг дисперцион анализи успуби бўйича тажрибаларнинг аниқлик даражалари аниқланди.

Кўчатзорда фенологик кузатув ишлари олиб борилганда ниҳолларнинг униб чиқиши, туплаш фазаларининг интенсивлиги, уларни қишига ва совуқка, касалликка чидамлилигини баҳолаш ишлари амалга оширилди. Кўчатзорда дурагай линияларнинг тўлиқ униб чиқиш даври АС-2004-Д4, АС-2006-135-1, АС-2005-92 линияларида энг эрта 10 октябр кунида кузатилиб, қолган нав ва дурагай линияларда бир-икки кун фарқи билан 12-13 октябр кунларига тўғри келди.

Назорат кўчатзоридаги нав ва дурагай линияларнинг тупланиш даври АС-2004-Д16, АС-2004-Д45, АС-2005-С64, АС-2006-С135, АС-2005-С38, АС-2006-С24 линияларида энг эрта кузатилиб 12-13 ноябр кунига кузатилди. Назорат кўчатзоридаги АС-2004-Д37, АС-2004-Д52, АС-2005-С124, АС-2005-С282, АС-2006-С25, АС-2006-Д16, BWSN-299 линияларида тупланиш даври кеч кузатилиб 17-18 ноябр кунларига тўла туплаш даврига ўтганлиги кузатилди. Кўчатзорда киш фасли иклимининг илик ва қуруқ келиши туфайли кишида совуқ уриш ҳамда эрта баҳорда илдиз ва илдиз бўғзи чириш касаллиги учрамади.

Кўчатзордаги дурагай линияларнинг найчалаш фазаси бўйича олиб борилган фенологик кузатув натижалари кўйидагича кузатилди. Кўчатзоридаги 53 та дурагай линиялардан эрта найчалаш фазасига ўтгани АС-2006-С25, АС-2004-Д26, АС-2004-Д81, АС-2005-С85, АС-2006-Д13, АС-2005-С74, АС-2005-С306, АС-2005-С54, АС-2005-С124, АС-2006-С95 линияларида 10-12 март кунлари кузатилди. Қолган линияларда тўла найчалаш даври 5-7 фарқи билан кузатилиб, энг кеч найчалаш АС-2004-Д8, АС-2004-Д16, АС-2004-Д31, АС-2004-Д55, АС-2004-Д12, АС-2006-Д3 линияларида кузатилди.

Кўчатзордаги линияларда бошоқлаш даври эрта кузатилгани АС-2005-С124, АС-2005-С306, АС-2006-С95 дурагай линияларида 5-7

апрел кунига тўғри келиб, қолган дурагай линияларда 5-10 кун фарқи билан бошоқлаш фазасига ўтганлиги кузатилди. АС-2004-Д96, АС-2004-Д55, АС-2004-Д41,

С-2004-Д10 линиялари бошоқлаш даври кеч кузатилиб 23-24 апрел кунига тўғри келди. Дурагай линияларнинг гуллаш давридан сўнг сут, мум пишиш фазалари 7-12 кун ўтгач, дурагай линиялар ўртасида 5-7 кун фарқи билан кузатилди. (1-жадвал).

Кўчатзорда дурагай линияларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатади, энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичлари линияларда кўйидагича АС-2006-С107 линиясида 76,1 ц/га, АС-2006-С95 линиясида 73,5 ц/га, АС-2004-Д45 линияда 72,3 ц/га, АС-2004-Д16 линияларида 71,3 ц/га юқори ҳосилдорлик кузатилди. Энг кам ҳосилдорлик АС-2004-Д37 линиясида 27,8 ц/га, АС-2005-С38 линиясида 21,8 центнерни ташкил этди.

Нав ва дурагай линияларни замбуруғли касалликлар билан зарарланиши ўрганилганда, бу йилги шароитда қишининг илик ва қуруқ келиши, баҳорнинг серёғин бўлиши оқибатида замбуруғли касаллик сариқ занг эпидемияси кучли ривожланди. Кўчатзорда линияларнинг касаланиши ва чидамлилиги ўрганилганда, замбуруғли касалликлар билан касалланиши АС-2006-Д14, АС-2006-Д18, АС-2006-Д26, АС-2004-Д37 линиялари 20-25% касаланиб, АС-2004-Д52, АС-2005-С74, АС-2005-С306, АС-2006-С25, АС-2005-С92, BWSN-299 линиялари сариқ занг касаллиги билан 40-45% гача кучли касаланиши кузатилди.

Намуналарнинг пишиш ва сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, замбуруғли касалликларга дала шароитда чидамлилиги бўйича ўрганилиб, 9 та дурагай линияларни танлаб олишга эришилди.

И.ЭГАМОВА,  
к.х.ф.н., к.и.х.

Т.РАХИМОВ,  
к.х.ф.ф.д.

Н.ЮСУПОВ,  
докторант,

Дон ва дуккакли экинлар  
иммий-тадқиқот институту.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдураимов. Д.Т. "Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги". Тошкент, 2000 йил, Н.Доба ХТ матбаа, 399 бет.
2. Абдукаримов Д.Т. Сафаров Т.Э. Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари. -Тошкент:». 1989. –Б. 305.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. -М.: Агропромиздат, 1985. 240 стр.
3. Животкова. Л.А. «Пшеница», Киев- «Урожай», 1989 г. 308 стр.
4. Рыбалкин. П.Н.«Пшеница и Тriticale». Материалы научно-практической конференции «Зеленая революция П.П.Лукьяненко». Краснодар, 28-30 мая 2001 г. 790 стр.
5. Созинов. А.А. Химический состав и качество зерна пшеницы. В кн.: Пшеница. –Киев, "Урожай", 1977, - С. 206-220.
6. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқлу дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етишиши агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириши истиқболлари". Халқаро иммий-амалий конф. материаллари тўплами. Қарши 14-15 май, 2018 йил, 129-137 бет.

УЎТ: 633:52.

## ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА КЎП ЙИЛЛИК БУҒДОЙ НАВ НАМУНАЛАРИНИ ҶАҲОНГИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

The article provides information on the longevity of the wheat in agriculture, the results obtained, and the results of the research on the basis of the study of varieties and varieties of the primordial conditions of the region.

Дунё бўйича қишлоқ ҳўжалиги тизимлари тобора ортиб бормокда, уларнинг барқарорлигини ошириш учун абиотик ва биотик омилларга дуч келинмоқда. Қурғоқчилик, шўрланиш, тупроқ эрозияси ва деградацияси, озуқа моддаларини ювилиши каби экологик муаммолар яйловлар ва экинларни етиширишда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, селекция жараёнларида кўп йиллик буғдой навларининг оригинал навлар билан чамбарчас тақлид қила оладиган, янги навларни яратиш орқали муаммо-

ларни камайтиришга эришиш мумкин (Дюн ва бошқалар, 1999; Жексон, 2002).

Бир неча йилдан бўён Мичиган давлат университети (МСУ) тадқиқчилар томонидан мавжуд бўлган кўп йиллик буғдой навларининг дон ҳосилдорлигини аниқлади. Кузатув натижаларига кўра, Мичиган давлатининг жануби-гарбий қисмидаги жойлашган Уилям К. Келлог биологик станциясида буғдой ҳосилининг деярли ярми кўп йиллик буғдой навлари ҳиссасига тўғри келди. Австралияда Вагга Ваггдаги Чарлз Стурт Университетида

**Дон учун ўримдан кейин кўп йиллик хусусиятини ўрганиш**

№	Нав ва линиялар.	Дон учун ўрилган кун	Дон учун ўримдан кейин кун оралиғи (кўк масса)		
			1-ўрим, кун	2-ўрим, кун	3-ўрим, кун
1	BEZOSTAYA	25 июн	-	-	-
2	TAM110/PI401201//JAG &....	25 июн	-	-	-
3	(KEQIANG/NANDA2419)/AG.INTERMEDIUM/WHEAT	25 июн	-	-	-
4	HEZUO#2/AG.INTERMEDIU...	25 июн	-	-	-
5	WHEAT-AGROPYRON PONTICUM PARTIAL AMPHIPLOID1	25 июн	23	32	50
6	WHEAT-AGROPYRON PONTICUM PARTIAL AMPHIPLOID2	25 июн	23	32	48
7	T.DURUM/AG.ELONGATUM	25 июн	23	33	49
8	TH.INTERMEDIUM	25 июн	22	29	44
9	PI573182/BFC24//BFC2N/3/PI440048/4/(TAM110/PI401201//JAG&213-7)/5/(PI636500/PI414667//PI414667-/3/(PI573182/PI314190/BFC1FF))1	25 июн	23	32	50
10	MADSEN//CHINESE SPRING/PI5-317181	25 июн	23	32	45
11	MADSEN//CHINESE SPRING/PI5-317182	25 июн	23	32	51

Ўтказилган тадқиқотда, тадқиқотчилар кўп йиллик буғдой навлари ни синовдан ўтказдилар ва Мичиган давлатида экилган кўп йиллик буғдой навларида олинган ҳосилдорлик анча юқори 3,0 т/га тенг келганлиги кузатилди (Hayes ва бошқалар, 2012).

Американинг Канзас университетида ва CIMMYT халқаро маркази билан ҳамкорлиқда анъанавий селекция услубларидан фойдаланган ҳолда бир йиллик буғдой хусусиятларини ўзида мужассам этган кўп йиллик буғдой навларининг биринчи авлодлари яратилди. Ушбу навларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, буғдой дони ўриб-йигиштириб олингандан сўнг, буғдой майсаси қайтадан ўсиб чиқиб, октябр-ноябрь ойларигача 2 – 3 марта гача тўлиқ туплаб, чорва молларига яйлов сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда кўп йиллик буғдойни ривожлантириш, қурғоқчил қишлоқ ҳўжалиги тизимларининг барқарорлигини ошириш учун бир қатор афзалликларга эга бўлиши мумкин. Ушбу фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, кўп йиллик буғдойнинг Республикализда етиштиришга асосланган, иқлим шароитларига мос навларини жорий этиш, мамлакатда кейинги йилларда ривожланниб бораётган чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликларининг озиқа мухитини шакллантиришда дон ва ем-хашак етиштириши, математик дастурлашлар асосида тизимили ўйла қўйишда аҳамияти катта хисобланади, бу эса ўз-ўзидан иқтисодий максималлашишга олиб келади.

Халқаро маккажӯхори ва буғдойни яхшилаш маркази (CIMMYT), Америка Қўшма Штатларининг Канзас университети ҳамда Ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигига Ўзбекистон шароитида кўп йиллик буғдой йўналишида илмий

тадқиқот ишлари йўлга кўйилди. Ҳамкорлик натижаларига кўра, кейинги йилларда кўп йиллик буғдойнинг 40 дан ортиқ нав ва линиялари Республикализ шароитида ўрганиш учун келтирилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кўп йиллик буғдойнинг дон учун ўримдан кейин ривожланиш босқичлари аниқланди. Нав ва линияларда дон учун ўримдан кейинги ривожланишида найчалаш фазасининг бошланиши 18 июнда кузатилди ва ҳосил бўлган кўк масса миқдорини аниқлаш учун ўриб олинди. Ушбу кун оралиғи линияларда 22-23 кунни ташкил қилди. Линияларнинг 2-ўрим куни 16-20 август оралиғида кузатилган бўлса, бу муддат 29-32 кунни ташкил қилди. 3-ўрим куни 1 октябрдан 11 октябрь кунларига тўғри келди. Ушбу ўрим орасидаги муддат эса 44-51 кунни ташкил қилди. (1-жадвал).

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, линияларнинг мавжуд ўсимликлар сонига нисбатан муддатлар бўйича ҳосил бўлган кўк масса оғирлик белгилари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуну кўрсатди – WHEAT-AGROPYRON PONTICUM PARTIAL AMPHIPLOID8, WHEAT-AGROPYRON PONTICUM PARTIAL AMPHIPLOID1 линияларида ноябр ойигача 2 марта кўк масса бериш хусусиятига эга бўлган бўлса, MADSEN//CHINESE SPRING/PI5317181, MADSEN//CHINESE SPRING/PI5317182, PI573182/BFC24//BFC2N/3/PI440048/4/(TAM110/PI401-201/JAG & 2137)/5/(PI636500/PI414667//PI414667/3/(PI573182/PI314190//BFC1FF))1, WHEAT-AGROPYRON PONTICUM PARTIAL AMPHIPLOID3, T.DURUM/AG.EL-ONGATUM, TH.INTERMEDIUM линияларда ноябр ойигача 3 марта яшил масса ўриб олинди. Униб чиқиша ривожланиш кўрсаткич бўйича энг юқори натижа TH.INTERMEDIUM линиясида аниқланди. Мазкур линия экилган майдончада кузгача (ноябр) 3 марта ўриб олинганига қарамасдан, кузда кузатилган унувчанлик 100% сақланиб қолинди. Шунингдек, танлаб олинган линияларда яшил масса тўплаш миқдори кўрсаткич таҳлил қилинганда ҳам юқорида келтирилган TH.INTERMEDIUM линиясида 0,8 м<sup>2</sup> майдонда 3 ўримда 81,67 граммни ташкил қилган бўлса, гектар ҳисобида кўрсаткич 1200 кг ни ташкил қиласди. Бу эса 3 марта ўтказилганда жами 3600 кг чорва моллари учун ем-хашак етиштириш имконини яратади. Бу эса чорвачиликка ихтисослаштирилган ҳўжаликлар учун ем-хашак етиштиришда катта имконияларни келтириб чиқариш билан биргаликда илдиз тизими 1 йиллик буғдой илдизига нисбатан кўп йиллик буғдой илдизи 35-40 баравар катта (куруқ модда ҳисобига), ер остига 3-3,5 метргача ўсиш ҳисобига – эрозия ва деградацияга учраган тупроқлар структурасини яхшилашга хизмат қиласди.

Умуман олганда, кўп йиллик буғдойни мамлакатимизнинг төв ва тоголди минтақаларида ва қўриқоналарда ҳамда тупроғи деградацияга (эрозия, шўрланиш, гипс) учраган ва учраши эҳтимоли юқори бўлган суфориладиган минтақаларда жойлаштириш катта самара беради.

**Д.МУСИРМАНОВ,  
А.АМАНОВ,  
С.АЛИҚУЛОВ,  
Ўсимлиқшунослик ИТИ.**

### АДАБИЁТЛАР

1. Duyn (1999); Jekson (2002) - Developing high seed yielding perennials polycultures as a mimic of mid-grass prairie. In: Lefroy, E.C., Hobbs, R.J., O'Connor, M. H., & Pate, J. S., editors, Agriculture as a Mimic of Natural Systems. kluwer Academic Publishers, Dordrecht, Netherlands. 1-37 pp.
2. Hayes, R. C., Newell, M. T., De Haan, L. R., Murphy, K. M., Crane, S., Norton, M. R., Wade, L. J. (2012). Perennial cereal crops: An initial evaluation of wheat derivatives. Field Crops Research, 133, 68–89 pp.
3. Elsevtr L. - Gender analysis of a nationwide cropping system trial survey in Malawi. African Studies Quarterly. 6: web.africa.ufl.edu/asq/v6/v6i1a9.htm 2007, 41-43 p.

# ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ДОН СИФАТИ ЮҚОРИ ТИЗМАЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ

The article outlines the choice of  $f_6$  ridges with fiber quality ratings.

Ўзбекистон халқини дон ва ун маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун 6 млн тоннадан кўпроқ дон етишириш тақозо этилади. Жаҳондаги кўпгина халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра, дунё мамлакатларининг истеъмоли учун ишлатиладиган буғдоига бўлган талаб йилига 1,6% -1,8% га ортмокда.

Дон хосилдорлигини оширишда рақобатбардош, ҳар бир тупроқ ва икlim шароитига мос янги яратилган интенсив тиғдаги навлардан, шунингдек, фан ютуқлари ва илғор техник воситалардан унумли фойдаланиш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. ҚҲ-А-ҚҲ-2018-86 амалий лойиҳаси доирасида ДДЭИТИ Қашқадарё филиалида дурагайлаш йўли билан яратилган 200 та дурагай тизмалари Қарши бўлими марказий тажриба майдонида экилиб, ҳар томонлама қимматли ҳўжалик белги ва хусусиятларига тавсиф берилди ҳамда селекция жараёнида танлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерда юмшоқ буғдоининг 200 та  $F_6$  авлоди дурагай тизмалари ва андоза нав сифатида Республикализнинг суғориладиган майдонларида катта майдонларга экилиб келинаётган 8 та, жумладан, “Яксарт”, “Фозғон”, “Ҳазрати Бешир”, “Краснодар-99”, “Кеш-2016”, “Ҳисорак”, “Шамс” ва “Шукрон” навлари танлаб олинган. Ўрганилаётган дурагай тизмалар андоза навлар кўрсатичлари билан такъосланниб, танлаш ишлари олиб борилди ва хосилдор, дон сифат кўрсатичлари юқори, касаллик ва зааркунчаларга чидамли дурагай тизмалар танлаб олиниб, селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди. Дурагай тизмаларнинг ҳисобга олинадиган экин майдони 5 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Тажрибада ўрганилаётган нав ва дурагай тизмалар йилининг куруқ ва иссиқ келганлиги учун ривожланиш фазалари кутилгандан бирмунча эрта бошланганлигини кузатдик, бу эса табиатнинг ташки омиллари: курғоқчилик, гармсел ва бошқа омилларга чидамли, эртапишар, хосилдор, сифат кўрсатичлари юқори дурагай тизмаларни танлашимизда кўл келади.

Буғдоининг таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори ўстириш шароитига, қўлланилган агротехника усулларига, наува, ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Буғдоининг сифатини аниқлайдиган муҳим белгилардан бири

бу ундаги оқсил миқдоридир. Оқсил миқдорининг кўп ёки кам бўлишига навнинг биологик хусусияти, етишириш услуби ва икlim шароитлари таъсир этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, навларнинг дон намлиги кўрсаткичи ҳам аниқланди. Ўрганилаётган навларнинг дон намлиги 6,3- 8,1 фоиз эканлиги аниқланди. Одатда уруғлик буғдоининг дон намлиги 14 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Бизнинг олиб борган тажрибамизда дон намлиги анча паст эканлиги аниқланди.

Олимларнинг таъқидлашича, дондаги оқсил миқдори ва сифатини ошириш манбаларидан бири — юқори технологик хусусиятларни бир ҳилда шакллантириши таъминлайдиган буғдоининг маҳсулдор навларини яратишdir.

Ўрганилаётган тажрибада андоза “Яксарт” нави дони таркибida оқсил миқдори 15,9% ни, клейковина миқдори 28,6% ни, ИДК кўрсаткичи 86,5 ва доннинг шишиасимонлиги 69 ни ташкил этганлиги қайд қилинди. Дон таркибидаги оқсил миқдори ўрганилаётган тизмаларда 11,6-18,9 фоиз эканлиги аниқланди. Дон таркибидаги оқсил миқдори 14% дан юқори бўлса 1-синфга, 11-13,9% бўлганда 2-синф, 10,9% дан кам бўлганда 3 ва 4 синфларга киритилади. Дурагай тизмаларнинг дон таркибидаги оқсил миқдори 1-синфга кирадиган 14 фоиздан юқори бўлган дурагай тизмалар 112 тани ташкил этганлиги қайд этилди. Оқсил миқдори 11-13,9 фоиз бўлган дурагай тизмалар 88 тани ташкил этди. Тажрибадаги тизмалар ичидан 1-синфга кирадиган, 14 фоиздан юқори бўлган 32 та дурагай тизмалар танлаб олинди.

Дурагай тизмалар танлаб олишда буғдоининг клейковина миқдорига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Буғдоининг клейковинаси миқдорига қараб қуйидаги синфларга бўлинади:

1-синф - клейковина миқдори 28% дан кам бўлмаган ва сифати II грухдан паст бўлмаган буғдоининг дони;

2-синф-клейковина миқдори 25% дан кам бўлмаган;

3-синф - клейковина миқдори 22% дан кам бўлмаган.

Агар клейковина миқдори 22 % дан кам, сифати II грухдан паст бўлса, бундай буғдоининг «синфсиз» дейилади.

Дурагай тизмаларнинг дон сифат кўрсатичлари

T/p	Навва дурагай тизмалар номи	Оқсил миқдори, %	Клейковина миқдори, %	ИДК	Дон шишиасимонлиги, %
1	Яксарт (андоза)	15,9	28,6	86,5	69
2	Аззорре x MV-417-03	18,9	29	89,7	75,5
3	Аззорре x MV-417-03	17,9	28,9	83,5	75,5
4	Болонга x 100/35	17	28,7	85,3	87
5	Болонга x 100/35	18,1	29,2	90,1	86
6	200/41 x 108/2004	15,9	29,4	92,2	71
7	200/41 x 108/2004	15,7	28,7	90,8	62,5
8	200/41 x 108/2004	16,2	28,4	106,3	68,5
9	200/41 x 108/2004	15,7	28,4	99,1	73
10	200/41 x 108/2004	15,5	30	92,7	72
11	200/45 x Ҳисорак	17,2	28,3	85,9	86
12	200/45 x Ҳисорак	17,2	29,6	95,5	68,5
13	200/48 x Ҳисорак	15,5	28,2	74,3	89,5
14	200/48 x Ҳисорак	18,3	30,8	87,3	91,5
15	200/50 x Бунёдкор	17,7	29,7	101,7	84,5
16	200/50 x Бунёдкор	15,4	28,2	87,3	77
17	200/50 x Бунёдкор	16	29,2	103,8	73
18	200/50 x Бунёдкор	17,9	28,4	86,6	68
19	200/50 x Бунёдкор	17,4	29,4	80,7	65
20	Д-12 x Бунёдкор	16,3	28,4	83,8	60,5
21	Д-12 x Бунёдкор	17,3	29,2	80,7	71,5
22	Д-12 x Бунёдкор	16,8	29,6	103,9	82
23	Д-22 x Бунёдкор	16	29,6	96,1	80
24	Д-22 x Бунёдкор	15,7	28,2	88,9	67,5
25	Бахорги x Бунёдкор	17,2	28,2	90,5	71
26	KR11-9017 x Х.Бешир	17,3	30,5	87,1	60
27	KR11-003 x Жайхун	16,4	28,6	89,4	76
28	KR11-010 x Жайхун	16,4	29,6	85,9	83,5
29	KR11-012 x Жайхун	17,5	28,8	81,2	84,5
30	Rasprodaja x Жайхун	16,9	30	94,5	84,5
31	Rasprodaja x Жайхун	15,9	28	82,2	84
32	F02065G5-21	18,9	30,4	94,3	87,5
33	Акм 2014-17	16,4	32,2	90,7	90

Тажриба натижаларига кўра, дон таркибидаги клейковина миқдори 28 фоиздан юқори бўлган дурагай тизмалар сони 106 тани ташкил этганлиги аниқланди ва улардан 32 та дурагай тизмалар селекциянинг кейинги босқичларида тадқиқотлар олиб бориш мақсадида танлаб олинди.

Навларнинг ИДК кўрсаткичи баҳоланганда, 53,3-106,3 ни ташкил этганлиги аниқланди.

Натижаларга кўра, навларда ИДК асбобининг 40-75 гача бўлган шкаласини кўрсатган, клейковина таснифи “яхши” бўлган нав ва намуналар танлаб олинди. 76-100 гача бўлган шкаласини кўрсатган, клейковина таснифи “кучсиз қониқарли” бўлган нав ва намуналар сони 161 тани, 100-120 гача бўлган шкаласини кўрсатган, клейковина таснифи “кучсиз қониқарсиз” бўлган нав ва намуналар сони 38 тани ташкил этганлиги аниқланди.

Шишасимон буғдой донида умумий оқсил миқдори унсимон буғдой донига нисбатан юқори даражада бўлади. Шишасимонлик фоизларда ифодаланади. Ўрганилган нав ва дурагай тизмаларнинг

дон шишасимонлиги 19-91,5 оралиқда бўлганлиги қайд этилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, дон сифат кўрсаткичлари андо-за навдан юқори бўлган дурагай тизмалар ажратиб олинди ва селекция ишларида фойдаланиш мақсадида танланди.

**Ш.ДИЛМУРОДОВ,**  
тадқиқотчи,

**Ш.ҲАЗРАТҚУЛОВА,**  
к.х.ф.ф.д.,

Дон ва дуккакли экинлар иммий  
тадқиқот институти Қашқадарё филиали.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Исломов С., Абдуазимов А. Дон сифати юқори буғдой на-  
вларини яратишда биотик ва абиотик омилларнинг таъсири.  
// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2013 йил. 5-сон. 28-б.

2. Мухаммад Т. “Ғаллакорларга маҳаллий навлар”// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №7. 2005. 16-б.

УДК:631.11:633.853.52:63:678.7

## ВСХОЖЕСТЬ СЕМЯН ПШЕНИЦЫ И СОИ, ОБРАБОТАННЫХ АГРО-НАНОПОЛИМЕРНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ

**Research on the effect of agro-nanopolymer preparations on the laboratory germination of wheat and soybean seeds revealed that the drugs high biological activity that allows to increase seed germination wheat and soybean seeds.**

Урожай сельскохозяйственных культур слагается из элементов структуры урожая, в число которых входят количество продуктивных стеблей на единицу площади, число зерен в колосе, масса зерновки, масса 1000 штук семян, крупность коробочки и др. На эти показатели оказывают влияние технологии подготовки семян и возделывания растений. Сорт приспособлен для возделывания в определенной зоне и требует своей технологии.

На Республиканской станции первичного семеноводства и семеноведения сельскохозяйственных культур в 2007-2008 гг. были проведены исследования на основе, которых разработаны и утверждены Технические условия ТSh. 88.2-15:2007 «Семена хлопчатника посевные капсулированные», которые позволяют контролировать подготовку капсулированных семян в цехах по предпосевной обработке семян. В настоящее время на основе технических условий разработаны и утверждены дополнения в О'з DSt 663:2017 «Семена хлопчатника посевные. Технические условия». Разработан и впервые агентством «Узстандарт» утвержден О'з DSt 3160:2017 «Семена хлопчатника посевные. Методы определения содержания и осыпаемости полимерного покрытия». Применение капсулированных семян хлопчатника свидетельствует о перспективах широкого использования раз-

работанного под руководством академика С.Рашидовой отечественного экологически безопасного проправителя со стимулирующим эффектом препарата УЗХИТАН в сельском хозяйстве (хлопководстве) страны.

Приоритетными направлениями науки и практики являются нанобиотехнологии. Они охватывают изучение воздействияnanoструктур и материалов на биологические процессы и объекты с целью контроля и управления их биологическими или биохимическими свойствами, а также создание с их помощью новых объектов и устройств с заданными биологическими или биохимическими свойствами.

Длительные испытания новых наноразмерных препаратов в сельскохозяйственной практике позволили определить средние показатели увеличения урожайности сельскохозяйственных культур. Урожайность озимой пшеницы и кукурузы на зерно увеличилась на 10-12%, подсолнечника – на 15-20%, кукурузы на силос – на 20-25%, хлопчатника – на 15-17%, сахарной свеклы – на 30-35%, кормовой свеклы – на 30-35%. При не благоприятных погодных условиях (засуха) предпосевная обработка семян позволяет сохранить урожай на прежнем уровне. Применение наночастиц значительно повышает качество сельскохозяйственной продукции.

Полевые испытания показали, что применение наноматериалов в оптимальных концентрациях для предпосевной обработки семян повышало полевую всхожесть подсолнечника – до 8,0%, кукурузы – 12,6%, яровой пшеницы – 10,5%; высоту и массу растений до 16% кукурузы, 17% подсолнечника, 15% яровой пшеницы, площадь листовой поверхности и чистую продуктивность фотосинтеза от 25% до 15%. При этом урожайность опытных культур возросла в среднем на 15-20% по сравнению с контролем.

Объектом исследований служили селекционные сорта пшеницы (Гром) и сои (Барака). Семена указанных сортов были обработаны агро-нанополимерными препаратами УЗХИТАН (эталон), ПМКСи<sup>2+</sup>:Ag в разных соотношениях, НаноХ3, НаноАХ3, Сукцинат, Купрумхит.

**Определение всхожести семян пшеницы сорта Гром урожая 2018 г.**

№	Варианты	Всхожесть, %		
		на 3 сутки	на 7 сутки	± к контролю
1	Контроль	90,7±0,5	95,2±0,2	0
2	Далтабу (эталон)	92,0±0,2	97,5±0,4	+2,3
3	УЗХИТАН (эталон)	92,7±0,4	98,2±0,4	+3,0
4	НаноАХ3	93,0±0,1	97,2±0,3	+2,0
5	ПМКСи <sup>2+</sup> : Ag	91,2±0,4	96,7±0,3	+1,5
6	ПМКСи <sup>2+</sup> : Ag	92,5±0,2	97,7±0,4	+2,5
7	НаноАХ3	91,0±0,2	98,5±0,2	+3,3
8	Сукцинат	94,0±0,1	98,0±0,1	+2,8
9	Купрумхит	93,5±0,4	97,0±0,2	+1,8

Таблица 2

**Определение всхожести семян сои сорта  
“Барака” урожая 2018 г.**

№	Варианты	Всхожесть, %					
		на 3 сутки	на 7 сутки	+ к контролю	на 3 сутки	на 7 сутки	+ к контролю
		Сорт Барака “Оксув” ф/х Сорт Барака “Майгир Юсуфхон” ф/х					
1	Контроль	81,0±0,6	85,2±0,5	0	81,4±0,4	86,2±0,4	0
2	Далброн (эталон)	82,7±0,7	86,3±0,4	+1,1	80,0±0,3	86,5±0,5	+0,3
3	УЗХИТАН (эталон)	83,5±0,4	88,0±0,6	+3,2	80,5±0,2	88,0±0,6	+1,8
4	ПМКСи <sup>2+</sup> : Ag	85,2±0,3	89,0±0,6	+3,8	83,2±0,5	84,5±0,4	-1,7
5	ПМКСи <sup>2+</sup> : Ag	83,0±0,2	87,2±0,3	+2,0	80,7±0,5	86,7±0,2	+0,5
6	Хитозан исх.	84,7±0,5	90,2±0,4	+5,0	86,4±0,4	88,2±0,4	+2,0
7	НаноАХ3	86,0±0,4	92,5±0,2	+5,3	84,7±0,6	90,5±0,5	+4,3
8	Аскорбатхитозан	85,6±0,5	90,4±0,4	+5,2	86,5±0,6	91,2±0,4	+4,7
9	НаноАХ3	88,6±0,4	92,5±0,5	+5,3	82,0±0,4	92,0±0,3	+5,8

семян пшеницы и сои. Эти препараты можно рекомендовать для применения в подготовке семян путем капсулирования на таких сельскохозяйственных культурах, как пшеница и соя.

**Д.РАШИДОВА,**

д.с.х.н., с.н.с.,

**Ш.АМАНТУРДИЕВ,**

ш.шарипов,

**В.ШПИЛЕВСКИЙ,**

науч.сотр.,

НИИССАВХ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Зинурова Р. И. и др. Особенности развития наноиндустрии в Российской Федерации // Вестник Казан. технол. ун-та . - 2012. - №. 12 - С. 311-313.
2. Рашидова С.Ш., Рашидова Д.К. и др. Экологический безопасные полимерный пестициды и их применение в технологии капсулирования семян сельскохозяйственных культур.//Труды Института химии и физики полимеров академии наук республики Узбекистан. — Ташкент, 2011.с-336-349.
3. Рашидова Д.К. Шпилевский В.Н. и др. Нанотехнологии в сельском хозяйстве./ Қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва ургучилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари. — Тошкент, 2015. — 316-319 бет.
4. Хисматуллин М.Р. Разработка и изучение функциональных аспектов действия косметических препаратов и биологически активными составляющими природных компонентов пчеловодства. Дисс. канд. биол. Наук, 2003 Москва: Центр «Биоинженерия» РАН. 145 с.

УУТ.633.18:632.934.

## ШОЛИ УРУҒИГА УРУҒДОРИЛАГИЧЛАР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ САМАРАДОРЛИГИ

This article is about 70% of Dalucho used against rice seed pest's chemical effectiveness.

Бугунги кунда дунёнинг шоли етиширувчи мамлакатларида шоли ўсимлигини зарарли организмлардан самарали ҳимоя қилиш ва уни янада такомиллаштириш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дунё олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили жаҳонда зарарли организмлар таъсирида қишлоқ ҳўжалик экинларининг 30-40% дан ортиқ қисми йўқотилиши эътироф этилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, шолига бўлган эътибор ва талаб янада юксалиб борди. Шолининг янги, серҳосил, зарарли организмларга нисбатан чидамил навларини яратиш ва етишириш бўйича кенг камровли назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилди ва ҳозир ҳам олиб борилмоқда. Шоли униб чиқиш даврида қалқонли қисқичбақа (*Apis concriformis* Sh.) нинг зарари катта бўлиб, у ёш майсаларнинг илдизини кемириб, ниҳолларини

сув бетига чиқариб юборади. Бунинг оқибатида ёш майсалар нобуд бўлади ва шоли ўсимлигининг кўчат қалинлигига ҳамда пировард натижада унинг ҳосилдорлигига катта зарар етади. Юқорида келтирилган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда шоличилик илмий-тадқиқот институтида биологик фаол полимерлар билан шоли уруғига ишлов берилиб, тажрибалар олиб борилди.

Зарарли ҳашаротларнинг миқдори ҳамда агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида нашр этилган «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» ҳамда А.А.Шокиров ва б., А.И.Касъянов услублари асосида бажарилди. Биологик самараадорлик В. Аббот формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилди [1,2].

1-вариант NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук (3 кг/т);

**1-жадвал**  
**Қалқонли қисқичбақага қарши шоли уруғига уруғдорилагичлар билан**  
**ишлов беришнинг биологик самарарадорлиги**  
**Тошкент вилояти, Ўртачирчик тумани. "Мустақиллик" наси**

№	Вариантлар	Ишлов бериш усули	Дори сарф меъёри, кг/т, л/т	Ниҳоллар униб чиққандан кейин зараркунданнинг ҳар 1 м <sup>2</sup> да учраган сони, дона		Самара-дорлик, %
				7	14	
1.	NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук	упалаб	3,0	17,0	10,5	48,8
2.	NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук	упалаб	5,0	10,5	4,8	76,6
3.	NaKMЦ+Вермикулит +Далучо 70% н.кук	упалаб	7,0	8,2	2,7	86,8
4.	Селест-топ 312 FS (андоза)	суюқ ишлов	1,8	16,0	2,5	87,8
5.	Назорат (химоясиз)	-	-	17,5	20,5	-

ЭКФ<sub>05</sub> - 1,8%

**2-жадвал**  
**Қалқонли қисқичбақага қарши шоли уруғига уруғдорилагичлар билан**  
**ишлов беришнинг биологик самарарадорлиги**  
**Тошкент вилояти, Ўртачирчик тумани, "Искандар" наси**

№	Вариантлар	Ишлов бериш усули	Дори сарф меъёри, кг/т, л/т	Ниҳоллар униб чиққандан кейин зараркунданнинг ҳар 1 м <sup>2</sup> да учраган сони, дона		Самара-дорлик, %
				7	14	
1.	NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук	упалаб	3,0	13,5	8,7	47,3
2.	NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук	упалаб	5,0	9,1	4,5	72,7
3.	NaKMЦ+Вермикулит +Далучо 70% н.кук	упалаб	7,0	7,3	2,0	87,8
4.	Селест-топ 312 FS (андоза)	суюқ ишлов	1,8	12,0	2,5	84,8
5.	Назорат (химоясиз)	-	-	14,5	16,5	-

ЭКФ- 2,1 %

2-вариант NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук (5 кг/т);

3-вариант NaKMЦ+Вермикулит+ Далучо 70% н.кук (7 кг/т); 4-вариант-андоза Селест-топ 312 FS (1,8 л/т); 5-вариант-назорат.

Тажрибада шоли уруғлари асосан яхши системалик (ўсимлик ичига сингиб таъсир қилиш) қобилиятига эга имидоклоприд номли соф моддага эга Далучо (галучо), 70% н.кук. Инсектициди билан дорилаб экилди. Аммо дорилаш пайтида маҳсус аралашма ташкил қилиниб, унинг таркибида дори ёпишқоклигини таъминлаш учун хизмат қиласиган NaKMЦ ҳамда стимуляторлар қаторига кирадиган Вермикулит кўшилди. Бундай аралашма доридан шолининг ҳар 1 тонна уруғи хисобига 3; 5 ва 7 кг сарфлаб упаланди. Андоза вариант сифатида Селест-топ 312 FS номли уруғдорилагич ишлатилди. Назорат вариантдаги шоли уруғлари ишланмади. Барча вариантлар бир хил агротехника шароитида экиб ўстирилди. Келтирилган 1-жадвалдан кўриниб турганидек, синовдаги аралашма дори қисқичбақага нисбатан маълум самарарага эга. Бу сама-

радорлик дори сарфига боғлиқ бўлиб, ҳар тонна уруғга 3 кг инсектицид сарфланганида энг паст биологик самара кўрсатди. Бунда ниҳоллар униб чиққанидан сўнг 7-куни экиннинг ҳар 1 м<sup>2</sup> ерида ўртacha 17 та қисқичбақа зоти мавжудлиги қайд қилинди, 14-кун эса – 10,5 та. Биологик самара 14-кунга бориб 48,8% ни ташкил қилди. Инсектицидли аралашман ҳар бир тонна шоли уруғига 5 кг сарф этилганида эса, мос равишда, зараркунданнинг сони 10,5 ва 4,8 дона бўлиб, биологик самарарадорлик 76,6% ни ташкил қилди. Инсектицидли аралашма ҳар бир тонна уруғга 7 кг дан сарфланган вариантда эса, зараркунданнинг зичлиги 7-куни – 8,2 дона, 14-куни эса – 2,7 дона бўлиб, биологик самарарадорлик 86,8% ни ташкил этди. Андоза вариантида – мос равишда, 16,0 ва 2,5 дона қисқичбақа аниқланиб, самарарадорлик 87,8% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, шолини қалқонли қисқичбақадан муваффақиятли ҳимоя қилиш учун экишга мўлжалланган уруғликни имидоклопридли инсектицид аралашмаси билан ҳар тонна уруғ хисобидан 7 кг сарфлаб ишлов бериш энг яхши натижага беришини кўрсатди. Шолининг бошқа – "Искандар" наси билан ўтказган тажрибамизда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди (5.12-жадвалга қаранг). Бу ерда ҳам аралашма дори энг оз миқдорда (3 кг/т) сарфланган варианта энг паст биологик самарарадорликка эга бўлинди – 47,3%. Кўпроқ (5 кг/т) сарфланган иккинчи вариантда – 72,7% ва ниҳоят – 7 кг/т вариантида – 87,8%. Бу андоза вариантида олинган самарарага яқинроқ бўлиб, қониқарли ҳисобланади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, зараркунданаларга қарши курашиб мақсадида уруғлик шолини дорилаб экишда шоли навининг аҳамияти деярли йўқ экан.

Шундай қилиб, уруғдорилагичларнинг биологик самарарадорлигига шоли навларининг ҳар хил бўлиши таъсир кўрсатмади.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот ишида шолининг "Мустақиллик" насини Далучо, 70% н.кук. (5 кг/т) уруғдорилагичи билан ишлов берилган вариантида, гектаридан 65,3 центнер ҳосил олинниб, назоратга нисбатан 10 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Шу дори билан шолининг "Искандар" наси ишланаб экилганида ҳар гектардан 63,3 ц ҳосил олинниб назоратга нисбатан 11,7 центнер кўп ҳосил олинди.

**Н.ОТАМИРЗАЕВ,**  
**қ.х.ф.ф.д., Шолиҷиљик илмий тадқиқот институти илмий котиби.**

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ш.Т.Хўжаев «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услугий кўрсатмалар». Тошкент. 2004 йил.

2. Шокиров А.А. Кодяков А.А. Ўзбекистонда шолининг заарланишини аниқлаш ҳамда унинг зараркунданда ва қасалликларига қарши кураш чоралари юзасидан методик кўлланма. – Тошкент, 1987.

## ЮҚОРИ ЛИЗИНЛИ МАККАЖҮХОРИ ДОНИ — ПАРРАНДАЧИЛИКДА ТҮЙИМЛИ ОЗУҚА ГАРОВИ

This article deals with study of high lizin hybrid Uz 420 BL corn at plantings thickness 60, 70, 80 and 90 th/ha. During the experiments of was revealed, that with increasing the plantings thickness the shooting of seeds, it's getting green were decreased and weight of 1000 pieces of seeds was with lower indexes. According to preliminary experiment them good indexes were obtained by hybrid Uz 420 BL with the plantings thickness 70 th/ha.

Маккажүхори инсонлар учун озиқ-овқат, чорва ҳайвонлари учун ем-хашак, енгил-саноат учун хомашё сифатида катта аҳамиятга эга экин бўлиб, жаҳон дехқончилигида қишлоқ хўжалик экинлари орасида экилладиган майдони бўйича учинчи ва ҳосилдорлиги бўйича донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Маккажүхорининг барча қисмлари тўғридан-тўғри (дон, барг-поя массаси), шунингдек унинг қайта ишлашдаги чиқинди маҳсулотлари ҳам (кепак, ёрма, кунжара ва хоказо) ишлатилиади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683 сонли қарорида келтирилишича, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат ҳавфисизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу туфайли, Республикаизда аграр соҳани ривожлантиришнинг келажаги ҳақида сўз юритганда, ер ва сув ресурслари чекланганлигини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ва уруғчилик ишларини кенгайтириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш асосида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдан иборат.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан 2019 йил 28 марта-даги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли ҳамда 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4015-сонли қарор-ларининг ўз вақтида чиқарилиши чорвачилик ва паррандачиликни тўйимили озуқа билан таъминлашда дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

Шуни таъқидлаш керакки, Республикаизда маккажүхорини маҳаллий тупрок-иқлим шароитида яратилган, касаллик ва зарар-кунандаларга чидамли, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори нав ва дурагайларни яратиш, селекцияси ва бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган Маккажүхори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станцияси олимлари томонидан (И.В.Массино ва бошқалар) маккажүхори донининг оқисил таркибида одатдагидан 1,5 баробар кўп лизин аминокислотасини тутувчи ўз 420 ВЛ дурагайи яратилган.

ЎЗЧИТИ (Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти) олимлари ҳам ўз илмий тадқиқот тажрибаларида тухум йўналишидаги паррандаларни юқори лизинли дон ва оддий дон билан озиқлантириб ўрганишиши натижасида ижобий натижалари

ларга эришдилар. Уларнинг хulosасига кўра, юқори лизинли дон билан боқилган паррандаларда тухум бериш 10-12 % ошган ва озуқа ҳаражати 9-10 % пасайган. [3] Бошқа бир тажриба натижаларига кўра, қишлоқ хўжалик паррандаларини лизин миқдори кўп бўлган дон билан озиқлантирилганда, тирик вазни 12-20% ўсиши ва озуқа бирлигини 6-8 % пасайшиши аниқланган. [5]

Адабиётларда келтирилишича, Ўзбекистон шароитида юқори лизинли ўз 420 ВЛ дурагайининг дони билан хўжаликларни уруғлик мақсадларида таъминлаш учун унинг бирламчи уруғчилиги етарилача йўлга кўйилмаган. Биз юқорида келтирилган муаммони кенгроқ ўрганиш мақсадида 2017-2018 йиллар мобайнида Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган Маккажүхори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станциясида юқори навдорлик ва экинбоплик сифатларига эга уруғлик етиштиришни таъминловчи технологик элементларни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордик.

Материаллар ва методлар: Маккажүхорининг ФАО 500 гурухига мансуб, маккажүхори донининг оқисил таркибида одатдагидан 1,5 баробар кўп лизин аминокислотасини тутувчи ўз 420 ВЛ дурагайининг (оналик шакл) – Кр 3928 ва (оталик шакли) – Кр 1812 тизмалари тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласди. Ўрганилаётган дурагай 3:1 нисбатда, режали ўсимлик кўчат қалинлигига 60,70,80 ва 90 минг/га экилди. Дала тажрибаларида маккажүхорининг ўсуви даври давомийлиги ва биометрик ўлчовлар Бутун Россия донли экинлар ИТИ (1991) услублари асосида олиб борилди. Дурагайнинг морфобиологик ҳусусиятларини ўрганиш ва қимматли белги-ҳусусиятларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар “Методика полевых опытов с кукурузой” (Днепропетровск. 1984) услубларига асосан ўтказилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Дала тажрибасида ўз 420 ВЛ дурагайининг (оналик шакл) – Кр 3928 ва (оталик шакли) – Кр 1812 тизмаларини майсалар деярли бир кунда униб чиқди. Фенологик фазаларини кузаттанимизда, ўсимликларда рўвак чиқиши 70 минг/га кўчат қалинлигига, 60 минг/га кўчат қалинлигига қараганда эса 3-4 кун тезроқ юз бериши аниқланди. Бундай фарқ ўсимликларни гуллаш жараённида ҳам сақланиб қолди. Попук чиқишига аҳамият берадиган бўлсак: 70 минг/га кўчат қалинлигига, 80 минг/га қараганда 3 кунга тезроқ, 60 минг/гада 1 кунга кечишиши аниқланди. Шунингдек, ўсимлик баландлиги 60 минг/га экилганда 163 см, 70 минг/га экилганда 169 см, 80 минг/га 174 см ва 90 минг/га экилганда 185 см бўлди, яъни кўчат қалинлигининг ошиши билан далаада баланд бўйли ўсимликларнинг ривожланиши кузатилди.

Шуни таъқидлаш керакки, кўчат қалинлигининг ҳар хил бўлиши, дон пишиш кунига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди: Масалан: 70 минг/га кўчат қалинлиги 106 кун, 60 минг/га кўчат қалинлиги 103 кун, 80 минг/га кўчат қалинлигига 109 кун ва 90 минг/га кўчат қалинлигига 115 кунда пишиши кузатилди. Экиш схемасининг етиштирилган дон сифатига таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, лаборатория шароитида 1000 та дон оғирлиги майдон бирлигига энг кам, яъни гектарига 60 минг кўчат қалинлиги жойлаштирилган вариантида 197,1 грамм бўлган бўлса, энг паст кўрсаткич гектарига

### жадеал-1

#### Ўз 420 ВЛ дурагайида морфобиологик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлар

Кўчат қалинлиги минг/га	1000 дон оғирлиги, грамм	Кўкариш куввати, %	Ўсимлик баландлиги, см	Дон пишиши, кун	Дон ҳосилдорлиги, ц/га
60	197,1	95,0	163	103	35,5
70	194,3	99,0	169	106	44,1
80	191,1	97,0	174	109	33,8
90	186,2	94,0	185	115	31,2
Экфроз					1.6-1.8

90 минг кўчат қалинлиги жойлаштирилган вариантда 186.2 грамм олинди. Донларнинг кўкариш қуввати эса 60 минг/га да 95,0%, 70 минг/да 99,0%, 80 минг/га да 97% ва 90 минг кўчат қалинлигига 94% бўлди. Дон ҳосилдорлиги бўйича энг яхши кўрсаткич 70 минг/га кўчат қалинлигига 44.1 ц бўлган бўлса, 60 минг/га 35.5 ц , 80 минг/га 33.8 ц ва 90 минг/га 31.2 ц бўлди.

Хуласалар: Олинган илмий тадқиқот натижаларига кўра, ўз

420 ВЛ дурагайидан юқори сифатли, уруғ ҳосилдорлигига эришишда кўчат қалинлиги 70 минг/га бўлганда юқори самара бешиши аниқланди.

**Х.НАЗАРОВ,**  
қ.х.ф.н.,  
Тошкент давлат аграр университети докторанти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизими ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
2. Массино А.И., Массино И.А. Селекция гибридной кукурузы для орошаемых условий Узбекистана. Моноография. Т. 2015 г.
3. Мухамадиёров Ш., Массино А.И Наслга қолдирилган гўштдор жўжаларга юқори лизинли маккажўхориниң маркиби ва тўйимлилиги. Сб. Қўх ҳайвонларини кўплайтириш, уларнинг селекцияси ва озуқалар етиштириш, Тошкент, 1992, с 87-91.
4. Назаров Х. Юқори лизинли маккажўхорининг сифат кўрсаткичлари. Мақола. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали № 4. 2010 йй 22-24 б.
5. Телятников Н.Я., Михальчевская Б.М. Использование на корм высокополизиновой и низколизиновой кукурузы. В сб. Селекция и семеноводства кукурузы, Днепропетровск, 1981, с 109-117.
6. Интернет сайtplari:
7. <http://zea maize recipes.com/>
8. <http://nariphaltan.virtualave.net/zea maiz.htm>
9. [http://en.wikipedia.org/wiki/Sweet\\_zea\\_maiz](http://en.wikipedia.org/wiki/Sweet_zea_maiz)

УЎТ:633.15:581

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА МУЛЬЧАЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The article provides information on the effects of soil melting in vegetable (sweet) corn in the conditions of Karakalpak, using the different methods of mulching, the influence of soil on the growth of plants, formation of plants, growth, development and productivity of plants.

Бугунги кунда сабзавот экинларини йилнинг мавсумларига қараб экиш, ўстириш, ҳосилини йигиб олишнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, озиқбоп экинлар етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва Қорақалпогистон шароитида кучсиз шўрланган ва шўрланган ерлардан унумли фойдаланиш мухим аҳамиятга эга.

Сабзавот (ширин) маккажўхори Ўзбекистонда янги сабзавот экинларидан бири ҳисобланади. Шу боис, сабзавот (ширин) маккажўхорини мульчалаш усулларидан фойдаланиб, экинларнинг ўсув даври давомийлиги, юқори ҳосил чиқими ва ҳосил сифати, шунингдек, турли муддатларда экиб ўстириш, сугоришида кўлланиладиган чучук сувдан тежамкорлик билан фойдаланиши нарада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори бошқа тур ва хиллардан фақат донининг тузилиши ва биокимёвий таркиби билан фарқ қиласди. Сут-мум пишиш фазасида донининг таркибида кўп шакар моддаси сақлагани учун тўла пишган пайтида дони шишасимон ва буришқоқ бўлади.

Сабзавот экинлари орасида сабзавот (ширин) маккажўхори дони таркибида оқсил кўп сақлаб, унинг миқдори 5% гача бўлади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори дони таркибида сувда эрийдиган углеводлар-декстриин кўп бўлади, шоҳсимон эндосперма кўп, унсимон крахмал доначалари унинг эндоспермасида жуда кам миқдорда, фақат куртакка яқин қисмida учрайди.

Сабзавот (ширин) маккажўхори сўтлари сут-мум пишиш (думбул) фазасида йигиштириб олинади. Думбул сўтларидан консерва саноатида консерва тайёрланади ва янги сўтлар озиқовқат учун ишлатилади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори биокимёвий таркиби 26% қуруқ

модда шундан 3,7% оксил, 1,2% ёғ, 0,7% кул моддаси, 20,5% ни углевод ташкил қиласди. Консерваланган ширин маккажўхорида эса 24% қуруқ модда бўлса, шундан 2,5% оқсил, 0,9% ёғлар, 1,0% кул ва 19,6% углеводдан иборат.

Биз шундан келиб чиқиб, сабзавот (ширин) маккажўхорининг “Замин” ва «Megaton F<sub>1</sub>» нав ва дурагайларини турли усулларда мульчасиз (назорат), қора плёнка, гўнг, ёғоч қипифи, қўмир кукуни, қора қум билан мульчалаб экиб ўрганилганда, танланган “Замин” ва “Megaton F<sub>1</sub>” нав ва дурагайларининг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини илмий асослашни ўз олдимизга мақсад килиб кўйдик.

Дала тажрибалари 2018 йилда Қорақалпогистон Республикасида 42°, 18° шимолий кенглигик, 60° шарқий узоқлиқида, денгиз сатҳидан 76 м. Баландлиқда, сизот сувлари 1,2 (2,5) м чуқурлиқда жойлашган худудида очиқ дала шароитида олиб борилди. Тажрибада тадқиқот обьекти қилиб сабзавот (ширин) маккажўхорининг Республикасида яратилган “Замин” нави ва “Megaton F<sub>1</sub>” дурагайлари ўрганилди. Стандарт сифатида “Замин” нави олинди.

Ҳар бир нав 4 та тақрорда (қайтариқда) экилди. Делянканинг майдони 28 м<sup>2</sup> бўлди.

Тажриба даласида барча кузатиш, анализ, баҳолаш ва ҳисоблашлар қишлоқ хўжалик экинларининг навларини синаш бўйича Давлат комиссияси услугублари, маккажўхори селекцияси бўйича услугубий кўлланма ҳамда агротавсиялар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Сабзавот (ширин) маккажўхори экила-диган майдон шудгорланиб, борона қилиниб, мола босилиб тесисланди ва экишга тайёр ҳолатга келтирилиб, уруғларни экиш 29.04.2018 йилда амалга оширилди.

**1-жадвал.****Тажриба даласидаги тупроқ ҳароратининг бир кун давомида ўзгариши.**

Вақт Вариант	4:00	6:00	8:00	10:00	12:00	14:00	16:00	18:00	20:00	22:00
Мульчасиз (назорат)	19	20°	20°	21°	23°	26°	29°	28°	25°	22°
Қора плёнка билин	19	20°	20°	24°	26°	29°	31°	31°	28°	24°
Гўнг билан	19	20°	20°	22°	24°	27°	30°	29°	27°	23,5°
Ёғоч қипиғи билин	19	20°	20°	21°	24°	27°	29,5°	28°	25°	22°
Кўмир куку- ни билан	19	20°	20°	23°	25°	28°	30°	29°	25,5°	22,5°
Қора кум билин	19	20°	20°	22°	24°	26,5°	29,5°	29°	25°	22°

Тажриба даласидаги 8-10 см чукурликдаги тупроқ қатламининг ҳарорати (°C) экилган уруғлар униб чиқиб, биринчи чинбарг ҳосил бўлгунча ўлчаб борилди.

Демак, бундан кўриниб турибдики, сабзавот (ширин) маккажўхори экилгандан кейин биринчи чинбарг пайдо бўлгунга қадар қора плёнка билан, гўнг билан, кўмир кукуни билан мульчаланган вариантида тупроқ ҳароратининг мульчасиз вариантига нисбатан 2-3°C га ошиб бориши урганинг тез униб чиқиши ва ўсимликтинг ер остики ҳамда ер устки органларининг шаклланшига ижобий таъсири қиласа экан.

Уруғлар экилгач, турли усуулларда мульчаланганда эрта униб чиқиши тупроқ ҳарорати билан боғлиқ бўлди. Кун кўёшли ва очик ҳаво бўлган кунларда мульчаланган вариантиларда эрталаб соат 8-9 атрофида тупроқ ҳарорати кескин кўтарилиши кузатилди, кечаси сокин (шамолсиз) ва очик ҳаво бўлган кунлари тонгги соат 4-5 ларда мульчаланган вариантиларда 0,5-1°C юқори бўлиши кузатилди. Кундуз вақтлари булуғли ва баъзан ёмғирли кунларда мульчаланган вариантиларда тупроқ ҳароратидаги фарқлар нисбатан кам бўлиши, булат тарқаб кўёш чиқиши билан юқори даражага ҳарорат кўтарилиши кузатилди. Яъни уруғларнинг энг эрта униб чиқиши «Замин» ва «Мегатон F<sub>1</sub>» нав ва дурагайларда 4-5 май кунлари кузатилиб, экилгандан униб чиқиши қора плёнка билан мульчаланган вариантида 5-6 кунда қайд этилди, энг кеч униб чиқиши мульчасиз (назорат) ва қора кум билан мульчаланган вариантида 8-9 май кунлари кузатилди. Дастребки суғориш амалга оширилгунча қора плёнка билан, гўнг билан ва кўмир кукуни билан мульчаланиб ўстирилган ўсимликларда барча жиҳатларидаги устунликлар яққол кўзга ташланаб турди. Кейинчалик ҳосилга кириш палласига келганда бўйи жиҳатдан

вариантлар орасида фарқ кучли даражада кўзга ташланмади, лекин гўнг билан мульчаланган вариантлардаги ўсимликларнинг пояси ва барглари ранги яхши сакланиб қолди ва ҳосилдорлиги бошқа вариантдагиларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Ҳосил ийиштириб олингандан кейин тупроқ таркиби синчиклаб ўрганилганда гўнг билан мульчаланган вариантлардаги тупрокларда органик моддалар қолдиқлари бошқа вариант тупроқларига нисбатан анча юқори эканлиги қайд этилди. Мульчалаш учун ишлатилган гўнг кейинчалик тупроққа араплашиб, намлик таъсирида табиий ўфтита айланаб, ўсимликлар вегетацияси учун ижобий таъсирини кўрсатди. Шунинг билан бир қаторда, сабзавот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайлари гўнг билан мульчаланганда бошқа вариантларга нисбатан ўсув даври 8-10 кунга узайганилиги аникланди.

Ўрганилган вариантларда ўсимлик бўйи «Замин» навида 157 см. дан 165 см. гача, ён поялар сони 2,6 донадан 3,1 донагача, биринчи сутанинг жойлашиш баландлиги 33,2 см. дан 35,4 см. гача, бир туддаги суталар сони 3,0-4,3 донани ташкил этиди. Ўртача, битта сутанинг вазни 379,8 - 404,7 граммгача, 1000 та дон вазни 223,5 – 254,5 граммгача, ҳосилдорлик гектаридан 421-512 центнергача ўзгарди.

Ушбу кўрсаткичлар «Мегатон F<sub>1</sub>» дурагайида ўрганилганда, энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари қора плёнка ва гўнг билан мульчаланган вариантида қайд этилди. Бунда энг юқори ҳосилдорлик 521-537 центнерни ташкил этганилиги кузатилди.

Тажрибаларимиз натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, Қарақалпогистон Республикаси шароитида сабзавот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайларини етиширишда гўнг ва қора плёнкадан фойдаланиш сабзавот (ширин) маккажўхори маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини оширад экан.

**И.САПАРНИЯЗОВ,**  
тадқиқотчи, Ажиниёз номидаги НДПИ,  
**С.САНАЕВ,**  
к/х.ф.д., Самарканд ВМИ.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Алланов Х., Шералиев Х. Маккажўхори дурагайлари кўчам қалинлиги ва ҳосилдорлиги. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 2006, №2, 21-бет.

2. Остонакулов Т.Э., Бекназарова Х.И – Ширин маккажўхори дурагайлари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 2010, №9, 21-бет.

3. Веб сайтлар: [www.agro.uz](http://www.agro.uz), [www.tomorqa.uz](http://www.tomorqa.uz), [www.agromart.uz](http://www.agromart.uz)

**УЎТ: 634.1, 631****МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК****ОЛМАНИНГ “ПИНК ЛЕДИ” НАВИ МЕВАЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИГА ҚОФОЗ ҚОПЧАЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

The fruit colour, sizes, quality, storing properties are improved after the fruits of Pink Lady apple variety are covered with paper bags of different colours. The paper bags protect fruits from pest and diseases, but also prevent the development of physiological disorders during storage.

Меваларни турли қофоз қопчалар билан ҳимоялаш амалиётлари мева пўсти рангини яхшилаш, касаллик ва заараркунандалар билан зааррланишининг олдини олиш, кўёш нуридан куйишида сақлаш, кимёвий препаратлар қолдиқларини камайтириш учун турли мевали экинларда кенг қўлланилиб келинади. Япония, Австралия ва Хитой мамлакатларида шафттоли, олма, нок, узум ва мушмула ўсимликларидан физиологик ҳамда патологик

касалликларидан ҳоли, ташки кўриниши бозорбоп сифатли маҳсулотлар етишириш мақсадида теримгача мевалар қофоз қопчалар билан ҳимояланади. Мексика, Чили, Аргентина каби баъзи мамлакатлар қофоз қопчалар билан ҳимояланмаган меваларни импорт қилмайди.

Олма (*Malus domestica* Borkh.) мевалари 0°C ҳароратда сақланганда мева юзаларининг куйиши ва тахир доғларнинг ҳосил бўлиши каби физиологик касалликлар

олма етиштирувчиларнинг камомадига сабаб бўлади.

Илмий тадқиқот ишларимиз денгиз сатҳидан 477 метр баландликда жойлашган Тошкент вилоятининг Қиброй туманида жойлашган “Leo Garden” агрофирмасининг интенсив типдаги олма боғларида олманинг “Пинк Леди” навида олиб борилди.

Тажриба обьектида 3 та турдаги қоғоз қопчалардан фойдаланилган ҳолда назоратдаги мевалар билан таққосланган ҳолда 4 хил вариантда тадқиқотлар амалга оширилди:

1) назоратдаги мевалар – қопчалар билан ҳимояланмаган;

2) икки қаватли 58% ёруғлик нурини ўтказадиган оқ рангдаги қоғоз қопчалар (ОҚҚ) билан ҳимояланган;

3) икки қаватли 17,9% ёруғлик нурини ўтказадиган сариқ рангдаги қоғоз қопчалар (СҚҚ) билан ҳимояланган;

4) икки қаватли атиги 0,08% ёруғлик нурини ўтказадиган ташқи қисми кулранг ичи эса тўқ кўк рангга эга бўлган қора қоғоз қопчалар (ҚҚҚ) билан ҳимояланган.

Олма дарахтлари гуллагандан 40 кун ўтгач, олма ўтларига уч хил турдаги қоғоз қопчалар кийдирилди ва мевалар пишиш давригача (ноябрь) қолдирилди.

Ҳар бир тажриба вариантидаги олма меваларида икки хил сақлаш шароитида, яъни омборхона ( $20-24^{\circ}\text{C}$  ҳароратда) ва совуткич камерасида ( $0-2^{\circ}\text{C}$  ҳароратда, ҳавонинг нисбий намлиги 85-90%) меванинг ўлчамлари ҳамда физиологик ҳолатини таҳлил қилиш тажриблари (5 қайтариқда) амалга оширилди. Меваларнинг ўлчами таҳлиллари февраль ойигача, физиологик ҳолати таҳлиллари апрель ойигача олиб борилди. Олма меваларининг физиологик ҳолатини аниқлашда чиrimаган меваларнинг тажриба учун олинган умумий мевалар соидаги фоиз улуши ҳисобланди.


Меваларнинг рангини баҳолаш CIE Laboratories фотометрик усулида олиб борилди. Ушбу рангларни баҳолаш систематикасида  $+L$  – оқ ранг,  $-L$  – қора ранг,  $+a$  – қизил ранг,  $-a$  – яшил ранг,  $+b$  – сариқ ранг,  $-b$  – кўк ранг даржаларини белгилайди.

Мевалардаги кальций миқдорини аниқлаш учун Arsenazo III реакцияси натижасида ҳосил бўладиган ранг интенсивлиги фотоэлектрокалориметрик (ФЭК) усулда ўлчанди. Arsenazo III (1,8-дигидрокси-3,6-дисульфо-2,7-нафтален-бис (азо)-дibenзиларсоник кислота) нейтрал pH муҳитида кальций билан кўк рангли комплекс ҳосил қиласи, рангнинг интенсивлиги кальций концентрациясига пропорционал бўлади. Меваларнинг шарбати ажратиб олинди ва ишчи реактивлар билан аралаштирилди. Кальцийнинг 10мг/дл стандарт эритмаси ёрдамида ФЭК аппаратида тажриба калибровка қилинди ва наумналар ўлчанди.

Олманинг “Пинк Леди” навида мевалар ранги CIE Laboratories фотометрик усулида баҳоланганда ранг кординатлари назорат вариантида  $L=+36$ ,  $a=+37$ ,  $b=+15$ , оқ қопчага ўралган тажрибада  $L=+46$ ,  $a=+37$ ,  $b=+28$ , сариқ қопчага ўралган тажрибада  $L=+57$ ,  $a=+23$ ,  $b=+31$ , қора қопчага ўралган тажрибада  $L=+77$ ,  $a= - 2$ ,  $b=+42$  қийматларини кўрсатди (1-расм).

Олманинг “Пинк Леди” навининг мева шарбатидаги кальций миқдори оқ қопчага ўралган тажрибада 2,2 мг/дл, сариқ қопчага ўралган тажрибада 2,4 мг/дл, қора қопчага ўралган тажрибада 3,6 мг/дл ни ташкил этди.

Олманинг “Пинк Леди” навида меваларининг қизғишик



1-расм. Тажриба вариантиларидаги олманинг “Пинк Леди” нави мевалари рангининг шаклланиши

А - назоратдаги мевалар – қопчалар билан ҳимояланмаган;

Б - оқ рангдаги қоғоз қопчалар билан ҳимояланган;

С - сариқ рангдаги қоғоз қопчалар билан ҳимояланган;

Д - қора рангдаги қоғоз қопчалар билан ҳимояланган.

даражаси назорат вариантида  $a=+37$ , оқ қопчага ўралган тажрибада  $a=+37$ , сариқ қопчага ўралган тажрибада  $a=+23$  қийматларини кўрсатса, қора қопчага ўралган тажрибада мева ранги яшилга ўзгарди, яъни  $a= - 2$  қийматини берди. Мевалар қоғоз қопча билан ҳимояланганда қўёш нурининг ўтиши 58%, 17,9%, 0,08% гача камаяди ва қизғиши рангни ҳосил қилувчи антоциан моддаларининг синтези чекланади.

Апрель ойида омборхона шароитида сақланган “Пинк Леди” олма нави меваларининг назорат вариантида 80,0%, оқ қопчага ўралган тажрибада 0,0%, сариқ қопчага ўралган тажрибада 90,0%, қора қопчага ўралган тажрибада 80,0% мевалар бус-бутун сақланган бўлса, совуткич камерасида сақланганда эса, оқ қопчага ўралган тажрибада 81,0%, сариқ қопчага ўралган тажрибада 83,0%, қора қопчага ўралган тажрибада 96,0% мевалар чиримади.

Қоғоз қопча билан ҳимояланган олманинг “Пинк Леди” нави мевалари ҳимояланмаган мевалардан кўра йирикроқ ва оғирроқ бўлди. Қўёш нури куйишидан ҳимояланган мевалар пўстидаги кутикула структураси яхши сақланади. Кутикула сув ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлиб, мева этида ва бандида сувнинг сақланиб қолишини таъминлайди. Сув билан бирга мева ривожланиши учун зарур бўлган элементлар ва озуқа моддалар мева этига етиб келади.

Февраль ойигача ҳаво ҳароратининг паст бўлиши омборхона шароитида ҳам меваларнинг яхши сақланиб туришига шароит яратди. Апрель ойида кунлар исиб кетиши билан омборхонадаги меваларнинг чириши кучайиб борди. Йирикроқ меваларда кичик меваларга нисбатан тахир доғлар кўпроқ ҳосил бўлиб, чирий бошлади.

Совуткич камерасида сақланган олманинг “Пинк Леди” нави меваларининг ҳолати апрель ойида ҳам яхши бўлди. Совуткич камерасида оқ қопчага ўралган тажрибада 81,0%, сариқ қопчага ўралган тажрибада 83,0%, қора қопчага ўралган тажрибада 96,0% мевалар яхши сақланган, шунингдек, мева шарбатидаги кальций миқдори оқ қопчага ўралган тажрибада 2,2 мг/дл, сариқ қопчага ўралган тажрибада 2,4 мг/дл, қора қопчага ўралган тажрибада 3,6 мг/дл ни ташкил этди. Олманинг “Пинк Леди” навида мевалардаги кальций концентрацияси ва меваларнинг сақланиш даражаси орасида корреляция кузатилмоқда. Демак, меваларда кальций элементининг етишмаслиги тахир доғларнинг кўпайишига олиб келишини хуласа қилиш мумкин.

Юртимизда уруғли мева экинлари меваларини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг экологик тоза усулларини кўллаш бўйича илмий тадқиқот лойиҳалари олиб

борилмоқда. Ушбу лойиҳа натижаларига кўра қоғоз қопчалардан фойдаланган ҳолда касаллик ва зааркунадалар билан заарланмаган, бозорбоп кўринишга эга, сифатли, хавфсиз олма мева маҳсулотларини етишириш бошқа усусларга қараганда самарадор эканлиги ҳақида хulosалар билдирилди.

**А.КАЮМОВ,  
Г.КАРАХОДЖАЕВА,**  
Академик Махмуд Мирзаев номидаги  
Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик  
имлмий-тадқиқот институти  
имлми ходимлари.

## АДАБИЁТЛАР

- Ferguson, I. B.; Watkins, C. B. Bitter pit in apple fruit. *Horticultural Research*. 1989, 11, 289–355.
- Ju, Z. (1998). Fruit bagging, a useful method for studying anthocyanin synthesis and gene expression in apples. *Scientia Horticulturae*, 77, 155–164.
- Teixeira, R., Boff, M.I.C., Amarante, C.V.T.D., Steffens, C.A. and Boff, P. (2011b). Effects of fruit bagging on pests and diseases control and on quality and maturity of 'Fuji Suprema' apples. *Bragantia*, 70, 688–695.
- Wang, X., Hang, B. and Liu, C. (2010a). Distribution of calcium in bagged apple fruit and relationship between anti-oxidant enzyme activity and bitter pit. *Agricultural Science and Technology*, 11, 82–85.

УЎТ: 368.6

## УЗУМНИНГ ШАРОББОП ДУРАГАЙ ШАКЛЛАРИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Шароббоп узум дурагайларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири унинг ота-она навларига боғлиқлигидир. Ҳосил сифати ва узумбошларининг кимёвий таркиби ҳам навларнинг биологик хусусияти ҳамда етишириш технологияларига боғлиқ бўлади.

Шароббоп навлардан вино маҳсулоти тайёрлаш учун узумнинг яроқлилик мезонларидан бири бу шарбатининг қандлилигига алоҳида эътибор қаратишдир. Ҳосил пишгандан сўнг, териб олинидиган узумнинг етарли миқдорда (20-22,0% ва ундан юқори) қанд тўплай оладиган намуна-лари ҳосилидан юқори сифатли енгил (сухой), десерт ва ликёр винолар тайёрланади. Узумдаги ғужум шарбатининг тўпланган кислота миқдори ҳам катта аҳамиятга эгадир. Юқори кислотали намуналар эса, шампан виноси материаллари тайёрлашда кўлланилади. Узумнинг кислоталилик даражаси паст бўлган намуналардан кам кислотали, таъми ўткир бўлган шароблар олинади.

Тадқиқотлар «Қибрайшароб» имлмий-экспериментал корхонаси тажриба даласида олиб борилди. Тажриба 20 ёшли ток тупларида олиб борилди. Тажрибадаги дурагайлар узум бошларининг таркиби аналитик тарозида ўлчаниб, фоизларда

жадвал  
Дурагай шаклларнинг бир тупидаги узумбошлар сони ва кимёвий таркиби (2016-2018 йиллар.)

Нав ва дурагай шакллар номи	Бир тупдаги узум бошлар сони, дона	Қандлилиги, %	Кислоталилиги, г/л
Саперави (st)	51	22,4	5,3
Рекацетели (st)	47	24,7	5,4
Гибрид 12-9-6/10	45	23,6	4,3
Гибрид 12-10-1/5	51	24,2	4,6
Гибрид 12-11-1/5	43	23,5	4,2
Гибрид 12-6-1/5	48	22,6	3,8
Гибрид 12-4-15/18	37	24,3	5,2
Гибрид 12-3-2/9	52	23,1	4,6
Гибрид 12-3-23/28	34	22,3	3,8
Гибрид 12-3-21/22	47	24,1	5,1
Гибрид 12-9-21/25	45	23,1	4,6
Гибрид 12-10-16/20	46	21,6	3,7
Гибрид 12-3-11	51	23,2	3,9
Гибрид 12-5-1/5	48	23,8	4,3
Гибрид 12-5-16/20	52	24,1	4,1
Гибрид 12-8-26/30	42	24,3	4,5
Гибрид 12-7-31/34	39	22,1	3,6
ЭКФ <sub>05</sub>	4,1	-	-
ЭКФ <sub>%</sub>	3,5	-	-

Дурагай шакллардан шароббоп йўналишдаги дурагай намуналари танлаб олинди ва уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда кимёвий таркиби ўрганилди. Барча дурагай шаклларда бир тупдаги узумбошлар сони ўртача 44,6 донани ташкил этди, шундан энг юқориси Гибрид 12-3-2/9 ва Гибрид 12-5-16/20 дурагай шаклларида 52 дона узум бошни ташкил қилди, энг ками эса Гибрид 12-3-23/28 дурагай шаклида 34 дона узум бошни ташкил қилганлиги аниқланди (жадвал).

Тадқиқот натижаларидан тўпланган маълумотлар асосида Гибрид 12-4-15/18 ва Гибрид 12-10-1/5 дурагайлари энг кўп 24,3% қанд тўплагани маълум бўлди. Бунда ушбу дурагай шакллардаги ғужум шарбатининг кислоталилиги эса 5,2-4,5 г/л ни ташкил этди.

Энг паст қанд тўплаган Гибрид 12-10-16/20 дурагай (21,6%) бўлиб, ғужум шарбатининг кислоталилиги эса 3,7 г/л ни ташкил этди. Кислотали-лиги энг юқори бўлгани Гибрид 12-4-15/18 дурагайда 5,2 г/л бўлганлиги



Расм. Шароббоп дурагай шаклларнинг бир тупидаги ҳосил ва ҳосилдорлик (2016-2018 йиллар.)

ҳисобланди. Ўтказилган тажрибаларни танлаш, вариантларни жойлаштириш умумқабул қилинган усусларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.Д.Доспехов услуги ёрдамида амалга оширилди.

аниқланди. Қолган барча шаклларнинг қандилилиги ўртача 23,9% ва кислоталилиги 4,2 г/л бўлди.

Узумнинг ўрганилган шароббоп дурагай шаклларида бир тупдаги ҳосил миқдори энг юқори Гибрид 12-10-1/5 дурагайида 21,4 кг бўлиб, Гибрид 12-5-1/5 ва Гибрид 12-3-23/28 дурагай шаклларида энг паст ҳосил мос равишда 6,2-7,1 кг атрофида шакллантириди (расм).

Шу билан бир қаторда, ўрганилган узумнинг шароббоп дурагай шаклларида “Саперави” (st) ва “Рекацетели” (st) навларига нисбатан Гибрид 12-10-1/5 дурагайида мутаносиб равишида 4,2-13,8 т/га энг юқори ҳосилдорликни ташкил қилди. Бирок, Гибрид 12-5-1/5 ва Гибрид 12-3-23/28 дурагай шаклларида эса гектаридан энг паст ҳосилдорлик “Саперави” (st) навига нисбатан 12-10 тон-

на бўлган бўлса, “Рекацетели” (st) навига нисбатан эса 4,8-2,8 т/га ни намоён қилди.

**А.МАЛИКОВ,**  
Тошкент кимё-технология институти,  
**Н.НОРКАБУЛОВА,**  
Тошкент давлат аграр университети,  
**Б.ҚАЮМОВ,**  
Тошкент кимё-технология институти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Темуров Ш. Узумчилик. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашириёти. Тошкент – 2002.
2. Доспехов Б.Д. “Методика полевых опытов”. – М.: Колос, 1986.

УДК: 634.8

## ВЛИЯНИЕ ФОСФОРНО-КАЛИЙНЫХ ПОДКОРМОК НА РАЗВИТИЕ АНАТОМИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ ПОБЕГОВ ВИНОГРАДА И НАКОПЛЕНИЕ УГЛЕВОДОВ

This article is devoted to the different experience on anatomical structure change and accumulation of starch and sugar in the tissue under the influence of phosphor-potassium fertilizer which was applied within the basic dose of N-120, P-90, K-30 at a different time (June, July, August) and at a different depth (45 and 20 cm).

Республика Узбекистан располагает уникальными природно-климатическими условиями для выращивания высококачественных сортов винограда, а также большими возможностями экспорта ягод и продуктов переработки. Для благополучной перезимовки винограда большое значение имеет физиологическое состояние вызревания побегов в летне-осенний период, характеризующееся заключительным развитием покровных тканей, одревеснением оболочек клеток, накоплением пласти-

ческих и защитных веществ в тканях надземной части растений.

Исследование проводилось на центральной экспериментальной базе научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия им. М.Мирзаевав 2016-2018 годах с сортами винограда Бостандык и Ватан. В каждом варианте в качестве опытных участвовали 15 кустов. Повторность опыта трехкратная. Схема размещения растений 3,0x2,5 метра.

Для анализа развития анатомической структуры побегов в конце осени после листопада по 5 типичных побегов в 3-х кратной повторности, но которых делали продольные срезы в районе 3-8-го узлов. По методике Генькеля Окнинойна срезах под стереоскопическим бинокулярным микроскопом с помощью окуляр-микрометра измеряли толщину побегов и отдельных тканей, а также определяли содержание сахара и крахмала в тканях побегов и почках. Под влиянием фосфорно-калийных подкормок, из расчета N-120,P-90,K-30 в сроки -июнь, июль и август месяцы.

У сорта Ватан в контрольном варианте опыта засадка лубяных клеток происходила значительно интенсивнее, чем у сорта Бостандык, а сердцевинная древесная часть несколько слабее, что объясняется сортовыми особенностями растений - сорт Ватан является более скороспелым.

Фосфорно-калийная подкормка в июле на глубину 45 см значительно изменила структуру побегов у сорта Бостандык. Толщина луба у этого сорта винограда увеличилась в 2 раза, а сердцевина уменьшилась на 12%. У сорта Ватан толщина этих тканей изменялась меньше. При умень-

Динамика изменения развития тканей побегов винограда, получивших фосфорно-калийные подкормки, 2016-2018 годы.

Таблица 1

Показатели развития тканей побегов текущего года.	Ватан				Бостандык			
	контроль	июнь	июль	август	контроль	июнь	июль	август
Средний диаметр побега, мм	13,0	13,0	13,5	13,7	17,0	17,0	17,0	16,5
Средний диаметр сердцевины, мм	6,5	4,5	6,0	6,5	9,5	6,5	7,7	7,0
Толщина древесины на спинно-брюшной стороне, мм	3,0	4,4	3,7	3,2	3,2	5,0	3,6	3,6
То же на плоско-желобковой стороне	2,5	2,5	2,4	2,2	3,0	3,0	3,0	3,0
Толщина луба на спинно-брюшной стороне, мм	0,5	1,2	0,9	1,2	1,1	1,5	1,5	1,2
То же на плоско-желобковой стороне	0,5	1,0	0,5	0,5	0,5	1,0	1,0	0,7
Количество слоев твердого луба на спинно-брюшной стороне	3,0	4,0	3,0	4,0	2,0	5,0	5,0	3,0
То же на плоско-желобковой стороне	1,0	3,0	1,0	1,0	1,0	2,0	0,0	1,0

Таблица 2

**Динамика изменения толщины тканей побегов винограда под влиянием корневых подкормок, 2016-2018 годы.**

Варианты опыта	Глубина внесения подкормок, см	Ватан			Бостандык		
		сердцевина	древесина	луб	сердцевина	древесина	луб
Контроль-без подкормки	-	45,3	44,8	9,9	49,7	44,6	5,7
Подкормка NPK							
июнь	45	36,9	51,9	11,2	37,4	51,5	11,1
июль	45	42,3	46,9	10,8	41,4	50,0	8,6
август	20	42,9	47,7	9,4	48,9	44,8	6,3

шении глубины внесения удобрений соотношение основных тканей развития почты не изменялись.

Анатомические изменения в строении побегов кусты в которых получили подкормку на глубину 45 см, свидетельствуют о более активном поступлении питательных веществ из почвы в побеги при таком способе внесения удобрений.

Фосфорно-калийные подкормки в более ранние летние сроки ускорили вызревания побегов и накопление в урожае большего количества углеводов. Глубокая подкормка кустов винограда в июне увеличила на 10-20% количество клеток, содержащих крахмал в ксилеме и сердцевинных лучах, и вызвала появление его в первичном лубе (до 50% клеток).

К концу осени-ноябрь, содержание углеводов, особенно глюкозы в тканях обоих сортов винограда сократилось до минимума. Это указывает на интенсивную подготовку растений к зимнему покоя.

Минеральные подкормки на глубину почвы 45 см в летние месяцы у обоих испытанных сортов винограда увеличили в 2-3 раза насыщенность клеток крахмалом в сравнении с вариантами на неудобренном фоне.

#### ВЫВОДЫ:

1. Глубокое внесение в почву фосфорных и калийных удобрений в летние сроки при выращивании винограда сортов Ватан и Бостандык оказывает существенное влияние на интенсивность углеводного обмена и деление клеток луба и древесины в надземной части кустов.

2. Наибольшие изменения в анатомической структуре побегов происходят пре ранне-июнском сроке внесения минеральных удобрений. При более поздней подкормке растений минеральными удобрениями интенсивность деления клеток первично и вторичного луба существенно сокращается.

3. Из испытанных новых сортов винограда наибольшая актив-

ность ростовых процессов под влиянием ранне-летней подкормки минеральными удобрениями проявляется у сорта Бостандык. У этого сорта в осенний период в надземной части наблюдается двухкратная активизация процессов превращения глюкозы в крахмал, в сравнении с сортом Ватан. Это характеризует высокий уровень подготовки винограда сорта Бостандык к периоду перезимовки.

**А.ГУЛЯМОВ,**  
ассистент,  
**Д.ЖАНАКОВА,**  
ТашГАУ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Джавакянц Ю.М., Горбач В.И. Виноград Узбекистана. – Ташкент, 2001.
2. Ключникова Г.Н. Оценка уровня и скорости накопления сахара в винограде новых сортов на Тамани // Виноград и вино России, 2000.-№3.- С.13-14.
3. Мирзаев М.М. Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана.— Ташкент, 1980.
4. Серпуховитина К.А., Худавердов Э.Н., Красильников А.А., Кудряшова В.В., Панежа Ю.В. Новые удобрения для повышения продуктивности виноградников // Виноделие и виноградарство. — Москва, 2006.-№2.-С.38-40.
5. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Виноградарство – Ташкент, 1988.

**УЎТ: 634.55:631.5**

## **ҚУЛУПНАЙ НАВЛАРИНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИЛИГИ**

This article focuses on the primary materials for selection of varieties of varieties in the abiotic factors of the environment, namely, cereals, water tanks, and water-solubility.


Республикамизнинг тупроқ-иклим шароитини хисобга олган ҳолда, қулупнайнинг иссиққа, қурғоқчилликка ҳамда совуқка чидамли навларини яратиш мұхим масала бўлиб, чидамлиликни оширишинг физиологик ва биокимёвий механизмларини ўрганиши ҳамда қонуниятларини аниқлаш, жумладан, селекция учун бирламчи материалларни ажратиш долзарб ҳисобланади.

Қулупнай навларининг қурғоқчилликка чидамлилиги Э.А. Гончарова (1988) услубида аниқланди.

Тупрок намлиги дала майдонларини сугоришдан олдин ўрганилди. Шунингдек, ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги тажриба майдонида сугоришдан олдин барглардан намуна олиш пайтида, яъни эрталаб соат 6:00 да, кундузи 13:00 да ва кечки 18:00 дан ўрганилди.

Қулупнай навлари тажриба майдонида вегетация даврида кузатилган ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги тўғрисидаги маъ-

лумотлар ёз мавсуми давомида ўртacha кўп йиллик кўрсаткичларига тўғри келади. Шу билан бирга ҳаво ҳарорати эрталабки ва кечки




1-расм. Қулупнай навларида сув миқдори (сугоришдан олдин)

пайт олинган натижаларга нисбатан кундузи олинган кўрсаткичлар юқори бўлиши, нисбий намлик эса пасайиши кузатилди.

Ўсимликнинг ёзги мавсумда ўтадиган физиологик жараёнидаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири сув миқдори хисобланади.

Кулупнай навларининг баргларидаги сув миқдори вегетация давомида ҳамда навлар ичида ўзгарувчан бўлиб, барқарор кўрсаткичларга эга эмаслиги аниқланди.

Тадқиқот учун танланган қулупнай навлари баргларидаги сув миқдори вегетация давомида тупроқдаги сув миқдори ҳамда куннинг даврига боғлиқ ҳолда ўзгариши ва бу кўрсаткичлар навлар ичида турлича бўлиши аниқланди.



**2-расм. Қулупнай навларида сув танқислиги (сугоришдан олдин)**

Дала тажриба майдонида сугориш чоралари амалга оширилгунча, яъни далани сугоришдан олдин қулупнай навлари баргларидаги сув миқдори эрталаб соат 6:00 да, кундузи 13:00 да ва кечки 18:00 да олинган натижаларга кўра “Баунтифул” ва “Восход” навларида бироз юқори эканлиги аниқланди.

Айниқса, баргларда сувнинг энг максимал миқдори эрталабки вақтда юқори кўрсаткичларни кўрсатган бўлса, куннинг иккичи яримида соат 13<sup>00</sup> да эса аксинча тескари, пасайиши ва кечки вақтга бориб, яна кўтарилиши кузатилди.

Бундай қонуниятлар ўрганилган барча навларда аниқланди, аммо шуни таъкидлаш лозимки, навлар ўртасида ушбу кўрсаткичлар бўйича фарқланиши намоён бўлди. Навлар ичида энг максимал сув миқдори “Баунтифул” навида кузатилган бўлиб, барглардаги сув миқдори барча муддатларда ҳам 72,5-70,0% оралиғида сакланиб қолинди. “Узбекистанская” (назорат) навида эса бу кўрсаткичлар 70,9-68,7% ни намоён қилди.

Ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини унинг органларининг сувга бўлган талабини аниқлаш орқали ўрганиш муҳимdir. Қулупнай навлари баргларидаги сув танқислигини ўрганиш даврида барглардаги сув миқдорини ўрганиш давридаги вазият кузатилди. Бунда сугоришдан олдинги тупроқдаги намлик даражасига қарамай барглардаги сув танқислиги ўзгариши, яъни энг юқори танқислик кундузи ва энг ками эса эрталабки вақтда бўлиши аниқланди.

Ўрганилган навлар ичида “Прея” навида тупроқнинг намлик даражаси ва куннинг даврига қарамай барглардаги сув

Жадвал 1.


Кулупнай навларида амалга оширилган тадқиқотлар тажриба майдонининг тупроқ намлиги, ҳарорат ва нисбий намлиги

Намуна олинган вақт	Тупроқ намлиги, %	Ҳаво ҳарорати, °t	Ҳавонинг нисбий намлиги, %
Эрталаб, соат 6:00	15,9	24,5	75
Кундузи, соат 13:00	15,9	35	68
Кечки, соат 18:00	15,9	33	67

танқислиги энг паст бўлиши ва энг юқориси эса “Баунтифул” ва “Восход” навларида аниқланди. Навлар ичида энг паст сув танқислиги эрталабки соат 6:00 да “Узбекистанская” (назорат) навида 24,6% ни кўрсатган бўлса, кундузи соат 13:00 да эса “Прея” навида 31,1% ни ташкил этди. Сув танқислиги энг юқори кўрсаткич кундузи соат 13:00 да “Узбекистанская” (назорат) навида 37,1% ни, “Баунтифул” навида 35,4% ни ташкил этди.

Кулупнай навлари баргларининг сув йўқотиш миқдори вегетация давомида ҳамда навлар ичида ўзгарувчан бўлиб, барқарор кўрсаткичларга эга эмаслиги аниқланди. Баргларнинг сув йўқотиш қобилияти 2, 4 ва 6 соат сувсиз ҳолатда қолдирилган баргларда ўрганилди. Тадқиқотлар натижасига кўра, навлардаги баргларнинг энг паст сув йўқотиш кўрсаткичи иккиси соатлик сувсиз ҳолда қолдирилганда аксариёт навларда кузатилди. Навлар ичида эса энг паст кўрсаткич “Узбекистанская” (назорат) ва “Восход” навларида кузатилган бўлса, максимал кўрсаткич эса “Прея” ва “Баунтифул” навларида кузатилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, барча қулупнай навла-



**3-расм. Қулупнай навлари баргларининг 2,4,6 соат оралиқда сув йўқотиш қобилияти**

рида баргларнинг сув йўқотиш динамикаси ҳар иккиси соат оралиқда ўсиши билан ажralиб турди. “Узбекистанская” (назорат) навида баргларнинг сув йўқотиши ҳар иккиси соат оралиқда дастлабки вазнига нисбатан 8,8%, 17,5%, ва 25,1% га ортиб борган бўлса, “Прея” № навида 12,6%, 26,6% ва 37,4% га ортиб борди.

**Ҳ.АБДУЛАЕВА,**

Академик М.Мирзаев номидаги БузваниИТИ  
қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори (PhD).


#### АДАБИЁТЛАР

- Алексеев А.М. Водный режим клеток растений в связи с обменом веществ и структурой цитоплазмы. Изд-во «Наука» М.1969.
- Аманов М.А. Водный режим и засухоустойчивость пшеницы и ячменя в онтогенезе условиях равнинно-холмистой боргари Узбекистана. Автorefерат диссертации.//Киев, 1966 г.
- Гончарова Э.А. Оценка устойчивости к разным стрессам плодо-ягодных и овощных (сочно-плодовых) культур. Методическое указание по засухоустойчивости. Л. 1988, стр. 46-62.

# ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИНИНГ ИССИҚА ЧИДАМЛИЛИГИ

In the article, Different temperatures influence Gold currant varieties and their observed to heat resistant.

Республикамизда ёз мавсуми қурғоқчилик хусусиятига эга бўлиб, ўртacha ҳаво намлиги айrim худудларда 10-15% гача тушиб кетади ва ҳавонинг паст намлиги сентябрь ойигача давом этади.



1-расм. Олтинсимон қорағат навларининг юқори ҳароратларда заарланиш даражаси.

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва ҳаво намлигининг пасайиши натижасида кўп қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳароратга бўлган сезирлиги ошади ва генератив ҳамда вегетатив органларининг чидамлилиги пасаяди.

Айтиш керакки, ёз ойларида ҳаво ҳароратининг юқори ва ҳаво намлиги паст бўлиш эҳтимоли бутун республика бўйича юқори бўлиб ўртacha 85% ни ташкил этади. Шунинг учун ўсимликларни қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганиш олимлар олдига кўйилган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистоннинг қурғоқчилик шароитида мева-резавор экинларининг иссиқа чидамлилик муаммоларини ўрганиш долзарб масаладир.

Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилик муаммоси уларнинг иссиқа чидамлилик муаммоси билан боғлиқ.

Ушбу муаммони ўрганиш ўсимликнинг юқори ҳароратларга бўлган чидамли навларини ажратиш ва иссиқа бардошлик даражасини аниқлаш имкониятларига баҳо берилади.

Олтинсимон қорағат навларининг иссиқа чидамлилиги бўйича тадқиқотлар Ф.Ф. Мацков услубларида олиб борилган бўлиб, бунда сунъий равишда ҳарорат 40°C, 45°C, 50°C, 55°C, 60°C даражаси иссиқликда баргларнинг заарланиш даражаси ўрганилди.


Тадқиқот натижасига кўра, олтинсимон қорағат баргларининг юқори ҳароратларда чидамлилик даражаси энг юқори бўлган ҳарорат 40°C май ойида бўлиб, бунда барча ўрганилган навларда шикастланиши жуда паст даражада кузатилган бўлиб, навлар ичida "Подарок Ариадне" навида 1,2 фоиз, "Рухшона" навида максимал 5,4 фоиз, "Лёвшака" навида 2 фоиз, "Сиома" навида 1,4 фоиз бўлди. (1-расм).

Тажрибада сув ҳаммоми ҳароратини 45°C, 50°C даражага

кўтарган сари барглардаги заарланиш даражаси ҳам ортиб борди. Айниқса, ҳарорат 55°C даражага кўтарилиганда барглардаги заарланиш кескин ортиб кетди. Бунда энг юқори заарланиш "Рухшона" навида 100%, "Сиома" навида 87,6%, "Подарок Ариадне" навида 71,6% ва "Лёвшака" навида энг паст 50% заарланиши кузатилди. Ҳарорат 60°C даражага кўтарилиганда "Лёвшака" нави 98,4% заарланиб, қолган барча навлар эса 100% заарланди.

Шунингдек, табиий дала шароитида олтинсимон қорағат навлари барглардаги ҳарорат ҳам аниқланди. Ўсимлик ер устки органларидан доим сувнинг буғлатиб туриши (транспирация) натижасида барглардаги ҳарорат ташки муҳит ҳароратидан фарқ қиласди. Тажрибаларга кўра, барча навлардаги барг ҳарорати ташки ҳароратга нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди.

Навлар ичida "Лёвшака" навининг баргидаги ҳарорат 31,3°C ни ташкил қиласди, ташки ҳарорат 37,3°C га нисбатан 5,9°C га фарқ қиласган бўлса, "Рухшона" навида барг ҳарорати 31,7°C ни, ташки ҳарорат 36,6°C ни ташкил қиласди, орадаги фарқ



2-расм. Дала шароитида олтинсимон қорағат навларининг баргларидаги ҳарорат.

5°C ни ташкил қиласди (2-расм).

Хулоса қилиб айтганда, олтинсимон қорағатнинг барча навлари баргларидаги ҳарорат ортган сари заарланишини йўқотиш динамикаси ўсиб бориши кузатилди. Навлар ичida "Лёвшака" навлари ўрганилган бошқа навларга нисбатан иссиқа чидамли эканлиги билан ажralиб чиқди. Табиий шароитда эса "Сиома", "Лёвшака" навларининг баргларидаги ҳарорат ва ташки ҳарорат ўртасидаги фарқ бошқа навларга нисбатан юқори эканлиги билан ажralиб чиқди. Бу эса ушбу навларда транспирация жараён жадал ўтишидан далолат беради.

**А.ҚОСИМОВ,**  
Академик Махмуд Мирзаев номидаги Богдорчиллик, узумчилик ва виночиллик илмий-тадқиқот институти докторант.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Р.М; Ягудина С.И. Приусадебные ягодники. –Т.: Мехнат, 1988, стр 37-69.
2. Гончарева Э.А. Оценка устойчивости к разным стрессам плодо-ягодных и овощных (сочноплодовых) культур. Методическое указание по засухоустойчивости. Л. 1988, стр. 46-62.
3. Мацков Ф.Ф. К вопросу о физиологической характеристики сортов яровой пшеницы. "Советская ботаника", №1. 1976, 45-стр.
4. Ягудина С.И., - Смородина. Ташкент. Изд-во "Фан", 1976 г.

## ҚОВУН УРУҒИНИ ЭКИШОЛДИ ТАЙЁРЛАШНИНГ МАҚБУЛ УСУЛИ ВА ЭКИШ МУДДАТИ

The results of scientific research on the study of various methods of pre-sowing seed treatment with growth stimulant solutions and sowing dates for summer melon varieties are presented. When treating the seeds of melon varieties with solutions of succinic acid, copper sulfate, as well as the physiological active extract of sprouted wheat seeds and sowing on April 10- 20, high growth, development, yield with the highest yield of dried products were noted.

Республикамида полиз экинларидан кенг тарқалгани қовун бўлиб, экин майдонининг 60-65 фоизини ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ навлар ташкил этади.

Зарафшон водийсининг янгидан сугориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовун навларининг ўсиши, ривожланиши, тупнинг шаклланиши ва ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан уруғни экишолди тайёрлаш усули ва экиш муддатига боғлиқ.

Тадқиқотларимизнинг мақсади – янгидан сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ёзги қовун навларининг уруғини экишолди тайёрлашнинг мақбул усули ва экиш муддатини аниқлаш орқали халқимизни сифатли қимматбаҳо маҳсулот билан ўз вақтида таъминлаш ва экспортга йўналтиришга ёрдамлашишдан иборат.

Дала тажрибалари Нуробод туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги шароитида 2016–2019 йиллар давомида олиб борилди. Тажрибада қовуннинг ёзги юмшоқ навларидан "Кўк каллапуш", "Маҳаллий Самарқанд оби новвоти", эти қаттиқ – "Кўкча-588" на  $\frac{210+0}{2} \times 0$  влари ўрганилиб, 30 март, 10, 20 ва 30 апрель кунлари  $\frac{2}{2}$  см тартибда 4–6 см чукурлиқда экилди. Бу навларининг уруғлари экишолди 3 вариантда тайёрланди:

1-вариант – уруғлар экишолди сувда 12 соат давомида ивтилиди (назорат);

2-вариант – 10 литр сувда 0,2 грамм қаҳрабо кислотаси ва 2,0 грамм мис купороси эритилиб, 12 соат давомида ишланди;

3-вариант – 0,2 кг кузги буғдойнинг нишлатилган дони физиологик фаол экстракти 10 литр сувга эритилиб, 12 соат давомида уруғ ивтилиди.

Делянкалар майдони 280 м<sup>2</sup>, тақрорлар сони 4 та бўлди.

Тажриба даласида барча кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ва тавсиялар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, қовун навларининг уруғи экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар эритмасида ишланганда дала унувчаликка сезиллари таъсир кўрсатди.

Ўрганилган қовун навларининг уруғи экишолди тоза сувда ишланиб экилгач, 5-куни дала унувчалиги 62,4-67,6%, 7-куни 78,3-82,3%, 9-куни 89,1-94,2 фоизини ташкил этган бўлса, уруғлар экишолди ўстирувчи стимулятор (қаҳрабо кислотаси) ва микроэлемент (мис

купороси) эритмасида ишланниб экилганда, тоза сувда ишланганга нисбатан дала унувчалиги экилгандан кейин 5-куни 13,4-14,4%; 9-куни 4,5-6,0% юқори бўлди. Қовун навларининг уруғи кузги буғдой нишлатилган дони экстрактида ишланганда дала унувчалиги 93,5-97,0 фоизни ташкил этди. Ўрганилган қовун навлари уруғи тоза сувда ивтилиб экилганда ҳосилдорлик 21,7-25,7 т/га, ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар эритмасида ишлаб экилганда эса, энг юқори ҳосилдорлик (25,0-30,0 т/га) олинниб, кўшимча ҳосил гектаридан 3,9-4,3 тоннани ташкил этди. Шунда мева ҳосили таркибида энг кўп қуруқ модда (11,9-13,4%) ва қанд (9,2-9,6%) сақлаши қайд этилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, қовун навларининг ўсиб-ривожланиши экиш муддатларига боғлиқ экан.

Ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ қовун навлари 10-20 апрелда экилганда ўсимлик ўсув даври 3-4 кунга узайб, узунпояли (294,1-324,7 см), юқори барг сатҳи (2511-2790 дм<sup>2</sup>) шакллантириб, бақувват палакли (2011-2198 г) ва илдизли (114,0-150,2 г) бўлиши билан фарқланади. Кулай (10-20 апрелларда) муддатларда экиш гектаридан 26,7-32,8 тонна ҳосилдорликни таъминлаб, кўшимча ҳосил 5,4-7,9 т/га эканлиги маълум бўлди.

Қовун навларининг уруғини экишолди кулай усул ва мақбул экиш муддатларида ўстиришнинг "Ишонч" фермер хўжалиги шароитида 9,6 га майдонда ишлаб чиқариш синови якунларига қўра, "Кўк каллапуш", "Маҳаллий Самарқанд оби новвоти" ва "Кўкча-588" навлари уруғи қаҳрабо кислотаси ва мис купороси эритмасида 12 соат давомида ишланиб, 11-13 апрелда экилганда, ҳар гектардан 29,0-32,2 тонна ҳосил олинниб, кўшимча соғ даромад гектаридан 3,3-4,3 млн. сўм, 47,2-58,4% рентабеллик даражасига эришилди (жадвал).

Демак, Зарафшон водийсининг янгидан сугориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ёзги қовун навларидан барқарор, юқори сифатли ва арzon ҳосил олиш технологиясининг асосий тадбирларидан бўлиб, уруғни экишолди мақбул ўстирувчи стимулятор ва микроэлементлар эритмасида ишлаш ҳамда қулай экиш муддатларида экиш ҳисобланади. Шунда ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ қовун навларидан 30 т/га ва ундан зиёд ҳосилдорликка эришиш мумкин.

**Х.АМИРОВ,**  
*СамВМИ асистенти.*

## НОАНЪАНАВИЙ САБЗАВОТ — БАМИЯ (HIBISCUS ESCULENTUS L)НИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

It is known that the introduction of plants-their acclimatization (introduction) is the bringing to a country or region a type or variety of plants that have not previously grown here in natural conditions. One of such non-traditional types of crops that are not yet planted on the territory of the Republic is the efficiency of cultivation of the bamiya crop.

Ўзбекистонда бир қатор сабзвавот турларидан фойдаланаётган бўлслак-да, бироқ дунёда уларнинг инсон саломатлиги учун қимматли хусусиятларга эга бўлган, халқимиз кам истеъмол қиласидан ва дехқонларимиз томонидан жуда кам етишириладиган, ноанъанавий хилма-хил турлари мавжуд бўлиб, уларга руккона, брокколи, барг салат, бош салат, артишок ва бамия экинлари мисол бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон учун янги ва истиқболли ўсимлик бўлган бамия сабзвавотини интродукция қилиш ва айрим етишириш технологияси элементларининг татбик қилиниши, мамлакатимиз озиқ-

овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳамда аҳолимизни витаминларга бой маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида, Сабзвавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институтида ўрганилиб, олинган натижалар асосида уни етиширишнинг йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Бамия ўзидан олдин экилган экинга маҳсус талаблар кўймайди. Энг асосийси – ўзидан олдин экилган экин эртароқ йигиштириб олинган ва тупроқни экишга сифатли тайёрлаш учун етарли муддат бўлиши керак.

Тупроқни кузги тайёрлаш экилган ўсимликни йиғиштириб олгандан кейин бошланади ва чала шудгор типида ўтказилади. Куздаги шудгорлаш натижасида ўтмишдош экиннинг қолдиқлари ва бошқа ўсимликларнинг қолдиқлари чириб чириндига айланади ва баҳордаги бегона ўтларнинг миқдорини камайтиради. Натижада, тупроқнинг унумдорлиги ортади, қишик соvuқ ва көр-әмғир таъсирида музлаб эриган тупроқ пўрсилдок ҳолатга келади.

Ерни шудгор килиш чукурлигини белгилашда ҳар бир минтақа ери шароитини, унинг гранулометрик таркибини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш зарур, масалан, Тошкент вилоятида кўпинча типик бўз тупроқлар мавжуд. Бамия етиширилаётган майдонларда шудгорлаш чукурлиги камидаги 25-30 см атрофидаги бўлиши зарур.

Тупроқни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб уруғларни бир текисда кўмид, майсаларнинг қийғос униб чиқишини таъминлайди.

Экинда шароит ва муддатларни тўғри танлаш уруғларнинг тўлиқ униб чиқишини белгиловчи омил ҳисобланади. Бамияни экинни барқарор ҳавода, тупроқнинг кўчат тушган чукурлиги 12-14°C исиган пайтда ўтказиш тавсия қилинади. Ҳар бир хўжалиқда экин муддати тупроқнинг таркиби, намликтинг миқдори ва об-ҳаво шароитларига қараб белгиланади. Шуниям таъкидлаш керакки, кўчатларнинг барқарор униб кетиши учун иссиклиқдан ташқари етарли миқдорда намлик бўлиши зарур.

Экиш усулини танлаш хосил миқдорига, унинг сифатига таъсир этувчи ва ўсимликларни парвариша ташлашда механизациядан фойдаланишдаги муҳим шарт ҳисобланади. Бамияни қатор оралари юмшатиладиган экин каби қатор оралари 50 см ва 70 см эгатларга экилади.

Экишнинг яхши қалинликда ташкиллаштириш хосилни белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади. Ўрганилган бамия намуналарини кўчат тайёрлаб экилганда уруғлик миқдори гектарига 2-3 кг сабзавот сеялкалари ёрдамида экинда уруғлик миқдори бирор кўпроқ гектарига 10-12 кг, ни ташкил қиласди. Бамия уруғларини экиш меъёри ҳар бир хўжалиқда уруғнинг тозалиги ва массаси, унинг дала унучанлиги, шунингдек, тупроқ ва об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб белгиланади.

Бамияни экиш учун сабзавот экадиган СОН-2,8, СКОН-4,2 ёки СО-4,2 сеялкаларидан фойдаланилади, улар бир вақтда қатор орасининг кенглиги 70 см ли сугориладиган эгатларни олади.

Об-ҳаво шароитларига қараб, бамия уруғлари апрел ойининг

бошида (апрел ойининг биринчи декадасида) экилганида уларнинг дала унучанлиги Тошкент вилояти шароитида 85-90% ташкил этиши аниқланади. Шу вақтда униб чиқсан ніҳолларнинг барча сақланади.

Бамия уруғлари йирик бўлгани учун уларни тупроқка 3-4 см чукурликка экиш тавсия этилади. Ҳар бир чукурчага 2 тадан, қатор бўйлаб ҳар 25-30 см ораликда бамия уруғлари экилади қаторлар ораси 70 см бўлиши керак. Кўчатлар униб чиққадан икки-уч ҳафта ўтиб кучиз нозикроқ ніҳолларни олиб ташлаш, яъни яганалаш зарур.

Ўсимликни парвариша ташлаш мураккаб эмас. Бамия ўсимликларининг бўйи 10-12 см га етганда қатор оралари юмшатилади. Кейинчалик қатор оралигига ишлов бериш бегона ўтлар пайдо бўлишига қараб минерал ўйтлар бериш 2 марта: экиш даврида ўйтлар меъёрининг ярми ва гуллаш даврида қолган қисми, амалга оширилади. Бамия ўсимлигини ўсув давомида 6-8 марта сугориш мақсадга мувофиқиди.

Тадқиқотларимиз ўтказилган йиллар давомида бамия ўсимликларининг меваларига кўсак курти, ёш ніҳолларга эса ўргимчакканда зарар етказгани кузатилди. Касалликлари кузатилмади.

Бамия ўсимлиги гуллаб, дастлабки кўсаклари 4-6 см бўлганида кесиб олинниб, озиқ-овқат мақсадларида ишлатиш мумкин. Бамия тунчаларини ҳар 3-4 кунда йиғиб олиш керак, чунки улар тез орада дагаллашиб истемъолга яроқсиз бўлиб қолади. Бамия уруғларидан ичимлик тайёрлаш учун ўсимлиги гулларни яхши пишиб етилиши зарур. Уруғлари йиғиб олинган бамия ўсимлигининг ер устки қисми нам ҳолида корамоллар учун ем-хашак сифатида ишлатилади. Ундан ўт кукуни (травянья мұка), брикет, гранула ҳам тайёрлаш мумкин. Шунингдек, бошқа экинлар билан бирга силос тайёрлаш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, ушбу янги ноанъанавий сабзавот экини республика худудида экиб етишириш ахолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш билан бирга мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.

**Р.НИЗОМОВ,**  
к.х.ф.д.,

**Б.ИБРОҲИМОВ,**  
таянч докторант,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканилар  
илемий-тадқиқот институты.

## АДАБИЁТЛАР

- Сафарова Н.К. Турли интродукция шароитида *Hibiscus esculentus* L. нинг биологияси ва сув режими (Автореферат). – Тошкент, 2010
- Sharma R.K., Agrawal M., Agrawal S.B. Physiological, biochemical and growth responses of lady's finger (*Abelmoschus esculentus* L.) plants as affected by Cd contaminated soil. Bull. Environ. Contam. and Toxicol. N 2, 2010, t.84, p. 765-770.
- Kang B.K., JyotiGagan, Sharma R.K., Battu R.S., Singh B. Persistence of propargite on okra under subtropical conditions at Ludhiana, Punjab, IndiaN4, 2010, t.85, p.414-418
- <https://tulknow.ru.meal.8578-bamiya.html>

УДК: 635.64

## ИЗУЧЕНИЕ СОРТООБРАЗЦОВ СЛАДКОГО ПЕРЦА И ВЫДЕЛЕНИЕ ПЕРСПЕКТИВНЫХ СОРТОВ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

**Summary.** The article presents the results of a comprehensive study of varieties and hybrids of F1 sweet pepper in order to highlight suitable for cultivation in the conditions of Uzbekistan. Samples of different height of plants, shape, weight, color of fruits were identified that are of interest in the central zone of Uzbekistan.

Сладкий перец ценная культура, лидирующая по содержанию витамина С среди овощей. Наиболее высокое содержание этого ценного витамина, являющегося антиоксидантом, наблюдается в плодах биологической спелости. Спелые семенные плоды у различных сортов содержат витамина С от 220 до 450 мг%, зеленые плоды в потребительской спелости от 112 мг% до 120 мг%. Для сравнения у спелых плодов томата витамина С содержится от 22 мг% до 40 мг%.

Сладкий перец содержит большое количество микро-

элементов, ценных минеральных солей и веществ антиоксидантов, защищающих организм человека от вредных для здоровья свободных радикалов.

В настоящее время сладкий перец имеет в производстве широкое распространение. Это объясняется многоплановым его использованием. Площадь посева сладкого перца во всех категориях хозяйств составляет более 22400 га, с урожайностью 194 ц/га. Отдельные сельхозпроизводители получают до 600 ц/га плодов сладкого перца технической спелости.

**Таблица**

**Хозяйственно-биологическая оценка сортов и гибридов сладкого перца**

№ п/п	Наименование сортов и гибридов	Вегетационный период, дни		Параметры растений				Характеристика плода						
		техн. спелость	биол. спелость	высота, см	кол-во ветвей, шт.	кол-во листьев, шт.	масса плодов, г	кол-во плодов, шт.	форма плода	цвет плода	Толщина мякоти, мм	Вкус плода	Кол-во семенных камер в плоде, шт.	Кол-во семян в плоде, шт.
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	15	16
1	Дар Ташкента, ст.	118	147	65	4	183	75	9	Конусовид.	Желтовато-красный	3-4	Средне-сладкий	3	210
2	Заря Востока	120	141	67	5	195	70	11	Конусовид.	Светло-жёлтый	3-4	Сладкий	3	217
3	Зумрад	135	165	61	4	173	115	7	Призмовид.	Тёмно-зеленый, тёмно-красный	6-8	Средне-сладкий	4	312
4	Сабо	129	153	59	4	170	65	10	Кубиковид.	Светло-жёлтый	4-5	Средне-сладкий	4	275
5	Наргиза	117	143	67	5	195	80	13	Конусовид.	Светло-лимонный	3-4	Сладкий	3	225
6	Тонг	125	149	66	4	287	57	11	Пирамидовид.	Светло-зелёный	4-5	Средне-сладкий	3	207
7	Ласточка	115	145	71	6	203	77	17	Конусовид.	Светло зеленый, тёмно-красный	3-4	Сладкий	3	215
8	Подарок Молдовы	117	143	73	6	217	85	16	Конусовид.	Светло зеленый, красный	4-5	Сладкий	3	218
9	Шодлик	125	150	65	4	181	70	9	Конусовид.	Светло зеленый, красный	4	Средне-сладкий	3	187
10	Жайхун F <sub>1</sub>	97	105	85	6	220	103	14	Конусовид.	Светло зеленый, красный	3-4	Сладкий	3	135
11	Прокрафт F <sub>1</sub>	95	107	91	7	235	170	15	Кубиковид.	Светло зеленый, светло-красный	5-8	Средне-сладкий	5	151
12	Клэйр F <sub>1</sub>	97	103	95	7	230	115	17	Кубиковид.	Светло зеленый, светло-красный	4-5	Средне-сладкий	4	137
13	Кадия F <sub>1</sub>	91	100	103	9	243	93	19	Кубиковид.	Светло зеленый, красный	5-6	Средне-сладкий	4	143

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	15	16
14	Абай F <sub>1</sub>	90	97	101	6	229	100	21	Конусовид.	Тёмно зеленый, тёмно-жёлтый	4-5	Сладкий	4	140
15	Магно F <sub>1</sub>	98	107	127	8	237	150	14	Конусовид.	Тёмно зеленый, желтоватый	4-5	Сладкий	4	135
16	Даллас F <sub>1</sub>	93	103	115	8	239	125	17	Конусовид.	Тёмно зеленый, тёмно-красный	4-5	Средне-сладкий	4	127
17	Клаудио F <sub>1</sub>	90	99	107	7	233	175	13	Конусовид.	Тёмно зеленый, тёмно-красный	4-5	Сладкий	4	133
18	Джемини F <sub>1</sub>	91	105	95	7	229	183	11	Кубовидно-удлинён.	Жёлтый	4-5	Сладкий с горчинкой	4	125
19	Лотта F <sub>1</sub>	97	107	97	6	223	67	20	Конусовид.	Светло зеленый, светло-красный	4-5	Сладкий	4	119
20	Атол F <sub>1</sub>	93	101	103	6	219	90	18	Конусовид.	Светло зеленый, светло-красный	4-5	Сладкий	4	112

В Узбекистане сладкий перец широко используется для промышленной переработки. Из него готовят перечную пасту, маринуют, сушат, замораживают и готовят приправы к различным блюдам. Благодаря хорошей лёгкости и транспортабельности сладкий перец используется для экспорта как технической, так и биологической спелости. Для экспорта используют в основном местные районированные сорта: «Дар Ташкента», «Заря Востока», «Зумрад» и «Наргиза». Однако этот набор сортов следует пополнить новыми сортами или гетерозисными гибридами F<sub>1</sub>.

Для этого изучена коллекция сортов и гибридов F<sub>1</sub> сладкого перца в сравнении с районированными сортами отечественной селекции.

В таблице приведена хозяйственно-биологическая характеристика сортов и гибридов сладкого перца в условиях жаркого климата и поливного земледелия в Ташкентской области Узбекистана.

В число перспективных вошли сорта и гибриды перца сладкого раннего, среднего и позднего созревания, с периодом от массовых всходов до начала массового биологического созревания плодов 99-165 дней. Очень скороспелыми

являются гетерозисные гибридные F<sub>1</sub>, начало биологического созревания у них наступило на 99-101 день от всходов. Эти гибридные F<sub>1</sub> отличаются высокорослыми растениями 85-107 см и приспособлены для выращивания в теплицах. Количество боковых стеблей у большинства сортов образцов 4-6 штук на растение. У гетерозисных гибридов количество боковых побегов больше чем у сортов и составляет от 6 до 9 штук на растение. Этим объясняется более дружное плодообразование у них.

Крупными товарными плодами в биологической спелости отличаются гибридные перцы «Джемини F<sub>1</sub>» (183 г), «Клаудио F<sub>1</sub>» (175 г), «Прокрафт F<sub>1</sub>» (170 г), «Магно F<sub>1</sub>» (150 г). Все перспективные гибридные F<sub>1</sub> в биологической спелости имеют желтую, светло-красную и темно-красную окраску и глянцевую поверхность. Это придает им хороший товарный вид и конкурентоспособность на мировом рынке.

У большинства сортов перца форма плода конусовидная, поверхность гладкая выровненная с блестящей кожицей. Это определяет хороший товарный вид плода. Толщина мякоти определяет выход товарной продукции при переработке плодов перца. Наиболее толстую мякоть плодов имели сорта

перца «Зумрад» (6-8 см), «Сабо» (4-5 см), «Тонг» (4-5 см), «Подарок Молдовы» (4-5 см) и гибриды «Прокрафт F<sub>1</sub>» (5-8 см), «Кадия F<sub>1</sub>» (5-6 см). Дегустационная оценка показала все выделенные из коллекции сорта отличаются ярко выраженным перечным ароматом и хорошими вкусовыми качествами, особенно толстостенные. Содержание семян в плоде перца

колеблется 112-312 штук. Хозяйственно-биологическая оценка коллекции сортов и гибридов F<sub>1</sub> сладкого перца позволила выделить пригодных для использования в производственных условиях Узбекистана и в селекционных процессах.

**Т.ХОЛМУМИНОВ,**  
к.с.х., ст. н.с., НИИОБК.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Пивоваров В.Ф., Мамедов М.И., Бочарникова Н.И. Пасленовые культуры (томат, перец, баклажан, физалис). – М., 1998. -293 с.
2. Методические указания по селекции сортов и гибридов перца и баклажана для открытого и защищенного грунта. – М., ВНИИССОК. 1997. -96 с.
3. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны). Л., 1977. -23 с.
4. Пивоваров В.Ф. Овощи России. – М., ВНИИССОК. 2006. -384 с.
5. Государственный реестр сельскохозяйственных культур рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. – Ташкент. 2018. -С.46-47.
6. Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов. – М., 1982. -312 с.

**УЎТ: 635.21:631.51**

## ТОПИНАМБУР НАВ ВА НАМУНАЛАРИНИ ҚИММАТЛИ БЕЛГИ-ХУСУСИЯТЛАРИ БҮЙИЧА БАҲОЛАШ

Requirements were developed for the formation of varieties of Jerusalem artichoke varieties of the Samarkand region of the Zeravshan valley, such as the shape, size, depth and number of grape seed tubers, groove depth, number of hives, speeding, chemical composition of tubers, inulin content and selection varieties.

Топинамбур навлар ва намуналар тўпламини баҳолаш бўйича дала тажрибаси институтнинг ўкув-тажриба хўжалиги давлат унитар корхонаси шароитида олиб борилиб, жами 12 та нав намуналар, шундан 5 та навлар: «Новинка» (Қозогистон), «Ленинградский», «Интерес» (Россия), «Файз-барака», «Мўъжиза», «Эътироф» (Ўзбекистон) ва 7 та истиқболи клон намуналари К-99/1, К-99/2, К-99/3, №9, №105, №109, 4/36 синаанди. Экиш 70x35 см схемада амалга оширилди. Қайтариқлар сони 4 та бўлди. Ҳар бир делянканинг узунлиги 20 метр, 4 қатор бўлиб, майдони 56 м<sup>2</sup>. Делянкалар 4 ярусада жойлаштирилди.

Навларнинг тезпишарлиги. Қишлоқ хўжалик экин навларининг ўсиши, ривожланиши ўрганилганда, уларда фенологик кузатишлар асосида фазаларнинг рўй бериши ва ўтиши, ўсув даври давомийлиги, ўсимликларнинг морфо-биологик шаклланиши, ўсимлик бўйича поялар сони, ён шохлар сони, саватчалар сони, барглар сони ва сатҳи ҳамда шу каби кўрсаткичлар ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, намуналар бўйича гуллаш даврида ўсимлик бўйи дастрабки материал олиш усулига боғлиқ равища 376-406 сантиметргача ўзгарди, поя сони 3,1-3,8 дона, ён шох сони 24,6-44,0 дона, бир тупдаги саватчалар сони 32,5-44,0 донагача, ўсув даври эса 145 дан 184 кунгача бўлди.

Дуррагайлаш асосида олинган «Файз-барака» хНовинка, К-99/3x «Файз-барака» комбинацияларида ўсимлик бўйи 376-398 см, поя сони 3,1-3,4 дона, ён шох сони 24,0-27,8 дона, саватчалар сони 32,5-33,0 дона ва ўсув даври 156-162 кун қайд этилди.

Демак, топинамбурни генератив, яъни уруғидан ўстириб ижобий белгилари бўйича танланган №9 кўчтларда ўсимлик бўйи 405 см, поя сони 3,5-3,8 дона, ён шох сони 31-44 дона, саватчалар сони 39-44 дона бўлиб, ўсув даври 171-172 кунни ташкил этиди. Навлар, намуналар ва комбинациялар ичидан энг тезпишар намуналарда К-99/3да 157 кун, комбинацияларда К-99/1 x К-99/3 да 145 кун ва уруғ кўчтларидан танланган «Эътироф» навида 145 кунни ташкил этиди.

Вегетатив кўпайтиришда одатдаги клонли танлаш асосида олинган 4/36 намуналарда ўсув даври 169 кун бўлди.

**Навларда ҳосил шаклланиши ва ҳосилдорлик.** Топинамбур ўсимлиги узоқ ўсув даврига эга бўлиши, унинг эрта баҳордан кузгача ўсиши, ривожланиши, барг, поя, туганак ҳосил қилиши динамикаси навларда, намуналарда, комбинацияларда бир йиллик экин сифатида экилганда

ўрганилмаган. Ўсимликларда асосий поянинг ўсиш динамикаси экилгандан кейин тўлиқ униб чиққач, 20 апрелдан 1 октябрчагча ҳар 20 кунда ўтчаб, аниқланди.

Тажрибада намуналар 3-4 март кунлари экилганда экилишдан тўлиқ униб чиқишигача 18-21 кун давом этди.

Ўсимликларнинг ўсиши динамикаси дастлаб 20 апрелда ўрганилганда 22-24 см бўлиб, «Эътироф»да 22 м., №9, К-99/2, К-99/1, да, К-99/3 «Новинка»да 23 см, «Интерес», «Ленинградский» нав намуналарида 24 см қайд этилди. Ўсимликларда ёзният энг иссиқ кунлари - 10 июнда «Эътироф» намунада 208 см, №9 намунада 219 см, «Новинка»да 230 см, «Ленинградский»да 226 см, қолган намуналарда 246 см гача ўзгарди. Кузатувларнинг охирида 1 октябрда энг баланд бўйли ўсимлик «Новинка» (425 см), К-99/3, 4/36 намуналарида (420 см), К-99/1 намунасида (401 см), қолган намуналарда эса (352-394 см гача) бўлди.

Топинамбур навларида 20 апрелдан 1 октябрчагча ўртacha суткалик ўсиш динамикаси кунига 2,2-2,5 сантиметрни ташкил этиди. Ўсимликларда тез ўсиш характеристири ёзният биринчи ярмига – 20 июнга қадар тўғри келди. Ёзният иссиқ кунлари – 10 июндан 30 июлгача 60-65 см ўсиш кузатилиб, ўртacha бир суткага 3,0-3,1 см га этиди. Ўсимликларда 20 августдан гуллаш бошлангач, ўсиш секинлашди ва 10 сентябрчагча муқобил ўсиш давом этиди.

Топинамбур намуналарида ем-хашак йўналишидаги К-99/3, 4/36, «Ленинградский», К-99/1 намуналарида ўсимлик нисбатан баланд бўйли бўлиши, озиқ-овқат йўналишида «Эътироф», №9 намуналарида 361-380 см гача ёки нисбатан паст бўйли бўлиши кузатилиди.

Демак, топинамбур намуналари иссиқка бардошли бўлиб, ёзният иссиқ кунлари (ўртacha суткалик +27, +29°C)да ҳам суткасида 3,0-3,2 см ўсиши қайд этилди.

Тажрибаларда топинамбур намуналарида ҳосил тўплаш динамикаси турлича эканлиги аниқланди. Намуналарда ўсимлик ер устки кисми (поя, барг) ва туганак ҳосилли модул ўсимликларда (ҳар намунадан 10 та ўсимлик олиб) 20 июль, 20 август, 20 сентябр ва 20 октябрда кўлда ковлаб олиниб, таҳлил қилиниб ўрганилди.

Намуналар 20 июлда ўрганилганда поя, барг вазни 540-661 грамм бўлиб, туганаклар деярли шаклланмаган ёки становлар кўринишида мавжуд эди. Факат айрим №9, «Эътироф» намуналарида 140,6-150,3 грамм туганак шаклланган. Топинамбур-намуналарида 20 августда ўлчангандан ўсимликларнинг ер устки кисмида энг юкори 967 грамм 4/36, K99/3 да 901

грамм, энг кам "Интерес-735", №105 да 756 грамм қайд этилди. Туганак ҳосили эса 197,2 граммдан 297,4 граммгача ўзгариб, энг юкори №9 да 297, №105 да 269, "Новинка" навида 248,9 грамм кузатилди.

Топинамбур намуналарида ҳосил тўплаши 20 сентябрда ўрганилганда ер устки қисми поя, барг ҳосили энг юкори 4/36 да 1086,3, К-99/3 да 1024,3, К-99/2 да 1008,5 грамм, туганак ҳосили К-99/1 да 612,0, К-99/3 да 605,8 грамм, энг кам "Эътироф" намунада 877,1 грамм поя, барг ҳосили, 460,0 грамм туганак ҳосили шаклланган. Ўсимликларнинг ҳосил тўплаши 20 октябрда ўрганилганда энг юкори ҳосил шаклланганилиги аниqlанган.

Энг юкори ер устки қисми 4/36 намунасида 975,9 грамм, туганак 4/36 да 1010 грамм, №9 да 997,9 грамм, К-99/3 да 953,5 грамм, энг кам "Интерес" навида 822,1 грамм, "Ленинградский" 785,6 грамм, К-99/1 да 878,2 грамм қайд этилди.

Топинамбур намуналарида ер устки қисми энг юкори массаси 20 сентябрда 1024,3-1086,3 грамм, туганак ҳосили энг юкори 20 октябряда 997,9-1010 грамм шаклланishi кузатилди.

Демак, топинамбур намуналарида кўк масса, силос учун ўсимликларни сентябр ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида йиғиштириш, туганак, озиқ-овқат учун октябр ойининг иккинчи ўн кунликларида йиғиштириш мақсадга мувофиқидir.

Топинамбур намуналарида айрим белгиларнинг ўзаро боғликлигини ўрганиш кўйидаги натижаларни кўрсатди.

Ўсимликлари энг баланд бўйли намуналар "Новинка", К-99/3, К-99/1, 4/36, К-99/2 бўлиб, ўртacha баланд бўйли ўсимликлар "Ленинградский", №9, нисбатан паст бўйли намуналар бўлиб, №109, "Эътироф" намуналар ва "Интерес" намуналарида эканлиги қайд этилган. Ўрганилган топинамбур намуналари тупдаги поя сони бўйича ҳам фарқланиб, энг кўп поя (3,6-4,1 донагача) "Новинка", К-99/1, №9, 4/36 намуналарида ўртacha (3,0-3,5 дона) К-99/3, "Интерес", К-99/2 намуналарида энг кам поя (3,0 донагача) "Эътироф", №109, "Ленинградский" намуналари эканлиги маълум бўлди.

Топинамбур намуналарида поянинг дагаллиги, туганак шакли, кўчалар сони ва туганакларнинг уяда жойлашиши ўртасида кичик боғлиқликни мавжудлиги ҳамқайд этилди.

Демак, ўсимликларнинг баланд бўйли, кўп пояли, поянинг дагал бўлиши, туганакларнинг узунчоқ, кўчалари кўп ва уяда тарқоқ жойлашиши, аксинча паст бўйли, кам пояли, ярми дагал пояли бўлиши, туганакларнинг овал, кўчалар сонининг кам бўлиши ва туганакларни уяда гуж ёки ярим гуж жойлашиши ўртасида боғлиқлик (корреляция) мавжудлиги аниqlанди.

Тадқиқотларда наф ва намуналар тўпламишининг туганак ҳосилдорлиги гектаридан 30,1 тоннадан 36,8 тоннагача, кўк масса ҳосилдорлиги эса 59,2 тоннадан 76,2 тоннагача қайд қилинib, топинамбур навларида фойдаланишининг йўналишига қараб навларни танташ ва уларда алоҳида этиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Топинамбур туганаклари 100 граммитаркибида 0,76 мг В<sub>1</sub>, 66 мг С витаминларини сақлайди. Кул моддалари таркибида эса 5,94% фосфор, 5,3% темирсаклайди.

Топинамбур туганаклари таркибидаги инулин миқдори аниqlанганда наф ва намуналарда сезиларли фарқ кузатилиб, 7,6% дан 12,5% гача қайд қилинди.

Қисқача қилиб айтиш мумкинки, топинамбурдан ўндан ортиқ турли

хил қандли диабет билан оғриган беморлар учун дори-дармонлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда топинамбур туганагидан унинг кукунини тайёрлаш ва исталган йўналишда кукунidan фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган.

#### ХУЛОСАЛАР ҚУЙИДАГИЧА БЎЛДИ:

1. Зарафшон водийси шароитида топинамбур навлари тўплами қимматли хўжалик, морфо-биологик белги-хусусиятлари бўйича (тезпишарлиги бўйича К-99/3 намунасида 157 кун, К-99/1 x К-99/3, "Эътироф" нағи 145 кун) ахратиди.

2. Ўсимликларнинг ўсиши дастлаб (20 апрелда) №105 да-22 см, №9, К-99/2, ва К-99/1, да, К-99/3 намуналарда 22-24 см, "Новинка" навида 23 см, "Интерес", "Ленинградский" нав намуналарида 24 см, ўсув даври охирида(10ктябрда) эса энг баланд бўйли ўсимликлар "Новинка" (425 см), К-99/3, 4/36 намуналарида (420 см), К-99/1 (401 см), қолган намуналарда 352-394 сантиметргача бўлиб, ўсув даврида ўртacha суткалик ўсиши кунига 2,2-3,1 см.ни ташкил этди.

3. Ўрганилган наф ва намуналардан инулин миқдори юкори, озиқ-овқатга ва қайта ишлашга яроқлилиги (туганакнинг бир хиллиги 70-75%, туганак шакли овал ёки ноксизон, туганақда кўчалар сонининг(2-3 та) камлиги, уядга гуж жойлашиши, туганакларнинг бир хил каттапидалиги, ўртacha вазни 75-80 граммдан юкори, курук модда миқдори 21-22 %, инулин миқдори бўйича 12-12,5% "Эътироф", "Файз барака", "Мўъжиза" навлари ҳамда №9 намуналарида кузатилиб, наф, комбинациялар ва намуналар селекция жараёнига жалб қилиниши мақсадга мувофиқ.

**Э.БЕРДИМУРОТОВ,  
А.ЭЛМУРОДОВ,  
Ж.АБДУЗУХУРОВ.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мавлянова Р.Ф. Культура топинамбура и её потенциал для использования. Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари мавзуидаги илмий мақолалар тўплами. Т.2013.Б.25-30

2. Мерганов А.Т. Топинамбур ҳосилдорлигига биологик ўғит турлари ва меъёлларининг таъсири. Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари мавзуидаги илмий мақолалар тўплами. Т.2013.Б.80-84.

3. Рахимов Д.А, Салихов С.А., Черненко Т.В ва бошқалар. Химический состав, свойства, использование топинамбура сорта "Файз барака" и трансфер его на промышленную основу. Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари мавзуидаги илмий мақолалар тўплами. Т.2013.Б. 92-95.

4. Тодерич К., Бекмирзаева И. Возделывание топинамбура на засоленных почвах Арапского бассейна. "Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари" мавзуидаги илмий мақолалар тўплами. Т.2013.Б.58-60.

5. Acar R., Ada R. and Özköse A. Effects of different mowing dates of plant top on tuber yield of Jerusalem artichoke (*Helianthus tuberosus* L.). African Journal of Biotechnology Vol. 10(45), p. 38, 17 August, 2011.

**УЎТ: 631.6**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИССИҚХОНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАВСУМЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

The article presents several methods of cultivation of tomato plants in controlled agrarianisms and reviews of their research, literature review.

Аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда хўжалик тармоқларини такомиллаштириш асосий омил ҳисоблануб, сабзавотларни илмий асосланган йиллик истеъмол меъёрида бир хилда истеъмол этилиши тақозо этилади. Бунга эришиш учун очиқ ва

ҳимояланган майдон сабзавотчилигини мутаносиб равишда ривожлантириш лозим.

Аҳолини йилнинг кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида сабзавот маҳсулотлари билан таъмин этишда ҳимояланган майдон сабзавотчилиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳим жиҳат – иссиқхона сабзавотчилиги ривожланиши хукуматимизнинг доимий эътиборида. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4020-сон қарори бунга яқол мисол бўла олади. Ушбу қарор билан ресурс ва энергия тежайдиган технологияларга асосланган иссиқхона ҳўжаликларини жадал ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмларини ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон шароитида иссиқхоналарда сабзавотларни (помидор мисолида) экиш ва парваришлаш ишлари қўйидагича ташкил этилади.

**Кузги-қиши мавсум.** Кузги-қиши мавсумда иссиқхоналар учун кўчатни кўчатхоналарда тайёрлаш зарур. Кузги-қиши мавсумда уруғ июн охири-июл бошларида сепилади, доимий жойга эса кўчатлар август ойи бошида ўтказилади. Уруғ ва тувакчалар қиши-баҳорги мавсумдаги каби тайёрланади. Дастлаб иссиқхона қопламаси устига оҳак ёки лой сепилади, тувакчаларга озиқали аралашма солиниб, яхшилаб сугорилади, уруғлар 0,5-1 см чуқурликка экилади. Майсалар пайдо бўлгунга қадар 2 марта, эрталаб ва кечқурун сугориб турилади. Уруғлар униб чиққандан сўнг улар бир кунда бир марта, яхшиси кечки пайт сугорилгани маъқул[2].

**Оралиқ, ўткинчи мавсум.** Ушбу мавсум учун иссиқхонани фойдаланиш учун тайёрлаш, уруғ сепиш ва кўчат экиш ишлари кузги-қиши мавсум сингари олиб борилади, аммо бу ишлар бир ой кейин, яъни уруғлар августнинг биринчи декадасида (ўн кунлигига) сепилади, кўчатлар доимий жойга эса сентябр ойининг биринчи ярмида ўтказилади. Ушбу муддатда экилган помидор экини август, сентябр ва октябр ойларида гига нисбатан юқори бўлган ёруғликдан фойдаланилади.

**Қиши-баҳорги экиш мавсумида** экиш ишлари куз ойларидан бошланиб, бу даврда ёруғлик жуда камайган бўлади. Помидор уруғларини экиш октябр ойи охирлари-ноябр ойи бошларида бошланади. Кўчатларни экиш эса ноябр ойи охир-декабр ойининг биринчи ўн кунлигига амалга оширилади. Помидор учун ҳавони яхши ўтказувчан, ғовак латоген ва заараркунандалар билан заарламмаган тупроқ тайёрлаш керак. Кўчатлар қўшқатор усуlda  $80+80\times40$  см оралиқда экилади. Экиш олдиндан ковлаб сугориб олинган кўндаланг чукурчаларга стаканнинг учдан икки қисми кўмиб баҷарилади. Жуда эртаги экиш муддатида экиладиган ўсимликлар гуллаш даврида бўлиши лозим. Кечроқ экиш учун эса нисбатан ёш кўчатларни экиш тавсия этилади.

Гидропоник шаклидаги мазкур усул учун субстратнинг умуман йўқлиги хосдир. Ўсимликларнинг илдиз тизими қисман рециркуляция ва аэрация тартибида одимий ҳаракатда бўлган озуқавий эритмага солинган. Озуқавий эритма миқдори доимий ёки ўзгариб туриши мумкин. Гидропоник технологияларни қўллашдаги асосий муаммо илдизларнинг кислород билан етарлича таъминланмаслиги ҳисобланади. Аэрациянинг

бузилиши ва CO<sub>2</sub> нинг тўпланиши илдизлар томонидан озуқавий моддаларнинг ютиш интенсивлигининг ва етиширилаётган ўсимликлар унумдорлигининг камайишига олиб келади.

«Nutrient Film Technique» (NFT – юқпа қаватли оқувчи муҳит) деб номланган сувли муҳит технологияси ишлаб чиқилган. Мазкур технологияда ўсимликларнинг илдиз тизими оқиб турувчи озуқавий эритманинг юқпа қатламида ривожланади. Иссиқхона ўсимликларини етиширишни қарийб тўлиқлигича автоматлаштиришга имкон берувчи NFT тизими, ҳозирги вақтда бошқа иссиқхона технологияларига нисбатан энг яхши ресурстежовчи ва экологик тоза технология ҳисобланади.

Иссиқхонадан самарали фойдаланишнинг муҳим жиҳатларидан ва омилларидан бири, бу — уни мавсумга тайёрлаш ҳисобланади.

Иссиқхоналарни навбатдаги мавсумга тайёрлаш уларни дезинфекция қилишдан бошланади. Бу тадбир икки марта ўтказилади: биринчисида — экинлар батамом йиғишириб олинмасидан бурун, яъни ҳали ўсимлик қолдиқларида заараркунандалар сақланиб қолган пайтда, иккинчисида — ўсимлик қолдиқлари йиғишириб олинганидан кейин ойнаванд иссиқхонанинг сиртидан тегишли дорилар сепилиб, дезинфекция қилинади. Бунинг учун қўйидаги пестицидлар ва уларнинг қоришмалари тайёрланади: 1,2% ли формалин+ 0,3% ли кельтан (ёки 0,2 %ли акрекс) +0,5%ли карбофос (100л сувга- 200 мл+500 мл); 3,2% ли формалин+ 0,3% ли рогор (100 л сувга- 200 мл+ 300 мл). Тайёрланган суюқ эритмани 1 м<sup>2</sup> жойга сепиш меъёри – 0,3- 0,4 л.

Бужғинларга қарши курашнинг энг яхши усули тупроқни 100°C ҳароратда 30-40 минут давомида буғлаб туришдир. Буғ тупроқ орасига буғқозондан трубалар системаси, иссиққа чидамли плёнка билан ўралган гребёнкалар орқали юборилади. Тупроқ буғланганидан кейин унинг микробиологик фаолиятини қайта тиклаш учун ерга гўнгнинг 20-25 кг/м<sup>2</sup> йиллик меъерини солиш лозим.

Бизнинг шароитимизда тупроқни заарсизлантиришнинг самарали усули- иссиқхоналарни ёз фаслида қиздиришдан иборат. Бунинг учун иссиқхона тупроғи 28-30 см чуқурлиқда 2-3 марта ҳайдалади. Июл-август ойлари мобайнида тупроқ яхши қизийди, чунки бу пайтда ҳайдов қатламидаги ҳарорат 70°C гача кўтарилади ва қисман стерилизацияланади (микроблардан холи бўлади).

Иссиқхонадан самарали фойдаланишда экиш реjalаштирилган навлардан тўғри фойдаланиш зарур.

Иссиқхоналарда экиладиган барча помидор навлари 2 га бўлинади:

- индетерминант навлар ёки бўйи чекланмаган, палаги доимий равиша ўсувчи, гулшодаси ҳар 3 та баргдан кейин жойлашган навлар;

- детерминант навлар ёки палагининг ўсиши гулшода пайдобўлиши билан тугалланувчи, гулшодаси ҳар 1-2 табаргдан кейин пайдобўлувчи навлар.

Юқорида таъкидланган иккала туркумга мансуб навлар иссиқхоналарда кенг қўлланилади. Лекин помидорнинг индетерминант навлари асосан ойнаванд иссиқхоналарда қиши-баҳор ҳамда оралиқ экиш даврларида, детерминант навлар эса тезпишар ва ҳосили бир

хил пишиб етиладиган бўлгани учун улар кузги-қишки, қишки-баҳорги ва баҳорги экиш муддатларида плёнкали иссиқоналарга экиласди. Помидор навлари баъзи хусусиятларига кўра (қайси ўсуви туркумга мансублиги ва касалликка чидамлилиги) ва уларни намойиш варақасидан тезда фарқлаб олишда нав номларидан кейин қисқартирилган кўрсаткич белги қўйилади:

Ps — детерминант туркумга мансуб навлар; Ps+ — индетерминант туркумга хос ўсуви навлар; Тм — тамаки мозаикаси вирусига чидамлилиги (ВТМ); F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub> — фузариознинг биринчи ёки иккинчи гурухига чидамлилиги; C<sub>2</sub>, C<sub>3</sub>, C<sub>4</sub>-C<sub>4</sub> — кладоспориознинг турли гурухига чидамлилиги; N — нематодага чидамлилиги; V — вертициллёзга чидамлилиги.

Бу борада сўнгги йилларда Сабзавот, полиз экин-

лари ва картошачилик илмий-тадқиқот институтида иссиқоналарда экиш учун помидорнинг янги навлари яратилиб, уларнинг уруғларини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, иссиқона комбинатларини уруғ билан таъминлаш имконига эга. Жумладан, помидорнинг янги яратилган “Гулқанд”, “F<sub>1</sub> Сайхун”, “Ламия”, “Бўрон”, “F<sub>1</sub> Баҳор”, “Турон”, “АВЕ-Мария”, “Субҳидам”, “Черри Марварид” ва “Умид” каби навлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

**А.УБАЙДИЛЛАЕВ,**  
мустақил тадқиқотчи,  
**Р.МУРАДОВ,** т.ф.д.  
ТИҚХММИ.  
**Е.ЛЯН,** қ.х.ф.н.  
СПЭКТИ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ubaidillaev A.N., “Application economically on the most profitable modern irrigation methods on the fields of farms in Uzbekistan” “International journal of research culture society” India 2019 y.
2. Muradov, R. A. Some issues of effective land use in the WUA in case of water resources shortage. In:Agrarian Science for Agriculture. Proceeding IX international. scientific-practical conference. Barnaul (2014). (in Russian).
3. Лян Е.Е., Хакимов Р.А., Азимов Б.Ж., Ким В.В. Ҳимоя қилинган майдонларда сабзавотлар етишириш бўйича тавсиялар, Тошкент-2018. 5,6, 14-16-б.
4. Норкулов У., Низомова М.У. “Гидропоника шароитида помидор етишириш”. “Агро илм”, 2017 й. 4-сон.

**УЎТ: 631.52 + 635.21**

## КАРТОШКА НАМУНАЛАРИДА УРУҒЛАРНИНГ УНУВЧАНЛИГИ ВА КЎЧАТЛАРНИНГ ТУТУВЧАНЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Under the germination of generative seeds of potatoes, possible to get out of bugs , the first and efficient materials of seed raising .For this , it is necessary to choose similar , botanical seeds for germination, among studied sorts,, efficiency germination samples formed 10 - 99.8%**

Картошкани вегетатив кўпайтириш билан бирга генератив уруғларидан етишириш Россия, АҚШ, Халқаро картошачилик илмий-тадқиқот марказида ва Хитойда анча йиллардан бери сифатли уруғлик туганаклар олиш усули сифатида қўлланилмоқда. Картошачилиқда экинни генератив уруғларидан кўпайтиришга доимо катта қизиқиш билан қаралади.

Чунки картошкани бу усулда етишириш туганаклари билан етиширилганига нисбатан кўпгина афзалликларга эга. Картошкани уруғлари билан етишириш гектарига майдон учун сарф қилинадиган 3,0-3,5 тонна уруғлик картошкани тежаш имконини беради, керакли шароит таъминланса уруғларининг унучанлиги узоқ вақт (10-15 йил) сакланади, вирус, бактерия ва замбуруг касалларидан холи бўлади. Бундан ташқари, туганакларни сақлаш ва ташиш учун қилинадиган харажатлар камаяди.

Баъзи олимлар Ўзбекистон шароитида ўтказилган тажрибалар натижаларига асосланиб, ботаник уруғидан етишириб, картошканинг вируссиз уруғчилиги учун соглом дастлабки материал яратишни тавсия этадилар. Лекин бундай усулда дастлабки материал яратиш учун мос нав ва намуналарнинг ажратилиши, уларнинг туганак репродукцияларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатлари етарли дарајада ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлар картошканинг тезпишар навларини яратиш бўйича олиб бораётган тадқиқотларимизда Россиянинг картошачилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан шу йўналишда яратилган дурагайлар, навлари ва республикамизда етиширилаётган навларнинг ўзидан чанглатиб олинган линияларида картошка генератив уруғларининг унучанлигини аниқлаш учун ўтказилган

тадқиқотларимиз учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Картошка навлари, дурагайлари ва ўзидан чанглатилган линиялари уруғлари тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотларда хар бир намунадан 300 донадан генератив уруғлар олинди. Уруғлар ёпиқ грунтга (Ургут тумани) 5 март 2019 йил экилди.уруғларнинг дала унучанлиги ҳар 3 кунда аниқланди. Уруғларнинг унучанлик даражаси, униб чиқсан уруғларнинг экилган уруғларга нисбатининг фоизлари орқали аниқланди.

Тадқиқотларда уруғлар экилгандан кейин 3 кун ўтиб униб чиқиши бошланиши кузатилди.

Ўтказилган кузатишларнинг кўрсатишича, генератив уруғларнинг унучанлигини ўрганилган намуналар бўйича ўртасидаги фарқлар жуда катта диапазонда бўлиб 10.0-94.3% ни ташкил этди. Бунда фарқ уруғларнинг униб чиқиш динамикасида ҳам, умумий унучанлик даражасида ҳам намоён бўлди. Олинган маълумотлар 1-жадвада келтирилган.

Адабиётларда келтирилганидек, картошка навлари уруғидан ўстирилганда кўчатларни очик далага экиш олдидан уларда мини-туганакларнинг шаклланиши намуналарнинг тезпишарлиги ва ҳосилдорлигини билдируви омил ҳисобланади.

Уруғлар парникка экилгандан сўнг тадқиқотлар ўтказилган йиллар бўйича 40-45 кунлари, яъни май ойининг бошида экишга тайёр кўчатлар эгатларга сув кўйиб 70x20 см. схемада ҳар бир уяга биттадан кўлда экилди. Кўчатларни экиша эгатларга кичик меъёрда 400-500 м<sup>3</sup> да сув кўйилиб, экилди ва уларнинг дала тутувчанлиги кузатилди. Картошка кўчатлари помидор кўчатларидан фарқли бўлиб, нисбатан нимжонроқ, уларнинг далаға экилгандан сўнг тутувчанлиги узоқ вақт давом этади. Шунинг учун тажрибаларимизда картошка кўчатлари экилгач, 30-куни тутган кўчатлар санаб чиқилди.

### Уруғларнинг унувчанлиги ва кўчатларнинг тутувчанлик кўрсаткичлари

т/р	Намуналар	Эжилган уруғлар сони, дона	Эжилган кун	Уруғларнинг унувчанлиги, дона	Уруғларнинг унувчанлиги, %	Эжилган кўчатлар сони, дона	Кўчатлар экшигани кун	Яшаб колган кўчатлар сони, тул	Кўчатларнинг тутувчанлиги, %
1	Одессей	300	05.03.19	283	94.3	280	4.05.2019	270	96,4
2	Милена	300	05.03.19	30	10	30	4.05.2019	22	73.3
3	Колобок	300	05.03.19	265	88.3	261	4.05.2019	260	99,6
4	Илона	300	05.03.19	276	92	270	4.05.2019	267	98,8
5	Фермер	300	05.03.19	59	20	58	4.05.2019	52	89,8
6	Ассоль	300	05.03.19	231	77	231	4.05.2019	220	95,2
7	Баллада	300	05.03.19	103	34.3	100	4.05.2019	91	91
8	F <sub>1</sub> Лада	300	05.03.19	255	85	250	4.05.2019	248	99,2
9	Триумф	300	05.03.19	242	80	242	4.05.2019	216	89,2
10	Санте	300	05.03.19	276	92	275	4.05.2019	268	97,4
11	Сурхон-1	300	05.03.19	271	90	265	4.05.2019	254	95,8

Бизнинг тадқиқотларимизда кўчатларнинг дала тутувчанлиги намуналар бўйича 73-99% ни ташкил қилди. Тадқиқотларимизда энг юқори кўчатларнинг тутувчанлиги “Колобок” намуналарида

Ўрганилган картошка намуналари орасида уруғларнинг унувчанлиги, кўчатларнинг тутувчанлиги ва хосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлгани учун “Колобок”, “Сурхон-1”, ва F<sub>1</sub> Лада намуналари генератив уруғларидан кўчат усулида етиштириш учун мос намуналар хисобланади.

**Ж. РАЗЗОҚОВ,**

докторант,

**И. БЕГИМҚУЛОВ,**

мустақил тадқиқотчи,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Зуев В.И., Қодирхўжаев О., Бўриев Ҳ.И., Азимов Б.Б. Картошкачилик. Т., 2005. 336 бет.
2. Остонакулов Т.Э. Технология возделывания и семеноводство картофеля в Зарабшанской долине. Т.: «Мехнат», 1991. 163 с.
3. Эргашев И.Т., Нормуродов Д.С., Эшонкулов Б.М. Ўзбекистонда картошка вируссиз уруғчилигининг илмий асослари. Монография Т., 2017. 170 бет.
4. Эргашев И.Т., Эшонкулов Б.М. ва бошқалар. Генератив уруғлардан картошка етиштиришга оид тавсиялар. Самарқанд, 2017.

**УЎТ: 633.51.**

## ШИРИН КАРТОШКА (БАТАТ) НАВЛАРИНИНГ ЭКИШ ТАРТИБИННИ БЕЛГИЛАШ

The article outlines the results of studies evaluating yam varieties according to the yield of seedlings, precocity, yield formation rate, productivity and yield, as well as features of the technology of cultivation of selected variety samples of yam.

Ширин картошка – печакулдошлар (Convolvulaceae) оиласига мансуб бўлиб, фақат битта тури – Rjomea batatas L. маданий ҳолда экилади. Илдизи ўқилдиз бўлиб, кўп шохлайди, ён шохлари йўғонлашиб (озиқ моддалар тўпланиб) туганакмевага айланади. Туганакмевасининг юзаси силлик, баъзан ғадир – будир, кўчалари яширин ҳолатда бўлади. Туганак массаси 200 граммдан 3000 граммгача ва ундан йирик, ранги оқ, сариқ бинафша ва қизил бўлади.

Ширин картошкани муваффақиятли ўстириб, барқарор юқори ва сифатли ҳосил олиш экин навини тўғри танлаш ва агротехнология тадбирларини ўз вақтида ташкил этишга боғлиқ.

Шуни ҳисобга олиб, биз Тойлоқ тумани “Райхон” фермер хўжалиги суюриладиган ўтлоқ бўз тупроклари шароитида маҳсус дала тажрибалари ўтказдик.

Тадқиқотнинг мақсади — Зарафшон водийси шароитида ширин картошка нав намуналари тўпламини тезлишарлиги, ўсиши, ривож-

ланиши, жадал кўпайиши, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги, уядга туганакларининг фуж жойлашиши, шакли, кўзларнинг юзалиги, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги, умумий ва товар ҳосилдорлиги, туганаклар сакланувчанлиги бўйича комплекс баҳолаб, истиқболлиларини ажратиш ва ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Дала тажрибаларида ширин картошканинг 18 та нав намуналари: “Хазина” (ст.), “Фалаба”, “Сарик”, “Ошқовоқ”, “Сочакинур”, “Хар-Бей”, “Каштан”, “Кумара Ред”, “Бетти”, “Боригард”, “Джевел”, “Бонита”, “Сумор”, “Япон”, “Порто Рошу”, “Джардия Джет”, “Ненси Холл” (Nency Hall), “Бежевий” синалди. Делянканинг майдони 28 м<sup>2</sup>, тақорлар сони 4 та бўлди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни ийиш ва ҳисоблаш, кузатиш, ўлчаш ва анализлар умумқабул қилинган Қишлоқ ва сув хўжалик вазирилиги (2016), Бутунrossия ўсимлиқшунослик институти (1984), Бутунrossия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти (1967, 1989), Сабзавот-полиз экинлари ва

картошканилек илмий-тадқиқот институти (1978, 1987) кабилар услуби ҳамда тавсиялари асосида олиб борилди.

Ширин картошка нав намуналарини күчтөн чиқими бўйича баҳолаш учун ўрганилган тутунларнинг 10 донадан туганаклари иссиқхонага 20 февраль куни экилди. Ҳар бир намуна туганаклари бир хил парвариш қилиниб, усти тупроқ билан 3-5 см қалинликда кўмилб намлаб турилди. 7-10 кун ўтгандан сўнг дастлабки куртаклар пайдо бўлиб, 43-48 кундан сўнг эса ўсимталар далага ўтказишига тайёр бўлди.

Олинган маълумотларга кўра, синалган нав намуналаридан күчтөн чиқими битта туганакдан 5 дан 19 донагача ўзгарди. Энг юқори күчтөн чиқими "Сочакинур" (19 дона), "Япон" (16 дона), "Победа", "Джевил" (15 дона), "Хазина", "Хар-Бей", "Бонита" (14 дона) намуналаридан кузатилди. Энг кам күчтөн чиқими (5-9 дона) "Каштан", "Порта Рошу", "Кумара Ред", "Сарик", "Джардия Джет" намуналаридан қайд этилди.

Синалган барча навларнинг ўсув даври 121 дан 141 кунгача ўзгарди. Энг тезпишар (121-129 кун) "Сочакинур", "Хар-Бей" нав намуналари бўлди.

Бошқа нав намуналаридан ўсув даври 132-141 кунни ташкил этиб, стандарт "Хазина" навида 139 кун бўлди.

Шундай қилиб, ўрганилган нав намуналаридан ўсув даври стандарт "Хазина" навига нисбатан тезпишар бўлганлари 14 тани ("Победа", "Сарик", "Ошқовок", "Сочакинур", "Хар-Бей", "Каштан", "Кумара Ред", "Бетти", "Баригард", "Сумар", "Япон", "Порто-Рошу", "Джардия Джет") ташкил этилди.

Биометрик ўлчашларнинг кўрсатишича, ўрганилган нав намуналаридан ўсимлик бўйи, ён поя ва баргланганлик ўсув даври бошидаёқ (күчтөн ўтказилган 30-куни) сезилиларни фарқланди ва у навлар бўйича ўсимлик бўйи 18,3 (Джевил) см. дан 27,4 см. гача (Сочакинур), ён поялар 2-4 донагача, баргланганлик эса 36 (Ошқовок) донадан 68 донагача (Сочакинур) ўзгарди. Энг баланд бўйи (24,6-27,4 см), серпояли (3-4 дона) ва баргли (59-68 дона) ўсимликлар Сочакинур, Япон, Хар-Бей нав намуналаридан кузатилди. Ушбу устунлик ўсув даври давомида сакланиб, 120-кунда мос равишида 160,5-190,2 см , 12-14 дона ва 228-255 донани ташкил этгани маълум бўлди.

Паст бўйли (131,0-138,3 см), кам ёнпояли (8 дона) ва баргли (172-183 дона) ўсимликлар "Сарик", "Джевил" нав намуналаридан кузатилди.

Ўсимликнинг жадал ўсиб-ривоҷланиши күчтөн далага ўтказилгач, 30-90-кунларда кузатилди. Агар стандарт "Хазина" навида ўсимлик бўйи күчтөн ўтказилгач 30-куни 20,1 см бўлган бўлса, 60-куни – 72,1 см, 90-куни – 120,7, 120-куни эса 152,2 донани ташкил этиб, ўшиш мос равишида, 52,0; 48,6 ва 31,5 см бўлди.

Ўрганилган нав намуналари ўсув даври бошидаёқ палак ва туганак шаклланиши бўйича сезилиларни фарқланди ва күчтөн ўтказилгач, 30-куни бир туп палак массаси 220-298, туганак ҳосили эса 141-216 граммни ташкил этилди. Энг юқори 1 туп палак (298 г) ва туганак ҳосили (216 г) "Сочакинур" нав намунасида кузатилиб, ушбу устунлик ўсув даври охиригача сакланди.

Нисбатан юқори палак ва туганак ҳосили тўплаш жадаллиги "Хар-Бей", "Япон", "Бонита", "Боригард", "Кумара Ред" нав намуналаридан қайд этилиб, ўсув даври охирида бир тўпда палак массаси 463-581, туганак ҳосили эса 1001-1198 граммни ташкил этилди. Стандарт "Хазина"

навида күчтөн ўтказилгач 30-куни бир туп палак массаси 234, туганак 172 граммни, 60-куни, мос равишида, 345-383, 90-куни 386-749 ва 120-куни, 413-981 граммни ташкил қилди.

Умуман, ўрганилган нав намуналаридан ҳосил тўплаш жадаллиги стандарт навга нисбатан "Победа", "Сарик", "Ошқовок", "Каштан", "Бетти", "Джардия" намуналаридан паст бўлди. Бошқа ўрганилган навларда, айниқса, "Сочакинур", "Хар-Бей", "Япон" нав намуналаридан юқори эканлиги қайд этилди.

Олинган маълумотларга кўра, бир тупдаги туганак ҳосили ўрганилган нав намуналари бўйича 895-1278 граммгача, бир тупдаги туганаклар сони 6,4-10,3 донагача, битта туганак вазни 99-152 граммгача ўзгариши аниқланди.

Энг юқори маҳсулдорлик кўрсатиличлари (1278 г, 8,4 дона, ўртача 1 та туганак 152 грамм) "Сочакинур" нав намунасидан олинди.

Тажрибада баҳоланган нав намуналарининг ҳосилдорлиги гектаридан 33,0-48,2 тоннагача ўзгарди. Энг юқори ҳосилдорлик (45,7-48,2 т/га) "Сочакинур", "Хар-Бей", "Япон" нав намуналаридан олинди. Шунда кўшишма ҳосилдорлик 8,3-10,8 т/га. ни ёки 122,2-128,9 фоизни ташкил этилди. Энг юқори товар ҳосилдорлик ҳам (44,6-47,4 т/га ёки 97,0-98,3%) "Сочакинур", "Хар-Бей", "Япон" навларидан кузатилди.

Ширин картошканинг ажратилган "Сочакинур", "Хар-Бей" ва "Япон" нав намуналари күчтөнлари қатор орасини 70 см қилиб ҳар бир уяга 1,2 ва 3 дона күчтадан 70x25x1 (57100 туп), 70x25x2 (114200 туп) ва 70x25x3 (171300 туп) ва 90 см қилиб ҳар бир уяда 1,2 ва 3 дона күчтадан 90x20x1 (55500 туп), 90x20x2 (111000 туп), 90x20x3 (166500 туп) тартибларда ўтказилиб ўрганилганда, энг юқори маҳсулдорлик (1108-1186 г) ва ҳосилдорлик (45,3-47,8 т/га) күчтлар 70x25x1 ва 90x20x1 тартибларда ўтказилганда олинди.

Демак, Зарафшон водийси сугориладиган ўтлок-бўз тупроқлари шароитида ширин картошканинг "Сочакинур", "Хар-Бей", "Япон" нав намуналарини 70x25x1 ва 90x20x1 тартибларда кенг татбиқ этиш ҳар гектардан барқарор юқори (45-48 т/га), сифатли товар ҳосил олиш имконини берар экан.

**А.ШАМСИЕВ,  
мустақил изланучи,  
Т.ОСТОНАҚУЛОВ,  
профессор,  
А.АБДУРАХМАНОВА,  
мустақил изланучи,  
М.КОМИЛОВА,  
доцент, (СамВМИ).**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Т.Э.Остоңақулов, В.И.Зуев, О.Қодирхўжаев. Сабзавотчилик. – Тошкент, 2018. 554 б.

2. Мавлянова Р.Ф., Меджидов С.М. Технология выращивания батата в Узбекистане (Рекомендация). - Ташкент, 2003. – 18 с.

3. "Studies on propagation materials and growing conditions for sweetpotato [Ipomoea batatas (L.) Lam] production" Lawrence Lionel Atu 2013.

4. <http://batat.info/>, [http://tutknow.ru/garden\\_and\\_orchard/897-vyraschivanie-batata.html](http://tutknow.ru/garden_and_orchard/897-vyraschivanie-batata.html), <http://www.udc.ru/ovoshhi/batat.php>,

**УЎТ: 635.649:006.354**

## ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНАЛАРДА АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИ МАҚБУЛ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИ ТАНЛАШ

**Spicy pepper is a vitamin-rich vegetable that is native to Central and South America. It is cultivated as a flavoring plant in the warm and tropical climate of the world. In Uzbekistan, spicy and sweet peppers are cultivated. The fruit of spicy species is used as a spicy product to prepare a variety of meals, particularly oriental dishes (in the Caucasus and Central Asia).**

Аччиқ қалампир витаминга бой, қимматли сабзавот экини бўлиб, унинг ватани Марказий ва Жанубий Америка ҳисобланиб, Ўзбекистонда қалампирнинг аччиқ ва чучук (ширин) хиллари ўтирилади. Аччиқ хилларининг меваси, аччиқ зиравор маҳсулот

сифатида турли овқатларни, айниқса, шарқ таомларини (Кавказ ва Марказий Осиё республикаларида) тайёрлашда кўпланди. Уни овқатни истеъмол қилишдан олдин зиравор сифатида қўшиш мумкин. Салатлар ва турли зиравор араплашмалар, консервалар

қилишда қўлланиладиган дориворлар тайёрлашда, ароқ, ликёр ишлаб чиқаришда аччиқ гармдоридан кўп фойдаланилади.

Республикада ойнаванд иссиқхоналарнинг умумий майдони 600 га бўлса, плёнка қопламали иссиқхоналар 10000 гектардан ортиқ майдонни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўзбекистон иссиқхоналарида аксарият қисмida помидор ва бодринг маҳсулотлари етиширилади. Бироқ, республикада аччиқ қалампир экини иссиқхоналарда етишириш йўлга қўйилмаган. Чунки, республика тупрок-иқлим шароитида аччиқ қалампирни очиқ дала шароитида экиб ўрганилган бўлиб, иссиқхона шароитида аччиқ қалампирнинг илмий асосланган етишириш технологиялари мавжуд эмас.

Шу сабабли, Ўзбекистон тупрок-иқлим шароитида плёнкали, иситилмайдиган иссиқхоналарда қишки-баҳорги мавсумда аччиқ қалампирни нав ва дурагайларини танлаш ҳамда айрим етишириш элементлари ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Аччиқ қалампирнинг "Марғилон-330" навини иситилмайдиган иссиқхона шароитида қишки-баҳорги муддатда мақбул экиш схемаларининг ўсимликлар ўсиб-ривожланишга таъсирини аниқлаш мақсадида қўйидаги 70×20, 70×30 (назорат), 70×40 ва 70×50 см экиш схемаларида ўрганилди.

Иситилмайдиган иссиқхонада турли экиш схемаларида ниҳолларнинг ғунчаласи турлича бўлиб, назорат 70×30 см экиш схемасида – 80-85 кунни ташкил қўйилган бўлса, 70×20 см экиш схемасида – 82-88 кун (назоратга нисбатан 2-3 кун кейин), 70×40 см – 80-86 кун (назоратга нисбатан 1 кун кейин), 70×50 см – 79-83 кун (назоратга нисбатан 1-2 кун олдин) бўлди. Аччиқ қалампирнинг "Марғилон-330" навини иситилмайдиган иссиқхоналарда гуллаш даври 70×20 см экиш схемасида – 92-96 кун, 70×30 см – 90-95 кун, 70×40 см – 92-97 кун ва 70×50 см экиш схемасида экилгандага ўсимликларда 88-92 кунда тўлиқ гуллагани кузатилди (жадвал).

Аччиқ қалампирнинг Марғилон-330" навини иситилмайдиган иссиқхонада турли экиш схемаларининг ўсиб-ривожланиш даврига таъсири

Экиш схемалари, см	Нихолларнинг ғунчаласи, кун		Ёппасига униб чиқканидан то ....				меванинг техник пишишигача, кун	
			гуллагунча, кун		мева туккунча, кун			
	10%	75%	10%	75%	10%	75%	10%	75%
70×20	82	88	92	96	105	110	115	120
70×30 (назорат)	80	85	90	95	102	108	114	118
70×40	80	86	92	97	101	109	114	120
70×50	79	83	88	92	96	105	110	116

Мева тугунчалари 70×20 см экиш схемасида – 105-110 кун, 70×30 см (назорат) – 102-108 кун, 70×40 см – 101-109 кун ва 70×50 см экилган ўсимликларда эса 105-110 кунда пайдо бўлди. Меваларнинг техник пишиши эса 70×20 см экиш схемасида – 115-120 кун, 70×30 см (назорат) – 114-118 кун, 70×40 см – 114-120 кун ва 70×50 см экиш схемасида экилган ўсимликларда – 110-116 кунни ташкил қилди.

Аччиқ қалампирнинг "Марғилон-330" навини иситилмайдиган иссиқхона шароитида қишки-баҳорги муддатда ўсимликларни 70×30 ва 70×50 см экиш схемаларида етишириш ниҳолларнинг ёппасига униб чиқканидан то меваларнинг техник пишишгача кетган кун мақбул ҳисобланади.

**Р.НИЗОМОВ, к.х.ф.д.**

**Н.ХУШВАҚТОВ, таянч докторант,**

**Ж.ШЕРАЛИЕВ, кичик илмий ходим,**

**СПЭКТИ.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Б. Подбор сортов, установление оптимальных сроков и схем посадки растений перца острого в Узбекистане. Диссертация (PhD). – Тошкент, 2017. – 120 С.

2. Зуев В.И., Умаров А.А., Кодирходжаев А.К. Сорта перца. Уч. пособие. Интенсивная технология возделывания овощебахчевых культур и картофеля. – Т.: Мехнат, 1987. – С. 106-107.

3. Қодирхўжаев О., Мухамедов М.М., Меджитов С.М. Томатдош сабзавотларни етишириш технологияси // Сабзавот экинлари етишириш технологияси (маъруза матнлари). – Тошкент, 2000. – 39-41 б.

**УЎТ: 634.11**

## ИНТЕНСИВ ТИПДАГИ ПАКАНА ОЛМА БОҒЛАРИДА ФИТОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ НАВ ВА ПАЙВАНДТАГЛАР КОМБИНАЦИЯЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

IN THE ARTICLE THE DATA ABOUT THE INFLUENCE OF SORT-UNDERWATER COMBINATIONS ON PHYTOMETRIC INDICATORS OF GROWTH OF APPLE-TREES IN INTENSIVE GARDENS ARE GIVEN

Айни пайтда ривожланган гарбий Европа давлатларида ва Ўзбекистонда интенсив пакана олманинг турли хил нав-пайвандтаг комбинацияларида уланган боғлар барпо килинмоқда, бу боғларда дарахтларни шакли ясси ва пакана бўлганлиги сабабли ҳосилдорлик 2-2,5 маротабагача ошириш имконияти мавжуд.

Бухоро вилояти Бухоро туманининг қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида интенсив пакана вегетатив пайвандтагларга уланган нав-комбинацияларни мақбул экиш схемасини, уларга нав-комбинацияларни танлаш учун 2018-2019 йилдан бошлаб муайян тида шакл бериш ҳамда маҳсулдор пайвандтаг ва навларни танлаш учун маҳсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари олиб борилган тупроқ қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар бўлиб, сизот сувлар 1,9-2,2 метр чуқурлиқда жойлашган, тупроқ мухити pH-7-8., йиллик ёғингарчилик миқдори 150 мм.га тенг. Вегетация даврида ёш

пакана боғлар 4-5 маротаба 800-1000 м/куб миқдорда сугорилади.

М9 - пакана пайвандтаг. Келиб чиқиши: Ист-Моллинг тажриба станцияси, Англия, 1912 йил. Ўсиш тезлиги: пакана, баландлиги 2 метрғача; кўпайтириш усули: пархиш усулида яхши кўпаяди. Пархиш новдалари камроқ бўлади, аммо яхши илдиз отади. Чидамлилиги: штамби пайвандтаг кўчатлари фитофтороз касаллигига камидамли. Чуқур унумдор тупроқа экиш тавсия этилади. Дарахтлар баравқат ҳосилга киради, илдизлари эса совуқча чидамсиз (-9°C). MM106 - яримпакана пайвандтаг хисобланади. Келиб чиқиши: Ист-Моллинг ва Джон институт тажриба станцияси Англия, 1920 йил. Норзэрн спай x M-1. Ўсиш тезлиги: Ўсиш тезлиги M-7 пайвандтагга ўҳшаш. Кўпайтириш: пархиш усулида жуда яхши кўпаяди. Асосий тупи ўртача миқдорда яхши илдиз отган пархиш вегетатив новдалар беради. Улардан кўплаб кўчат олиш мақсадида фойдаланилади. Қаламчалари гормон ёрдамида осон илдиз чиқаради. Чидамлилиги: пайвандтаги штамби фитофтороз касаллигига кўп турлари

чалинувчан. Мазкур пайвандтаг тупроқнинг унумдор бўлишини унча танламайди, аммо тупроқнинг сув ўтказувчаник хусусиятига талабчан. Ҳосилдорлиги жуда юқори. Голден Делишез олма нави ватани: АҚШ (1890 й.) Чанглатувчи навлар: Ред Делишез, Гала, Грени Смит, Фуджи. Дараҳтнинг ўсиш ва мева бериш гуруҳи: III-гурух. Дараҳтнинг ўсиш тезлиги: ўрта ҳисобланади. Ҳосилдорлик ва сийраклатиш қобилияти ҳосилга жуда барвақт киради, юқори ҳосилдор, солкашникка кам чалинади, ҳар йил юқори ҳосил бериши имкониятига эгадир. Гала олма нави ватани - Янги Зеландия (1934 й.). Терим вақти: Голден Делишездан 30 кун аввал ҳисобланади. Гуллаш даври: ўрта ҳисобланади. Голден Делишез билан бир вақтда гуллайди ва асосан бир ёшли новдаларда гуллайди ва ҳосил беради. Чанглатувчи нав: Брейбурн, Голден Делишез, Гала, Грени Смит, Фуджи кабилар ҳисобланади. Дараҳтнинг ўсиш ва мева бериш гуруҳи: III-гурух, Голден Делишез. Дараҳтнинг ўсиш тезлиги: ўрта бўлиб ҳосилдорлик ва сийраклатиш қобилияти эса ҳосилга барвақт киради, ўрта ҳосилдор, солкашникка кам чалинади, кимёвий сийраклаштириш усулида сийраклаштириш мумкин. Чанглатувчи нав — Голден Делишез, Гала, Грени Смит, Фуджи навлар ҳисобланади. Дараҳтнинг ўсиш ва мева бериш гуруҳи: II/III-гурух, ярим спур. Дараҳтнинг ўсиш тезлиги: кучсиз-ўрта ўсуҷчан ҳисобланади. Ҳосилдорлик ва сийраклатиш: ҳосилга барвақт киради ва мўл ҳамда сифатли ҳосил беради. Юқори ҳосилдор, солкашникка ўртача чалинади. Шоҳлари марказий лидер шоҳдан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиқади, бу хусусияти эса шоҳ-шаббани мўртлаштириб синишга мойил қилиб кўяди. Спур солкаш (йил оралаб мева берадиган) бўлиб қолади, бу меваларни пухта сийраклаштиришина тақозо қиласди. Бошланғич шаклларига қараганда мевалари таркибидаги шакар баъзан камайиб кетади.

Тажрибанинг мақсади интенсив типдаги пакана олма боғларида турли хил нав ва вегетатив пайвандтаг комбинацияларида энг мақбул кўчкат экиш схемаси, нав ва пайвандтаг комбинациялари тўғри танлаш ҳисобланади.

Илмий тажрибаларимизда давлат реестрига киритилган ва интродукция қилинган 3 хил олма нави, 2 хил вегетатив пайвандтаги ва 3 хил кўчкат экиш схемаси (3x1,5 м , 3x2,0 м , 3x2,5 м) да парвариш қилинди ва ўрганилди.

1-жадвалда кептирилган маълумотларда, шу нарса маълумки, тажриба даласида ўрганиладиган навлардан 10 тадан типик дараҳт танлаб олинди ва барча ўрганиладиган фитометрик кўрсаткичлар ўрганилди. Тажриба боғида экиш схемаси нав ва пайвандтаглар комбинацияларида бир гектарида 1334-2224 дона дараҳт жойлаштирилди. Ёш пакана олма кўчкатлари экилган дастлабки йилларда қўёш нурларини ушлаши ва ҳосилдорлик ўртасидаги боғлиқлик катта бўлади. Лекин шуни алоҳида қайд этиш лозимки, дараҳтлар ўсиши ва ҳажми катталashiши натижасида тескариси

натижада бўлиши ҳам мумкин (нурларни кўп ушлашига қарамай ҳосил камаяди). Бунинг асосий сабаби пировард натижасида нурларни дараҳт ичкарисида бир текисда тарқалмаётганидир. Биринчи ва иккинчи йилларда қўёш нурларини кўпроқ ушлаш учун 1,5-1,8 метрли кўччатларни зич экиш лозим бўлади. Дараҳт баландлигини қатор кенглигининг 80% га тенг ёки пастроқ ҳолатда шакллантириш тавсия этилади ва бу ҳолат мақсадга мувофиқидир. Дараҳтларга тўғри шакл бериш ва кесиш орқали қўёш нурларини дараҳт ичкарисида бир хилда тарқалишига эришиш билан пировард натижада боғдан юқори иқтисодий даражада фойда кўриш мумкин.

**Жадвал**

**Интенсив олма боғларида пакана вегетатив пайвандтагларга уланган навлар ва пайвандтаг комбинациялар фитометрик кўрсаткичларининг боғлиқлиги**

№	Олма навлари	Пайвандтаг	Экиш схемаси	Дараҳт штамб, см		Дараҳт баландлиги, см	
				Вегетация босни	Вегетация охри	Вегетация босни	Вегетация охри
1	Голден Делишез	M-9	3,0x1,5 3,0x2,0 3,0x2,5	3 3 4	7 7 6	150 151 151	175 187 178
2	Жеромин	M-9	3,0x1,5 3,0x2,0 3,0x2,5	3 3 3	6 6 6	166 166 167	162 190 197
3	Голден Делишез	ММ-106	3,0x1,5 3,0x2,0 3,0x2,5	3 3 4	5 6 6	160 162 163	171 193 198
4	Гала	ММ-106	3,0x1,5 3,0x2,0 3,0x2,5	4 4 4	6 6 6	152 158 161	165 187 200
	HCP <sub>99%</sub> P,%					0,8 1,6	2,8 2,5

Олмани пакана интенсив боғларида нав ва вегетатив пайвандтаг комбинацияларининг фойдаланишда ўрганиладиган нав хусусиятлари, шакл бериш ва кесишга алоҳида эътибор бериш ҳамда энг мақбул кўчкат тизимини танлаб олиш тавсия этилади.

**И.РАХМАТОВ, таянч докторант,**  
**Бухоро давлат университети,**  
**Т.УСМОНОВ,**  
**ЎзҲИИЧМ Бухоро бўлими раҳбари.**

**АДАБИЁТЛАР**

1. Аброров.Ш. Ўзбекистонда замонавий интенсив олма боғлари. -Т.: "Baktria press", 2016. 21 бет.
2. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғли интенсив мева боғлари. -Т.: "Шарқ", 2013. 156 бет
3. Юнусов.Р., Умаров К., Каримов Б. Боғдорчилик. Т.: "Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти", 2016. 187 бет.

**УЙТ: 632.996**

## **МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЭНТОМОФАГЛАР ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ**

**The development of entomophhauna in orchards and their correlation in forming has a great impact ,and it greatly influences to the number of phitofags.During our observations of entomophags orchard in agrobiocenosis indentified 24 dominant sorts which belong to families. Moreover,researches of entomophags shov 24 dominant sorts which belong to 7 families. Besides that vwe have analysed the shave of entomophag varieties concnring the entomophags.**

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган боғдорчилик маҳсулотларининг катта қисми зааркунандалар орқали йўқотилаётгани ҳаммамизга маълум. Айниқса, барг ўровлари ва меваҳўрлар буларнинг асосийла-

ридир. Биргина олма меваҳўри орқали айрим йиллик меванинг 75-80% нобуд бўлиши кузатилмоқда. Уларга қарши курашда эса фақатгина экологик тоза усуллардан фойдаланиш бугунги куннинг талабларидан


## **ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ**

биридири. Бунинг учун агробиоценозида энтомофаунани шакллантириш ва зааркунанда турига қараб кўйиш энтомофаг турларини кўллаш мухимдир.

Богдорчилика паразит тухумхўр энтомофаглар зааркунандалар сонини 70% гача камайтириш имконига эга (Штерншиц М.В., 2004). Марказий Осиёда биро боғдорчилика энтомофаглардан браконидлар оиласига мансуб паразитларнинг 17 тури учрайдиган ихнеомонидларнинг эса 34 тури учраши аниқланган (Копанева Л.М., 1984).

Табиятда 14 туркума кирувчи 224 оиласига мансуб 10 000 дан ортиқ энтомофаг турлари аниқланганин бўлиб, шулардан 70% энтомофаглар агробиоценоздаги энг ҳаво зааркунандалар билан озиқланади (Саулич А.Х., Мусолин Д.Л., 2013)

Мевали боғлар бўйича ўтказилган кузатувларга кўра, фойдали хашарот турлари ва сони бўйича хисоб килинди. Унда экинларида учрайдиган йиртқич ва паразит энтомофаглар, уларнинг хўжайларлари ўрганилди. Шундан айрим самарали турларни лабораторияда кўпайтириш, кўллаш технологияси ишлаб чиқилди ва *Chrysopidae* боғдорчилик фермер хўжаликлари жорий этилмоқда. Кузатишларимиз Андижон вилояти Избоскан тумани айрим боғдорчилик фермер хўжаликлири майдонларида олиб борилди. Эрта баҳорда энтомофаг ва фитофагларнинг қишлоvdан чиқиш богда энтомофаунанинг шаклланиши, ареалидаги турлар зичлигининг шароитта қараб ўзгариши каби жараёнлар аниқланиб, энтомофаглар захирасини шакллантириш омиллар кўшимча кўлланиш кабилар бажарилди. Энтомофаг ва фитофаглар намуналари йиғинда энтомологик турлар ва БУФ ёруғлик туткичлардан фойдаланилди. Йигилган намуналар лаборатория шароитида аниқлагичлар бўйича систематик тахлил килинди.



*Elasmus albipennis* ва *Dibrachys cavus* паразитининг ташки кўриниши.

Йигилган маълумотларга кўра хисоб килинганда паразит энтомофагларнинг йиртқич энтомофагларга нисбатан кўплиги аниқланди.

*Tachinidae* оиласи - 16,2 % ташкил қилиб, доминант турлар сифатида *Exorista tarvarum*, *Exasnthaspis*, *Gonia cilipecta*, *Spallanzania hebes*, *Tachina rohdendorfi* қайд этилди.

Унга кўра *Braconidae* оиласи - 42,4 % ташкил силиб, доминант турлар сифатида *Apanteles telangai* A. Vanessae: A. Spectabilis, *Bracon hebetor*, *Rogas dimidiatus*, *R.pallidator*, *R.rossicus* қайд этилди.

*Ichneumonidae* - оила вакиллари бошқа паразит энтомофагларга нисбатан кўп учраб жами энтомофагларнинг 18.6 % ни ташкил этди. Бунга асосий сабаб ушбу турга оид хўжайн турларнинг кўплиги ва бир паразитнинг бир нечта турдаги хўжайнлар билан озиқланиши ва иким шароитнинг кўлайлигидир.

*Aphelinidae* оиласи 9,5 % ташкил этиб, *Praon abjecrum*, *P.dorsale*, *Aphidius ekr*, *Aphelinus mali* турлари доминантлар сифатида қайд қилинди.

*Coccinellidae* оиласи - 14,7 % бўлиб, *Coccinella septempunctata* L., *Adonia variegata* Gz., *Coccinula elegantura* Ws. доминант тур сифатида рўйхатта олинди. *Chrysopidae* оиласи 18,2% ни ташкил қилиб, доминант тур сифатида *Chrysopa cornea* Steph., *Chrysopa septempunctata* Westm. *Chrysopa albovittata* Kill. *Trichogrammatidae* оиласи умумий паразит-

ларнинг 8.4 % сифатида қайд қилиниб, *Trichogramma evanescens*. *Trichogramma embrophagum*. Турлари учради. Йигилган турларни лаборатория шароитида тахлил этиш жараёнида энтомофагларнинг хўжайн турлари ҳам ўрганилди. Тадқиқот давомида айрим янги турлар рўйхатта олинниб, уларнинг биологияк хисусиятлари ўрганилди. Бунда *Chalcidoidea* оиласининг *Elasmus albipennis* тури илк бор мамлакатимиз шароитида олма меваҳўрининг етук ёшдаги қуртларида аниқланди. Ушбу турнинг Андижон вилояти шароитида биологияк хисусиятларни ўрганиш мақсадида тадқиқотлар давом этирилди. Адабиётларда асосан паразит Европа мамлакатлари, ва МДҲ давлатларидан Озарбайжан, Туркменистан, Россия мамлакатларида учраши аниқланди.

Паразит жуда майда бўлиб, катталиги 2-3 мм, олд оёқлари 5 бўғимдан иборат. Ташки кўриниш жигарранг, икки жуфт қанотга эга. Жуда харакатчан хисобланиб, бир кунда 200 метргача ўз ўлжасини қидиради.. Тухумларини бир ёки икки донадан олма меваҳўрининг қуртларига (пиллача) га кўяди.

Яна бир турнинг *Pteromalidae* оиласига оид *Dibrachys cavus* Walk. тури мамлакатимиз агробиоценозида илк бор учраши аниқланди. Бу бўйича кўплаб адабий ва электрон манбалар таҳлил қилинди. Бог агробиоценозида фитофагнинг МДҲ мамлакатлардан Россия, Украина, Беларус, Туркменистан, Азарбайжан давлатларида мевали боғларида учраши аниқланган. Паразит олма меваҳўрининг гумбакларида паразитлик қиласи. Паразит жуда фаол бўлганлиги учун бошқа турдаги тангачаканотлилар (куялар, туннамлар, парвоналар) гумбакларида ҳам паразитлик қиласи. Дастреб 2016 йилда Андижон вилояти Андижон туманидаги "биокимё интенсив" МЧЖ олма боғларида март ойининг биринчи ўн кунлигида йигилган меваҳўрининг қишловчи гумбакларидан аниқланди. Паразиттинг катталиги 3 мм ни ташкил этади. Битта гумбак катталигига қараб 2-6 тагача тухум қуяди. Ривожланишининг барча бўқчиларни гумбакда ўтказади. Ривожининг охирида хўжайн гумбаклари ичидаги гумбакка айланади учеб чиқади. Совуққа чидамсиз хисобланиб, -5-10°C ҳаво ҳароратида 80% гача нобуд бўлади. Қишлов босқичлари, хўжайн гумбаклари ичидаги 1-2 ёшдаги қурт холида қишлиайди

Бунда энтомофаг турларининг зичлигига қараб зааркунанда турларининг сонини ҳам аниқлаш мумкин. Бунда озиқа ихтисослиги асосий рол ўйнайди. Мисол учун барг ўровчилар, меваҳўрларнинг кўплаб учраши паразит энтомофагларнинг кўплаб учрашига сабаб бўлади. Сўрувчи зааркунандаларнинг кўплаб учраши эса йиртқич энтомофагларни ўзига жалб этади. Лабаратория шароитида кўпайтириш имони мавжуд турларни кўпайтириш ва боғдорчиликда кенг кўллаш технологиялари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Унга кўра етти нуқтаси кўпайтириш ва кўллаш ўсимлик билларига қарши афилининидларни, сарик трихограммани кўпайтириш ва кўллаш, галицани кўпайтириш, йиртқич каналарни кўпайтириш ва кўллаш ва бошқалар.

Юқорида олинган маълумотлар боғ энтомофаунасини шакллантириш фитос турларида мутоносиблиги, этишмаган турларни кўшимча чиқариш кабиларни бажариш учун мухимдир. Энтомофаунани шакллантиришда мевали боғларга экиладиган оралиқ экинларнинг ҳам аҳамияти катта. Мисол учун, дуккакли экинлар экилган боғ майдонларга нисбатан, беда экилган мевали боғларда энтомофауна катта миқдорда тўпланади. Айниқса, энтомофаглар захираси кўп бўлади. Лекин сўрувчи фитофаглар ҳам беда экилган майдонларда кўплаб учрайди, мевали дараҳтларга зарар етказади.

М.РАХМОНОВА,  
к.х.ф.ф.д., катта ўқитувчи,  
К.ХАМДАМОВ,  
У.РASУЛОВ,  
У.БОХОДИРОВ,  
ассистентлар.  
ТошДАУ Андижон филиали

#### АДАБИЁТЛАР

- Саувач А.Х., Мусолин Д.Л. *Биология и экология паразитических перепончатокрыл (Нутекоуптера: Apocrita: Parasitica)*. Санкт-Петербург. 2013.-С3.
- Коладеева Л.М. Определитель вредных и полезных насекомых и клещей плодовоягодны культуры в Ленинграде. «Колос» 1984. С 32-33.
- Штерншиц М.В., Джалилов У., Андреева И.В., Томилова О.Г. *Биологическая защита растений "Колос"* -Москва.: 2004. -С 101.
- Хамраев А.Ш., Насридинов К. *Ўсимликларни биологияк ҳомоялаш. "Халқ мероси" нашириёти. Тошкент, 2003. 212 б.*

## ЯНГИ “ENTO-DEFOL” 540 Г/Л С.К. ДЕФОЛИАНТИНИ ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

The article states that the use of the new defoliant “ENTO-DEFOL 540 г/л с.к.” at the rate of 0.200-0.250 л/га for the production of medium-fiber cotton varieties is effective when opening 45-50% of the boll, accelerates the opening of the boll and increasing efficiency first collection.

Ўрта толали ғўзада янги, юмшоқ таъсир этувчи “ENTO-DEFOL” 540 г/л с.к. дефолиантининг мақбул қўллаш меъерини ва самарадорлигини аниқлаш учун тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар Қиброй туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Марказий тажриба участкасида олиб борилди. Тажрибада назорат сифатида дефолиация ўтказилмайдиган вариант, эталон сифатида СуюқХМД-8,0 л/га ва Авгурон-экстра-0,15 л/га дефолиантлари олинди ва янги “ENTO-DEFOL 540 г/л с.к.” дефолиантининг 0,075-0,10-0,15-0,20-0,25 л/га меъёрлари ғўза кўсаклари 45-50% очилганда қўлланилиб ўрганилди.

Олинган натижаларга кўра, дефолиация ўтказилмаган, яъни назорат вариантида дефолиациядан 14 кун ўтгач баргларнинг табиий тўкилиши 10,2% ни, яшил барглар эса 89,8 фоизни ташкил эттилди. Суюқ хлоратмагний дефолиантининг 8,0 л/га меъёрда эталон сифатида қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг 78,7% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 7,2% барглар қуриган, 14,1% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди. Авгурон-экстра дефолиантининг 0,150 л/га меъёрда эталон сифатида қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг 85,5% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 0,7% барглар қуриган, 13,8% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди.

Янги ўрганилаётган “ENTO-DEFOL” 540 г/л с.к. дефолиантида энг юқори натижалар дефолиантининг юқори 0,200-0,250 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан кейин ғўза тупида атиги 0,5-0,2% қуриган ва ярим қуриган ҳолда 10,9-8,8% сақланиб, қолган 88,6-91,0% барглар тўкилганлиги қайд этилди.


Қайд этиш керакки, ушбу янги “ENTO-DEFOL” 540 г/л с.к. дефолиант 0,200-250 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда дефолиация самарадорлиги эталон сифатида қўлланилган СуюқХМД дефолиант (8,0 л/га)га нисбатан юқорироқ, яъни 9,9-12,3% кўпроқ барг тўкилганлиги аён бўлди. Шунингдек, эталон сифатида “Авгурон-экстра” дефолиант (0,15 л/га) қўлланилган вариантга нисбатан ҳам барглар тўкилиши 3,1-5,5% юқори бўлганлиги маълум бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу дефолиант таъсирида ғўза барглари қуrimасдан тўкилиб, самарадорлиги юқори бўлганлиги кузатилди.

Олиб борилган фенологик кузатув ва таҳлил натижаларининг кўrsatiшича, назорат (дефолиация ўтказилмаган) вариантда очилган кўсаклар сони 69,1 фоизни, ярим очил-

ганлари 0,5 фоизни ташкил этганлиги ҳамда кўсакларнинг очилиш тезлиги 23,0 фоизга етганлиги таҳлилларда ўз исботини топди. Тажрибада эталон сифатида СуюқХМД дефолиант 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг очилган кўсаклар сони 81,1 фоизга етди, ярим очилганлари 1,2 фоизни, очилиш тезлиги 34,8 фоизни ташкил этди. Тажрибада эталон сифатида ғўзага юмшоқ таъсир этувчи Авгурон-экстра дефолиант 0,150 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг эса очилган кўсаклар сони 88,1 фоизга етди, ярим очилганлари 2,4 фоизни, очилиш тезлиги 41,4 фоизни ташкил этди. Бунда назорат ва СуюқХМД 8,0 л/га меъёрига нисбатан кўсаклар очилиш тезлиги ошиб, 18,4-6,6 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди.

Ғўза кўсакларининг очилиши бўйича яхши натижалар “ENTO-DEFOL 540 г/л с.к.” дефолиантининг юқори, яъни 0,200 – 0,250 л/га меъёрида қўлланилган вариантларида кузатилди. Бинобарин, “ENTO-DEFOL 540 г/л с.к.” дефолиант 0,200-0,250 меъёrlарида қўлланилган вариантда очилган кўсаклар сони 91,4-89,1% га, ярим очилганлари 1,2-3,0% га етиб, очилиш тезлиги 44,1-41,6% ни ташкил этганлиги қайд этилди. Бу дефолиация ўтказилмаган назорат вариантидан 21,1-18,6% га, СуюқХМД 8,0 л/га меъёрда қўлланилганга нисбатан 9,3-6,8% га, Авгурон-экстра 0,150 л/га меъёрда қўлланилганга нисбатан эса 2,7-0,2% га юқори бўлганлигини кўрсатади.

Шунингдек, изланишларда дефолиантлар таъсирида барглар тўкилиши ва кўсаклар очилиши даражаси орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик аниқланиб, иккала кўrsatich орасидаги корреляция коэффициенти  $r=0,883$  ( $R^2=0,7796$ ) га тенг бўлиб, юқори даражада ижобий боғланиш мавжудлигини кўrсатди.



**Расм. Дефолиантлар таъсирида ғўза баргларининг тўкилиши ва кўсакларининг очилиши орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик (2018 й.).**

Тадқиқотларда синалаётган “ENTO-DEFOL 540 г/л с.к.” дефолиантининг турли меъёrlари қўлланилганда, дефолиантининг мақбул меъёrlарида 1-терим ҳосили

салмоғи ҳамда умумий ҳосил назорат, яъни дефолиация қилинмаган вариантга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланиб, янги “ENTO-DEFOL” 540 г/л с.к. дефолиантини 0,200-0,250 л/га меъёрларда кўлланилган вариантларда кўсаклар очилиши тезлашишига ижобий таъсир кўрсатиб, пировардида умумий ҳосилнинг ошишини таъминлади.

Хулоса қилиш мумкинки, ўрта толали ғўза навлари

кўсаклари 45-50% очилганда янги “ENTO-DEFOL” 540 г/л с.к. дефолиантини 0,200-0,250 л/га меъёрда кўллаш ғўза барглари тўклишига самарали таъсир этиб, кўсакларнинг очилишини тезлашитиради.

**У.АБДУРАХМАНОВ,**  
к.х.ф.ф.д., (ПСУЕАИТИ)

#### АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (Услубий кўлланманма). – Тошкент, ЎзПИТИ, 2007.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Москва: Колос, 1985.
3. Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент Давлат кимё комиссияси, 2004. - 12-б.
4. Назаров Р. Ғўза баргини сунъий тўқтиришга тайёрмисиз? // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2005. - №7. - 11-б.
5. Тешаев Ш, Синдаров О. Дефолиация – муҳим тадбир // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2011, №8. – Б. 7-8.
6. Тешаев Ф.Ж.. Ғўза дефолиацияси учун ишлатиладиган янги препаратлардан самарали фойдаланиш (Монография). – Тошкент: “Наврўз”, 2018. – 234 б.

**УЎТ: 635.549.632.9**

## АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИНГ ФИТОФТОРОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ФУНГИЦИДЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

The article examines biological efficacy of fungicides against phyto-phosphorus disease in the Bursa seed type of bitter peppers cultivated on 0.6 hectares of the Parkent district farm of the Tashkent region.

Қалампир мевасининг таркиби витамин, минерал тузлар, органик моддаларга бойлиги ва дориворлиги билан машҳурdir. Агар инсон организмини аскорбин кислотасига эҳтиёжи бир кунда 50-100мг ни ташкил этса, бу эҳтиёжни қондириш учун 20-50 мг қалампир мевасини истеъмол қилиш етарли бўлади. Бундан ташқари, қалампир инсон организмидаги заарали холестерин миқдорини камайтиради, кон айланисини яхшилайди, ортиқча вазндан химоя қилади.

Сабзавот экинлари ичида помидор, картошка ва қалампир ўсимликлари инсон ҳаётida катта аҳамиятга эга бўлиб, озиқ-овқат рационида муҳим ўрин тутади. 2016 йил 204,6 минг гектар майдонга сабзавот ва 86,1 минг гектар майдонга картошка экинларини экиш ва етиштириш давлат дастурига киритилган.

Аччиқ қалампир экинлари Республикализнинг кўлгина хўжаликларида ва аҳолининг шахсий томорқаларида етиштирилади. Бу экинларда турли хил қасалликлар кўп миқдорда учрайди ва катта зарап келтиради.

Қалампир экинларидаги асосан фитофтороз, фузариоз ва алътернариоз қасалликлари зарари натижасида етиштирилаётган ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлиб, республикамиз иқтисодиётига катта зарап етказмоқда. Шунинг учун бу қасалликларнинг тарқалиши, келтирадиган зарари ва уларга қарши илмий асосланган кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муваммоларидан бирирдид.

Қалампирда учрайдиган асосий қасалликларга қарши фунгицидларнинг самарадорлигини қасалликларни ҳисбекитоб қилиш ВИЗР (1985) ва Давлат Кимё Комиссиясининг (2004) услубий кўлланмаларига асосан бажарилди.

2018-2019 йиллар оралиғида Тошкент вилояти Паркент тумани Қорақалпоқ худуди “Қорақалпоқ баракали замин” фермер хўжалигига қарашли 0,6 га майдонга экилган аччиқ қалампирнинг Bursa tohun навида фитофтороз

қасалликларига қарши Қвадрис, 25% сус.к. - 0,8 л/га, Акробат МЦ 690 г/кг, с.д.г. - 2,0 кг/га ва Альетт н.кук. 800 г/кг - 2,0 л/га меъёрларда синаанди, андоза сифатида Ридомил Голд, МЦ 68% с.д.г. - 2,5 кг/га фунгициди олинди. Фунгицидлар 4 та қайтарилишда кичик дала шароитида 10x10 м<sup>2</sup> майдонда қасалликларни дастлабки белгилари пайдо бўлганда 1-ишлов ўтказилди, тажрибаларда ҳар 14 кундан сўнг кимёвий ишлов ўтказилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, назорат вариантида (дори сепилмаган) аччиқ қалампирнинг фитофтороз қасаллиги билан заарланиши – 30,6% ни, қасалликнинг ривожи эса – 13,1% ни ташкил этди. Ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 13 300 кг ни ташкил қилди.

Қвадрис 25% сус.к. (0,8 л/га) фунгициди кўлланилганда қасалланиш -4,1% ни, қасаллик ривожи 1,2% ни, биологик самарадорлик – 90,1% ни ташкил қилди. Ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 16 900 кг ни ташкил қилди.

Акробат МЦ 690 г/кг, с.д.г. (2,0 кг/га) фунгициди кўлланилганда қасалланиш – 5,0% ни, қасалликнинг ривожи 1,1% ни, биологик самарадорлик эса 91,6% ни ташкил қилди. Ҳосилдорлик 1,0 га қалампир майдонидан 16 000 кг ни ташкил қилди.

Андоза сифатида Ридомил Голд, МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га) кўлланилган вариантида қасалланиш -5,3% ни, қасаллик ривожи эса – 1,4% ни, биологик самарадорлик – 89,3% ни, ҳосилдорлик эса 1,0 га майдонда 16 500 кг ни ташкил қилди.

**Хулоса.** Аччиқ қалампирнинг фитофтороз қасаллигига қарши Қвадрис, 25% сус.к. - 0,8 л/га, Акробат МЦ 690 г/кг, с.д.г. – 2,0 кг/га ва Альетт н.кук. 800 г/кг -2,0 л/га меъёрлар-

**Аччиқ қалампирнинг фитофтороз касаллигига қарши  
функцицидларнинг биологик самарадорлорлиги.**  
**Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қорақалпоқ худуди,  
“Қорақалпоқ баракали замин” фермер хўжалиги, Bursa tohum нави, 2018-  
2019 й.**

**1-жадвал** да синалган функцицидларининг биологик  
самарадорлорлиги 89,3% дан 91,6% гачани,  
касалликнинг ривожланиши 1,2% дан 1,4%  
гачани ташкил қилди. Кўлланилган барча  
функцицидлар яхши самара берди.

№	Препаратлар номи	Меъёри, л ёки кг/га	Касалланиш, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самарадорлорлик, %	Хосилдорлик, т/га
1.	Назорат – дори сепилмаган	-	30,0	13,1	-	13,3
2.	Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (зталон)	2,5	5,3	1,4	89,3	16,5
3.	Квадрис, 25% сус.к.	0,8	4,1	1,2	90,1	16,9
4.	Альтетт н.кук. 800 г/кг	2,0	5,4	1,4	89,3	16,2
5.	Акробат МЦ 690 г/кг, с.д.г.	2,0	5,0	1,1	91,6	16,0

**С.САДИКОВА ,  
таянч докторант,  
А.РАХМАТОВ,  
катта илмий ходим, қ.х.ф.н.  
Ж.РАХМОНОВ,  
катта илмий ходим, қ.х.ф.ф.д,  
Ўсимликларни ҳимоя қилиш  
ilmий-тадқиқот институти.**

#### АДАБИЁТЛАР

- Каримов И.А. Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари / Халқ сўзи газетаси. - Тошкент. 2008. 22 октябр. - Б.
- Наблюдения над заражением плодов перца (грибами). Реферативный журнал. Фитопатология. Москва 1983 г. №10 ст-14.
- Балашев Н.Н, Земан Г.О Сабзавотчилик . Тошкент-1977. Б-291.

**УЎТ: 636.22.**

**ЧОРВАЧИЛИК**

## ГОЛШТИНЛАШТИРИЛГАН ТУРЛИ ГЕНОТИПЛИ БУҚАЧАЛАР ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ ИРСИЯТГА БОҒЛИҚЛИГИ

**The article gives a brief information of its ecological state, climatic conditions, and other biological indicators that directly affect cattle meat productivity in Karakalpak region.**

Кейнинг йилларда давлатимизнинг чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган чорвачилик тармоғини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, аграр тармоқни ривожлантириш стратегиясининг муҳим қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ- 2460-сон “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2017 йил 7 февралда ПҚ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қатор вазифаларга асосий эътибор қаратилган.

Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига ошиб бораётган эҳтиёжини қондиришда чорвачиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бутун дунё мамлакатларида қора-ола ва қизил чўл зотига мансуб сигирларни голштин зотининг қора-ола ва қизил- ола тусли наслли буқалари билан чатиштириш ишлари самарали олиб борилмоқда. Бунга эришиш учун қорамол зотларининг бош сонини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш муҳим вазифаларданadir.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017-2021 йиллар давомида чорвачиликни янада ривожлантириш йўналишида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

-чорвачилик ва ветеринария бўйича меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни такомиллаштириш;

-наслчилик базасини ривожлантириш, наслчилик

хўжаликлари негизида замонавий селекция-генетик марказлар ташкил қилиш ҳамда уларнинг техник ва технологик жиҳозланиши даражасини ошириш, наслчиликда илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш;

-чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш, озуқа экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш, чорвачиликни сифатли озуқалар, био кўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озуқа бирликлари билан таъминлаш.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманига қарашли қорамолчиликка ихтисослашган “Мақсуд” фермер хўжалигида тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун ўхшашлик асосида соф зотли қора-олани I гурӯҳга, ( $\frac{1}{2}$ кора-ола x  $\frac{1}{2}$  голштин) II гурӯҳга, соф зотли қизил чўл III гурӯҳга ва ( $\frac{1}{2}$  қизил-чўл x  $\frac{1}{2}$  голштин) чатишма буқачаларни IV гурӯҳга киритилди, ҳар бир гурӯҳга 10 бошдан жами 40 бош буқачалар киритилди.

Турли генотипга мансуб бўлган ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқлиқда бўлган кўрсаткичларидан бири уларнинг тажрибадаги ўхшашлик белгилари бўйича танланган бузоқларда, хўжалиқда қабул қилинган усулларда молларни озиқлантириш ва асраш шароитларида ўtkазилди. Бунда ёш молларнинг келиб чиқиши, зоти, зотдорлиги наслчилик хужжатлари асосида аниқланди.

Тажрибадаги бузоқларнинг экстеръери 7 та тана ўлчамини: яғрин баландлиги, тананинг қия узунлиги, кўкрак эни, айланаси ва чукурлиги, орқа дўнг суклари эни ва поча айланасини ўлчаш, тана индексларини ҳисоблаб чиқиш орқали ўрганилди.

Шуни эътиборга олиб, биз тажриба гурухларидаги ҳайвонларнинг экстеръер кўрсаткичларини ўрганиб, қуйидаги 1-жадвалда тана ўлчамларини ҳавола этдик.

#### Тажриба гурухларидаги буқачаларнинг 6 ойлигига тана ўлчамлари, см

Тана ўлчамлари	Гурухлар (n=10)							
	I		II		III		IV	
	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%
Ягрин баландлиги	105,0±0,35	1,00	106,7±0,14	0,40	104,5±0,9	0,86	105,7±0,25	0,72
Кўкрак чукурлиги	45,0±0,19	1,26	47,4±0,18	1,18	44,9±0,16	1,11	47,2±0,18	1,20
Кўкрак эни	26,5±0,16	1,88	28,4±0,15	1,61	26,0±0,12	1,41	28,1±0,2	2,13
Кўкрак айланаси	127,4±0,27	0,66	131,5±0,27	0,63	125,7±0,16	0,39	131,1±0,24	0,56
Тананинг қия узунлиги	106,5±0,2	0,56	108,6±0,22	0,61	105,7±0,17	0,50	108,4±0,2	0,55
Орка дўнг сүяк эни	26,8±0,27	3,09	28,8±0,17	1,85	26,4±0,52	5,98	28,5±0,16	1,75
Поча айланаси	14,7±0,14	2,94	15,1±0,2	3,97	14,5±0,17	3,68	14,9±0,23	4,69

1-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдик, II гурухдаги бузоқларнинг 6 ойлигидаги ягрин баландлиги 106,7 см, тананинг қия узунлиги 108,6 см, кўкрак эни 28,4 см, кўкрак айланаси 131,5 см, кўкрак чукурлиги 47,4 см, орқа дунг сүяклари эни 28,8 см ва поча айланаси 15,1 см ташкил этиб, I гурухдаги тенгқурларидан ягрин баландлиги 1,7 см ёки 1,61%, III гурухдан 2,2 см ёки 2,10%, IV гурухдан 1 см ёки 0,94% га II гурухнинг кўкрак чукурлиги 47,4 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан кўкрак чукурлиги 2,4 см ёки 5,33%, га III гурухдан 2,5 см ёки 5,56%, IV гурухдан 0,2 см ёки 0,42% га, II гурухнинг кўкрак эни 28,4 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан кўкрак эни 1,9 см ёки 7,16%, га III гурухдан 2,4 см, ёки 9,23%, IV гурухдан 0,3 см ёки 1,06% га, II гурухнинг кўкрак айланаси 131,5 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан кўкрак айланаси 4,1 см ёки 3,21%, га III гурухдан 5,8 см, ёки 4,61%, IV гурухдан 0,4 см ёки 0,30% га, II гурухнинг тананинг қия узунлиги 108,6 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан тананинг қия узунлиги 2,1 см ёки 1,97%, га III гурухдан 2,9 см, ёки 2,74%, IV гурухдан 0,2 см ёки 0,18% га, II гурухнинг орка дўнг сүяк эни 28,8 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан орка дўнг сүяк эни 2 см ёки 7,46%, га III гурухдан 2,4 см, ёки 9,09%, IV гурухдан 0,3 см ёки 0,01%

га ва II гурухнинг поча айланаси 15,1 см, ни ташкил этиб I гурух тенгқурларидан поча айланаси 0,4 см ёки 2,72%, га III гурухдан 0,6 см, ёки 4,13%, IV гурухдан 0,2 см ёки 1,34% га 1-жадвал юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

**Хулоса шуки**, мамлакатимизнинг Қорақалпогистон Республикаси Беруний туманига қарашли “Мақсад” фермер хўжалиги шароитида тажрибада турли генотипли голштинластириши натижасида олинган чатишма авлодлар ўз тенгдошлари соф зотли буқачаларга нисбатан жадал равишда ўсиб устуворликка эришган.

**Т.НАЎРЫЗОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети  
Нукус филиали докторант (PhD).

#### АДАБИЁТЛАР

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича. Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент “Маънавият”-2017

2. Авазов Д.С., Кахаров А.К. Мясная продуктивность некоторых молочных пород крупного рогатого скота и их помесей. Науч. тр. Московской Мед. Академии им. И.М.Сеченова. Москва. 2005. с. 163-165.

3. Кахаров А, Нарбаева М., Курбонова Ш., Махмадиёров О. Корамолчиликда голштинластиришининг зоотехникавий ва иқтисодий самарадорлиги. // Зооветеринария. 2013. №9. 26-27-б.

4. Кахаров А.К ва бошқалар Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати ва янада ривожлантириш имкониятлари. «Қишлоқ хўжалигида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. СамҚХИ илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. II-қисм. Самарқанд. 2018 й.100-114 б.

5. Носиров У.Н ва бошқалар. Ўзбекистонда қорамолчилик ривожлантириш омиллари. Тошкент-SMI-ASI-2011

УЎТ: 619:616.988:614.47

## ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҲАЙВОНЛАРНИНГ БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

This article covers the main points of prevention, diagnosis and measures to combat brucellosis of farm animals, which are necessary for farmers, dekhkan farms and people engaged in animal husbandry.

Бруцеллэз - (кора оқсоқ) ҳайвонларнинг кенг тарқалган юқумли касаллиги бўлиб, оммавий бола ташлаш, қисир қолиш, маҳсулдорликнинг камайиши, ёш моллар яшовчанлигининг пасайиши билан, баъзан эса умуман клиник белгиларсиз кечади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) Халқаро бактериология бўйича номенклатура кўмитаси бруцеллаларни 6 хилга, 17 биотипга (биоварларга) ажратган.

Ҳар бир турдаги бруцелланинг ўзига хос манбаи бўлади. Масалан, йирик шохли ҳайвонлар бруцелла abortusнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бруцелла мелитензиснинг асосий манбаи майдо шохли ҳайвонлардир. Улар йирик шохли ҳайвонларда ҳам учраб туради. Бруцелла suisнинг аксари манбаи чўчқалардир. Бруцелла канис кўпроқ итлар-

да, бруцелла неотома эса каламуш ва сичқонлар орасида тарқалган. Майдо ва йирик шохли ҳайвонлар биргаликда сақланган ҳолларда, хўжаликларда абортус учраши мумкин ва аксарият бу ҳолларда бруцелла мелитензис майдо шохли ҳайвонлардан йирик шохли ҳайвонларга миграция қиласи.

Республикамизда чорвачилик кенг ривожланган. Маълумки, бруцеллэзга барча ҳайвонлар сезигир. Касалликнинг юқишида майдо шохли ҳайвонларнинг ҳиссаси катта. Бруцеллезга чалинган ҳайвонлар соғлом ҳайвонлардан ўз вақтида ажратилмаса, касаллик кўпайишига замин яратилади. Шунингдек, касаллик кўпчилик фермер, бўрдоқчилик ва шахсий хўжаликларда, майдо ва йирик шохли ҳайвонлар биргаликда сақланганда ҳам осонгина

юқади. Бундай шароитларда инфекция майды шохли ҳайвонлардан йирик шохли ҳайвонларга юқиб, охироқибат фермер хўжалиги ходимлари, сут соғувчилар, чўпонлар, тракторчилар ва бошқа ходимларнинг ҳам касалланишига сабаб бўлади.

Майды шохли ҳайвонлар ўчиғи эпидемиологик жиҳатдан кишиларга катта хавф туғдиради. Бунда асосан қўй ва эчкилар касаллик манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ҳайвонлардан бруцеллалар ташки муҳитга сўлак, сут, қон, жинсий аъзолар суюклиги, плацента ва чала туғилган кўзичоқ, бузоқ орқали ажралади ва теварак-атрофни ифлослантиради. Майды шохли ҳайвонлардан касаллик асосан хизматчиларга ҳайвонларни боқишида ва парвариш қилиш натижасида, шунингдек, етарлича термик ишлов берилмаган чорвачилик маҳсулотлари истеъмол қилиш ўйли орқали юқади. Бруцеллалар ташки муҳит шароитига анчагина чидамлидир: музлатилган гўшт маҳсулотида 1,5 йилгacha, хом ва яҳси пиширилмаган гўштда 30 кунгача, бринза ва пишлоқда 15–40 кунгача, сутда 3–4 кунгача ўзининг яшовчанигини йўқотмайди. 70°C даражали иссиқлика 30 дақиқада заарсизланади, қайнатилганда дарҳол заарсизланади.

Шунинг учун касал моллар ўз вақтида подадан ажратилиши ва касалликка қарши маҳсус ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилиши зарур.

Ҳайвонларда касалликнинг яширин даври бир ой ва ундан ҳам кўпроқ давом этиб, кўпинча клиник белгисиз ўтади, намоён бўладиган асосий клиник белгиларидан бири - бруцеллез билан касалланган сигир ва ғунаҗинлар кўпинча 5–7 ойлик бўғозлик даврида бола ташлайди (аборт). Бундан ташқари, буқа ва қўчкорларда орхит ва бурсит белгилари кузатилади (1-расм).

Касаллик асосан яширин формада ўтиб, фақат серологик текширишлар орқали касаллик аниқланади. Илгари касаллик учрамаган подада abort 50-60 foizgacha кузатилиши мумкин.



Қўй ва эчкилар эса 3-5 ойлик бўғозлик даврида бола ташлайди. Чўққаларда abort бўғозликтининг биринчи ёки иккинчи ярмида ҳам бўлиши мумкин, кўпроқ бўғозликтининг 60-90-кунлари abort кузатилади ва кўпгина ҳолларда ҳайвонларда ариқлаш белгилари кузатилади

Бруцеллез билан касалланганлиги аниқланган ҳайвонлар подадан тезда ажратилиб, 15 кун ичida бўрдоқига боқилмасдан, насли, ёши, бўғозлик даври инобатга олинмасдан, маҳсус санитар күшхонада сўйилади.

Касал молларни соғиш таъкиқланади, касаллиги аниқланган сигирлардан олинган бузоқлар ўстиришга қолдирилмайди.

Одамларда бруцеллез касаллигига чалиниш ва унинг тарқалишига асосий сабаб, хўжаликларда молларнинг ветеринария кўригидан тўлиқ ўтказилмаслиги, улар орасида касал моллар бўлиши, ҳайвонларнинг ўэбошимчалик билан бир подадан иккинчисига ўтказилиши, яхши ишлов берилмаган чорвачилик маҳсулотларини (қайнатилмаган сут, сих кабоб ва бошқа) истеъмол қилиш ва ниҳоят бозорлардан ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилмаган чорвачилик маҳсулотларини харид қилинишидир.

Одамларда касаллик тана хароратининг 39-40°C гача кўтарилиши билан бошланиб, ҳолсизлик, терлаш, уйкусизлик, артрит, неврит, орхит, эпидидимит каби клиник белгилар билан кечади. Бруцеллэз организмнинг умумий касаллиги хисобланса ҳам, унда таянч-ҳаракат, юрак-томир ва нерв системалари жароҳатланиши яққол ифодаланади.

Шу кунгача одамларнинг бруцеллэз билан касалланиши бевосита касал ҳайвонлар билан яқин алоқада бўлганда содир бўлади, деб ўйлашарди. Ҳозирги кунда бу касаллик ҳайвонлар билан умуман ишламайдиган кишилар орасида ҳам учраяпти. Бунга сабаб, инсонларнинг чорва маҳсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида кўчак-кўйларда савдо қилувчи сохта "тадбиркорлар"дан ветеринария кўригидан ўтказилмаган сут-гўшт маҳсулотларини харид қилиб истеъмол қилишидир.

Айниқса, бу баҳор ойларида организмда юқумли касалликларга қарши курашувчи иммун тизимнинг кучизланиши кузатиладиган пайтда жиддий тус олади. Баҳорги кўй-эчкиларни кўзилатиш (тўл) даврида касалликни тарқатиш ва ютириб олиш хавфи кучаяди, чунки бу мавсумда билиб-бilmай ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳам ишга жалб қилиниши кузатилади.

Касалликнинг халқ хўжалигига катта зарари мавжудлиги, инсонлар соғлиги учун хавфлилиги туфайли инсоният томонидан жаҳон миқёсида ушбу касалликка қарши 100 дан зиёд вакциналар яратилган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам юқори иммунологик самарарага эга эмас.

Бунинг асосий сабаби, касаллик патогенезида яшириган бўлиб, кўзғатувчининг иммун хужайралари ичига кириб, ўзининг биологик турини сақлаш билан боғлиқ.

Юқоригилардан келиб чиқиб, ҳайвонларда бруцеллез касаллигини даволанмаслиги ва инсонлар учун ҳам катта хавф мавжудлигини инобатга олиб, касалликка қарши профилактика тадбирлари биринчи ўринда туради. Бу ўринда Ветеринария илмий-тадқиқот институти бруцеллэз лабораторияси ходимлари томонидан 2018 йилда "Ҳайвонлар бруцеллэз касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган ТИЗИМ" ва 2015 йилда "Ҳайвонлар бруцеллэз касаллигининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ТИЗИМИ" ишлаб чиқилган бўлиб, жойлардаги давлат ветеринария органлари ва чорвачилик субъектлари учун ижрога қаратилган. Унга биноан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир чорвачилик хўжалик раҳбарлари қуйидаги профилактик тадбирларларнинг:

- инсонларни касалликка чалинмаслиги учун ҳайвонларни харид қилишда уларнинг соғломлигини тасдиқловчи ветеринария хужжатларини талаб қилиш;

- ҳайвонларни ветеринария муассасаларида рўйхатга қўйиш, яъни идентификация орқали биркалаш, диагностик текшириши, дезинфекция ўтказиш хақидаги ветеринария мутахассислари тавсияларини сўзсиз бажариш;

-вeterинария-санитария экспертизасидан ўтказилмаган ва ветеринария хуносасига эга бўлмаган чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қиласли;

- майда шохли молларни қўзилатиш мавсумида бруцеллэз касаллиги ҳақида тушунчалик бор кишиларни жалб қилиш ва шахсий гигиена талабларига қатъий эътибор бериш;

- ҳайвонларда бола ташлаш, йўлдошнинг ушланиб қолиши, метрит, оқсоқланиш ва уруғдоннинг катталashiши каби белгилар учраганда, дарҳол ветеринария мутахассисига хабар бериш;

- ферма доимий равишида гўнгдан тозаланиб туриши, касал моллар учун алоҳида изоляторнинг мавжудлиги ва бундан ташқари моллар факат маҳсус рухсат этилган күшхона ёки сўйиш пунктларида ветеринария врачлари назорати остида сўйилиши;

- четдан янги келтирилган моллар, албатта 30 кунлик карантинда сакланиши ва тегишли диагностик тадбирлар ўтказилиши;

- ҳўжаликда бруцеллэз касаллиги мавжудлиги тасдиқланган ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, барча зарурый чегаралаш, ташкилий-ҳўжалик ва бошқа чоратадбирларни ўтказишида ҳамда бруцеллэз ўчогини тугатиш тадбирлари учун зарур материал техник ҳамда молиявий кўмакларини беришлари шарт.

Худудий ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ҳамда ташхис марказларида аҳоли ва фермер ҳўжаликларининг чорва молларини бруцеллэзга қарши диагностик таҳлиллар ўтказишлари ва зарур ҳолларда профилактик эмлаш тадбирлари ўтказишлари учун за-

рур шарт-шароитларни яратишлари ва ветеринария мутахассисларининг доимий назорати остида иш олиб боришлари зарур.

Шуну унутмаслик керакки, чорвачиликни талафотлардан, инсонларни бруцеллэз касаллигидан асрasha барчамиз масъулмиз.

**М.РЎЗИМУРОДОВ,  
А.УЛУГМУРАДОВ,  
У.САТТАРОВ,  
А.САЙДОВ,**

*Ветеринария илмий-тадқиқот институти.*

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. М.А.Рузимуродов ва бошқалар. "Ҳайвонларда бруцеллэз касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган ТИЗИМ". / Самарқанд. 2018/.

2. М.А.Рузимуродов ва бошқалар "Ҳайвонларда бруцеллэз касаллигининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ТИЗИМИ". / Самарқанд. 2015/.

3. Ер усти ҳайвонлар саломатлиги Кодекси /Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилоти БҲССТ. 22-нашр/ Париж. 2013. 1-том. Б.423.

4. Здрадовский П.Ф. "Бруцеллэз" /Инсон патологияси бўйича замонавий таълим. "Москва" нашриёти. 1953. Б.264./

5. Иванов М.М., ва бошқалар "Бруцеллэз диагностикасининг айрим муаммолари" /Ж. Ветеринария. 1977. 1. Б.32-33./

6. Авилов В.М., Селиверстов В.В., Шумилов К.В. ва бошқалар "Ҳайвонлар бруцеллэзи ва унинг маҳсус профилактикаси" /Ж. Ветеринария. 1977. 7. 3-6. Б.

**УДК: 636.22/28.082**

## **МОРФО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ КАЧЕСТВА ВЫМЕНИ У СИММЕНТАЛ-ГОЛШТИНСКИХ КОРОВ**

*The data of morphofunctional qualities improvement of udder of pure Simmental cattle by crossing with Red-and-White Holstein breed are cited in the article.*

В структуре поголовья крупного рогатого скота в Узбекистане симментальская порода занимает около 15 %. Скот этой породы отличается комбинированной продуктивностью, дифференцированностью на внутрипородные типы, высокой стрессоустойчивостью и т.д. Однако значительное количество продуктивного поголовья коров не соответствует требованиям интенсивных технологий производства молока из-за низких морфофункциональных качеств вымени. Улучшить технологические качества симментальского скота и повысить молочную продуктивность возможно за счет скрещивания маточного поголовья с быками улучшающих пород. И в этом отношении лучшей породой является красно-пестрая голштинская порода, которая наряду с высокими показателями по молочной продуктивности, обладает хорошими акклиматационными способностями, о чем свидетельствуют данные о сохранении высокой генетической изменчивости и продуктивности скота в различных природно-климатических условиях.

На качество реализации хозяйственно полезных признаков, и в частности, морфофункциональных характеристик вымени коров влияет генотип. Как правило, животные с новыми генотипами одновременно

обладают как иными хозяйствственно-биологическими особенностями, в отличие от исходных пород, так и высокими коэффициентами фенотипической изменчивости по ряду селекционных признаков. С целью улучшения морфофункциональных качеств вымени нами были проанализированы селекционно-технологические особенности коров ООО им. «Ш.Мирахмедов». Кибрайский район Ташкентской области, трех генотипов по трем лактациям: чистопородные симменталы - контроль, I и II группа – симментал – голштины с разными долями кровности по красно-пестрой голштинской породе (соответственно, 12,5-25% и 26-50%). Морфологическую оценку вымени проводили путем осмотра и взятия промеров за 1 ч до доения у коров на 2-3-м мес лактации. Среднюю скорость молокоотдачи рассчитывали делением количества надоенного за сутки молока на затраченное при этом время (кг/ мин). Результаты исследований показали:

Промеры вымени чистопородных и помесных симментальских коров по I и III лактации (n=23)

Показатель Группа

контрольная чистопородные симменталы I 12,5-25% КПГ II 26-50% КПГ

## I лактация

Промеры вымени (см):

обхват 102,5±11 108,5±12\*\* 110±10\*\*

длина 26±2,4 29,5±2,8\* 30±2,7\*

ширина 25±1,9 27,5±2,3\* 30±2,7\*

Промеры сосков (см):

длина передних 6,4±0,13 6,4±0,13 7,2±0,1

длина задних 6,3±0,13 6,5±0,18 7,0±0,15

Диаметр сосков (см):

передних 2,2±0,05 2,2±0,06 2,4±0,09

задних 2,1±0,03 2,2±0,04 2,3±0,05

Расстояние от дна вымени до земли (см) 58,9±1,0  
60,1±0,9 61,2±0,9

## III лактация

Промеры вымени (см):

обхват 112,5±13,5 114,5±14,0\* 115,5±16\*

длина 28,5±2,9 31,5±3,5\* 32,5±3,1\*

ширина 27±2,4 29±3,3\* 31,5±2,8\*

Промеры сосков (см):

длина передних 7,0±0,14 7,4±0,17 7,7±0,1

длина задних 6,7±0,14 7,2±0,18 7,6±0,17

Диаметр сосков (см):

передних 2,3±0,05 2,4±0,06 2,5±0,08

задних 2,2±0,03 2,3±0,05 2,3±0,05

Расстояние от дна вымени до земли (см) 60,8±1,0  
62,0±1,03 63,0±0,6

Примечание:

КПГ

красно-пестрые голштинцы;

P<0,05; \*\* - P<0,01.

По результатам анализа было установлено, что в I опытной группе 78,2% коров имели ванно- и чашеобразную форму вымени, 21,7% - округлую по сравнению с контролем. Во II опытной группе, с долей кровности по голштинам 26-50%, все коровы имели ванно- и чашеобразную формы вымени, по сравнению с контролем, где только 17,3% имели данную форму вымени, а 69,5% приходилось на округлую. Также среди чистопородных симменталов встречались животные с козьей формой вымени (8,6%), что являлось серьезным недостатком в строении вымени чистопородных симменталов. Из таблицы 1 следует, что помесные животные I и II опытных групп по обхвату вымени в I лактацию превосходили чистопородных симменталов на 6 и 8 см, соответственно. По промерам длины и ширины вымени прослеживалась аналогичная тенденция. Помесные животные I и II опытных групп превышали показатели контроля на 3,5 и 4,0 см, 2,5 и 5,0 см, соответственно (P<0,05).

С возрастом показатели промеров вымени возрастали. Так, обхват вымени во всех исследуемых группах увеличивался от I к III лактации, соответственно, на 8,5%, 6,1%, 4%; по длине - на 8,8%, 6,4%, 7,7%; ширине - на 3,6%, 7,7%, 4,8%. Однако чистопородные животные по III лактации, так же, как и по I, имели более низкие промеры, чем помесные животные опытных групп. Так, по обхвату вымени I и II опытные группы превышали контроль на 2,0 и 3,1 см, соответственно, на 3,0 и 4,0 см; 2,0 и 4,5 см (P<0,05). Размер, форма и диаметр сосков имеют особенно важное значение при отборе коров для машинного доения. Все животные опытных групп имели соски цилиндрической и слегка конической формы. Размер и диаметр сосков полностью соответствовали требованиям машинной технологии доения. Нами также было установлено, что кровностью по голштинской породе

не оказала существенного влияния на расстояние от дна вымени до земли.

Полученные данные подтвердили, что коровы с кровностью 26-50% по красно-пестрой голштинской породе обладают лучшими морфофункциональными качествами вымени, заложенными в них генетически. По мере возрастания доли кровности по красно-пестрым голштинам от 12,5 до 50% наблюдается тенденция к улучшению морфофункциональных характеристик вымени.

Наряду с морфологическими особенностями вымени у исследуемых животных в разной степени изменялась и его функциональность. Особое значение в оценке молочной железы принадлежит скорости молокоотдачи и индексу вымени. По I лактации наибольшая скорость молокоотдачи была у животных II группы - 1,229 кг/мин, что превысило контроль на 0,124 кг/мин (P<0,05), животные I группы (1,218±0,05 кг/мин) превысили контроль на 0,113 кг/мин (P<0,05). Наименьшая скорость молокоотдачи была в контрольной группе - 1,105±0,03 кг/мин. По III лактации наблюдалась аналогичная тенденция. Наименьший показатель скорости молокоотдачи имели чистопородные коровы (1,173±0,02 кг/мин), что было меньше, чем в опытных I и II группах, соответственно, на 0,124 и 0,153 кг/мин (P<0,05). Изменение скорости молокоотдачи от I к III лактации было незначительным (0,07-0,09 кг/мин) происходило параллельно с ростом удоя.

Общеизвестно, что непригодными к машинной технологии доения считают коров с интенсивностью доения менее 0,7 кг/мин и индексом вымени менее 30%, а идеальным считают вымя, удои каждой четверти которого равен примерно 25% молока общего удоя. Это позволяет обеспечить одновременное выдаивание аппаратом всех четвертей. Высокий индекс вымени был отмечен у коров II группы по I лактации - 45,1%, что было на 3,2% выше, чем в контроле. В I опытной группе данный показатель превышал контроль на 2%. По III лактации наименьший индекс вымени был отмечен также у животных контрольной группы - 42,2%, что было ниже, чем у сверстниц из опытных групп, на 2 и 3,3%, соответственно. Необходимо отметить, что изменения индекса вымени по всем группам от I к III лактации было незначительным и составило от 0,3 до 0,5%, что подтверждает равномерное распределение удоев по долям вымени. При этом суточный удои коров всех групп был достаточно высоким, что в определенной степени позволило характеризовать объем вымени коров.

Функциональные свойства вымени коров в зависимости от кровности по улучшающей породе:

### Группа по показатель

Суточный удои (кг) скорость молокоотдачи (кг/мин)  
индекс вымени (%)

#### I лактация

Контрольная чистопородные симменталы 12 12,3±0,68  
1,105±0,03 41,9±0,6

I опытная группа 12,5-25% КПГ 12 13,1±0,6 1,218±0,05\*  
43,4±0,5

II опытная группа 26-50% КПГ 12 15,0±0,6 1,229±0,04\*  
45,1±0,7

#### III лактация

Контрольная чистопородные симменталы 11 13,7±0,5  
1,173±0,02 42,2±0,5

I опытная группа 12,5-25% КПГ 11 14,6±0,74 1,297±0,3\*  
43,9±0,6

II опытная группа 26-50% КПГ 11 15,7±0,6 1,326±0,02\*  
45,5±0,6

\* - Р<0,05

Таким образом, помеси кровностью до 50% по красно-пестрым голштинам обладают лучшими морфофункциональными качествами вымени и пригодны для интенсивного производства молока. При улучшении качеств вымени у палево-пестрого коров методом голштинизации можно получить убой до 5000-6000 кг в

среднем на одну корову во многих хозяйствах Орловской области.

**Г.АМАНТУРДИЕВ, доцент,  
М.САФАРОВ,  
старший преподаватель,  
С.ИСРОИЛОВ, студент,  
ТашГАУ.**

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Прудов А.И., Вельматов А.П., Ерофеев В.И. //Животноводство. - 1987. - №6. - С.15-17.
2. Сельцов, В. И. Задачи племенной работы с симменталами / В.И. Сельцов // Зоотехния. - 2001. - №3. - С. 2-5.
3. Шендаков А. И. Теоретические и практические аспекты селекции палево-пестрого и красно-пестрого скота/ Шендаков А.И. - Орел: Изд-во «Орлик». - 2006. – 116 стр.

УЙТ: 639

## ЎСТИРИШ ҲОВУЗЛАРИДА ШУ ЙИЛГИ ЧАВОҚЛАРНИ ЕТИШТИРИШ

бу ерда  $l_k$  ва  $h_k$  - куракчанинг узунлиги ва баландлиги, м;  $k_c$  - чўкиндининг солиштирма илашувчанлик коэффициенти;  $v_k$  - куракчанинг харакатланиш коэффициенти;  $\eta$  - тозалагичнинг фойдалари иш коэффициенти.

Курилмани ишлатишдан кутилаётган натижалар: тозалаш ишларининг сифати тъминланади; тозалаш ишларида ортича қўл меҳнати талаб этилмайди; ёнилғи-мойлаш ва бошқа материаллар тежалади.

Т.УСМОНОВ,  
камта ўқитувчи,  
М.БУРХОНОВА,  
Ф.ОТАМУРОДОВ,  
талаабалар, (ТИҚҲММИ),

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва ирригация ишларини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.

2. Мелиорация и водное хозяйство. Орошение: Справочник / Под ред. Б.Б.Шумакова. -М.: Агропромиздат, 1990. 415 с.

3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси Давлат патент идораси. Канал тозалагич, № 2042, Бюлл. № 3, 30.09. 1994.

4. И.И.Мер и др. Мелиоративные машины. – М: Колос, 1980. 351 с.

УЙТ: 631.4:633/635

## ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИННИГ ҲОСИЛ БЎЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

The effects of erosion is various, because of it water also the wind destroy both the fertility and prolific. Quality of the soil also conditions. Now a days different measures have been organised for solving problems connected with the erosion as a result, the prolific condition of the soil is increasing.

Ерларнинг унумдор қатлами тоғ жинсларининг, тупроқнинг ёки бошқа юза бутлигининг ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларининг парчаланиб бузилиши натижасида эрозия учрайди.

Тупроқнинг эрозияга учраши факат шамол таъсирида эмас, балки сув таъсирида ҳам (эриган қор, ёмғир ва оқар сувлар) бўлиши кузатилади. Сув эрозияси ёнбош, оқим, тик, чукур, ирригация, томчили, чизикли, текислик, еrosti эрозияларига таснифланади.

Қишлоқ ҳўжалигига тупроқ қатламларининг шамол, эриган қор ва ёмғир ҳамда суфориш сувлари таъсирида ювилиб ёки учирилиб кетиши деҳкончилик учун жуда катта зарар келтирувчи оғат ҳисобланади.

Умуман, эрозия жараёнининг содир бўлиши асосан иқлимага, ёғингарчиликнинг умумий миқдорига, турига, давомийлигига, жадаллигига боғлиқ бўлади. Эрозия таъсирида қисман ёки бутунлай емирилиб кетган тупроқлар устки қатламининг йўқ бўлиб кетиш даражасига қараб қўйидагиларни кўришимиз мумкин: Эрозияга учрамаган, кам учраган, кўп учраган тўлиқ емирилган тупроқлар.

Сув эрозияга учраган тупроқлар қатламининг ювилишига қараб күйидаги жараёнлар содир бўлади.

Кам ювилган (А қатламнинг ярми ювилган); ўртача ювилган (А қатламнинг ярмидан кўп ювилган); кучли ювилган (А қатлам тўлиқ, В қатлам қисман ювилган)



1-расм: Текисликда учраган эрозия

Эрозия натижасида тупроқ қашшоқлашиб, унинг таркиби бузилгач, яроқсиз ерларга айланаб қолади. Эрозияга учраган тупроқда хосилдорлик 5-10 маротаба камайиб, ҳар хил бегона ўтлар 2-4 марта кўплади. Шу сабабли дунё бўйича эрозия натижасида йилига 100 млрд. долларлаб зарар кўрилмоқда.

Тезлаштирилган эрозия дунё бўйича дехқончилик учун оғат ҳисобланади, чунки қисқа вақт ичидаги бу эрозия таъсирида миллионлаб гектар тупроқнинг устки хосилор қисми емирилиб, хосилсиз ерларга айланаб қолади. Сўнгги юз йил ичидаги дунёда 2 млрд. гектар хосилор тупроқлар эрозияга учраб ишдан чиқкан.

Тезлаштирилган эрозия тропик районларда ўрмонларнинг режасиз кесилиши оқибатида фаол содир бўлмоқда. Ҳозир дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Мадагаскар ороли худудининг 8/10 қисми, Чили ерларининг 72% эрозияга учраган. Эрозия туфайли Хитойда 25% тупроқнинг хосилор қисми йўқ бўлган. Дунё бўйича тезлаштирилган эрозия туфайли ҳар куни 3200 га хосилор ер ишдан чиқмоқда. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти натижасида ишдан чиқкан тупроқ майдони кун сайн ортиб бормоқда.

Марказий Осиё миңтақаларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида асосан қыялиги, нишаби, икки баробар ортадиган бўлса, сув оқимининг ҳажми 1,2-2,5, тупроқ ювилиши 1,9-5,5 баробар ортади.

Ўзбекистон худудида ҳам сўнгги йилларда ўзлаштирилган Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод чўллари, Амударёнинг қуий оқимида йўл кўйилган хатоликлар, сув танқислиги, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаслиги оқибатида эрозия ва дефляция жараёнлари қишлоқ ҳўжалигига зарар келтирмоқда. Ундан ташқари, Орол денгизининг куриши, куриган ўзанидан туз ва чанг-тўзоннинг шамол таъсирида атрофа тарқалиши ҳозирги сезиларни дозларб муммомларидан ҳисобланади.

Эрозияни камайтириш учун қуийдаги тадбирлар амалга оширилади:

- 1) Далаларни эрозия содир бўлмайдиган тартибда ташкил этиш;
- 2) Ердан фойдаланиш тартиби ва шаклларини асослаш;
- 3) Ердан фойдаланишни тўғри ташкил этиш;
- 4) Экинларнинг таркиби бўйича далаларда жойлаштиришни мақбулаштириш.

5) Бугунги кунда тупроқ эрозияга қарши кўпланиладиган актив чора-тадбирларга қуийдагилар киради.

Жуда кўп майдонларимиз сув эрозиясига учраган уларга қарши қуийдаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

- 1) Далаларда эгатлар очиш ва сунъий микрорельеф хосил қилиш (эриган қор ва ёмғир сувларини йиғиши);
- 2) Дала сатхининг тузилишига қараб шудгорлаш;
- 3) Тупроқ қатламини ағдармасдан ҳайдаш;
- 4) Ҳар хил тўсиклар (пол, ариқ, маҳсус иншоатлар) куриш;
- 5) Далаларни ўсимлик билан банд қилиш;

6) Такомиллаштирилган, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган сув тежайдиган сугориш техникаси ва технологиясини кўллаш (ёмғирлатиб, томчилатиб, тупроқ остидан сугориш);

7) Тупроқ емирилишидан сакловчи дехқончилик тизимини амалга ошириш орқали эрозияни камайтиришга эришиш.

Шамол эрозиясига қарши курашиб орқали ҳам унумдор қатламини сақлаб қолиш учун қуийдаги тадбирларни тўғри ташкиллаштириш лозим:

1) Чанг-тўғон (заррачаларнинг кўчиши) кўтарилиши мумкин бўлган далалар харитасини тузиш, лойиха ва технологик жараёнларни асослаш;

2) Тупроқни муҳофаза қилишни ташкил этиш (дефляция содир бўлиши мумкин бўлган майдонларни ҳайдамаслик, тупроқка ишлов беришни камайтириш);

3) Тупроқнинг устки қатламида намликни ошириш (алмашлаб экишини жорий қилиш, ерни ағдармасдан ҳайдаш);

4) Тупроқнинг донадорлигини ошириш (органик ўғит солиш, алмашлаб экиш, тупроқнинг ҳайдалма қатламида микроструктура ҳосил қилиш);

5) Тупроқнинг устки қатламини сақлаб қолиш (зичлаш, полимер моддаларни ишлатиш, кольматация қилиш, мульча солиш);

6) Эгат очиш, вакиллар (тўсиклар) олиш;

7) Ихота дараҳтлари, ҳар хил кўп йиллик тез ўсадиган ўсимликлар экиш орқали эрозияни камайтиришга эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда тупроқ эрозияси муаммосига оид кўп масалалар етариғи даражада ўрганилган. Ўзбекистон худудида эрозия яга учраган тупроқларнинг тарқалиши қонуниятлари, уларнинг унумдорлик даражаси ва емирилишига қарши туриш қобилияти ҳақидаги маълумотлар етариғи даражада йиғилган. Юқорида кўрсатилган тадбирларни табакалаштирилган ҳолда амалга ошириш ҳисобига эрозия жараёнларининг тупроқ унумдорлиги ва асосий экинлар хосилорлигига таъсири сезиларни даражада камаяди.

**М.ХАЙТОВА, ассистент,**  
**«Ирригация ва мелиорация» кафедраси ўқитувечи,**  
**Э.МАЛИКОВ, ассистент,**  
**ТИҲХММИ.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. А.Ўразкелдиев. “Кимёвий мелиорация”. Ўқув қўлланмаси. Тошкент, 2015.

2. О.Рамазонов, О.Юсупбеков. “Тупроқшунослик ва дехқончилик”. Дарслик. Тошкент 2003. 272 бет.

3. Ахмедов Х.А, Подгорнов Г.Г., Хорст Г.О., Синякин А.Ф. “Сельскохозяйственные мелиорации”. “Узглавиздат”, 1959 г.

4. Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Шукурлаева Р.Т. “Ерлар мелиорацияси ва муҳофазаси”. Тошкент, 2008. 212 бет.

5. Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Шукурлаева Р.Т. “Қишлоқ ҳўжалиги гидротехника мелиорацияси”, Тошкент-2007. 240- бет.

УЎТ: 626.8:631.6

## ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ГИДРОГРАФИГИ

This article describes the formation and flow regime of the Kashkadarya basin, one of main basins of the Kashkadarya region.  
Long-term water consumption and hydrography of the Kashkadarya basin and its main tributaries.

Тоғлардан чиққандан сўнг Қашқадарёга чап томондан Қашқадарёнинг ўзидан ҳам бир қанча серсув ирмоқлар келиб кўшилади. Дастреб Жиннидарё келиб қўшилади. Шундан сўнг Чироқидан 18 км. юқорида Қашқадарёга бу ҳавзадаги энг серсув Оқсув дарёси, ундан сўнг эса Тангхоз дарёси келиб кўшилади. Сувининг кўплиги жиҳатидан ҳавзанинг иккинчи дарёси бўлган Яккабоғдарё Қашқадарёга тўғридан-тўғри келиб кўйилмайди. У тоғлардан чиқиши билан Қашқадарёга етмасдан

иккита тармоқка бўлиниб кетади: бу тармоқлардан бири Қорабоғ номи билан гарбга томон оқади ва этак қисмида сугоришга сарф бўлиб кетади. Иккинчи тармоқ эса Қизилсув номи билан шимоли-гарб томон оқиб, Тангхоз дарёсига ва у орқали Қашқадарёга кўйилади. Қашқадарёнинг охирги чап ирмоғи Фузордарёдир. Фузордарё Катта Урадарё ва Кичик Урадарёнинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Қуий оқимида у Қорасувдарё деб аталади. Яккабоғдарё ва Фузордарё ўрталигига Лангар деган

кичик дарё бор. Бирок тоғдан чиқиши билан сүфоришга олиниши туфайли бу дарёнинг суви Қашқадарёга етиб келмайды. Қашқадарёнинг бу ирмоқлари юқори оқимидаги күп жойларда чукур ва тор водийда тез оқадиган типик төг дарёларидир. Тоғлардан текисликларга чиққач, дарёларнинг водийси кенгаяди. Улар чукур, кенг ва эни 300-400 м гача борадиган қайири бор ўзанларда оқади. Күп жойларда (айниқса қайир кенг бўлган жойларда) дарёларнинг ўзанлари тармоқланиб кетган. Уларнинг қирғоқлари тик ва баланд, лекин дарёларнинг күйи оқими томон пасайиб боради. Қашқадарёнинг ўнг қирғоқ томонида йирик ирмоқлар йўқ, фақат баланд бўлмаган Қоратепа тоғининг жанубий ён бағридан йигирмага яқин сой оқиб тушади. Бу сойлар тўрт ҳавзага бирлашган: Шўробсой (ҳавза майдони 49,4 км<sup>2</sup>), Макридсой (47,5 км<sup>2</sup>), Оёқчисой (125 км<sup>2</sup>) ва Қалқамасой (350 км<sup>2</sup>). Сув йиғилиш майдонлари кичик ва паст бўлгани сабабли бу сойларда жуда оз сув оқади. Шунинг учун ҳам қисқа вақт давом этадиган сел оқиш даврини ҳисобга олмаганда, улар Қашқадарёга етиб бормайди ёки етганда ҳам жуда оз сув келтириб қуяди.

Тўйиниши ва оқим режими бўйича Яккабоғдарё, Оқсув ва Тангхоз дарёлари Қашқадарё ҳавзасидаги сув йиғилиш майдони энг баланд жойлашган дарёлардир. Яккабоғдарёнинг сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 2702 м, Оқсувники 2444 м, Тангхоз дарёсиники эса 2170 м. Шунга кўра, бу дарёларнинг сув йиғилиш майдонларида 60 га яқин кичкина-кичкина (умумий майдони 20,3 км<sup>2</sup>) музликлар ҳосил бўлган. Музликларнинг асосий қисми Қашқадарё ҳавзасининг энг йирик музликлари ҳисобланган Северцев музлиги (1,4 км<sup>2</sup>) билан Ботирбой музлиги (1,3 км<sup>2</sup>) Оқсув дарёсининг сув йиғилиш майдонида жойлашган. Ўртача баландлиги жиҳатидан Яккабоғдарёнидан пастроқ бўлгани билан Оқсув дарёсининг йиғилиш майдонида баланд чўққилар кўпроқ (4000 м дан юқори бўлган баландликлар Оқсув дарёсининг сув йиғилиш майдонида 2,2% ни, Яккабоғдарёнида эса 0,2% ни ташкил этади). Тоғлардан чиқиш жойидан то Қарши воҳасига қадар Қашқадарёга унинг ўзидан ҳам серсув бўлган ирмоқлар: жумладан, Оқсув, Яккабоғ ва Тангхоз дарёлари келиб қўйилади. Қашқадарёнинг ўрта оқимидаги йиллик оқим миқдорининг деярли 80% ана шу ирмоқларнинг сувидан ҳосил бўлади. Шу сабабдан Қашқадарёнинг ўрта оқимидаги режими Оқсув, Яккабоғ ва Тангхоз дарёларининг режимига ўхшашиб (максимал сув сарфлари июнь ойида, минимал сув сарфлари эса декабр-январ ойларидаги кузатилади ва ҳоказо).

Қашқадарёнинг ўнг ирмоқларидаги сувлар кам ўлчанган, уларнинг режими яхши ўрганилмаган. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, Оёқчисойнинг ўртача сув сарфи 1,1 м<sup>3</sup>/сек, Қалқамасойники эса 2,30 м<sup>3</sup>/сек. Тўлиқ сувли даври март ойининг иккичи ярмида бошланади, сув сарфларининг ортиб бориши июнь ойининг охиригача давом этади. Сувнинг озайиши июль ойидан бошланиб, март ойининг охирига қадар давом этади. Йиллик минимал сув сарфлари март ойининг охирларида кузатилади. Июль-сентябр давридаги оқим март-июн давридаги оқимга нисбатан 190% ни, йиллик оқимга нисбатан эса 63,5% ни ташкил этади. Тўрт ой давомида йиллик оқимнинг ярмидан кўпроғи оқиб ўтади. (1-расм). Қашқадарё ҳавзасининг ирмоқларидан бири бўлган Варганза гидропостининг 1969 йил ва 1986 йилдаги бир йиллик гидрографиги (1-расм)

#### АДАБИЁТЛАР

1. В. Л. Шульц. – Ўрта Осиё гидрографияси. Тошкент, 1969.
2. Бугаев В.А. – Климат Средней Азии и Казахстан. Ташкент, 1946.
3. Воеиков А.И. – Климаты земного шара, в особенностях России. Избранные сочинения. Т. I, Изд. АН СССР, М.-Л., 1948.
4. Давыдов Л. К. – Колебания водоносности рек Средней Азии. Труды гидрометеор. отдела Ср. аз. Метеорол. Ин-та. Т. I. Ташкент, 1929.

қўрсатилган. 1969 йил серсув йил бўлганлигини эътиборга олсан, феврал ва август ойлари оралиғда эҳтимоллар назариясининг нормал тақсимланиш қонунияти билан таърифласа бўлади.

Ушбу февраль ва август ойларида сувнинг сарфи ўртача

$$\bar{Q} = \sum_{i=1}^n \frac{Q_i}{n}$$

$$= \mu \text{ ва дисперсияси } \sigma_Q^2 = \frac{\sigma^2}{n}$$


Сув сарфини ичида нормал тақсимланиш қонуниятининг хоссалари

Функцияниң характеристикаси  $Q_t = \exp(\mu t + \frac{\sigma^2 t^2}{2})$

Ўрта сувнинг сарфи  $\mu =$

Ишонч интервали (дисперсия) =  $\sigma^2 = \sigma^2$

Учинчи марказий момент =  $\mu_3 = 0$



1-расм. Қашқадарё ҳавзасининг сув сарфини ўлчайдиган таянч нуқтаси (гидропост) Варганзанинг гидрографиги (1969 ва 1986 й.)

Тўртинчи марказий моменти  $\mu = 3\sigma^4$

Коэффициент вариацияси  $\frac{\sigma}{\mu}$

Асимметрия коэффициенти  $\alpha_3 = 0$

Эксцесс коэффициенти  $\alpha_4 = 3$

1969 йилда ёқкан ёғинганичилик миқдори кўп бўлганлиги сабабли ойлардаги сувнинг сарфи Стандарт нормал Гаусс қонунияти бўйича тақсимланади. (сувни ўлчаш таянч нуқтаси – Варганза) 1986 йилда ёқкан ёғингарчилик миқдори кам бўлганлиги учун ойлардаги сувнинг тақсимланиши текис қонуниятга мос келади.

Ушбу мақоланинг янгилиги — ойлардаги сув сарфининг тақсимланиши эҳтимоллар назариясининг Гаусс қонуниятида ифодаланишида.

Ф. ДўСИЁРОВ, к.и.х.,

Ё. ШЕРМАТОВ, т.ф.н.,

А. СЕЙТОВ, PhD,

М. ШЕРБАЕВ, к.и.х.,

ИСМИТИ.

# СУГОРИШ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДА СУВ БЕРИШ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

The article provides information about a new way to increase the productivity of pumping stations based on the use of water ejectors.


Республикамиз Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари бўйича ҳозирги кунда мазкур Вазирлик тасарруфидаги 1623 та насос станцияси 2130 минг гектар сугориш майдонларига сув етказиб бермоқда. Ушбу насос станциялари бунинг учун ҳар йили 8,2 млрд. квт. соат гача бўлган миқдорда, яъни Республикаиздаги умумий энергия истемолининг 12-13% гача бўлган қисмини сарф қилмоқда. Бундан ташқари, насос станцияларидаги эксплуатация харажатлари йилдан-йилга ошиб кетмоқда, бу эса етказиб бериладиган сув таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Сугориш насос станцияларида сув бериш унумдорлигини ўзгартириш зарурати талаб қилинаётган сув миқдорига қараб тез-тез юзага келиб туради. Сув бериш унумдорлигини ёхтиёжга қараб камайтириш учун дросспеллаш (босим қувуридаги кулфакни қисман ёпиш) насослар сонини камайтириш, электродвигателга берилаётган электр энергияси кучланиш частотасини ўзгартириш (частотани бошқариш) каби усуллардан фойдаланилади. Лекин сув бериш унумдорлигини ошириш бирмунчча мушкул, бу ишни бир вақтда ишлайдиган насослар сонини ошириш, электродвигателни алмаштириш, ишчи ғилдиракни катта диаметрли ғилдиракка алмаштириш, частотани бошқаришни қўллаш каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Насослар сонини ўзгартириш сув бериш унумдорлигини катта миқдорда ошириш зарур бўлганда қўлланилади, кичик сув бериш қийматларида бу усул ўзини оқламайди. Электродвигателни, ишчи ғилдиракни алмаштириш насосларни бир мунча вақтга ишдан тўхтатишни талаб қиласди, шу сабабли сув сарфининг муайян қийматидан узок муддатларда фойдаланишда мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Сув бериш унумдорлигини частотани бошқариш (бу усульда насос вали айланишлари сони ўзгаради) орқали факат 15-25% гача ошириш мумкин, чунки насос ишчи ғилдирагининг сув оқадиган қисми оқим сарфининг оптимал миқдорларига мўлжалланганлиги туфайли айланишлар сонини белгиланган меъёрдан ортиқ ошириш насоснинг фойдали иш коэффициентини камайтиради, зўриқишишларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари бу усул катта харажатларни талаб қиласди.

Шу сабабларга кўра, насос станциясида сув бериш унумдорлигини кичик миқдорларда (15-30% гача) насос станциясини тўхтатмасдан, арzon ва самарали усуллар билан ошириш жуда долзарб масала сифатида юзага келмоқда.

Ушбу масаланинг ечими сифатида насос станцияларда сув бериш унумдорлигини кичик миқдорларда оширишга мўлжалланган эжектор билан жиҳозланган насос курилмасининг янги конструкцияси таклиф этилди. Ушбу курилма қўйидаги тартибда ишлайди (1-расм).



1 –расм. Эжектор билан жиҳозланган насос курилмаси.

Насос агрегати 2 одатдаги иш режимида, яъни сув бериш

унумдорлигини ошириш зарур бўлмаганда сувни 1 сўриш қувуридан олиб 3 босим қувурига тўғридан-тўғри узатади. Сув бериш унумдорлигини ошириш керак бўлганда босим қувуридаги 12 қулфак ёпилади, 10, 11 қулфаклар очилади ва сув оқими очик 11 қулфак орқали 8 сув бериш қувурига, ундан кейин 4 эжекторга етказиб берилади. Эжектор соплосидан катта тезлик билан чиқаётган сув оқими унинг 7 камерасига пастки бъефдаги сув босими туфайли 5 сув бериш қувури орқали келиб турган сув массасини 9 ҳайдаш қувурига, ундан 3 босим қувурига ҳайдаб беради. Бунда сув оқими ҳаракати 4 эжектор соплосидан чиқищдаги катта тезлик босими туфайли юзага келади.

Эжектор 9 сув ҳайдаш қувурининг насос 3 босим қувурига уланиш жойи 6 тескари клапандан кейин жойлашади.

Ушбу курилма ёрдамида ҳайдаб бериладиган сув сарфини аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Шу усуллардан фойдаланган ҳолда 5 сув бериш қувури орқали бериладиган сув сарфи  $Q_c$  қийматини қўйидаги формула билан аниқлаймиз.

$$Q_c = \frac{\eta_{\text{ж}} \cdot Q_i (I_i - I_A)}{\eta_i \cdot I_A}$$

Бунда,  $\eta_{\text{ж}}$  – эжекторнинг фойдали иш коэффициенти,  $\eta_{\text{ж}} = 0,25-0,35$ .

$Q_i$  – насос сув бериш унумдорлиги;


$H_i$  – насос напори;

$H_g$  – геометрик напор;

$\eta_i$  – насоснинг фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.)

Масалан,  $H_i = 40$  м,  $H_g = 25$  м,  $Q_i = 0,05 \text{ м}^3/\text{s}$ ,  $\eta_i = 0,8$  бўлганда  $Q_c = 0,007 \text{ м}^3/\text{s}$  ни ташкил этади, яъни насос станцияси сув бериш унумдорлиги ( $Q_i + Q_c$ ) 14% га ошади.

Насос станцияси эжектор билан ишлаганда насос агрегатининг иш режими 2 расмдаги график билан ифодаланади.



2 –расм. Насос агрегатининг иш режими графикиги

Насос агрегати одатдаги режимда ишлаганда унинг ишчи нуқтаси насос напор характеристики ( $H_A - Q$ )даги А нуқтада жойлашади ва сув сарфи қиймати  $Q_A$  га тенг бўлади.

Агрегат эжектор билан ишлаганда берилаётган қўшимча  $Q_c$  сув сарфи ҳисобига насос характеристикик янги кўринишга

( $H_B - Q$ ) келади. Бу пайтда эжекторда йўқолган напор ҳисобига қувурлар тизими характеристикиаси ҳам ўзгарида ва  $H'_{куе} - Q$  кўринишга келади. Бунда насос агрегатнинг янги ишчи нуқтаси В юзага келади ва насоснинг сув бериш унумдорлиги  $Q_B$  шу қийматга тенг бўлади. Бунда ушбу ишчи нуқта насос ф.и.к. юқори бўлиши учун  $Q_{min}$  ва  $Q_{max}$  оралиғидаги зонада жойлашиши керак.

Эжектор сув ҳайдаш қувурининг тескари клапандан кейин босим қувури билан бирлаштирилиши насос тўсатдан тўхтаб қолганда қувурдаги гидравлик зарбанинг ҳам олдини олиш имконини беради. Бу ҳолатда сув оқимининг тескари оқиши туфайли клапан ёпилади ва сув оқими босимининг таъсири эжектор тизими орқали пастки бъефга чиқариб юборилади.

Шундай қилиб, янги таклиф этилаётган усул қўидаги афзалликларга эга:

- катта харажатларни талаб қилмайди;
- насоснинг сув бериш унумдорлигини 10-20% ошириш имконини беради;
- насоснинг ф.и.к. га таъсири қилмайди;
- мазкур қурилма насос тўсатдан тўхтаб қолганда, гидравлик зарбани сўндирувчи мослама вазифасини бажаради.

**Б.УРИШЕВ,**

*Карши муҳандислик-иктисодиёт университети,*

**Ф.НОСИРОВ,**

**Ж.ДУСТМУРОДОВ,**

**П.ХОЛИЯРОВ,**

*ToшДТУ Термиз филиали.*

### АДАБИЁТЛАР

- Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Носиров Ф.Ж. Насосная установка с устройством для повышения ее производительности, Патент UZ FAP 01200, бюл. №5, 2017.
- Неминский М.Л. Применение эжекторов в гидротехнических сооружениях. – М.: Энергоатомиздат, 1985.
- Лямаев Б.Ф. Гидроструйные насосы и установки. «Машиностроение». Ленинградское отд., 1988.

**УЎТ: 631.6**

## ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Article ramsmatrivayutsya new modern and innovative methods oroschenie, pripomoschi which is achieved the possibility of continuous supply of water plants, while neohodimosti and batteries. Dispensing water during the irrigation period, allows you to create the necessary moisture regime, will increase urazhaynost crops.**

Томчилатиб суғориш Истроил давлатида 60-йилларнинг бошларидан бошлаб, кейинроқ бошқа бир неча Европа давлатларида кенг татбиқ этиб келинаётган суғориш технологияси ҳисобланади. Қисқа муддат ичida томчилатиб суғоришнинг бу усули жуда кўплаб давлатларнинг аграр соҳа мутахассисларини қизиқтириб келмоқда. Бу усулда суғориш кўплаб қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиб ривожланиши учун қулай бўлиши билан бирга тупроқ танламаслиги алоҳида эътиборга лойикдир.

Қишлоқ хўжалиги экинларини замонавий усулда суғориш технологияси тежамкор ва қулайлиги билан вилоят фермерларида, айниқса, боғдорчилик соҳаси мутахассисларида катта қизиқиши уйготмоқда.

Бундай имкониятлар кўпроқ изланиб, тежамкор технологияларни жорий этишига, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун кўпроқ сифатли ва арzon маҳсулот етиширишга ўндамоқда.

Суғоришнинг бу усули бўйича тажрибалар Тошкент Давлат аграр университети Андижон филиали ўқув-тажриба хўжалигининг 5 гектардан ортиқ майдонида олиб борилди. 2018 йилнинг баҳорида экилган олма ва бошқа мевали дараҳт кўчатлари дастлабки йилдан хосил нишоналарини кўрсатди, 2019 йилда тўлиқ ҳосил бера бошлади.

Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғориш технологияси сув ресурсларини тежаш, сув танқислигининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай технология кўлланганда, меҳнат сарфи, ўғит ва сув харажати сезиларли дараҷада камайиб, ҳосилдорлик ошади. Томчилатиб суғориш усулида сувнинг бир меъёрда тақсимланиши

натижасида ўсимлик сувга қонади, илдиз атрофидаги тупроқнинг намланиб туриши таъминланади. Минерал ўғит сув билан араплаштириб юборилади ва ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади.

Минерал ўғитларнинг сув орқали юборилиши ҳам ишчи кучи, озуқа ва вақтни тежаш имконини бермоқда. Сув сарфи жўяқ олиб суғоришга нисбатан кескин камайиб, мева сифати ва ҳосилдорлиги ошди.

Ўсимликнинг сувга ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини турли таркибли тупроқларда бир хилда қаноатлантиради ҳамда ўсимлик ва мевали дараҳтларнинг бир текисда ривожланишига имконият яратади.

Хозирги кунда бутун дунё аграр соҳа билан шуғулланувчи мутахассисларини суғоришнинг бу усули ўзининг тежамкорлиги ва кам меҳнат сарфланиши билан қизиқтириб келмоқда. Олимлар ва фермерлар ўсимликни томчилатиб суғориш сув ва ўғит билан керак пайтда ва керакли нормада таъминлаб меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодий самарадорликни ҳам ошириши дунё деҳкончилигига тан олинган бўлиб, бу сув ва энергия заҳираларидан унумли фойдаланишга имкон яратади.

Суғориш сувининг яроқлилиги трубопроводларнинг ишлаши ва тизимнинг ишлаш муддатларига боғлиқдир. Томчилатиб суғориша табиий ва сунъий сув манбаларидан ёки ерости сувларидан фойдаланилганлиги учун унинг тупроқса ва ўсимликка таъсири ҳамда суғориш тизими техника элементларига боғлиқ, айниқса, суғориш сувининг таркиби муҳим аҳамият касб этади. Бунда кўрсаткичлар қўидаги ГОСТ 2730-94 га мувофиқликни таъминлаши зарур:

- умумий минераллашганлик, мг/л;
- заҳарли ионларнинг концентрацияси, мг.экв/л;
- калий ва натрий катионларининг бир-бирига нисбати (мг/экв/л) ҳамма умумий катионларнинг миқдорига нисбатан (мг.экв/л), %;
- магний катионларининг (мг.экв/л), %; калий концентрациясига нисбати (мг.экв/л);
- хлорнинг таркибидаги анионлар миқдори ( $\text{Cl}^-$ ), мг.экв/л;
- сульфатлар миқдори ( $\text{SO}_4^{2-}$ ), мг.экв/л;
- карбонатлар миқдори ( $\text{HCO}_3^-$ ), мг.экв/л;
- оддий карбонатларда ишқорийлик ( $\text{CO}_3^{2-}$ ) ва токсик ишқорийлик ( $\text{HCO}_3^- - \text{CO}^{2+}$ ), мг.экв/л;
- РН миқдори;
- термодинамик потенциали;
- сувнинг ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ .

Суғориш сувининг сифати термодинамик кўрсаткичлар билан бир қаторда водород, натрий, кальций ионларининг фаоллиги натрийли-кальцийли миқдор билан (барқарорлик индекси  $I_0$ ).

Томчилатиб суғориш тизимининг элементлари таъсир қилиш даражаси бўйича сувнинг яроқлилиги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади, уларнинг таркиби ва қиймати муҳим ахамиятга эга. Агар сувнинг сифати талабларга жавоб бермаса, суғориш учун фақат мелиоратив чоралар кўрилганидан кейин фойдаланилади. Уларнинг мақсадга мувофиқлиги техник ва иқтисодий ҳисоб-китоблар билан тасдиқланиши керак.

Суғориш сувида тўхтатилган минерал ва органик моддаларнинг руҳсат этилган таркиби ва заррачаларнинг максимал ҳажми тешикларнинг ва автоматизация ускуналарининг ҳажмига боғлиқ. Суғориш сувида тўхтатилган зарраларнинг таркиби ва уларнинг ўлчамлари қўлланиладиган техник воситаларнинг техник шартлари билан тартибга солинади.

Узоқ вақт давомида томчилатиб суғориш давомида кувурларнинг нормал ишлаши учун профилактика чораларини кўриш керак, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Кувурларни вақти-вақти билан тозалаш, бу механик шикастланиш натижасида кувурга тушган ўғитлар, ёпишқоқ зарралар, сув ўтларининг қолдиқларини йўқ қилишга ёрдам беради. Бунинг учун қувур линияларининг учларини очиш ва тоза сув ҳосил бўлгунча ювилиши керак. Ювиш частотаси маълум шароитларга боғлиқ, аммо ойига бир марта ювишни ташкил этиш керак.

2. Сувни кислоталаш, бу сув чиқариш жойларининг калций тузлари билан тиқилиб қолишини олдини олади. Бунинг учун энг самаралиси нитрат кислотадир, унинг

суғориш сувидаги концентрацияси 0,5% дан ошмаслиги керак, яъни 1 литр суғориш сувига 5 литр тоза кислота керак бўлади. Ювиш давомийлиги 30 минут. Тоза сув билан ювиш учун бир хил вақт талаб этилади. Частотаси ойига бир марта ва ҳар доим суғориш мавсумининг охирида амалга оширилади.

3. Сув томчилари сув ўтлари ва органик моддалар билан бекилиб қолишининг олдини олиш учун хлорланади. Унда 12,5% хлор концентрациясидан иборат ноёб оқартириш воситасидан фойдаланиш яхши самара беради. 1  $\text{m}^3$  суғориш сувига керакли концентрацияни олиш учун 400 г суюқ оқартириш воситаси истеъмол қилинади. Ювиш частотаси ва давомийлиги сувни кислоталаш билан бир хил бўлади.

Суғоришнинг бу усулида бир вақтнинг ўзида сувни кислоталаш ва хлорлаш амалга оширилади.

Сувни иқтисод қилиш — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири. Айни пайтда тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига қишлоқ хўжалигини самарасиз юритиш, жумладан, сувни меъёрдан ортиқ ишлатиш, ернинг шўрланиши ва ифлосланиши ҳам киради. Суғориладиган ер шамол ва сув эрозиясига кўпроқ учрайди, бу эса унинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Томчилатиб суғориш технологияси ҳар гектар ҳисобига 21,8  $\text{km}^3$  сувни тежаш имкониятини ҳам бериши баробарида, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Тизим ишини таъминлаб туриш учун агроном, ирригатор, инженер (фермер хўжалигига уч киши) ва тизим операторлари (ҳар тизимга 9 киши) талаб этилади. Бу эса кўшимча ўн минглаб малакали иш ўрни дегани.

Қишлоқ хўжалигига томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш жараёнини тезлаштириш учун, назаримизда, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

— қишлоқ хўжалигига томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича асосий вазифаларни ва илфор хорижий тажрибани қамраб олган Концепцияни ишлаб чиқиши;

— фермер хўжаликларига томчилатиб суғориш тизимини ҳарид қилиш учун узоқ муддатли лизинг асосида қайтариладиган маблағлар ажратиш.

Хулоса килиб айтганда, суғоришнинг янги технологиялар асосида амалга оширилиши кам куч сарфлаб юқори ҳосил олиш имконини беради ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражасини оширади.

**А.БОТИРОВ,  
Ҳ.АБДУМУТАЛИПОВА,  
Ю.САТТИЕВ,  
Р.ЗОКИРОВ,  
ТошДАУ Андижон филиали.**

## АДАБИЁТЛАР

1. Артуқметов З.А., Х.Ш.Шералиев. “Экинларни суғориш асослари” Тошкент, 2007.
2. Артуқметов З.А. ва бошқалар. “Суғориш тармоқлари ва улардан фойдаланиш”. Тошкент, 2004 йил.
3. Мирзажонов К.М. “Сув бутун борлиққа ҳаёт бахш этар”. Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Тошкент, 2004.
4. Исаев А., Собитов А. “Тупроқ унумдорлигини яхшилашда замонавий агротехнологик усуулларни қўллаш”. А.Навоий номидаги нашриёт, 2016.
5. Ураимов Т., Очилов Э., Жумабоев З. “Деҳқончиликнинг илмий асослари”. Тошкент, 2014.

# ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ЧАЛИНГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ВА ОРГАНО- МАЪДАН КОМПОСТЛАРНИНГ ТУПРОҚ ДОНАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Бугунги кунда, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва муттасил ошириш, шунингдек, унинг структурали агрегатлар таркибини яхшилаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, такрорий ва оралиқ экинлар нафақат тупроқ унумдорлигини оширади, балки унинг сув-физик хусусиятларини ҳам яхшилади. Тупроқ унумдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – унинг агрофизик хусусиятлари, айниқса, тупроқнинг дона-дорлиги ҳисобланади.

Ирригация эрозиясига чалингган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган ерга экилган такрорий экинларни маъданли ва органо-маъдан компостлар билан турли меъёрларда озиқлантириш, уларнинг ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида, 2017–2019 йиллар

давомида ирригация эрозиясига чалингган типик бўз тупроқлар шароитида ҳар йили янги далада тажрибалар ўтказилмоқда. Тажриба 24 вариантдан иборат бўлиб, 1–12-вариантлар тупроқнинг ўртча ювилган, 13–24-вариантлар қиялиқдан ювилган заррачалар ўтирган қисмларида 3 қайтариқда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакчалар майдони 560 м<sup>2</sup>, шундан ҳисоб майдони 280 м<sup>2</sup> ни ташкил қиласди. Дала тажрибалари “Методика полевых опытов с хлопчатником”, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах”, “Методы агрохимических анализов почв и растений” номли манбаларда баён қилинган усусларда олиб борилди. Тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

2017–2019 йилларда тадқиқотлар ирригация эрозиясига чалингган типик бўз тупроқларда ўтказилган бўлиб, далаларни қиялик даражаси 2,0-дараҷани ташкил қиласди. Қўлланилган органо-маъдан компостлар меъёрларини тупроқ донадорлигига таъсирни такрорий экинлар турларига кўра турлича бўлиши маълум бўлди.

2017 йил шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган сояга маъдан ўғитлар N-60, P-90, K-60 кг/га меъёрларда қўлланилганда тупроқнинг ўртча ювилган қисмининг 0–30 ва 30–50 см қатламларида (5-вар.) тупроқ донадорлиги мавсум бошида тегишлича 18,1 ва 15,3 фоизни ташкил қиласа, мавсум охирида тупроқ қатламларига мутаносиб равишда 17,7 ва 14,9 фоизга тенг бўлди. Нисбатан юқоририк

1-жадвал  
Тажриба тизими, 2017–2019 йиллар

Тупроқни ўртча ювилган (1–12-вар.) ва қиялиқдан ювилган заррачалар ўтирган (13–24-вар.) қисмлари			
Вариант тартиби	Такрорий экин тури	Такрорий экинларда қўлланилган органо-маъдан компост меъёри, т/га	Такрорий экинларда қўлланилган НРК миқдорлари, кг/га
1 13	Назорат	Компостсиз, кузги шудгор	
2 14		Кузги хайдов остига гектарига 10 т компост солинди	
3 15		Кузги хайдов остига гектарига 15 т компост солинди	
4 16		Кузги хайдов остига гектарига 20 т компост солинди	
5 17	Соя	Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига компост солинмади	N-60, P-90, K-60
6 18		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 10 т компост қўлланилди	N-60, P-90, K-60
7 19		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 15 т компост қўлланилди	
8 20		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 20 т компост қўлланилди	
9 21	Картошка	Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига компост солинмади	N-180, P-150, K-100
10 22		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 10 тонни компост қўлланилди	N-180, P-150, K-100
11 23		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 15 тонни компост қўлланилди	
12 24		Кузги буғдойдан сўнг ҳайдов остига гектарига 20 тонни компост қўлланилди	

кўрсаткичлар маъдан ўғитлар фонида компост 15 т/га меъёрда қўлланилганда кузатилди. Бунда тупроқ донадорлиги мавсум бошида 18,4 ва 15,6%, мавсум охирида эса 20,0–16,3 фоизга тенг бўлди (7-вар.) ёки компост эвазига донадорлик 1,6 ва 0,7%, назоратга нисбатан эса 2,3 ва 1,4 фоизга юқори бўлди.

Компост меъёрлари 20 т/га. гача оширилганда тупроқнинг донадорлиги ҳайдов ва ҳайдов остики қатламларида мавсум охирида мос равиша 20,2 ва 16,4 фоизни ташкил қиласди ёки назоратга нисбатан 2,5 ва 1,5%, гектарига 15 т компост қўлланилган 7-вариантга нисбатан эса 0,2–0,1 фоизга ортган.

Қиялиқдан ювилган заррачалар ўтирган (аккумуляцияланган) тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см қатламларида сувга чидамли макроагрегатлар миқдори сояга фақат маъдан ўғитлар N-60, P-90, K-60 кг/га қўлланилган назоратдаги 17-вариантда мавсум бошида 19,8 ва 16,5%, мавсум охирида 19,1 ва 16,0 фоизни ташкил қиласди бўлса, маъдан ўғитлар фонида гектарига 15 т органо-маъдан компостлар қўлланилганда мос равиша 20,0 ва 16,7; 21,8 ва 17,3 фоизга тенг бўлди ёки назоратга нисбатан 2,7–1,3%, мавсум бошига нисбатан эса 1,8–0,6 фоизга кўпайганлиги маълум бўлди.

Ушбу кўрсаткичлар қиялиқнинг ювилган қисмидаги олинган маълумотларга таққосланганда мавсум охирида назорат вариантида 1,4–1,1%, сояга маъдан ўғитлар фонида 15 ва 20 т/га органо-маъдан ўғитлар компост қўлланилган варианtlарда 1,8–1,0 ва 1,7–1,0 фоизга

кўплиги кузатилди. Бундай ҳолатни қиялиқдан ювилиб тушган тупроқ заррачалари даланинг пастки қисмига ўтиши туфайли донадорликни ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўртача ювилган тупроқда тақорорий экин сифатида картошка экилган ва гектарига 180 кг азот, 150 кг фосфор, 100 кг калий қўлланилганда мавсум бошида тупроқнинг ҳайдов қатламида сувга чидамли агрегатлар миқдори 18,2 фоизни ва мавсум охирида 17,8 фоизни ташкил қилган бўлса, маъдан ўғитлар фонида 15 ва 20 т/га органо-маъдан компостлар қўлланилганда эса мутаносиб равишида 18,4 ва 19, 7; 18,6 ва 19,8 фоизни ташкил қилди.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, назорат вариантида мавсум бошига нисбатан охирига келиб тупроқ донадорлиги 0,4 фоизга камайган бўлса, аксинча органо-маъдан компостлар қўлланган варианtlарда 1,3 ва 1,2 фоизга органдилиги аниқланди. Шунингдек, мавсум охирида назоратга нисбатан органо-маъдан компостлар қўлланилганда 1,9 ва 2,0 фоизга кўпайганлиги ҳам маълум бўлди.

Қиялиқдан ювилиб тушган заррачалар ўтирган тупроқнинг 0–30 см қатламида картошкага N-180, Р-150, К-100 кг/га қўлланилганда донадорлик мавсум бошида 19,9%, мавсум охирида 19,4 фоизни ташкил қилган ҳолда 10, 15 ва 20 т/га органо-маъдан компостлар

қўлланилганда мос равишида 19,8 ва 21,0; 20,1 ва 21,2; 20,0 ва 21,3 фоизга тенг бўлди. Мазкур кўрсаткичлар мавсум охирига келиб назорат вариантидан донадорликни 0,5 фоизга камайганлигини, органо-маъдан компостлар қўллаганда эса 1,1 фоиздан 1,3 фоизгача назоратга нисбатан эса 1,6–1,9% органдилигини кўрсатди. Ҳайдалма қатлам остида ҳам тупроқ донадорлиги бўйича шундай қонуниятлар кузатилди.

Таъкидлаш керакки, қиялиқдан ювилган қисмига нисбатан қиялиқдан ювилиб тушган заррачалар ўтирган даланинг этак қисмида сувга чидамли макроагрегатлар миқдори назорат вариантида 1,6%, 10, 15 ва 20 т/га органо-маъдан компостлар қўлланган варианtlарда эса 1,6; 1,8 ва 1,9 фоизга оргтан. Изнанишнинг кейинги йилида ҳам шундай маълумотлар олинди.

Демак, кузги буғдойдан кейин тақорорий экилган соя ва картошка экинларига органо-маъдан компостлар қўлланилганда ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг донадорлиги яхшиланади ва келгусида экиладиган асосий экинларда юкори ва сифатли ҳосил этишириш учун мақбул шароит яратилади.

**Ш.НУРМАТОВ,  
қ.х.ф.д., профессор,  
А.РАХИМОВ,  
докторант, (ПСУЕАТИ).**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Методика агрохимических анализов почв и растений (Пятое изд. доп. СоюзНИХИ). – Ташкент, 1977. – 188 с.
2. Методика полевых опытов с хлопчатником (Пятое изд. доп. СоюзНИХИ). – Ташкент, 1981. – 246 с.
3. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах. - Ташкент, 1963. – 124 с.

УЎТ: 621.613.674:613.6

## ҒЎЗАНИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАР СОЛИШ ОРҚАЛИ ЭГАТЛАБ СУГОРИШДА СУВ МУВОЗАНАТИ ВА СУВ ИСТЕЪМОЛИ

The article presents the results of field studies conducted in the conditions of takir medium-saline soils of the Karshi steppe in order to establish the optimal parameters of irrigation technique against the background of the use of chemical reclamants.

Суформа дәжончилик билан шуғулланадиган кўпчилик мамлакатлар мутахассислари ва олимлари тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши кураш усуулларини ишлаб чиқиши бўйича қуидаги асосий йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар: сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келувчи суғориш тармоқларидан бўладиган сув истрофарчилигининг олдини олиш мақсадида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; ҳар хил кострукциядаги коллектор-дренаж тармоқларини қўллаш орқали тузларни тупроқ таркибидан олиб чиқиши; тупроқ шўрини ювишнинг илғор усуулларини қўллаш; тузга чидамли экинлар экиш ва уларнинг мақбул агротехникаларини қўллаш.

Шу билан бир қаторда, олдиндан суғориб келинаётган ерларда тупроқ-мелиоратив, агро-иқлим ва бошқа шароитларнинг ҳар хиллигини ҳисобга олган ҳолда бир хил шароит учун тупроқ унумдорлигидан унумли фойдаланиш усулини танлаш ва асослаш, уни тиклаш

тадбирларига дифференциал ёндашиш талаб этилади.

Хозирги шароитда қишлоқ ҳўжалигида алмашлаб экиш тизимининг ўзгариши, ердан йил бўйи узлуксиз фойдаланишининг йўлга қўйилиши муносабати билан экинларни суғориш тартиботи, тупроқдаги сув-туз таркибининг ҳам қисқа муддатли ва йил давомида олдинги даврлардан фарқли ўзгаришлар кузатилмоқда.

Биз Қарши чўлининг тақирисимон, оғир механик таркибли, ўрта даражада шўрланилган тупроқлари шароитида тупроқ шўрланишининг олдини олиш мақсадида кимёвий мелиорантларни қўллаган ҳолда тегишли суғориш тартиботини ишлаб чиқдик. Унга кўра тупроқка солинган кимёвий мелиорант тупроқ таркибида мавжуд бўлган тузларнинг ювилишини тезлаштиради. Биз қабул қилган чегаравий дала нам сифимига нисбатан 25, 50 фоиз оширилган меъёр орқали суғориш натижасида тузларнинг фаол қатламдан ювилиши тезлашади.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида тупроқ илдиз қатламида сув режимининг ўзгариши ва йўналишини

ўрганиш мақсадида тупроқ 0-100 см қатламида сув мувозанатининг алоҳида элеменлари аниқлаб чиқилди. Тадқиқот ўтказилган йиллар ўртача олинган қийматларига асосан тақосланётган варианлар кесимида пахта даласидан бўлган умумий сув сарфи 9677 м<sup>3</sup>/га дан (7 ва 8 варианлар) 10398 м<sup>3</sup>/га гача (1 вариант) бўлди. Тажриба натижаларидан кўринадики, тупроқ намлиги танқислигига нисбатан 25 ва 50 % гача меъёр ошиши билан бирлик майдондан сарфланадиган сув ҳажми камайиб боради. Яъни назорат вариантида сув сарфи 10398 м<sup>3</sup>/га бўлгани ҳолда полизтилен плёнка ва SPERSAL кимёвий мелиоранти ишлатилган 2 ва 3 варианларда сув сарфи 515 м<sup>3</sup>/га камайди.

Суғориш меъёри намлик танқислигига нисбатан 25% камайганда бу фарқ назоратга нисбатан 820 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди (4-вариант). Чигитни плёнка остига экиб, тупроққа 5 кг/га миқдорида SPERSAL препарати солинганда (5 ва 6 варианлар) умумий сув сарфлари орасидаги фарқ жуда кам бўлди ва 106 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди. Тажрибанинг худди шундай шароитида, аммо сув танқислигига нисбатан суғориш меъерини 50% оширганда (7 ва 8 варианлар) пахта майдонининг 1 гектарига назорат вариантига нисбатан 721 м<sup>3</sup> кам сув сарфланди.

Келтирилган умумий сув сарфи ҳажмларида атмосфера ёғинлари миқдори 1-, 2- ва 3-вариантларда деярли бир хил бўлиб, у 24,3-25,3% бўлди. Шуниси характерлики, намлик танқислиги 25% оширилган (5- ва 6- варианлар) ва 50% оширилган (7 и 8 варианлар) да умумий сув сарфидаги атмосфера ёғинлари ҳиссаси деярли бир хил, яъни тегишлича 19,6 и 18,6% бўлди. Сув сарфининг умумий ҳажмидаги суғориш сувининг ҳиссаси назорат вариантида 54,5% ни ташкил этди. Плёнка остига чигит экиглан (2-вариант) ва SPERSAL кимёвий мелиоранти ишлатилган (3 варианти), суғориш намлик танқислигига орқали амалга оширилган варианларда бу кўрсаткич бир хил, яъни 52% бўлди. Намлик танқислигига нисбатан 25% (5- ва 6- варианлар) ва 50% оширилган (7- ва 8-вариантлар) меъёр билан суғорилганда пахта майдони умумий сув сарфидаги суғориш сувининг ҳиссаси тегишлича 13,6 ва 18,2 фоизга тенг бўлди.

Тажрибанинг тегишли шароитлари орқали тақосланётган варианлар кесимида тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланиш 1- вариантда 5,9%; 2- 6,4 %; 3- ва 4- 6,4 %; 5- ва 6- 4,3 %; 7- ва 8- 3,4 фоизни ташкил қилди. Тажрибанинг 4 варианти, яъни намлик танқислигига нисбатан 25% кам меъёр билан суғоришда суғориш суви ва тупроқ намлиги тегишлича 31,2, 59,1 ва 9,7 % бўлиб, бу бошқа варианларга нисбатан анча юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, тупроққа солинган 5 кг/га меъёрдаги кимёвий мелиорант тупроқ сув режими ҳосил бўлиши ва йўналишига таъсир этмайди. Шу билан бирга суғориш меъерининг намлик танқислигига нисбатан 25 ва 50% оширилиши ва чигитни плёнка остига экиши натижасида

бирлик ҳосилни олиш учун сарфланган суғориш суви сезиларпи даражада камаяди.

Шундай қилиб, тажрибанинг биринчи йилида суғориш меъерининг намлик танқислигига нисбатан 25% ошиқ берилганда бирлик ҳосилни олиш учун тегишлича 168,1 ва 159,6 м<sup>3</sup> сув сарфланди. Тажрибанинг суғориш меъерининг намлик танқислигига нисбатан 50% ошиқ берилган 7- ва 8-вариантларида ушбу ҳажм 1 центнер пахта ҳосили учун 149,4 и 139,4 м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Кейинги икки йиллик тажрибаларда ҳам деярли шунга ўхшаш натижалар олинди. Уч йил давомида берилган мавсумий суғориш меъёрларининг ўртача қиймати бўйича суғориш сувининг умумий сув истеъмолидаги ҳиссаси назорат вариантида энг юқори эканлиги аниқланган.

Пахта даласининг сув мувозанатини ташкил этувчи элементлари дала тажрибалари ўтказилган йиллар учун аниқланди. Ғўзанинг амал даврида уч йил давомида тупроқда тегишли намлик захирасини таъминлаш мақсадида зарур бўлган табиий намлик ва суғоришлар кўринишида берилган сув миқдори, сизот сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ғўзанинг сув истеъмоли аниқлаб чиқилди. Тажриба варианларининг барчасида назорат вариантига нисбатан умумий сув сарфи кам бўлган. Бу ҳолат айниқса 4-, 7- ва 8-вариантларда яқоп намоён бўлди.

Тажрибаларда суғориш технологияларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида, ҳар бир вариант бўйича фенологик кузатишлар олиб борилди. Тажриба варианларида пахта ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 8,0-15,3 ц/га ошиқча олинганлиги кузатилди. Тажриба натижалари асосланиб қуйидагича холосаларга келиш мумкин:

Тақирсимон тупроқлар илдиз қатламида қониқарли даражадаги сув-туз режимини ғўзани эгатлаб суғориша «шўр ювиш» режимини ҳосил қилиш, чигитни плёнка остига экиши ва 5 кг/га меъёрда SPERSAL кимёвий мелиоранти солиш орқали ростлаш мумкин. Тупроққа SPERSAL препаратини солиб эгат устига плёнка қоплаш натижасида тупроқ профилида сувда эриган тузлар миграцияси суратининг кескин пасайиши кузатилди. Вегетация даври давомидаги суғоришлар натижасида юқоридан бўладиган фильтрация ҳисобига сувда эриган тузлар пастки қатламга ювилади. Бундан ташқари тупроққа препаратни солиши меъёри ва тузлар таркиби, уларнинг тупроқ илдиз қатламидан чиқиб кетиши ўртасида маълум бир боғлиқлик ўрнатилди. Тупроққа солинган SPERSAL кимёвий мелиоранти умуман олганда тупроқ сув режими ҳосил бўлиши ва йўналишига сезиларпи таъсир этмайди.

**М. АВЛАКУЛОВ,  
қ.х.ф.н., профессор,  
Т. ДОНИЁРОВ,  
кamatta ўқитувчи,  
ҚарМИИ.**

## АДАБИЁТЛАР

1. Авлакулов М. Закономерности динамики процессов влаги-солепереноса в почво-грунтах. //Международный научный журнал «Инновационное развитие» (Россия) № 5 (9) | май 2017. 41-44-с.
2. Авлакулов М., Дониёров Т.О. Изменение водно-солевого режима почв при поливе сельскохозяйственных культур по бороздам. Аграр соҳани истиқболли ривожлантиришда ресурстежковчи технологиялардан самарали фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман мақолалари тўплами. Андижон ш., 23- 2019 й. 24 сентябрь, 131-134-б.

# САЗАВОТ-ҒАЛЛА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА ТУПРОҚНИНГ ҲАЖМ МАССАСИ ВА ҒОВАКЛИГИ

Алмашлаб экиш дәхқончиликнинг муҳим таркибий қисмидир. У тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш ва экинларни бегона ўтлардан, заараркунанда ва касалликлардан, тупроқни эса турли даражада эрозиялардан ҳимоя қилиш тизимларининг асоси ҳисобланади. Биз Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаки сабзавот, тақориб экинлар, кузги буғдой экинларининг алмашлаб экишдаги ўрни, тупроқ унумдорлигига, тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш бўйича 2015-2018 йилларда дала тажрибалари ўтказилдик. Таъжира даласи тупроғи меҳаник таркиби ўртача кумоқ, қадимдан сугориладиган, шўрланмаган. Сизот сувлари ер юзасидан 4-5 м. пастда жойлашган.

Тадқиқотлар қисқа навбатли (1:1) алмашлаб экишнинг сабзавот-ғалла тизимида олиб борилиб, тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $240\text{ m}^2$  (узунлиги 50 метр, эни 4,8 метр), шундан ҳисобга олиш майдони  $120\text{ m}^2$  ни ташкил этиб, 3 тақрорлашда олиб борилди. Умумий майдони 1,15 гектарни ташкил этди.

## 1-жадвал

Эртаки сабзавот, тақрорий экинлар ва кузги бүгдойнинг тупроқ ғовакдорлигига таъсири, %


№	Дастлабки күрсаткычлар		Эртаки сабзавот экинлари амал даври охирида		Такрорий экинлар		Күзги бүгдой амал даври охирида			
			Амал даври охирида							
	0-30 см	30-50 см	0-30 см	30-50 см	0-30 см	30-50 см	0-30 см	30-50 см		
1	51,2	49,2	48,7	47,2	-	-	-	47,3	45,2	
2	51,2	49,2	46,8	45,8	-	-	-	46,6	45,6	
3	51,2	49,2	48,3	46,8	-	-	-	46,7	45,1	
4	51,2	49,2	46,8	45,3	-	-	-	46,7	45,7	
5	51,2	49,2	48,5	47,0	49,7	47,0	48,3	46,9	48,0	45,8
6	51,2	49,2	46,7	45,9	49,5	45,7	47,4	45,4	46,7	45,6
7	51,2	49,2	48,2	46,7	49,4	46,8	48,3	45,9	47,8	44,5
8	51,2	49,2	46,8	45,3	48,9	45,7	47,6	45,7	46,4	45,3
9	51,2	49,2	48,8	47,2	49,9	47,7	48,5	47,0	48,4	45,1
10	51,2	49,2	46,7	46,0	49,5	46,7	47,4	46,3	46,9	44,9
11	51,2	49,2	48,1	46,6	49,1	46,9	48,7	46,0	48,0	44,8
12	51,2	49,2	46,7	45,2	49,8	46,0	48,0	45,2	47,1	45,2
13	51,2	49,2	48,8	47,3	50,0	46,8	47,6	45,7	46,4	44,5
14	51,2	49,2	46,8	45,9	49,5	45,8	46,7	45,6	45,4	44,0
15	51,2	49,2	48,3	46,8	49,3	46,3	47,1	45,1	46,5	44,4
16	51,2	49,2	46,8	45,2	49,1	46,4	46,2	45,5	45,0	44,2

Тажрибада эртаки сабзавот экинлари картошка, карам, бодринг, сабзи экинлари экилиб, ҳосил йиғиштириболингач, тақрорий экинларни экишучундала 22-24 см чуқурликда ҳайдалгандан сўнг, варианларда тупроқ ҳажм массаси аниқланганда ҳайдов қатламида ҳажм масса  $1.30-1.32 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ҳайдовкости катламида

1,35-1,41 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди. Такрорий экинларнинг амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, тажрибанинг барча варианatlарида тупроқнинг ҳажм массасининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,05-0,06 г/см<sup>3</sup> га ошганлиги кузатилди. Жумладан, тажрибанинг картошка+мош парвариш қилинган варианatlарида ҳажм масса дастлабки кўрсаткичга нисбатан 0,04 г/см<sup>3</sup> га зичлашган бўлса, карам+мош экилган варианatlарида 0,05 г/см<sup>3</sup> га, бодринг+мош экилганда 0,03 г/см<sup>3</sup> га, сабзи+мошда эса 0,04 г/см<sup>3</sup> га зичлашганлиги аниқланди. Худди шунингдек, картошка, карам, бодринг ва сабзидан кейин соя экилганда тегишли равишда 0,03; 0,05; 0,01; 0,05 г/см<sup>3</sup> га, маккажӯхори экилганда 0,06; 0,07; 0,06; 0,07 г/см<sup>3</sup> га ҳажм массасининг ошганлиги кузатилди. Демак, тупроқнинг ҳажм массаси мош ва сояни сабзавот экини бодрингдан сўнг экилганда бошқа сабзавот экинларига нисбатан яхшилангани аниқланди.

Такрорий экинлар ҳосили йигиштириб олинганидан сүнг кузги буғдой экилиб, парваришиланди. Кузги буғдой амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, соянинг ўрнида буғдой парваришиланган варианларда тупрокнинг ҳажм массаси  $1,34-1,37 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар мosh фонида экилган варианларда  $1,35-1,39 \text{ г}/\text{см}^3$  ни, яъни мosh экилган варианларда тупрок ҳажм массаси  $0,03-0,05 \text{ г}/\text{см}^3$  га, соя экилган варианларда  $0,01-0,04 \text{ г}/\text{см}^3$  га, маккажӯхори экилган варианларда  $0,06-0,07 \text{ г}/\text{см}^3$  га зичлашгани кузатилди. Демак, такрорий экинлардан соя экини тупроқни мoshга нисбатан  $0,02-0,03 \text{ г}/\text{см}^3$  га, маккажӯхорига нисбатан  $0,05-0,06 \text{ г}/\text{см}^3$  га кам зичлаштириши аниқланди.

Демак, хулоса қилиш мүмкінки, сабзавот-фалла алмашлаб екиш тизимида тупрекнинг ҳажм массасини нисбатан яхши ва меъёрида бўлиши учун экинларни алмашлаб екишда эртаки бодрингдан кейин тақрорий экинлар соя ва мошни экиб, кейин кузги буғдой екиш максадга мувофиқидир.



**1-расм.** Эртаки сабзавот, тақорой экинлар ва күзги бүгдөйнинг түпнок хажм массасига таъсирли

Сабзавот-ғалла алмашлаб экишнинг эртаки сабзавотлар (картошка, карам, сабзи, бодринг), такорий экинлар (мош, соя, маккажӯхори), уларнинг фонида кузи бўғдой етиширилган тажрибада ҳар бир экинни амал даври бошида ҳамда охирида тупроқнинг ғоваклиги ҳам ўрганилди. Такорий экинларни амал даври бошида олинган маълумотларга кўра, ҳайдов катламидатупроқнингдастлабкиғовакликкўрсаткичлари 48,9-50,0% ни ташкил этиб, тажрибанинг амал даври охирида олинган натижалар такорий дуккакли-дон экинларни тупроқнинг ғоваклик даражасига ижобий таъсири этганлиги кузатилди. Олинган маълумотларга

кўра, картошкадан кейин мош экилган вариантларда ғоваклик 48,3% ни ташкил этган бўлса, картошкадан кейин соя экилган варианта 48,8% ни, картошкадан кейин маккажўхори экилган варианта эса 47,6% ни ташкил этиди. Карамдан кейин мош, соя ва маккажўхори экилган вариантларда тегишлича 47,4; 47,4; 46,7%, сабзидан кейин мош, соя ва маккажўхори экилган вариантларда 47,6; 48,0; 46,2% бўлганлиги кузатилди. Маълумотларга янада аниқлик киритадиган бўлсак, эртаки картошкадан кейин соя, мош, маккажўхори парваришланган вариантларда амал даври охирига келиб тупроқнинг ғоваклиги эртаки карамдан кейин соя, мош, маккажўхори экилган вариантларга нисбатан ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,1-1,4% гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 0,7-1,4 % гача юқори бўлди. Худди шундай маълумотлар эртаки бодрингдан кейин соя, мош, маккажўхори парваришланган вариантларда ҳам кузатилиб, тупроқнинг ғоваклиги эртаки сабзидан кейин соя, мош, ва маккажўхори экилган вариантларга

нисбатан ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,4 - 0,9% гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 0,2-0,8% гача яхшилангани аниқланди.

Маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида алмашлаб экишини 1:1 тизими жорий этилган майдонларда эртаки сабзавот турларидан картошка ҳамда бодринг етиштириб, ўрнига таракорий экин сифатида соя ва мош, ундан сўнг кузги бўғд парваришланганда тупроқнинг ҳажм массаси ҳамда ғоваклиги бошқа вариантларга нисбатан 0,8-1,3% га яхшиланиб, юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди.

**Ф.РАСУЛОВА,**  
ТошДАУ Андижон филиали  
камта ўқитувчиси,  
**Б.ХАЛИКОВ,**  
к.х.ф.д., профессор.

**УЎТ: 631.55.631**

## **АСОСИЙ ЭКИН ЛОВИЯДАН КЕЙИН ЭКИЛГАН “АНДИЖОН-37” ВА “ЎЗПИТИ-201” ҒЎЗА НАВЛАРИГА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

**ACCORDING TO RESEARCH RESULTS, IN THE TREATMENT WHERE THE SUMMER CROP PHASELEOUS WERE GROWN  
THE HUMUS CONTENT INCREASED BY 0.039 TO 0.053% IN COMPARISON WITH TREATMENT WHERE ONLY COTTON WERE  
GROWN. IN RESEARCH IT WAS OBSERVED THAT THE SOIL FERTILITY WERE INCREASED.**

Таъкидлаш жоизки, вегетация даври узун бўлган бир йиллик оддий ловияни асосий экин сифатида эмас балки, таракорий экин сифатида ва уни анғиз ҳамда илдиз қолдиқларини тупроқ озиқ моддаларини бойтишидаги аҳамияти, кейинги йили экилган ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, паҳта ҳосилига таъсири бўйича саноқли илмий тадқиқотлар ўтказилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, айрим илмий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, ғўза-ғалла қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларида ловия таракорий экин сифатида паваришланган вариантларда унинг илдизларида яшайдиган туганнок бактерияларнинг фаолияти натижасида 80–120 кг/га азот тўпланиши ва тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшиланиши ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошиши кузатилган. Шунингдек, ловиядан кейин экилган кузги бўғдойнинг фитосанитар ҳолати ахшиланган, бўғдой ҳосили ва сифатига ижобий таъсири этиши аниқланган .

Мазкур тадқиқот ишида 1-йили асосий дуккакли экин маҳаллий ловия экилди. 2- ва 3-йили ловиянинг фонига “Андижон-37” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларига тупроқ унумдорлигини таъсири аниқлаш мақсадида 2015–2017 йилларда ПСУЕАТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг тажриба хўжалигига дала тажрибаси ўтказилди.

Тажриба далалари эскитдан суғорилиб келинган, оч тусли бўз тупроқ бўлиб, механик таркиби ўртача қумоқ, сизоб сувлари ер сатҳидан 4–5 м пастда жойлашган, ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 0,9–1,0 фоизни ташкил қиласди. Вариантлар уч қайтариқли, бир яруса жойлашган, ҳар бир бўлакчанинг умумий майдони 200 м<sup>2</sup>, ҳисобий майдони 100 м<sup>2</sup> ни ташкил қиласди.

Барча таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида олиб борилди. Тажриба маълумотлари Б.А.Доспеховнинг (1985) “Методика полевого опыта” услуби асосида математик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига қараганда, 2015 йил ловия парва-

ришидан кейин экилган ғўзани амал даври бошидаги ловия парваришланган ӯғитсиз варианта ловиянинг фвқат анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳисобига тўплланган озиқ моддалар тупроқнинг ҳайдов қатламида (0–30 см) гумус миқдори 0,692%, ҳайдов ости қатламида эса (30–50 см) 0,680% азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари ҳам тупроқ қатламига тегишли равища азот 0,078 ва 0,070; фосфор 0,172 ва 0,164 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

Ғўзанинг амал даврини охирига келиб, бу варианта ӯғит солинмаганлиги ҳисобига, тупроқ қатламларига мутаносиб равища гумуснинг 0,031 ва 0,018 фоизи, азотнинг 0,012 ва 0,020 фоизи, фосфорнинг 0,011 ва 0,008 фоизи сарфланганлиги аниқланди.

Ловиянинг ӯғитсиз варианти (3–4-вариантлар) бўйича шундай хулоса қилиш мумкинки, Ловиянинг ӯғитли вариантида парваришланган ғўзанинг амал даври бошидаги тупроқ намуналирининг таҳлил натижаларига қараганда, гумус миқдори ӯғитсиз варианта нисбатан 0,031 ва 0,035%, азот 0,010 ва 0,011%, фосфор 0,016 ва 0,013 фоизга кўпроқ тўплланганлиги маълум бўлди.

Ғўза амал даврининг охирига келиб, ловиянинг анғиз ва илдиз қолдиқлари ва маъдан ӯғитлар ҳисобига озиқ моддалар билан таъминланганлиги юқори бўлганлиги сабабли, ӯғитсиз варианта нисбатан уларни иккى баравар кам сарфланганлиги аниқланди. Чунончи, тупроқ қатламларига мутаносиб равища гумуснинг 0,012 ва 0,010 фоизи, азотнинг 0,008 ва 0,004 фоизи, фосфорнинг 0,004 ва 0,005 фоизи сарфланганлиги аниқланди.

Бошқача айтганда, ловия парваришланган ӯғитли фонда ловиянинг анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда ӯғитланганлиги сабабли озиқ моддалар заҳираси кейинги йил учун ҳам етарли бўлиши маълум бўлди.

Ловия фонидаги вариантыларни ғўза якказироати вариантылари билан таққослагандан, ловия фонининг ӯғитсиз вариантидаги (3–4-вариантлар) фақат анғиз ва илдиз қолдклари ҳисобига

тўпланган гумус миқдори тупроқ қатламларига тегишли равищаға якказироатининг ўғитли вариантига нисбатан 0,039 ва 0,053 фоизга, ўғитсиз якказироатга нисбатан эса 0,071 фоизга кўпроқ эканлиги аниқланди. Шунингдек, тупроқ қатламларига тегишли равища умумий шаклдаги азот 0,002 фоизга, умумий шаклдаги фосфор 0,009 ва 0,007 фоизга кўпроқ тўпланганини кузатилди.

Демак, ўғит солинмаган ловия фонида тупроқ унумдорлиги сақланган ҳолда мақсадга мувофиқ пахта ҳосили етишириш мумкинлиги маълум бўлди.

Ловия фонининг ўғитли вариантилари бўйича шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бунда анғиз ва илдиз қолиқлари ҳамда маъдан ўғитлар қўлланилганлиги боис гумус ва умумий шаклдаги озиқ моддалар энг кўп тўпланди. Натижада шу вариантиларда энг юқори пахта ҳосили етиширилди (5–6-вариантлар).

2017 йилги тажриба натижаларига қараганда айниқса, ғўза якказироатидаги ўғитсиз вариантда тупроқнинг 0,30 см қатламида жами 3 йилда гумус 0,033 фоизга, умумий шаклдаги азот 0,016 фоизга, умумий шаклдаги фосфор 0,017 фоизга, шунингдек, ўғитли вариантда ҳам тупроқнинг 0,30 см қатламида жами 3 йилда гумус 0,022 фоизга, умумий шаклдаги азот 0,011 фоизга, умумий шаклдаги фосфор 0,010 фоизга камайиши аниқланди (1–2-вариантлар).

Демак, ғўза якказироатида иккала ўғит муҳитида ҳам тупроқ унумдорлигини сезиларли пасайиб бориши кузатилмоқда. Ловия фонида эса органик қолдиқларнинг парчаланиши ва чириши натижасида озиқ моддалар билан бойиб борганилиги ҳисобига ғўза якказироатидаги вариантиларга нисбатан ловиянинг ўғитсиз вариантида тупроқ унумдорлигини сақланиши, ўғитли вариантида тупроқ унумдорлигини ошиши маълум бўлди (1 ва 2-жадваллар).

Озиқ моддаларнинг худди шундай қонуниятлари уларнинг ҳаракатчан шаклларида ҳам қайд этилди. Тупроқ намуналарини ғўзанинг амал даврини бошидаги таҳлилларида ҳаракатчан нитратларнинг миқдори ловия фонидаги ўғит солинмаган вариантининг (3–4-вариант) 0–30 ва 30–50 см тупроқ қатламлариди 12,77 ва 8,26 мг/кг. гача азотли озиқа моддалар, 10,38 ва 10,19 мг/кг. гача фосфорли озиқ моддалар, 120 ва 80 мг/кг калийли озиқ моддалар мавжудлиги аниқланди.

Амал даврини охирига келиб, тупроқдаги мавжуд табиий унумдорлиги ва бошқа омиллар таъсирида ҳаракатчан азот 15, 88 ва 10,57; ҳаракатчан фосфор 14,88 ва 10,77; алмашинувчи калий

100 ва 70 мг/кг. ни ташкил қилиб тупроқнинг олдинги унумдорлик ҳолати сақланиб қолди.

Ғўза якказироатининг ўғитли вариантида (2-вариант) ҳам шунга ўҳшаган натижалар олинган бўлсада, озиқ моддалар фақат мадан ўғитлар ҳисобига сақланиши маълум бўлди.

Шунингдек, ловия фонидаги ўғитли вариантининг (5–6-вариант) 0–30 ва 30–50 см тупроқ қатламлариди ғўзанинг амал даврини бошидаги таҳлилларида ҳаракатчан нитратларнинг миқдори 17,92 ва 13,56 мг/кг, ҳаракатчан фосфор миқдори 23,65 ва 20,44 мг/кг, алмашинувчи калий миқдори 180 ва 161 мг/кг мавжудлиги кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, дуккакли экин ловия фонидаги вариантиларни ғўза якказироати вариантилари билан таққослагандага, ловия фонининг ўғитсиз вариантидаги (3–4-вариантлар) фақат анғиз ва илдиз қолдклари ҳисобига тўплангани гумус миқдори тупроқ қатламларига тегишли равищаға якказироатининг ўғитли вариантига нисбатан 0,039 ва 0,053 фоизга, ўғитсиз якказироатга нисбатан эса 0,071 фоизга кўпайиб, тупроқ унумдорлигини сезиларли ошганлиги кузатилди.

**А.ҲАЙДАРОВ,**  
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,  
**Н.ЎРАЗМАТОВ,**  
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,  
(ПСУЕАИТИ Андижон ИТС).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Саримсоқов М.М. Такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири // "Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза мажмуидаги экинларни парваришлашда маңба тежовчи агротехнологияларни жорий этишнинг аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. – Тошкент, 2012.

2. Саримсоқов М.М., Ахмеджанов Д.Ф. Дуккакли дон экинлар кўшимча даромад маңбаи // "Иrrigation va мелиорация" журнали. – Тошкент, 2016. – № 4. – 6 б.

3. Саримсоқов М., Маликова О., Саримсоқова М. Бир майдонда ҳам дон, ҳам пахта етишириш омиллари // "Агро илм" журнали. – Тошкент, 2018. – № 1 (51). – Б. 35-36.

4. Ҳалилова Л., Отаёрова Г., Равшанова Н. Такрорий экиш учун ловиянинг янги навлари // "Агро илм" журнали. – Тошкент, 2018. – № 1 (51). – Б. 37-38.

УЎТ: 631.416.1 : 631.417.1

## МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАРНИНГ “ҒЎЗА-КУЗГИ БУҒДОЙ” ТИЗИМИДА АЗОТ МУВОЗАНАТИГА ТАЪСИРИ

The article presents materials on the impact of the use of mineral fertilizers and various norms of manure on the nitrogen balance in the short-rotational rotation "cotton-winter wheat". It is shown that when using only mineral fertilizers, the nitrogen balance is formed with a deficit. When using manure at a rate of 10 t / ha in combination with mineral fertilizers, there is a deficient nitrogen balance. With an increase in the manure rate to 20 t / ha and its combination with mineral fertilizers, a positive nitrogen balance in the "soil-fertilizer-plant" system is ensured.

Агрокимё фанининг асосий вазифаларидан бири агроценоизда озиқа моддалари мувозанатини аниқлаш орқали биоген элементларнинг айланиши йўналиши ва тупроқ-ўсимлик тизимига антропоген таъсирининг жадаллигини баҳолашдир.

Деҳқончиликда озиқа моддалари айланиши ва мувозанати муваммолари тадқиқчиларни илгаридан қизиқтириб келган бўлиб, бу йўналишдаги тадқиқотлар Ю. Либихнинг "тупроқ унумдорлигини сақлаш учун ундан ҳосил билан олиб чиқилган барча моддаларни унга қайтариш зарур"лиги тўғрисидаги таълимоти эълон қилингандан кейин ривожланди.

Ушбу таълимот асосида деҳқончиликни кимёлаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги кескин

ошди. Лекин, минерал ўғитларни турили меъёр ва нисбатларда қўллаш натижасида озиқа элементларининг мувозанати дефицитли, дефицитсиз ёки ижобий бўлиши мумкинлиги сабабли деҳқончиликда озиқа элементларининг самарали айланиши учун зарур шароитларни яратиш ва уларнинг ижобий мувозанатига эришиш асосий вазифалардан бири деб белгиланди.

Кейинги йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари деҳқончиликда минерал ўғитларни ортиқча меъёрларда қўллаш атроф-муҳитни ифлосланишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатди.

J.M. Terres, P. Campling, S. Vandewall, J. Van Orshovenлар

Европа иттифоқи мамлакатлари дарёлари ҳавзалари бўйича қишлоқ хўжалигида азотнинг кирим ва чиқим қисмларини таҳлил қилиб, ҳавзанинг азот бирикмалари билан ифлосланишида минерал ўғитларнинг улуши, ўрта ҳисобда 75%, органик ўғитларни 13%, атмосфера ёғинларини 12% эканлигини кўрсатган [4].

Атроф-муҳитнинг ифлосланишига минерал ўғитлар кучли таъсир кўрсатаётганилиги озиқа элементлари мувозанатига бўлган муносабатни ўзгартириди, илгари озиқа элементларининг ижобий мувозанатини таъминлаш орқали экинлардан ююри ҳосил олишга ҳаракат қилинган бўлса, ҳозирги даврда экинлардан барқарор ҳосил олиш, озиқа элементларининг дефицитсиз мувозанатини таъминлаш йўли билан атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш асосий вазифа деб қаралмоқда.

Хусусан, В.Н. Кудеяров ва Н.М. Семеновларнинг таъкидлашича, интенсив дехқончилик шароитларида озиқа элементлари мувозанати ижобий бўлган тақдирда атроф-муҳитнинг ифлосланиши эҳтимоли ошади.

Renata Gaj, Nacer Bellaloui лар Польша ва Миссисипи (АҚШ) да азот ва фосфор мувозанати ҳар бир озиқа элементидан самараали фойдаланиш, тупроқ типи ва озиқа манбасига боғлиқ бўлиб, ижобий мувозанат бўлган тақдирда экологик муаммо юзага келишига, дефицитли мувозанат бўлганда эса даромад камайишига потенциал имконият яратилади, интеграциялашган дехқончилик тизимида чорвачилик чиқинчиларидан фойдаланиш нафақат дехқончилик, балки чорвачилик учун ҳам энг мақбул тизим, деган холосага келишган.

Интенсив дехқончилик шароитларида озиқа элементларининг мувозанатини аниқлаш ўғитлаш тизимларини такомиллаштириш билан бирга, ўғитларга бўлган талабни аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришни режалаштириш ва худудлар бўйича тақсимлаш имкониятларини беради.

Бу ҳолат, республикализмнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида қўлланилаётган ҳар бир алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимларидан жорий этилган ўғитлаш тизимларини мақбуллаштириш учун озиқа элементларининг мувозанатини аниқлашни тақозо этади.

Тадқиқотлар, Тошкент вилоятининг эскидан сугориладиган типик бўз тупрокларида “ғўза-кузги бўғдой” тизимида 3 йил давом этди. Бунда, 1, 2- йилларда ғўзанинг С-6534 нави ва 3-йилда кузги бўғдойнинг “Замин-1” нави парваришланган дала тажрибаси шароитида ўтказилди. Тажрибада, ўғитсиз назорат, PK, NPK, NPK+5 т/га гўнг (2,5 т/га 1-йил ғўзага, 2,5 т/га 3-йилда кузги бўғдойга), NPK+10 т/га гўнг (5 т/га 1-йил ғўзага, 5 т/га 3-йилда

кузги бўғдойга), NPK +20 т/га гўнг (10 т/га 1-йил ғўзага, 10 т/га 3-йилда кузги бўғдойга) варианлар ўрганилди. Бунда, минерал ўғитлар меъёрлари гўза учун  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кузги бўғдой учун  $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га. ни ташкил этди. Тадқиқотларда азот мувозанати 3 йил давомида, тажрибанинг ҳар бир йилида ўрганилди. Қўйида, 3 йил давомида қўлланилган минерал ва органик ўғитларнинг азот мувозанатининг 3 йиллик йигиндинисига таъсири тўғрисидаги маълумотларни келтирамиз.

Минерал ўғитлар билан органик ўғит – гўнгни биргаликда қўллаш “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанатига кучли таъсир кўрсатди.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ўғит берилмаган назорат вариантида азотнинг кирими 48,48 кг/га, чиқими 157,48 кг/га. ни ташкил этиб, азот мувозанати – 109 кг/га дефицитга эга бўлиб, салбий бўлди.

Фақат фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилган вариантда азот мувозанати янада кўпроқ дефицитга эга бўлди. Бунда, азотнинг кирими 52,96 кг/га, чиқими 197,19 кг/га ни ташкил этиб, азот дефицити – 144,2 кг/га. га тенг бўлди. Бу ҳолатни фосфорли ва калийли ўғитлар берилганда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши кучайиши натижасида уларнинг азотга бўлган талаби ошади деб изохлаш мумкин.

Фақат минерал ўғитлар (NPK) берилган вариантда азотнинг дефицити -11,32 кг/га. ни (кирим 659,76 кг/га, чиқим 197,19 кг/га), минерал ўғитлар билан биргаликда гўнг 5 т/га меъерида қўлланилганда азот дефицити (кирим 683,42 кг/га, чиқим 685,77 кг/га, дефицит - 2,35 кг/га) камайди, лекин мувозанат салбий бўлди.

Минерал ўғитлар билан бирга гўнг 10 т/га меъерида берилганда азот мувозанати +5,28 кг/га (кирим 705,7 кг/га, чиқим 700,42 кг/га) ни, яъни дефицитсиз, 20 т/га меъерида берилганда эса азот мувозанати +27,04 кг/га ни (кирим 747,57 кг/га, чиқим 720,53 кг/га) ташкил этиб, бу вариантларда азот мувозанати ижобий бўлди (жадвал).

Вариантлар	Кирим*			Чиқим*			Сумма		Мувозанат
	2012	2013	2014	2012	2013	2014	кирим	чиқим	
	ғўза	ғўза	кузги бўғдой	ғўза	ғўза	кузги бўғдой			
$N_0P_0K_0$	14,19	14,09	20,2	39,71	39,88	77,89	48,48	157,48	-109
PK	15,39	15,17	22,4	55,89	54,61	86,69	52,96	197,19	-144,23
NPK	224	223,26	212,5	227,63	224,19	219,26	659,76	671,08	-11,32
NPK + 5 т/га гўнг	234,11	223,31	226	234,1	225,46	226,21	683,42	685,77	-2,35
NPK + 10 т/га гўнг	244,28	223,42	238	239,97	226,39	234,06	705,7	700,42	5,28
NPK + 20 т/га гўнг	264,39	223,58	259,6	246,8	227,95	245,78	747,57	720,53	27,04

“Ғўза-кузги бўғдой” тизимида азот мувозанати, кг/га

\*- кирим ва чиқимни ҳисоблашда барча манбалар ҳисобга олинди.

**А.БАИРОВ,**  
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти бўлим мудири.

**Х.НУРИДДИНОВА,**  
кичик илмий ходим.

## АДАБИЁТЛАР

1. Кудеяров В.Н., Семенов В.М. Агрохимические исследования в институте физико-химических и биологических проблем почвоведения РАН // Проблемы агрохимии и экологии. – Москва, 2013. – № 4. – С. 16-24.

2. Либих Ю. Химия в приложении к земледелию и физиологии. – М. -Л.: Сельхозгиз, 1936. – 408 с.

3. Орлов Д.С., Лозановская И.Н. Азот почвы: стратегия и тактика. Ж. Химия и Жизнь. – Москва, 1982. – №3. – С. 27-30.

4.J.M. Terres, P. Campling, S. Vandewall, J. Van Orshoven. Calculation of Agricultural Nitrogen Quantity for EU River Basins. Final Report: EUR 20256 EN. EUROPEAN COMMISSION DIRECTORATE GENERAL JOINT RESEARCH CENTRE – ISPRA. Institute for Environment & Sustainability Land Management. Framework contract: 17408-2000-12 F3ED ISP BE on the provision of expertise in the field of Agri-Environment. Spatial Application Division. KU Leuven Research& Development. 2010-03-29. p. 5.

# ТЕКИСЛАНГАН ДЎНГБАРХАНЛИ ҚУМЛАРДА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

**The effect of mineral and organic fertilizers on cotton fertility in Central Fergana sediments has been studied for the first time in our experiments. During the whole research period, the lowest yields of cotton were observed when using a small amount of mineral fertilizers in field and vegetation experiments. Field experiments showed that simultaneous introduction of nitrogen, phosphorus and potassium fertilizers was effective.**

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда тупроқнинг ҳақиқий унумдорлигини баҳолашда, ўсимлик учун кулагай шаклларда озиқа моддалар миқдорининг бўлиши мухим аҳамиятга эга. Шунинг учун азот, фосфор, калий миқдори ва ҳаракатчан шаклларнинг кўпайишига имкон берадиган тупроқларнинг агрокимёвий таҳлили қумларда ҳамда ўғитлардан тўғри фойдаланишда мухим аҳамиятга эгадир.

Қумли ерларда ўтказилган тажрибалар натижалари шундан далолат беради, нитратли азотнинг энг кўп миқдори биринчи сугоришида кузатилган. Ушбу кўрсаткич экраннинг вариантида 2,27-2,36 г/л атрофида бўлган. Энг оз озуқа элементларини чиқариш 70 см чукурлиқда бўлган экранни ташкил қилинган вариантида белгиланган – 0,91 г/л, ерни 40 см. га ҳайдалган вариантида азотни 70 см. га чукурлиқда ҳайдалган варианта қараганда юқори бўлди, лекин назоратдагига камроқ.

Нитратли азот миқдори биринчи сугориши даврида назорат вариантида 0,036 г/л. ни ташкил этди, 70 см. ли экран ташкил қилинганда вариантида 0,015 г/л. гача камайиши, учинчи сугориши мобайнида назорат вариантида озиқа элементларининг чиқиб кетиши кузатилган.

Бундай ҳолат сугориши суви орқали аммиакли азот чиқиб кетишида кузатилди, аммо бу кўрсаткич анча камроқ, 0,673-0,142 г/л атрофида ўзгариб турган. Ҳаракатчан фосфор миқдори жуда оз бўлди. Унинг энг кўп чиқиши 0,0008 г/л назоратда, энг оз – 0,00028 г/л 0-70 см. га ерни ҳайдалган вариантида белгиланди. Бу ҳолат фосфорнинг тупроқда янада мураккаб бирикмаларга ўтишини тасдиқлади. Сугориши сувларидан калий миқдори 0,988-0,789 г/л ҳолатда ўзгариб турди. Озиқа элементларининг чиқиб кетиши сугориши сувининг ортиши билан ошади.

Ўғит солинган варианларда қумда нитратли азот миқдори ўғитларни солиш меъёрига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Фосфорли ва калийли ўғитлар солинган мухитда 150, 200 ва 250 кг/га меъёрда азот қумли қатламида нитратли азот миқдорида анча фарқни ташкил қиласди. Ушбу фарқ ўсимлик ўсиш ва ривожланишининг ҳамма даврларida белгиланди. Шундай қилиб, 2-4 чинбарг чиқарган вақтда қумнинг бир метрли қатламида нитратли азотнинг миқдори N-250, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-175, K<sub>2</sub>O-125 кг/га меъёрида 15,1 ни ташкил қиласди, шоналашда – 11,8 ни, гуллашда – 15,7, ўсув даври охирида – 8,6 мг/кг. ни ташкил қиласди. Нитратли азот миқдори N-200, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-140, K<sub>2</sub>O-100 кг/га + 40 тонна гўнг ишлатилганда 15,4, 11,7; 17,2; ва 9,0 ташкил қиласди; ушбу шароитда минерал ўғитлар + лигнин солинганда 14,6; 11,1; 15,2; ва 8,5 мг/кг қумни ташкил қиласди. Қумли қатламида нитратли азот миқдорининг энг кўп минерал ўғитлар (N-200, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-140, K<sub>2</sub>O-100 кг/га) + 40 т/га гўнг солинган шароитда ишлатилиши белгиланди.

Тажриба варианларида азотнинг мавсумий ўзгаришини ўрганиш минерал ўғитларни солиш меъёрига қарамай нитратлар миқдори баҳордан ёзгача кўпаяди, 2-4 чинбарглар ва ғўзанинг гуллашида энг юқори кўрсаткичга етиб боришини

аниқлашга имкон берди. Тупроқда ўсув даври охирида нитратлар миқдори камаяди, бу ҳарорат омиллари, микробиологик фаолиятини сустлашиши ва ўсимликлар томонидан нитратларни умумий сўриб олиш билан изоҳланади.

Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари текисланган дўнгбарханли қумлардаги ишлатиладиган фосфорли ўғитлар меъёрини ошириш билан қумни 0-30 см қатламида ҳаракатланувчи фосфор миқдори ошади, деб кўрсатилган. Баҳорда қачонки ғўзада 2-4 чинбарг ҳосил бўлганда 105, 104, 175 кг/га меъёрида фосфорли ўғитлар солингандан сўнг 0-50 см чукурлиқда қумда ҳаракатланувчи фосфор миқдори солинаётган фосфорли ўғитлар меъёрига мувофиқ қумни 1,4; 1,7; 11,0; 13,3; 14,3; 9,9; 10,3; 14,7; 14,0; 9,1; 13,5; 17,5; 16,4; 10,3 ва 11,8; 13,5; 12,0; 10,0 мг/кг. гача кўтарилид.

Худди шундай муайянлик қумда ҳаракатланувчи фосфор миқдори ўзгаришида ҳам дала, вегетацион тажрибаларида тадқиқотлар олиб борилганда ҳамма йилларида ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва ўсув даври охирида қайд қилинди.

Тупроқда ҳаракатланувчан фосфорнинг энг кўп миқдори 40 т/га гўнг ва лигнин солинган жойларда минерал ўғитли шароитда кўпланилган варианларида қайд этилган. Ғўзани ўсув даври охирида фосфор миқдори кескин тушиб кетди, бу ўсимликлар томонидан фосфорнинг ҳосил органларига ўтиши, иқлим омиллари ва микроорганизмларнинг биологик фаолиятининг сустлашиши билан тушунтирилади.

N-350, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-250, K<sub>2</sub>O-170 кг/га солинган шароитда 40 т/га гўнг ишлатилиши шундай меъёрда солинган минерал ўғитлар ишлатилган варианлар билан таққосланганда тупроқда ҳаракатланувчи фосфор миқдорини оширади. Шундай қилиб, тупроқда ҳаракатланувчи фосфор миқдори назорат вариантида ўсув даври бошида 18,0 мг/кг ўсув даври охирида 16,3 мг/кг бўлди. 40 т/га гўнги солиш ушбу кўрсаткичларни 21,4-19,5 мг/кг ва 24,2-20,4 мг/кг. га кўтарди. Агар қумга 75 кг/га K<sub>2</sub>O ни солинса, N-150, P<sub>2</sub>O – 105 кг/га шароитда 2-4 чинбарг чиқарган даврда (0-30 см) алмашинадиган калий миқдори 60 бўлган бўлса, шоналашда – 55, гуллашда 50 ва ўсув даври охирида – 40 мг/кг бўлган бўлса, ўша муддатлар ичизда алмашувчан калий миқдори мос равишида 55, 50, 50 ва 50 мг/кг. га ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, калийнинг ўзлаштирилмайдиган миқдори азот, фосфорни ишлатиладиган меъёrlарини оширишда 2-4 чинбарглар чиқган давридаги қумда алмашинадиган калий миқдори кўп ошмайди. Шундай қилиб, N-250, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-175, K<sub>2</sub>O-125 кг/га солиниши 2-4 чинбарг чиқаргандага қумда алмашинувчи калий миқдори 60 мг/га, ғунчалашда 50 мг/га, гуллашда 40 мг/га ва ўсув даври охирида 35 мг/га. га камаяди, қумда калий миқдори гўнг солингандага ошиб боради. Келтирилган маълумотлар кўрсатадики, ҳар қандай ўғитларни ишлатиш ғўза қуруқ массасининг ошишига ижобий таъсир қиласди. Энг кам қуруқ масса миқдори ғўзага N-150, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-105, K<sub>2</sub>O-75 кг/га солганда тўпланган. Фосфорнинг 175 кг/га ва калийнинг 125 кг/га меъёрини солиш азот меъёрини 250 кг/

га. дан солиниши ғўзада куруқ массасининг анча ошишига олиб келди. Ўсув даврида солинган ўғитлар меъёри ўсимликлар куруқ массасини тўплашига жуда кучли таъсир қилди ва кўрсаткич уларга боғлиқ бўлди. N-200, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-140, K<sub>2</sub>O-100 кг/га меъёрида минерал ўғитларни соглан вариантда ғўзанинг оғирлиги ошди. Ушбу минерал ўғитлар солинган шароитида 40 т/га гўнгни ишлатиш куруқ масса оғирлигини янада кўпроқ ошириди. Минерал ўғитлар билан органик ўғитлар ишлатиш, ўсимликларни ўсув даврида ва генератив қисмлари куруқ массасининг кўпайишини оширган бўлса-да, аммо ўсимликнинг куруқ массасида ғўза ҳосилини фоиз миқдорини бирмунча пасайтиради. Пахта етишириш шароитлари кўсак ва ғўзанинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Маълумотларда кўрсатилганидек, битта кўсакнинг ўртacha вазни ўғитлар миқдори кам ишлатилган вариантдан олинган (N-150, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-105, K<sub>2</sub>O-75 кг/га). Шунингдек, азот, фосфор ва калийли ўғитларни биргалиқда ишлатилиши самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади.

Марказий Фарғона текисланган дўнг барханли қўмларидан минерал ва органик ўғитлар меъёрини пахта ҳосилдорлигига таъсири тажрибаларимизда яхши ўрганилди. Барча тадқиқот олиб борилган йилларида пахтанинг энг кам ҳосилдорлиги дала ва вегетация тажрибаларида минерал ўғитларнинг кам миқдори ишлатилганда рўй берди. Дала тажрибасида ўртacha 14,0 ц/га. ни ташкил қилди. Дала тажрибаларининг азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг бир вақтнинг ўзида солиниши самарали эканлигини кўрсатди. Дала тажрибасида пахтанинг энг юқори ҳосилдорлиги факат минерал ўғитларни N-250, P<sub>2</sub>O-175, K<sub>2</sub>O-125 кг/га солинган вариантда, 3 йил мобайнида ўртacha 26,5 ц/га. ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, пахта билан ўтказилган тажрибада аниқланган қонуният бу ерда ҳам сақланиб қолинди. Олинган маълумотларда яна бир маротаба қўмларни текислашда уларнинг қалинлигига, массасига, қопловчи қаттиқ қатламга

ҳамда ўғитлар миқдорига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатган. Иқтисодий самарадорликка келсак, 50-70 см чукурликда «оғир» механик таркибли қаттиқ ерларда сунъий экранни ташкил қилиш тажрибада, экранни ташкил қилиш учун кетган чиқимлар, тажрибанинг биринчى йилида жавдарни экиш учун кетган чиқимлар туфайли N-250, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-150, K<sub>2</sub>O-170 кг/га ни қум остига солинган жойида зарап 1460,06 сўмни ташкил қилди, N-250, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-200, K<sub>2</sub>O-170 кг/га киритишдаги вариантда соф даромад 128572,05 сўм ёки рентабеллик 10,3 фоизни ташкил қилди.

**С.ЗОКИРОВА,**

к.х.ф.д.,

**Р.АҚБАРОВ,**

ўқитувчи (ФарДУ),

**Н.ҚОДИРОВА,**

ўқитувчи (ФарПИ).

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Безбородов Г.А., Шамсиев А.С., Мирзабаев Б.А. Влияние техники и технологии полива на агрофизические свойства почвы и продуктивность хлопчатника // Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития науки и образования в ВУЗах в современных условиях». – Шымкент, 2015. – С. 162-165.

2. Мирзажонов К., Нурматов Ш., Эшмуротов Б., Зокирова С. Шамол эрозиясига қарши курашда механик таркиби енгил тупроқларда чигитни эгат тубига экишнинг аҳамияти // «АгроИЛМ» журнали. Тошкент, 2010. – Б. 33-34.

3. Мирзажонов К. Ғўзани парваришилаш агротехнологиялари бўйича тавсиялар (Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учун). – Т.: “УзПТИ”, 2010. – Б. 3-7.

4. Юлдашев А.Р., Назаров М. Зокирова С.Х. Патачилик ва доңчилик // Марказий Фарғона қумликларида азотли ўғитлар самарадорлигини ошириш. – Тошкент, 2000. – № 3/4. – Б. 35-37.

**УЎТ:322.1**

## **ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

This article emphasizes the issues of the stable development of effective use of land resources and the main ways of eliminating the current problems.

Ватанимиз истиқболга эришгандан сўнг барча соҳалар каби ерга, ер ресурсларига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ерга нисбатан хўжасизликларча бошқарув механизмларига барҳам берилиб, ерга мулк сифатида қараш шаклланди. Аммо, мустақилликка бўлган даврда узоқ йиллар давомида ҳукм суреба келган бирёзлама хўжалик юритиш механизми бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди, уларни бартараф этиш узоққа мўлжалланган барқарор ривожлантариш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши тақозо этмоқда.

Ушбу ўтган йиллар ичida ер ресурсларидан фойдаланиш асосий принципларининг бузилиши, ердан фойдаланиш иқтисодий жиҳатларнинг экологик жиҳатлардан устун бўлиши, ер ресурсларига ҳаддан ташқари кучли таъсир этилиши, авваломбор ерлар, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ерларининг деградациясига олиб келди. Ерлардан бундай тарзда фойдаланишдан мақсад, фойдаланилаётган ердан максимал иқтисодий фойда олиш бўлиб, ернинг самарадорлиги факат ишлаб чиқариш даромадининг ўзидан ҳисобланаб, ер ресурсларини қайта ишлаб чиқариша кетган

сарф-харажатлар инобатга олинмаган, натижада ерни қайта ишлаб чиқарилиши цикли тугалланмай қолаверган.

Марказий Осиёда ердан барқарор фойдаланиш бўйича кўплаб мамлакатлар қатнашган лойиҳа доирасида амалга оширилган таҳлилларга кўра, ерлар сифати бузилиши муаммоларниң вужудга келиши сабаблари қўйидагилар:

— ерларга, жумладан суғорилиши қийин бўлган ерларда ҳам кенг миқёсдаги ирригациянинг ривожлантарилиши ва пахта яккаҳокимлиги табиий экотизим имкониятларига сезиларли даражада талофат етказди, бугунги кунда мавжуд технологиялар ер деградацияси оқибатларини бартараф этишга қодир эмас, натижада ер ва сув ресурсларининг маҳсулдорлиги қисқарди;

— шу кунга қадар регионал сув ресурсларини бошқариш ва умумий сув ҳавзаларига эга мамлакатларнинг тенг фойда кўришини таъминлашнинг самарадор механизмлари амалий жиҳатдан кўлланмай келинингти;

— ўтиш давридаги бюджет муаммоларининг улкан сув хўжалиги инфраструктурасига техник хизмат кўрсатиш

ва модернизациялашга салбий таъсири ерларнинг унумдорлигини сезиларли даражада қисқартириди ва деярли тугаб бораётган сув ресурсларига талабини орттириди;

кам таъминланганлик ресурслар деградациясига сабабчи бўлмоқда. Сув етишмаслиги ва молиявий қийинчилликлар, фермерларнинг ўз иқтисодий манфаатларини қондириш учун ўз стратегияларини қўллашларига мажбур қилмоқда (окова сувлардан фойдаланиш, яйловларни куритиш ва х.з.).

Аввалимбор, юқоридаги муаммоларни ҳал этмай туриб, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни барқарор ривожлантириш мумкин эмас.

Ерлар деградацияси тупроқ таркибини бузади ва сув, шамол эрозияси, ботқоқлашиш, шўрланиш тупроқдаги озуқа хусусиятларининг барҳам топишига олиб келади.

Ердан самарали фойдаланиш иқтисодиётнинг барча тармоқларида ер ресурсларидан илмий асосланган, мақсадли фойдаланишни кўзда тутади. У мамлакат ер фондинг имкон қадар самаралироқ ва мақсадга йўналтирилган тақсимоти (таркибини белгилаш)ни ўз ичига олади. Бунда қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ерларнинг тежамкор ажратилиши, ернинг унумдорлигини оширган ҳолда ишлаб чиқариш хусусиятларини тежамли сарфлаш, ерлардан рационал фойдаланишнинг ҳукукий ва экологик тартибига риоя этилиши амалга оширилиши керак.

Ер ресурсларидан фойдаланиш бозор тамойилларини ва мазкур мураккаб жараённинг бошқарувини ўз ичига олади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига нисбатан юқори талабларни кўяди. Аввало, бу ердан фойдаланишга бозор тамойиллари, шунингдек, ресурснинг нарх кўринишида баҳоланишини амалга ошириш, ердан фойдалангандик учун ҳақ тўланиши татбиқ этилишини талаб этади. Бозор иқтисодиётининг киритилиши атроф-муҳит, шунингдек, ер-сув ресурсларини муҳофаза қилиш қишлоқ ҳўжалик фаолиятини қўллаб-куватлашга қаратилган сарф-харажатларни таъминлаш муаммосини тўлиқ ҳал этолмайди. Қишлоқ ҳўжалиги ерларининг маҳсулдорлигини тиклаш, хеч

бўлмаганда, аввалиг ҳолига қайтариш учун жуда кўп маблағ талаб этилади ва бу ўринда давлатнинг кўмаги зарур. Бу йўналишда ҳам ҳукумат томонидан ҳозирги вақтда керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳар йили қишлоқ ҳўжалигига сувдан фойдаланиш тизимини ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун турли агроҳўжалик тадбирларини амалга ошириш учун катта маблағлар ажратилмоқда ва шу мақсадда маҳсус фонdlар ташкил этилмоқда.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, “ердан барқарор фойдаланиш” иқтисодий категория ҳисобланиб, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мазмунга эга бўлган ҳолда улар узвий боғлиқлар. Жамиятдаги ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ресурсларидан фойдаланишнинг объектив зарурати бир вақтнинг ўзида табиатга салбий таъсири кўрсатилишига олиб келади. Бу ҳолат, бир тарафдан, ердан ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш, моддий неъматларни ишлаб чиқаришни оқилона миқдорда чеклаш, иккинчи тарафдан, истеъмол қилинган ресурсларнинг қайта ишлаб чиқарилишини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароитда мамлакат иқтисодиётининг асосий йирик тармоқларига моддий негиз ҳисобланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳукукий ва ташкилий механизmlарини такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим масалалардандир.

**И. БОЗАРОВ,  
С. АБДУҚОДИРОВА,  
ТИҲҲММИ ассистентлари.**

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т. Ўзбекистон, 1998.
2. Чертвицкий А.С. Экономика землепользования. Учебник Т. ТИМИ, 2012.
3. Бобоҷонов А.Р., Раҳмонов К.Р., Фоғиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик, Т. ТИМИ, 2008.
4. Авезбаев С.А., Волков С.Н. “Ер тузиш иқтисоди”. Дарслик. Т., “Янги аср авлоди”, 2002.

УДК:556.2:626.86

## **ПОЛИВ ХЛОПЧАТНИКА С ПОМОЩЬЮ ГИБКИХ ПЛЁНОЧНЫХ ШЛАНГОВ С ОТВЕРСТИЯМИ В МЕЖДУРЯДЬЯХ КОТОРЫХ ЗАЛОЖЕНЫ БЛОКИ-УВЛАЖНИТЕЛИ ИЗ РАЗЛИЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

The article presents the development of methods for the development of subsidence soils and methods of irrigation with rational use of water and accelerated increase in soil fertility, taking into account the elimination of subsidence phenomena and erosion, and obtaining high yields with the least loss of fertilizers deep into the soil and irrigation water to discharge, saving labor costs, increasing productivity on irrigation. The results of which are especially important for the condition of shortage of labor resources in the newly developed virgin lands of Kashkadarya region. The essential point of this article is the development of methods of anti-planting and anti-erosion irrigation methods for the conditions of the semi-desert zone of Kashkadarya region development.

Идея использования этой системы орошения заключается в следующем:

- шланги, равномерно распределяя воду вдоль по склону с уклонами 0,015-0,007 через отверстия диаметром 2,5-3 и через 20 см в виде малых струй 0,0017—0,0027 л/с, одновременно увлажняют блоки из различных материалов, которые имеют

повышенную водоудерживающую способность (например: губки из резины и поролона, специальный материал из грунтово-полимерной смеси);


- эти блоки выполняют функции рассеивания вертикального тока влаги в сильноводопроницаемых (супесчаных) почвах, создавая эпюру увлажнения вокруг себя, а также служат

своего рода накопителем влаги в порах этих материалов, которую они отдают постепенно почве в межполивной период;

- блоки насыщенные годовыми нормами удобрений, рационально снабжают корни растений при увлажнении.

Блоки-увлажнители закладывались в канавки-траншеи от проходки однолемешного плуга через 0,9 м. Шланги и трубка-увлажнители с отверстиями 2 мм через 0,1 и 0,2 м; винилпластовые, пластмассовые, полиэтиленовые прозрачные из пленки, сваренные по шву» укладывались в небольшой глубины борозды, в сезоне из междурядий они не убирались.

Размеры делянки с поролоновыми блоками 15x15x2,5 см, междурядье хлопчатника 0,45 м; 5 - делянка с полимерногрунтовыми блокада L=0,5 м, d =8 см, междурядье хлопчатника 0,45 м; 6 - делянка с поролоновыми блоками 15x17x2,5 см междурядие кукурузы 0,9 м; 7 - делянка с полимерногрунтовыми блоками L =0,5 м, d =8 см, междурядье кукурузы 0,3 м; 8 - делянка с поролоновыми блокада 15x15x 2,5 см междурядье посева люцерны 0,45 м; а, б, в, а', а' - повторности; с - внутрипочвенное орошение (в.п.о.).



**Рис.1. Блоки увлажнители под бороздами небольшой глубины увлажняемые от шлангов малых диаметров с отверстиями 2 мм через 20 см.**

1 - гибкий шланг; 2 - водовыпуск в борозду; 3 - пленочный перфорированный шланг диаметром 5-7 см; 4 - поливная борозда глубиной 10-15 см; 5 - грунтотипимерный блок -увлажнитель; 6,7,8 - блоки из поролона и обычной губки; 9 - раскладка малого шланга.

Глубина заложения 45 см продиктована условиями температурного прогревания почвы и развития основной массы корневой системы хлопчатника. На рис.1 показан блок из грунтово-полимерного материала.

По рис.1 видно, что при различных вариантах с увлажнителями оросительная норма была одинаковой для всех, но условия водоудерживающей способности их были неодинаковые. Общая характеристика блоков-увлажнителей:

Губка обычная размером 17x15x3 см, вмещает влагу до 50 м<sup>3</sup>/га;

2. Губка поролоновая того же размера, вмещает влагу до 350 м<sup>3</sup>/га;

3. Губка обычная, размером в 2 раза меньше, чем (1) емкость почвенной влаги- 340 м<sup>3</sup>/га;

4. Поролоновая лента длиной 1,2 м, размером сечения 6x2,5 см- емкость 530 м<sup>3</sup>/га;

5. Мелко нарезанный поролон, размером 1x2x2 см, разбросанные по дну траншеи на 20 см по 15 шт. - емкость всех -500 м<sup>3</sup>/га;

6. Поролон в 2 раза меньше; чем (2), емкость -250 м<sup>3</sup>/га;

7. Вариант 2, но блоки установлены вертикально, а (2) был установлен плашмя на дне траншеи-емкости 350 м<sup>3</sup>/га;

8. Грунтотипимерный блок, состоящий из перемешанного

грунта с полимерным раствором В-9, который обладает высокой водоудерживающей способностью.

Грунтотипимерный блок изготавливается из этой смеси в опалубках из 2-х половин куска полиэтиленовой трубы с внутренним диаметром 30 мм, которые затем высушиваются на солнце. Длина блока 0,5 м, расстояние между ними 0,2 м.

В траншее блоков одновременно были заложены по 53 гр калийной соли, 100 гр селитры и 100 г суперфосфата. Все блоки, кроме 4 и 6, были пропитаны навозной жижей удельной массой 1,04 г/см.

После закрытия траншей малованием заравнивали и по линии реперовки на поле проводили посев хлопчатника того же сорта, что и на других вариантах, а также кукурузы и люцерны (через 20 см I зерно и строчный посев через 0,45 м). Затем были уложены пленочные шланги вдоль междурядий растений, начальную часть подсоединяли к гибким шлангам и производили полив. Заезды тракторов исключали полностью, так как междурядья хлопчатника были 0,45 м. Сорняки уничтожали гербицидом «которан» из расчета 1,5 кг/га нормой.

После уборки урожая в ноябре была проведена отмытка корней по слоям почвогрунта, и установлено, что основная масса корневой системы сосредотачивается на глубине 30..,50 см около блоков- увлажнителей, лишь 8% корешков проникли на 0,5 см, но способность их вмещать те же объемы уменьшилась лишь на 3%, блоки не были засыпаны.

Следовательно, соблюдение режима увлажнения, отвечающего рекомендованному режиму орошения, обеспечивают варианты -1,2,6,7,8. Блоки-увлажнители позволяют сохранить влагозапасы в межполивные периоды, особенно эффективны те варианты, которые дали высокую урожайность хлопчатника. Обобщая влажности полива по всем вариантам опыта 1,2,3,4 т.е. по конструкциям водораспределения по длине борозды следует отметить, что почва увлажнена относительно равномерно.

Экономируя время полива, отмечаем, что с помощью блоков-увлажнителей планомерно удается регулировать неблагоприятные воднофизические свойства почв и оптимально подавать воду в расчетных нормах без сброса в конце поля при наименьшей утечке вглубь почвогрунта. Здесь возможна оптимизация биологической направленности развития растений, так как блоки служат питательными растений необходимыми питательными элементами, микроэлементами, влагой, а также после освобождения от влаги служат улучшению аэрации почвы путем всасывания воздуха с поверхностного слоя.

**Ш. БЕРДИЕВ,**  
к.т.н., доцент,

**И. ГАЙМНАЗАРОВ,**  
ст.преп.,

**А. ИСАКОВ,**  
ассистент,

Каршинский инженерно-экономический институт.

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. Бердиев Ш., Камбаров Б. Рекомендации по технике и технология полива на напросадочных грунтах 2-й очереди освоения Каршинской степи. Карши: Кашкадарьинский облагропром.-1989.-12 с.
2. Бердиев Ш., Камбаров Б. Технология полива на просадочных грунтах/ Сельское хозяйство Узбекистана.- 1989.-№ 5.-С.56-57.

## ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИ ГУМУС ҲОЛАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МИКРОБИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ РОЛИ

The article presents data on the dependence of the humus state of the soil on the activity of microbiological processes and the number of microorganisms of various taxonomic and physiological groups. Microbiological activity and the number of microorganisms in different types and subtypes of soils and horizons varies greatly.

Тупроқнинг гумус ҳолатини яхшилаш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш мумкин. Бунда тупроқнинг барча хосса, режим ва ҳолатлари тубдан яхшиланади. Тупроқнинг органик қисми минерал қисмига нисбатан 8-10 марта катта бўлган сингдириш сифимиға эга. Тупроқ гумус ҳолатини яхшилаш ва ижобий томонга бошқаришда унинг механизмларига таъсир қилиш керак бўлади. Ана шундай механизмлардан бири тупроқдаги микробиологик жараёнлар ва уларнинг фаоллиги, кечиш йўналишлари ҳисобланади. Шунинг учун, тупроқ гумус ҳолатини шаклланишида микробиологик жараёнларнинг ролини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Зарафшон воҳаси бўйлаб экспедиция ташкил қилиниб турли хил тупроқ тип ва типчаларидан кесмалар олинди ҳамда уларга генетик ва морфологик жиҳатдан таъриф берилиб тупроқ намуналари олинди. Олинган тупроқ намуналарида гумус миқдори Тюрин усулида, гумуснинг гурухий ва фракцион таркиби Тюрин усулининг Пономарева ва Плотникова модификациясида, ялпи азот, фосфор ва калий миқдори битта намунада И.М. Мальцева ва Л.П.Гриценко усулида, аммоний шаклидаги азот( $N-NH_4$ ) миқдори Несслер реактиви ёрдамида ФЭК да, нитрат шаклидаги азот ( $N-NO_3$ ) миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор ( $P_2O_5$ ) миқдори Мачигин, алмашинувчан калий ( $K_2O$ ) миқдори Протасов, мухит реакцияси( $pH$ ) потенциометрик, тупроқнинг механик таркиби Качинский усулида аниқланди. Тупроқдаги микроорганизмлар сони тупроқ эритмасининг турли хил суюлтиришларида ҳисобга олинди.

Микроорганизмлар сони барча тупроқ тип ва типчаларида пастки қатламларга қараб кескин камайиб борди. Бу ҳолат, айниқса, тупроқнинг 50 см чуқурлигидан кейин кескин намоён бўлди. Қўриқ тупроқда микроорганизмлар сони устки 8-10 см гача бўлган қатламда энг юқори бўлиб кейинги пастки қатламларга қараб кескин пасайиб кетди. Бу қўриқ ерларда ўсимлик қолдиқлари ва тўшамасини тупроқ устида тўпланиши ва пастки қатламларда кескин камайиб кетиши билан боғлиқ. Тупроқ тип ва типчалари бўйича ҳам микроорганизмлар сони ўзгариб борди. Бактериялар сони қўриқ, янгидан ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқда турлича бўлиши кузатилди. Энг устки қатламда бактериялар сони қўриқ типик бўз тупроқда янгидан ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқдагига нисбатан юқори бўлиши қайд этилди. Гўшт-ептонли агарда ўсадиган бактериялар сони эскидан суғориладиган типик бўз тупроқда янгидан суғориладиган типик бўз тупроқдагига нисбатан кўп бўлиши маълум бўлди. Янгидан ва эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда бактериялар

сони янгидан ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлардагидан кам эканлиги аниқланди. Самарқанд вилояти кесимида энг кўп бактериялар сони ўтлоқ тупроқда кузатилди. Худди шундай ҳолат замбуруғлар ва актиномицетлар сонида ҳам кузатилди. Физиологик гуруҳ микроорганизмларидан азотфиксаторлар сони қўриқ типик бўз тупроқларнинг устки тўшамали ва тўшама ости қатламида ўзлаштирилган ва суғориладиган тупроқлардагидан юқори бўлиши кузатилди. Лекин, пастки қатламларда қўриқ типик бўз тупроқда азотфиксаторлар сони суғориладиган бўз тупроқлардагидан кам бўлди. Суғориладиган тупроқларда суғориш давомийлигига боғлиқ равища микроорганизмлар сони ўзгарди. Азотфиксаторлар ва бошқа физиологик гуруҳ микроорганизмларининг тупроқдаги сони суғориш давомийлиги ортиб бориши билан ортиб борди.

Турли хил тип ва типчадаги ҳамда суғорилиш давомийлиги ҳар хил бўлган тупроқларда микроорганизмлар сонинг турлича бўлиши, ундан келиб чиқиб микробиологик жараёнлар йўналиши ва тезлигини фарқланиши ушбу тупроқларнинг гумус ҳолатига турлича таъсир қилди. Қўриқ типик бўз тупроқларнинг устки қатламида гумус миқдорининг суғориладиган тупроқлардагидан сезиларли кўп бўлиши қайд этилди. Қўриқ ерда гумус ва углерод миқдори устки қатламдан кейинги пастки қатламга кескин пасайиб кетиши содир бўлиши қайд этилди. Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқда барча қатламлар бўйича гумус ва умумий органик углерод миқдори эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлардагидан кам бўлиши аниқланди. Узоқ йиллар суғориш натижасида тупроқнинг маданийлашганлик даражаси ортиши билан тупроқда гумус ва умумий органик углерод миқдори ҳам ортади. Худди шундай ҳолат оч тусли бўз ва ўтлоқ тупроқларда кузатилди. Бу ҳолат тупроқдаги микроорганизмлар сони, улар амалга оширадиган микробиологик жараёнлар ҳамда тупроқ гумус ҳолати ўртасида маълум бир боғлиқлик борлигини кўрсатади. Чўл зонасининг ўтлоқ-оазис тупроқлари бўз тупроқлар зонасидаги ўтлоқ-оазис тупроқларига нисбатан гумусга камбағал (Н.В.Кимберг, 1974). Бунда асосий ютуқ агротехнологияниң қатламнинг чуқур ва умумий гумус захирасининг юқори бўлишилари билан белгиланади (Б.В.Горбунов, 1965; Г.М.Конобеева, 1988).

Барча тупроқларда фульвокислоталар фоизи гумин кислоталар фоизидан кўп бўлиши қайд этилди. Бунда пастки қатламларга қараб фульвокислоталар фоизи гумин кислоталар фоизига нисбатан кескин ортди. Умуман олганда, пастки қатламларга қараб гумин кислоталарнинг ҳам, фульвокислоталарнинг фоизи камайиб борди, лекин фульвокислоталарга нисбатан

гумин кислоталарнинг камайиб бориши кескинроқ юз берган. Гидролизланмайдиган қолдиқ, яъни гуминларнинг фоизи эса пастки қатламларга қараб ортиб борди.

Хулоса сифатида айтиш мүмкінки, тупроқдаги микроорганизмлар сони, унинг микробиологик фаоллиги тупроқ гумус ҳолати ва унинг шаклланишига сезиларли таъсир күрсатади. Микроорганизмлар

сони эскидан сугориладиган тупроқларда ва устки қатламларда янгидан сугориладиган ва пастки қатламлардагидан юқори бўлади. Ўтлоқ ва типик бўз тупроқларда микроорганизмлар сони оч тусли бўз тупроқлардагидан юқори бўлади.

Т.ОРИҚОВ,  
Ф.ТУРЕХАНОВ,  
М.ДАМИНОВ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Горбунов Б.В. Орошаемые почвы Средней Азии//География и классификация почв Азии. Москва, Наука, 1965. –С.39-49
2. Кимберг Н.В. Почвы пустынной зоны Узбекской ССР. Ташкент, «Фан», 1974. -235 с.
3. Конобеева Г.М. Орошаемые и богарные почвы Узбекистана и эволюция их при освоении и окультуривании. САО ВАСХНИЛ. Ташкент, 1988. 366 с.

УЎТ: 633.5111631.8

## ҒЎЗАНИНГ ИЛДИЗ ВА БАРГ САТҲИ ЎСИШИГА ОЗИҚЛANIШ МАЙДОНИНИНГ ТАЪСИРИ

**It is clear from experiments that, fall down organs of harvest and decrease the factors of environment: the area of feeding one sort, measure of mineral fertilizers, water its regime, water rotine and dropping other morphophysicistic knots.**

Хозирги кунда мамлакатимизда турпи йуналишларда кўп сонли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 3 млн 576,4 минг гектар ер майдони ажратилган бўлиб, улар жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95% ни етиштироқдалар.

Ғўзада шона, гул, тугунча, кўсак ҳолатда тўкилиши ҳам рўй беради. Бу фикримизча, ички (биологик) ва ташки (экотоп) жараёнларнинг ўзаро ўйғунлаша олмаганигидан, яъни моддалар айланиши сустлашиб, хўжайрада биоэнергетик қувват етишмовчилиги рўй беради.( Б.Бекназаров 2009). Демак, ҳар қандай ғўза навлари ҳозирги вақтда 1,5-2 туп шохланишига кирса, уларнинг озиқланиш майдони қанча бўлиши лозим?

Биз тажрибаларимизни 60x15x1, 60x25x1 озиқланиш майдонида бир неча йил стационар далада "Султон" навида 4 тақоррлиқда 2015-2017 йилларида боғод туманидаги "Амиробод" фермер хўжалигига кўйидаги варианларда олиб бордик.

1. Вариант 60x15x1-фермер хўжалигидаги тизим ва NPK, сугориш фермер бўйича

2. Вариант 60x15x1- тажриба NPK 250/175/25- сугориш режими 1-2-1

3. Вариант 60x25x1- тажриба NPK 200/100/50- сугориш режими 1-2-1

4. Вариант 60x25x1- тажриба NPK 250/175/25- сугориш режими 1-3-1

5. Вариант 60x25x1- тажриба NPK 300/200/100 - сугориш режими 1-2-1

6. Вариант 60x40x1- тажриба NPK 300/200/100- сугориш режими 1-3-1

Сугориш тизимини ўғитлар нормаси ўзгариши билан ўзгартиришдан мақсад иккала муҳитларни ўзаро боғлиқ даражасини, яъни ғўзанинг ўзлаштириб олинган озуқалар миқдорини аниқлашдан, бу эса ҳар хил озиқланиш майдонининг сув-ўғит жараёнига таъсирини билиш долзарб. Ҳозиргача қалин ва сийрак кўчатларда NPK ўзлаштирилиши даражаси етарли аниқланмаган, шунингдек, кўчатлари 60x40x1 тизимида назоратга нисбатан 3 марта камлиги ҳам бежиз синаб кўрилмади, яъни юқори меъёрдаги озиқланиш майдонида юқори ўғит нормаси қандай морфофизиологик ўзгаришлар рўй беришлиги аниқланиши ўғитлардан ва сувдан фойдаланишини тартибга солишга ёрдам беради.

Илдиз ўсуви мериистема ва чўзилиш қисмларидан иборат бўлиб, улар тўхтovsиз бўлиниб туради ҳамда илдизнинг ўсишини таъминлайди, бўлиниш тўхтагандан сўнг чўзилиш бошланади. Бу морфофизиологик ўзгаришлар таъсирида рўй беради, охириг учки илдиз қинчаси ризодерма деб номланади. Ризодерма бир қават жойлашган ҳужайралардан иборат бўлиб, у илдиз тукчаларини ҳосил қилади, у қанча кўп бўлса, сувни шунча кўп шимшиб олади. Маълумки, ўсимликларда илдизлари бирламчи ўсишда ернинг тортиш кучига қараб ўсади, илдизда келадиган гетероауксин (ИУК) илдиз бачкиларига олиб келади, агар улар механик босимларга жуда сезгир бўлса, ғовак тупроқда улар кучли ўсади, босим юқори бўлса, ўсишдан тўхтайди. Мухаммаджонов М., Сулеймонов С. (1978) монографияларида ғўза илдизининг бир тупдаги умумий узунлиги 27588 метрга етганлиги, бунда илдизлар тупроқни ҳайдов қатламининг 70 см фаол ривожланганлиги, яъни тупроқни физик хоссаларининг яхшиланганлиги билан изоҳланган. Бундай маълумотлар Юлдашев.С., Назаров М. (1975) монографиясида учрайди. Демак, адабиётлар кўрсатишича, илдизлар сони 10 мингта, илдиз юзаси эса 232 м<sup>2</sup>-399 м<sup>2</sup> атрофида бўлишилиги баён этилган (Бекназаров.Б, 2009).

Илдиз тукчалари сўрган сув ва минерал паренхима ҳужайраларига, сўнгра перецикл, марказий ўтказувчи найларга узатилади (Курсанов, 1976). Демак, бу қонуниятли жараёнга ўсимлик илдизи билан унинг барг сатҳи ўртасида физиологик боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. "Султон" навли ғўза навида ўтказилган тажрибаларда озиқланиш майдони 900 см<sup>2</sup> 60x15-1 бўлганда, барг сатҳи гуллаш фазасида назоратда 3280 см<sup>2</sup> ни ташкил этди. 60x25-1 тизимида 4080 см<sup>2</sup> 60x25-1 да NPK 300 кг/га P200 кг/га K100 кг/га ишлатилган 4280 см<sup>2</sup>, 60x40-1 тизимда 4290 см<sup>2</sup> ни, яъни максимал даражада барг шаклланганлигини кузатдик.

Олинган маълумотларга кўра, ковлаб олинган ғўза илдизи билан барг сатҳи ўсиши ўртасида муайян ижобий муносабат, яъни метаболизм фаолияти тубдан яхшиланади, фотосинтез маҳсулдорлиги юқори кўрсаткичга етади, бу кўрсаткич г/м<sup>2</sup>-сутка кўринишида ифодаланади. (Жадвал).

Тажрибамизда бир туп ўсимлиқда вегетация давомида тўплланган қуруқ биомасса ўсув даврида (июнь-август) ил-

### Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига озиқланиш майдонининг таъсири

In article are given results studying of change movement of high-flood water waves in river channels in conditions of regulated a water flow by water reservoirs. Deciding the equation (indissolubility) of un-steady movement of water stream is received dependence for calculation of change of stream depth on length of regulated channels.

Хозирги кунда Республикаиздаги мавжуд дарёларда ўзан жараёнларини ўрганиш асосида дарёда курилган гидротехник иншоотларнинг хавфисизлигини ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда қирғоқбўйи ерлари, аҳоли яшайдиган ҳудудларни сув тошқинларидан ҳимоялашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сув обьектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 25 сентябрдағи ПҚ-3286-сон қарори, шунингдек, "Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғокларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби низомини тасдиқлаш тўғрисида" 2017 йил 21 декабрдағи 1009-сон Вазирлар Махкамасининг қарори ҳамда мазкур фолиятга тегиши бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқотимиз маълум даражада хизмат қиласи.

Дарё оқими ростланган Амударёнинг қуий қисмидаги ўзаннинг гидроморфологик параметрлари ўзгариши ўрганилди. Амударёнинг қуий қисмиди 1974 йили дарёнинг қуилиш нутқасидан 215 км узоқликда Тахиатош гидроузели ва 1982 йили дарёнинг қуилиш нутқасидан 450 км узоқликда Тумъуйин сув омбори қурилган. Бу гидротехник иншоотларнинг қурилиши натижасида дарё ўзани қайта шаклланган, иншоотнинг қуий бъефида ўзан тубининг ювилашлари ва юкори бъефида ўзан тубининг кўтарилишлари кузатилди. Бундай гидрологик ўзгаришлар натижасида ўзан жараёнларини тартиба келтириш, шунингдек, дарё тошқинларидан қирғоқбўйи ҳудудларини ҳимоя қилиш учун сув омборининг қуий қисмиди икки томонлама бўйлама қирғоқ ҳимоя дамбалари қурилади. Чунки тошқин пайдида сув омборидан катта микдордаги сув зудлик билан қуий бъефга ташланади. Бундай шароитларда дарё ўзанида сув сатҳи кескин кўтарилиб, ҳаракатланувчи тўлқинлар пайдо бўлади (1-расм). Бундай оқимнинг ҳаракатлари ва ўзандаги оқим чукурлигининг ўзгаришини қуидаги оқимнинг бекарор ҳаракати (узлуксизлик) тенгламаси кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\frac{\partial H \cdot (1+S)}{\partial t} + \frac{\partial V \cdot H(1+S)}{\partial x} = S_*(V_* - V_{*0})$$

бу ерда  $S$  – оқимнинг лойқалиги;  $S_*$  – ювилувчан лойқалик;  $V_*$  – ўзандаги грунтларнинг ювилувчан тезлиги;  $V_{*0} = \sqrt{gH_i}$  – динамик тезлик;  $V$  – оқим тезлиги;  $H$  – оқим чукурлиги;  $i$  – нишаблик.

1-тенгламадан сўнг қуидаги кўринишида бўлади:

$$\frac{\partial H(1+S)}{\partial t} + V \frac{\partial H(1+S)}{\partial x} + H(1+S) \frac{\partial V}{\partial x} = S_*(V_* - V_{*0})$$

Куидагича гипотеза қилишимиз мумкин:

$$H(1+S) \frac{\partial V}{\partial x} = S_*(V_* - V_{*0}) \quad \frac{\partial V}{\partial x} > 0$$

Яъни, ювилувчанлик:

$$\text{ва кўмилиш: } \frac{\partial V}{\partial x} \leq 0 \quad (V_* < V_{*0})$$

У ҳолда:

$$\frac{\partial H(1+S)}{\partial t} + V \frac{\partial H(1+S)}{\partial x} = 0$$

Оқим тезлиги  $V$  тахминан қуидагича қабул қиласиз:

$$V = C\sqrt{Hi} + \sqrt{gH} = \left( \frac{C\sqrt{i}}{\sqrt{g}} + 1 \right) \sqrt{gH}$$

Яъни, Лагранж бўйича дастлабки барқарор оқимдаги тўлқин тезлиги

$C$  – Шези коэффициенти.

(3) ga (4) кўямыз ва қўйидагича ифодаланади:

$$\frac{\partial H(1+S)}{\partial t} + \beta \sqrt{gH} \frac{\partial H(1+S)}{\partial x} = 0$$

$$\beta = \left( \frac{C\sqrt{i}}{\sqrt{g}} + 1 \right) = \text{const}$$

Лойқалик қўйидаги формула бўйича аниқланган:

$$S = K \frac{V}{(gHw)^{\frac{1}{3}}}$$

5–тенглама ўлчамсиз шаклга келтирилди ва Лаплас бўйича қабул қилинди:

$$[-H_{t=0} + (1+S)F(1+S)] + \frac{\beta \sqrt{gH}}{V_t} [-H_{x=0} + (1+S)F(1+S)] = 0$$

$$\left[ 1 + \frac{\beta \sqrt{gH}}{V_t} \right] (\bar{1} + \bar{S}) F(\bar{1} + \bar{S}) = H_{x=0} + \frac{\beta \sqrt{gH}}{V_t} H_t$$

бу ерда  $V_t - H_t$  чукурлиқдаги тезлик;


Бундан,  $H_{x,t}$  ни топамиз:

$$H_{x,t} = F(1+S) = \frac{1}{\left( 1 + \frac{\beta \sqrt{gH}}{V_t} \right)} \left( H_t + \frac{\beta \sqrt{gH_o}}{V_t} H_x \right)$$

ёки

$$H_{x,t} = \frac{1}{1 + \sqrt{\frac{H_o}{H_t}}} \left( H_t + \sqrt{\frac{H_o}{H_t}} \cdot H_x \right)$$

9–тенглама  $x$  ва  $t$  функцияси сифатида  $H$  ни беради, яъни



1-расм. Тошқин вақтида сув сатҳи ўзгаришининг ҳисобий схемаси.

тошқин сувининг тўлқин баландлиги  $H_t - H_o = H_b$  (1-расм).

9–тенгламадан ўзанни узунлигини бўйича оқим чукурлигининг ўзгариши ҳисоблаб чиқилди. Оқимнинг бошланғич параметри  $H_o = 2,0$  м,  $C = 50 \text{ m}^{0.5}/c$ ,  $i = 0,00015$  бўлди. Бошланғич сув сатҳи 1,5 метрга кўтарилади, чукурлик  $H_t = 3,5$  метрни ташкил қиласи ва ўзан узунлиги бўйича оқим 25 километрга етади. 1 соатдан

кейин сув чукурлиги  $H_{x,t} = 2,9$  м. бўлади. Ҳисоб натижаси шуни кўрсатадики, оқим ўзан узунлиги бўйича ҳаракатланаётганда сув сатҳи пасайиб боради.

Хуроса ўрида шуни таъкидлаш жоизки, дарёда оқимнинг бекарор ҳаракати (узлуксизлик) тенгламасини ечиши (8, 9) орқали тошқин пайтида сув омборидан чиқариладиган хавфсиз сув миқдорини ўрнатиш ва ўзанинг узунлиги бўйича сув сатҳининг ўзгаришини олдиндан ҳисоблаш имкони яратилди. Шунингдек, Амударёнинг ростланган ўзанида ростловчи ва химояловчи иншоотларини лойиҳалашда

#### АДАБИЁТЛАР

1. Д.В. Штеренхихт. Гидравлика. Энергоатомиздат, Москва 1984 г, с. 640.
2. Х.А. Исмагилов. Селевые потоки, русловые процессы, противоселевые и противопаводковые мероприятия в Средней Азии. Труды САНИИРИ, Ташкент, 2006 г. 264 с.
3. Ибрагимов И.А. Совершенствование методов гидравлического расчета русла реки для условий зарегулированного стока воды. Автореферат. Ph.D. дис. ТИИИМСХ, Ташкент., 2018 г.

дарё ўзанининг гидравлик ҳисоблари учун фойдаланишга тавсия қилинади ҳамда келгусида сув оқими ростланган дарёларда илмий тадқиқотларни олиб боришда ва бошқа муҳандислик вазифаларини ечишда фойдаланиш имкониятини яратади.

И. ИБРАГИМОВ,  
техника фанлари бўйича Ph.D.

Д. ИНОМОВ,  
тадқиқотчи.  
ТИҚҲММИ Бухоро филиали.

УЎТ: 631.445.52:628.245 (575.1)

## ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА ДРЕНАЖЛАРНИНГ ЎРНИ

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда очиқ ва ёпиқ дренажлар мухим ўрин эгаллайди. Улар ёрдамида ер ости сувларнинг сатҳини кўтарилишини олди олинниб, туррок таркибида тузлар суғориш орқали дренаж коллекторлари орқали тегишил ҳавзаларга чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигидан олинган мъалумотларга кўра, республикамизда 76754 км очиқ дренаж (зовур) тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг 37 фоизи ишдан чиқкан. Шунингдек, республикамизда 36762 км ёпиқ горизонтал дренаж (зовур)лар курилган бўлиб, уларнинг 50 фоизи ишдан чиқкан.

Умуман, республикамиз бўйича жами 113506 км очиқ ва ёпиқ дренажлар курилган. Бундан 67 фоизи очиқ дренажлар бўлиб, ёпиқ дренажлар эса атиги 33 фоизини ташкил қиласди.

Бундан кўринадики, очиқ дренажлар, суғориладиган ерларни катта қисмини эгаллаб, ерлардан фойдаланиш коеффициентини кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Дренажлар соҳа олимларнинг олиб борган бир неча йиллик тадқиқот ишларининг натижалари асосида, очиқ дренажлар умумий дренажларнинг 35–40 фоизини, ёпиқ горизонтал дренажлар эса 60–62 фоизини ташкил қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Очиқ дренажлар (айрим ҳолларда уларни коллектор ёки заҳкашлар ҳам деб юритилади) ер ости грунтларининг унча зич бўлмаган, сув ўтказиш қобилияти яхши бўлган майдонларда курилиб, ҳар иккни, уч йилда уларни чўкинди ва турли ўтлардан тозалаб туришини тақроzo этади. Очиқ горизонтал дренажлар эгаллаган майдонлар қишлоқ хўжалик экинларини экишга мўлжалланган умумий ер майдонларини чегаралашга олиб келади. Бу эса ерлардан фойдаланиш коеффициентининг камайишига сабаб бўлади.

Юқоридаги келтирилган маълумотдан шуни хуроса қилиш мумкин, дренажларнинг 87 фоизи ишдан чиқкан. Бу эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига катта таъсир кўрсатади.

Республикамизда курилган дренажларнинг умумий узунлиги 113506 км бўлиб, унинг 40 фоизи, яъни 45402,4 км очиқ, қолган қисми эса ёпиқ горизонтал дренаж бўлиши керак.

Демак, 31351,6 км очиқ дренаж ортича курилган бўлиб, бу тахминан (агар дренажнинг ўртача энини 25 м деб олсан) 78380 га ер майдонини эгаллайди. Агар ҳар бир гектар ер майдонидан 30 сентенердан пахта ҳосили олинса, бу майдонлардан 235140 т пахта ҳосили олиш мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, очиқ дренажлар ҳажмини камайтириб, ёпиқ горизонтал дренажлар ҳажмини ошириш талаб қилинади.

Республикамизда курилган дренажларни куриш, тиклаш ва таъмирлаш учун хориждан замонавий техникалар олиб келтирилиб ишлатилмоқда, шунда ҳам натижка самарасиз бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, ер ости сувларнинг сатҳи дренажлар қўяётган сув ҳавзалари сатҳига деярли тенг бўлиб қолганлигидир (туташ идишлар қонунига асосан).

Иккисодий кийинчилликларга қарамасдан, дренажлардан чиқаётган сизот сувларини қабул қилувчи сув ҳавзаларини ташкил қилиш керак.

Юқорида айтилдики, республикамизда курилган 36762 км ёпиқ горизонтал дренажларнинг 50 фоизи ишламайди ёки ишдан чиқсан. Бунга асосий сабаб, кейин 30–40 йилда куриган ёпиқ горизонтал дренажлар, шу соҳа мутахассис ва олимлари томонидан тавсия этган илмий асосланган технологиялар (дренаж қуришни, лойиҳа кўрсаткичлари, яъни дренажнинг чукурлиги, нишаблиги, қувур ва сиздиригич материалларининг узлуксизлигини таъминлаш) асосида курилмаганлигидир. Энг асосийси, курилган ёпиқ дренаж қувурларини ўз вақтида ювиб тозаланмаганлигидир.

Хозирда ёпиқ горизонтал дренажларни куриш ва уни ишончли ишлашини таъминлаш бўйича муаллифлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, нима учун бизни мамлакатимизда дренаж траншеясининг чукурлиги 3 м, дренажлар орасидаги масофа 300–500 м қилиб белгиланганлиги номаълум.

Бундан ташқари дренаж машиналари хориждан харид қилиб олиб келтирилади.

Бу машиналарни ишлаб чиқариш шароитида ишлашини таҳлил қилиб, куйидаги камчилликларни кўрсатиш мумкин:

- қўлланиладиган техниканинг ўта оғирлигиги, қимматлилиги ва ёнилигининг кўп сарфланиши;

- бу машиналар заҳ қочириладиган ерларда қўлланилади (бунда пластмасса қувурига ўралган мато сиздиригич вазифасини бажаради), суғориладиган ерларда сиздиригич материалининг ўрнига қум-шагал арапашасидан фойдаланилади;

- дренаж траншеясига қайта кўмилган грунт талаб даражасида зичланмайди;

- пластмассали дренаж қувурига ўралган маҳсус сувни сиздириб ўтказувчи матони грунт таркибида ил ва гиллар билан ҳосил қилган қоплами дренаждан самарали фойдаланишини чегаралаши.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұҳандислари институти профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари бу борада ўз олдиларига катта инновацион ғоялар асосида мумкинлиларни ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйганлар. Шулардан бирин очиқ дренажлар ҳажмини камайтириб, уларнинг ўрнига илмий асосланган ёпиқ горизонтал дренажларни куриш ва унинг ишончли ишлашини таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

С.АХМЕДОВ,  
С.ВАФОЕВ,  
И.ХУДАЕВ,  
доцентлар,  
Р.ВАФОЕВ,  
магистрант,  
(ТИҚҲММИ).

## ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

To preserve soil fertility, it is necessary to improve inter-row tillage. For this, the first inter-row tillage should be carried out at a depth of 8-10 cm with the introduction of mineral fertilizers, the following at a depth of 10-15 cm with rifled furrows, cultivation and cutting of the furrows with the introduction of mineral fertilizers. Under these conditions, a raw cotton crop of three years an average of 30.4 kg / ha is provided, with an additional yield of 3.7 kg / ha compared to the recommended inter-row tillage in production conditions.

Бугунги кунда Республикасида қишлоқ ҳўжалиги амалиётида тупроқ агроэкологиясини яхшилашга қартилган агротехнологияни ишлаб чиқиш, маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш натижасида юкори ҳосил олиш, тупроққа ишлов бериш билан унинг агрофизикаий ҳоссаларини яхшилашга эришилмоқда. Нокуляй экологик шароитдаги Қорақалпогистон худудидаги ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шаоритида ғўза қатор орасига ишлов беришнинг турли усулларини кўплаб ва маъданли ўғитларнинг мақбул муддатини аниқлаш орқали гўздан юкори ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлигини саклаб қолиш бўйича иммий тадқиқотлар етарпи олиб борилмаган.

Ғўза қатор орасига турлича усулда ишлов беришни мақбуллаштириш бўйича иммий тадқиқот ишлари ва таҳлилар “Дала тажрибаларини ўтказиш усублари” ЎзПИТИ, 2007 й. ва тегишли кўлланмалар асосида Қорақалпогистон Дехқончилик иммий-тадқиқот институтининг марказий тажриба ҳўжалигига иммий тадқиқот ишлари ўтказилди.

Тадқиқот олиб борилган даланинг агрофизик хусусиятлари ҳар иили амал даври бошида ва охирида ўрганилиб борилди. Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, амал даври охирига келиб агрономик жиҳатдан самарали бўлган заррачаларга тупроққа ишлов бериш, усуллари ўрганилганда амал даври бошида тупроқ донандорлиги 0-30 см қатламда 70,7 %, 30-50 см қатламда 63,8% ни ташкил этди. Ғўза қатор орасига ишлов беришнинг биринчисини 8-10 см чуқурлиқда, кейингиларини 15-20 см чуқурлиқда тўрт маротаба ўтказилганда тупроқ донандорлиги 0-30 см қатламда 71,3%, 30-50 см қатламда 60,9% ни ташкил этган бўлса олти маротаба ишлов берилган назорат вариантида тегишлича 62,5 ва 51,3% ни ташкил этди. Демак, ғўза қатор орасига олти маротаба чукур ишлов бериш билан тупроқ донандорлиги 9,9-8,1% камайишига олиб келар экан.

Тупроқнинг ҳажм вазини аниқлаганда амал даври бошида 0-30 см қатламда 1,38 г/см<sup>3</sup>, 30-50 см қатламда 1,41 см<sup>3</sup> бўлди. Амал даври охирига бориб, варианктар бўйича тупроқ ҳажим вазини аниқлаганимизда, ғўза қатор орасига биринчисини ўғит билан ишлоб бериш, ариқ олиш, ишлов бериш ва ўғит билан ариқ олиш тартибида, биринчисини 8-10 см, кейингиларини 15-20 см чуқурлиқда тўрт маротаба ўтказилганда тупроқнинг ҳажм вазни тегишлича 1,33-1,38 г/см<sup>3</sup> бўлди.

Ушбу варианларда амал даври охирида тупроқнинг ғаваклигини аниқлаганимизда 0-30 см қатламда 48,7%, 30-50 см қатламда 45,3% ни ташкил этиб назоратга нисбатан 0-30 см қатламда 3,1% юкори бўлганлиги аниқланди. Тадқиқот олиб борилган варианларда амал даври бошида ва амал даври охирида тупроқнинг агрокимёвий ҳоссалари ўрганиб борилди.

Амал даври бошида 0-30 см ва 30-50 см қатламда тегишлича умумий азот 0,578-0,432%, умумий фосфор миқдори 0,134-0,137% ни ташкил этган ҳолда, озиқа моддаларининг ҳаракатчан шакллари нитратли азот миқдори 6,78-8,87 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 11,3-12,7 мг/кг, алмашинувчи калий миқдори эса 148,7-161,3 мг/кг ни ташкил этди. Бу олинган маълумотлар бўйича шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари озиқа элементлари миқдори бўйича кам таъминланган гурухга мансуб эканлигини билдиради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Аевдалова Г.Н. Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқларда ғўза қатор орасига ишлов бериш ва суюғориш технологияси элементларини ишлаб чиқши. Нукус-2016. Б.48.
2. Жураев А.Н., Хошимов И.Н. Тупроққа ишлов бериш, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрининг тупроқ заррачаларининг ювилишига таъсирси. “Агрокимё ҳимоя ва усимиликлар қарантини” журнали. Тошкент, 2018 №4(8) Б.38-39 (06.00.00. №11)
3. Нагметова С.Т. Тажрисимон ва типик бўз тупроқлар шароитида ғўза ҳосилдорлигини оширишда қатор орасига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш. (DSc) Диссертация автореферати, Тошкент, 2018 й. Б.27.
4. Нурматов Ш.Н., Мамбетназаров Е.Б. Ғўза қатор орасига ишлов беришнинг тупроқнинг агрофизикавий хусусиятларига таъсирси. “Жанубий Оролбўй табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш” VIII Республика иммий-амалий конференцияси материаллари. Нукус -2019 й.
5. Дала тажрибаларини ўтказиш усуллари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007.

Тажриба ўтказилган йилларда ғўза қатор орасига ишлов беришнинг 8-10 см чуқурлиқда ўғит билан ишлоб бериш кейингиларини 15-20 см чуқурлиқда ариқ олиш культивация ўтказиш ва ўғит билан ариқ олиш таркибида тўрт маротаба ишлов берилган вариантида тупроқ таркибидаги нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорлари амал даври охирига бориб камайиб бориши қайд қилинди.

Ғўза қатор орасига ишлов бериш усулларининг ҳосилдорликка ва пахта толасининг сифат кўрсатичларига таъсирни ўрганилганда, ғўза қатор орасига ишлов беришнинг биринчисини 8-10 см, кейингиларини 15-20 см чуқурлиқда тўрт маротаба ишлов берилганда ўттана уч йилда гектарига 30,4 центнер ҳосилни ташкил қилган бўлиб, назоратта нисбатан пахта ҳосили 3,7 центнер юкори бўлганлиги аниқланди. Кўлланилган омилларни пахта ҳосилининг сифат кўрсатичларига таъсирни аниқланганда, ғўза қатор орасига ишлов беришни мақбуллаштирилганда тола чиқши 35,9% дан 36,0% ни тола узунлиги 34,5 мм дан 36,0 мм гача бўлганлиги аниқланди. Бу эса тажирибанинг назорат вариантидаги натижаларга нисбатан тола чиқими бўйича 0,4% га, тола узунлиги 1,6 мм га юкори бўлганлиги аниқланди.

Дала шароитдан олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилигини аниқлаш учун 2018-2019 йиллари Чимбой тумани “Хожамберген” фермер хўжалигига ишлаб чиқариш тажрибаси ўтказилди. Олинган маълумотлар бўйича ғўза қатор орасига ишлов бериш чуқурлиги, сони ва маъдан ўғитлар бериш муддати ғўза ҳосилдорлигига таъсир этиб, иккى йил давомида ўтказилган ишлаб чиқариш тажрибаси маълумоти бўйича биринчи ғўза қатор орасига ишлоб беришни 8-10 см чуқурлиқда ўғит билан ўтказиш, кейингиларини 10-15 см чуқурлиқда ариқ олиш, ишлов бериш, ўғит билан ишлов бериш тартибида тўрт маротаба ўтказганимизда гектарига 29,5-30,2 центнер ҳосил олиниб, ўттана иккى йилда гектарига 2,6-3,2 центнер кўшумча ҳосил олиниди.

Нокуляй экологик шароитдаги ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида этиширилган ғўздан юкори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун ғўза қатор орасига ишлов беришнинг такомиллаштириш талаб этилади. Бунда ғўза қатор орасига ишлов беришнинг биринчисини 8-10 см чуқурлиқда ўғит билан ишлоб бериш, кейингиларини 10-15 см чуқурлиқда ариқ олиш культивация ишлаш ҳам маъданли ўғитларнинг йиллик меъёрини N-250, P-150, K-100 кг/га қилиб қўллаган ҳолда парваришлар максадга мувофиқидир. Юкори ва сифатли пахта ҳосили ғўза қатор орасига тўрт маротаба ишлов бериб такомиллаштириш шароитида ва маъданли ўғитлар меъёри N-250, P-150, K-100 кг/га қўлланганда олиниб, гектарига 30,4 центнерни ташкил этди. Рентабеллик даражаси эса 49,4% га тенг бўлди.

**Е.МАМБЕТНАЗАРОВ,**  
к.и.х., мустақил тадқиқотчи,  
Қорақалпогистон дехқончилик  
иммий-тадқиқот институти.

# СУВ ТАРМОҚЛАРИ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

(Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани мисолида)

This article is about distance remote sensing of exploitation condition of irrigation systems. In this article provided analysis GIS of RS for study technical condition of systems in Syrdarya province.

Сув тежамкорлигига эришиш вазифалардан келиб чиқиб сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, уларни унумдорлигини тиклаш ва ошириша уларга таъсир этувчи салбий омилларни ҳар томонлама чукур ўрганиш ушбу жараёнларнинг оғдини олиш ва бартараф этиш борасида илмий асосланган ресурстежамкор техника ва технологияларни кўллаш, экологик соғф ва самарадор чора-таддирларни ишлаб чиқиш, соҳага замонавий техникаларни ва технологияларни тармоқка жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ахборот технологиялари ривожланган сари упар ҳаётимизнинг ҳамма томонларини ўзgartирмоқда. Геоахборот тизимлар эса қадимдан ривожланиб келаётган география, геология, геодезия, картография каби фанлар ва кўпгина соҳаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу соҳалар тажрибаси, анъаналари, ғояларига таяниб, янги вужудга келаётган фан ва технологиялар ўз навбатида уларнинг ривожланишига ҳам хисса кўшмоқда. Тез ва соз, аниқ ва тўлиқ маълумот билан таъминлаб Геоахборот тизимлар худудий ва минтақавий ривожланишини идора килишда, тегишли қарор қабул қилишда ниҳоят муҳим ўрин тутмоқда.

Энг муҳим масала Геоахборот тизимлардан фойдаланишdir. Улар фақат ҳарита тузиш ва жиҳозлаш учун қўл келади, деган фикр хотуғри деб хисобласак бўлади, чунки уларни имкониятлари ниҳоят чексизdir. Чунончи, ҳарита асосида қадимдан ер ўрганиладиган фанларда кўлланилиб келаётган худудий ва фазовий таҳлил олиб бориш қатори кадастрил рўйхатга оладиган маҳсус ер ахборот тизимлари, турли соҳаларда қарор қабул қилиш ва идора қилишда маслаҳат берувчи тизимлар ҳам яратилган. Ушбу тизимлар ёрдамида янги ахборот маҳсулот яратиш, ахборот билан таъминлаш, ахборот асосида жойни, ҳодиса, жараённи ўрганиб унумли қарор қабул қилиш ва идора қилиш вазифалари ечилимоқда.

Изланишнинг тадқиқот обьекти — Сирдарё вилояти ирригация тизимлари. Уларнинг техник ҳолатини QuickBird сунъий йўлдош тасвирлари орқали тадқиқ этдик. Ушбу тасвирлар турли хоссаларига кўра ArcMap дастурида таҳлил қилинди ва ундаги сув обьектларининг техник ҳолати ўрганилди (1-расм).




1-расм. ArcMap дастурида тасвирларни классификация қилиш.


Бунга кўра, тасвир таҳлил алгоритмлар тузиб чиқилди. Таҳлилларга тасвирларни тайёрлаш, уларга дастлабки ишлов бериш ҳамда маълумотлар базасини яратиша ArcGIS дастурий таъминотининг ArcMap дастуридан фойдаланилди. Таҳлилнинг дастлабки босқичида NDWI индекси орқали сув обьектлари алоҳида ажратиб олинди (2-расм).

Унинг узилган қисмлари тизимдаги носозликларни кўрсатади. Шу тариқа ирригация тизимларининг техник ҳолати ўрганилди. Ушбу ҳаритада ирригация тизимлари устидаги сарик нуқта ва майдонлар айнан шу сув обьектининг лойқа оқизиқлари билан ифлосланганини

кўрсатади. Яшил нуқта ва майдонлар сув ўтлари билан тўлиб қолганини ифодалайди.



Сув обьектларини классификациялаш алгоритми.



Ирригация тизимлари ўт ва кум боссан қисмлари.

Юқоридаги ҳаритадан кўринадики, Мирзаобод туманида канал ва зовурлар ўт боссан, зовур ва каналлар лойқа билан тўлган, уларни тозалаш ишларини олиб бориш зарур.

Хулоса ва тақлифлар. Республикализнинг қишлоқ ҳўжалик ерлари катта қисми ирригация орқали етишириладиган худудлар ҳисобланади. Ирригация тизимлари эса тупроқ табиий ўзанли каналлар ҳисобланади. Уларнинг тўлиб қолишини назорат қилиб турish соҳанинг энг асосий масаласидир.

Ушбу назоратни амалга оширишда соҳа вакиллари уларни жойларга бориб ўрганиш ва тадқиқ қилиш усулига таянидилар ва натижада ресурс ироғини кептириб чиқарадилар. Ваҳоланки, ҳозирда ер ҳақида бизга доимий бепул маълумотлар узатиб турган кўплаб сунъий йўлдошлар ва уларни аниқ таҳлил қилишда ГАТ каби бепул дастурлар мавжуд.

Янги технологияларнинг барчаси инсон ҳаётини соддалаштириш уларга кўмаклашиш учун яратилгандир. Иш жуда содда бўлиб ирригация тизимлари ҳолатини сунъий йўлдош маълумотлари асосида кузатишга асосланади. Ва уни татбиқ этиш орқали ойига 2 миллион сўмлик харажатдан қутуламиз.

Ирригация тизимлари ҳолати бўйича Мирзаобод туманида кўйидаги қарорга келинди: туманда таъминалаб, сув ўтлари ва лойқа боссан ирригация тизимлари жуда кўп (масалан K-3-5) канали. Туманда ирригация тизимларидаги сув ўтларини аниқлашда НДВИ қатлами юқори натижада берар экан.

Ш.АКМАЛОВ,  
Х.АБДУХАМИТОВ,  
Ф.ОЧИЛДИЕВ,  
ТИҚХММИ.


## АДАБИЁТЛАР

1. Akmalov Sh.B., Gerts J. Using Remote Sensing very high resolution data in observation of open drainage system condition in Syrdarya Province. Irrigatsiyavamel ioratsiyajurnali, Vol N02 (4). TIQXMMI. Tashkent, 2016. Pp 26-29.
2. Akmalov Sh.B., Blanpain O., Masson E. Study of ecological changes in Syrdarya province by using the Remote Sensing GEOBIA analysis method. "Irrigatsiya va melioratsiya" jurnali, Vol N02 (8). TIQXMMI. Tashkent, 2017. Pp 15-19.
3. Справочник. Мелиорация и водное хозяйство сооружения. Поред Полодзаде. М.: Агропромиздат. 1987 г.
4. Observation of the Earth and its Environment: Survey of Mission and Sensor, Herbert J.Kramer, 2002; Pp 277-280, "B.4.2 QuickBird-1", "B.4.3 QuickBird-2".

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТЕМЧИЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИГА АСОСЛАНГАН ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ЭНЕРГИЯНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ

Ҳозирда республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этишириш билан бирга уларни жойида қайта ишлаш, сақлаш каби энергияхажмдор иш турлари пайдо бўлди. Бу эса ҳудудларда электр энергиясига бўлган талабнинг ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатидан ортиб боришини билдириб, электр таъминотини диверсификациялаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Шу сабабли қишлоқ, хўжалигида мұқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ётибор кучаймоқда.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, электр юритмали қурилмаларда сарфланаётган энергиянинг қарийб 90 фоизи фойдалари ишга сарф бўлиб, бу кўрсаткич ички ёнувдвигателли юритмаларга нисбатан қарийб икки марта юқори. Бундан ташқари, дала ишларига кичик электромеханик воситаларнинг жорий этилиши тупроқнинг зичланишига олиб келувчи оғир техника воситаларининг далага кам киришини таъминлаш имкониятини яратади (1-диаграмма).



1-диаграмма. Ёнилигি турлари бўйича техника воситаларининг самарарадорлик кўрсаткичлари

Демак, келажакда электр тракторлар қишлоқ хўжалигига кенг миқёсда жорий этилиб, унинг асосий компонентларидан бири бўлмиш электр энергиясини жамловчи – аккумулятор батареяларига эҳтиёж кескин ортади ва ушбу қурилмаларга куйидаги талаблар қўйилади (2-диаграмма).

Бундан ташқари барча аккумулятор батареяларига хавфсизлик, ишончлилик ва ишлатишдаги кулийлик каби умумий талаблар ҳам мавжуд.

Мобил қурилмалар учун электрокимёвий технология хусусиятларидан келиб чиқиб (SLA)-кўргошин-ишқорли герметик; (NiCd)-никел-кадмийли; (Li-Ion)-литий-ионли; (Li-Po)-литий-полимерли ток манбаларини келтириш мумкин. Аккумуляторларнинг кам учрайдиган русумларига Никел-кўргошинли; Кумуш-кўргошинли; Кумуш-кадмийли ёнилигилар киради.



2-диаграмма. Аккумулятор батареяларини танлашда ётибор қараштадиган асосий таъсифлар

Кейинги йилларда электр энергиясини йигиб, жамлаш борасида ривожланган мамлакатларда кўплаб самарали техник ва технологик ечимлар яратилиб, улар яқин йилларда кенг миқёсда жорий этилиши кутилмоқда.

Литий-ионли аккумулятор ихчамлик, ҳажм бирлигига кўра катта микдорда энергия сиғидири олиши каби афзалликлар эга. Аммо, литий нодир қазилма элемент бўлиб, маҳсулот нархини ошириб юборади,

осон ёнғин чиқиш хавфи бор, ишлаш муддати нисбатан қисқа.

Sila Nanotechnologies - мутахассислари мавжуд литий-ион аккумуляторлари сиғимидан иккى баробар юқори сиғимга эга, енгил ва ўта ихчам литий-ион аккумулятор яратдилар. Ҳозирча улар кўчма қурилмалар учун мўлжаланаётган бўлса-да, келажакда электромобиллар учун ҳам кўлланилиши мумкин.

Мичигандаги компания инновацион электролити бутунлай қаттиқ ҳолатда бўлган энергиянинг юқори зичлигига эга Sakti 3 литий-ион аккумуляторини яратди. Ушбу аккумулятор конструкциясида енгил ёнуви сукцуклардан фойдаланилмаган. Компанияни GM Ventures, Khosla Ventures ва Itochu каби йирик ишлаб чиқарувчилар қўллаб қувватлади.

Кимё тадқиқотчилари томонидан электромобилларда синалган ушбу батареяларнинг Кулон самарадорлиги 400 циклдан кейин (литий анодида сакланадиган нисбий сиғим) деярли 100% кўрсаткични тасдиқлаган.


Стенфорд университетида QuantumScape – аккумулятори яратилди. Бу принципиал янги батарея русуми бўлиб, унда ҳаракатдаги ионлардан эмас, балки электронлар энергиясидан фойдаланилади.

Американинг Envia Systems компанияси 1 кг массага 400 Вт-соатгача энергия ҳажмли батарея яратди. Бундай аккумулятор билан электромобиль 500 км. гача масофани босиб ўтиши мумкин ва унинг баҳоси 25000-30000 \$ атрофида бўлиши мумкин. Ушбу лойихани General Motors, Pangaea Ventures, Redpoint Ventures, Япониянинг Asahi Kasei ва Америка energetika вазирлиги қўлламоқдалар.

StoreDot – компанияси жуда қисқа вақтда (бир неча минут) зарядланувчи батарея яратиб, ўз изланишларини 5 минутда 300 км масофага етувчи сиғимда зарядлана оладиган батареялар яратишга йўналтирган.

FlashBattery – деб номланган StroreDot – технологияси батареяларда аввал қўлланилмаган наноматериаллар қатлами ва проприетар органик биримлардан фойдаланишини назарда тутади. Мутахассисларнинг фикрича бундай усул литий ион қурилмалари қараганда хавфсизроқ, чунки юқори ҳароратга чидамлидир. Нобиологик таркибдаги кимёвий синтезланган органик молекулалар ушбу технологиянинг юраги ҳисобланади.

Электр энергиясини йигиб, жамлаш борасида жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари аккумулятор батареялари нархларининг пасайшига олиб келмоқда. Мисол учун, 2012 йилда бир кВт. соат электр энергияни сақлаш 800 доллар турган бўлса, 2016 йилда унинг нархи 281 долларгача тушган. Ҳар йили унинг нархи 9 foizgacha пасаймоқда (3-диаграмма).



3-диаграмма. Аккумуляторлар нархининг пасайши динамикаси.  
(1 кВт.соат учун)

Ҳозирда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида профессор А.Раджабов раҳбарлигига мева-сабзавотчиликда истеъмолчилар учун автоном локал ва мобиль энергия таъминотини амалга ошириш билан

бирга, маълум миқдорда энергияни жамлаб берувчи (аккумулятор батареяларини зарядлаш) комбинациялашган “Кўёш-шамол” мобил электр станциясини яратиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида юкори самарали аккумулятор батареялари яратиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Тадқиқотларнинг дастлабки натижалари асосида ва мобиль электр станциянинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аккумулятор батареяларини танлашга қўйидаги талаблар шакллантирилди:

- нисбатан кичик массага эга бўлиш;
- тебранишлар, қияликлар ва ўта юкланишларга чидамлилик;

- кучланишни яхши ушлаб тура олиш;
- муқим тавсифли;
- кам зарядсизланувчи;
- чукур разрядланишга чидамлилик;
- кенг ҳарорат диапазонига (- 40 дан + 40 гача) эга бўлишлик.

**Н.НУРАЛИЕВА,  
докторант (PhD),**

**А.БОКИЕВ,**

**т.ф.н., докторант (DSc),**

**А.РАДЖАБОВ,**

**т.ф.д., профессор, (ТИҚҲММИ).**

#### АДАБИЁТЛАР

1. А. Раджабов. Проблемы и перспективы развития технологии использования ВИЕ в сельском хозяйстве // Материалы Международной конференции «Перспективы развития возобновляемых источников энергии в Узбекистане». Ташкент, 28-29 марта 2018. – Ташкент, 2018

2. А.А.Бокиев, Н.А.Нуралиева. Перспективы перевода на электрический привод мобильных технических средств в сельском хозяйстве РУз // “Энергия ва ресурс тежаш муммалари” мавзуидаги конференция илмий мақолалар тўплами . – Тошкент, 2018. – № 3-4. – Б. 334-339.

3. Бокиев А.А. Многофункциональное электромеханическое устройство БАА-1 на основе ВИЭ // Материалы международной научно-практической конференции “Перспективы развития возобновляемой энергетики” – Ташкент, ТГТУ, 2018. – С. 35-38.

**УЎТ: 548.736.15:681.7.042.3**


## СИНТЕТИК ОЛМОСЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ

The article describes the main properties of synthetic diamonds and the production technology.

Олмоснинг кимёвий таркиби XVIII аср охирида аниқланиб, бу ҳол турли мамлакатларда сунъий усул билан олмос олиш учун кўпгина уринишлар бошланишига сабаб бўлди. XX аср ўрталарида бир неча мамлакатларда олмосни синтез қилишига муваффақ бўлindi. Синтетик олмослар табиий олмослардан улар лабораторияда сунъий усул билан олинишида фарқланади.

1939 йил совет олими О. Лейпунский тажрибалар самарадорлиги учун камиди 60 000 атмосфера босими кераклигини хисоблаб чиқди. 1940 йилларда АҚШ, Швеция ва СССР да CVD (chemical vapor deposition) ва HPHT (high pressure high temperature) усуллар ёрдамида олмос олиш бўйича тадқиқотлар бошланди. Бу икки усул ҳозирги кунда ҳам олмос ишлаб чиқариш саноатида етакчи усуллардан хисобланади ва улар олиниш усулига кўра CVD ва HPHT олмослар номи билан аталади. 1953 йилнинг 15 сентябринда Б. Платен томонидан дунёда илк бор сунъий олмос олинди.

Бугунги кунда сунъий олмос ишлаб чиқариш учун бир неча технологиялар қўлланилади. Улардан биринчиси, қадимий ва асосий усул ҳисобланувчи юкори босим ва температура асосида (HPHT) олмос олиш технологияси ўзининг арzonлиги ва юкори сифати билан ҳам ўз ўрнини кўп йиллар сақлаб қолган.



HPHT технологияси ўрдамида  
олинган синтетик олмослар

HPHT усулида учта босма тартиб қўлланилади. Тасмали пресс, кубсимон пресс ва кесиш соҳаси билан пресслаш. Олмос уруғлик прессда жойлашган капсуланинг пастки қисмига жойлаштирилади. Прессда босим остида капсулла 1400°C

дан юкори ҳароратгача қиздирилади ва метал эритгич эрийди. Эриган метал углеродни эритади, шунингдек, капсулага жойлаштирилган олмос уруғликка углерод атомлари ўтишга имкон беради, натижада олмос уруғликдан йирик олмос доналари шаклланади.

Иккинчи пресс тури – кубсимон. Прессда куб шаклида сиқишиб учун олтита темир пуансонлардан фойдаланилади. Кубсимон пресс тури тасмали пресснинг иш ҳажмини оширишга уринишлар натижасида пайдо бўлди. Кубсимон пресслар тасмали прессларга қараганда кичик ўлчамларга эга ва синтетик олмосларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган босим ва ҳарорат бўйича иш шароитларига тезроқ эришади. Шунга қарамасдан, кубсимон прессларни иш ҳажмини ошириш осон эмас. Иш ҳажмининг ошиши пуансонларнинг катталашишига олиб келади, бу эса айни босимни олиш учун пуансонларга қўлланиладиган кучнинг ошишига олиб келади.

Учинчи, олмос етиширишда энг ривожланган пресс тури – БАРС (Беспрессовая аппаратура высокого давления). Бу тузилишдаги пресслар бошқа турларга қараганда маҳсулдор ва иқтисодий жиҳатдан ҳам энг қулийдир. Қурилма марказида олмос етишириш учун таҳминан 2 см<sup>3</sup> ҳажмдаги цилиндрисимон керамик капсулла жойлашган. Капсулла пуансон сиқилганда керамикага босимни ўтказувчи вольфрам карбида билан қопланган.

Иккинчи усул — кимёвий бирикиш (CVD) технологиясидир. Бунда углерод атомларидан плазма ҳосил қилинади ва бу атомлардан аста-секин олмос шаклланади. CVD усулида углеводород газ аралашмасидаги углерод олмос уруғлик устига бирикиши ҳисобига олмос олинади. Ушбу усул 1980 йиллардан бўён дунёдаги илмий гурӯҳлар томонидан фаол ўрганилади. HPHT жараёни саноатда олмосларни ишлаб чиқариш учун кенг қўлланилса-да, CVD технологиясининг соддалиги ва мослашувчалиги лабораторияларда ушбу усулнинг оммалашинишига олиб келди. CVD технологиясига кўра, олмосларни ишлаб чиқаришда қўшилмалар ва якуний маҳсулот таркибини назорат қилиш осон. HPHT технологиясидан фарқли равишда CVD жараёни юкори босим талаб қилмайди, ўсиш жараёни 27 кПа дан кам бўлган

босимларда содир бўлади. CVD жараёнида олмос етиштириш учун асос тайёрлашни иш камерасини газ аралашмаси билан тўлдиришдан бошланади. Асос учун оптималь ҳарорат тахминан 800°C ни ташкил қиласди. Асосни тайёрлаш жараёни керакли материални ва унинг кристаллографик йўналишини тўғри танлашни ўз ичига олади.

Олмосни синтез қилиш усуллари ривожланиб боргани сари маҳсус физик хоссаларга эга бўлган синтетик олмос олиш ва ундан кенг фойдаланиш йўлга кўйилди.

Ҳозирги кунда синтетик олмосларнинг энг кўп тарқалган брендлари: ASO – ўртача қаттиқликка эга олмос, ASR – юқори қаттиқликка эга олмос, DIA – жуда юқори қаттиқликка эга олмос.

Маълумки, кристаллик нуқсонларнинг йўқлиги олмосларнинг энг мухим кўрсаткичи ҳисобланади. Таркибий тоза ва нуқсонлардан холилиги олмосларни тиник ҳамда шаффоғлигини оширса, қаттиқлиги, кимёвий қаршилиги, юқори оптик дисперсияси унинг қийматини янада оширади.

Синтетик олмослар — энг қаттиқ моддалардир. Синтетик олмоснинг қаттиқлиги таркибий тозалиги, кристалл панжарадаги нуқсонлар йўқлиги ва улар йўналишига боғлиқдир. CVD жараёнида олинган нанокристалл олмослар қаттиқлиги монокристалл олмослар қаттиқлигининг 30% дан 70% гача қисмини ташкил қиласди ва уларни керакли даражаси кристалл етиштириш давомида назорат қилинади. Баъзи синтетик HRHT монокристалл олмослар ва нанокристалл олмослар бизга маълум барча табии олмослардан қаттиқроқдир.

Ҳар бир олмос углерод атомларидан ташқари аналитик усуллар билан аниқлаш учун етарли миқдордаги бошка қўшилма атомларини ўз ичига олади. Қўшилма атомлари кўп миқдорда тўпланиб бузилишларни шакллантиради. Одатда бузилишларга йўл қўйилмайди, аммо олмоснинг баъзи хусусиятларини ўзгартириш учун бу усул кўлланилади.

Соф олмосдиэлектрик ҳисобланади, лекин унга оз миқдорда қўшилган бор моддаси унинг электр ўтказувчанигини яхшилайди ва, ҳатто, баъзи ҳолларда ўтказувчанигини юқори даражага олиб чиқади. Азот қўшилмалари кристалл панжарадаги дислокацияларга тўскенилик қиласди ва унинг кучланишини оширади. Кўпгина изоляторлардан

#### АДАБИЁТЛАР

1. D. W. Olson. Diamond, Industrial / 2011.
2. Д. Момонтов. Место рождения алмазов. // Популярная механика-2016. Н5.
3. Синтетический алмаз. // Инструменты из сверхтвёрдых материалов / Н.В. Новиков, С.А. Клименко. "Машиностроение". 2014.

УЎТ: 621.3+664.8

## ШАРБАТИНИ ОЛИШДАН ОЛДИН МЕВА ВА УЗУМГА ЭЛЕКТРИК ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН ИМПУЛЬС ГЕНЕРАТОРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

The article presents a methodology for calculating the parameters of a pulse generator for electrical processing before extracting juice from fruits and grapes.

Учқунли разрядни портловчи жараён каби оқибатларини инобатга олган ҳолда қараш тавсия этилади: зарба тўлқинини юзага келиши, газ пуфагини пульсацияланиши, бирин-кетин юзага келадиган портлашлар сериясини амалга ошириш ва ҳоказо. Бундан ташқари учқунли разряд, разряд вақт оралиғида маълум миқдорда импульсли босим ва

фарқли равишда, олмос кристаллининг кучли ковалент боғланишлари туфайли яхши иссиқлик ўтказувчанилигига эга. Соғ олмоснинг иссиқлик ўтказувчанилиги барча маълум моддалар ичидаги энг юқори кўрсаткичи ташкил қиласди. Углерод (99,9%) изотопидан иборат монокристалл синтетик олмос хона ҳароратида 30 Вт/см иссиқлик ўтказувчанилигига эга, яъни мисдан 7,5 баробар кўпроқдир. Табии олмос кристалларида иссиқлик ўтказувчанилиги углерод изотопидаги аралашмалар, кристалл панжара бузилишлари туфайли 1,1% дан паст бўлади.

Олмоснинг иссиқлик ўтказувчанилиги заргарлар томонидан олмосни қалбакиларидан фарқлаш учун фойдаланилади. Тошга учида иситгич ва термодатчик бўлган маҳсус мис проба билан тегилади. Агар олмос ҳақиқий бўлса, у иситгичдан иссиқликни тезда сингдиради, бу термодатчик томонидан аниқланган ҳароратнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Бу синон 2-3 сония давом етади.

Синтетик олмосларнинг аксарияти саноатда қаттиқлиги туфайли — юқори қаттиқликдаги кесувчи восита, абразив куқун, полировка пасталари сифатида фойдаланилади. Олмослар қаттиқлиги сабабли ҳар қандай маълум материаллардан устун бўлиб, материалларни силликлиша, ҳатто, олмосларни бўлаклашда ишлатилиади. Табии олмосларни ҳам саноатда ушбу мақсадлар учун ишлатиш мумкин бўлса-да, HRHT жараёнида олинган синтетик олмослар хусусиятларининг юқори бир хиллиги ва параметрларининг кам ўзгариши сабабли устун ҳисобланади.

Хуласа: Синтетик олмос индустриси ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у нафакат заргарлик буюллари учун, балки саноатда ҳам кенг миқёсда ўз ўрнини топди. Бунга сабаб унинг минераллар орасида энг юқори қаттиқликка эгалиги, иссиқлик ўтказувчанилиги, бетакор гўзаллиги ва шу каби бир қатор ноёб хусусиятларга эгалигидир.

**К.ШУКУРУЛЛАЕВА,**

*талаба,*

**Х.ТУРКМЕНОВ,**

*доцент,*

**Ш.АБДУРАХМОНОВА,**

*ассистент,*

**ТИҲХМИ.**

Бизнинг масалада бўшлиқдаги талаб этилаётган қувват  $W$  маълум бўлиб, меванинг бўйи бўйича талаб этилаётган концентрация градиентини таъминлайди. Шу билан бирга қувват максимал  $W_{\max}$  бўлиб, биологик жараён самарали ўтишини кафолатлади. Тавсия этилаётган қувват ортиб кетса бактерияларнинг фаоллиги пасайиб кетади, натижада шарбат чиқиши ҳам ортади. Заряд контуридан разряд контурига узатилаётган қувват тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$[Вт] \quad W = \frac{C(U_0^2 - U_n^2)}{2} \quad (1)$$

бу ерда:  $U_0$  – разряднинг бошланғич кучланиши, В;  $U_n$  – разряд тугайдиган натижавий кучланиш, В; С- конденсатор сифими, Ф.

Импульсли генераторнинг иш жараёни қўйидаги шарт бажарилганда оптималь режимда бўлади:

$$U_0 = 0,7 \cdot k_T \cdot U_1; \quad U_n = 0,1 \cdot k_T \cdot U_1 \quad (2)$$

$$k_T = \frac{U_2}{U_1}$$

бу ерда  $k_T$  - трансформация коэффициенти  $T_B$ ; (2) ни инобатга олган ҳолда конденсаторда тўплланган ва разрядловчи тугунга узатилаётган қувват:

$$[Вт] \quad W = \frac{0,48 \cdot C \cdot U_1^2 \cdot k_T^2}{2} \quad (3)$$

Аммо, бўшлиқда тўлиқ қувват эмас, балки қувватнинг маълум қисми ажралиб чиқади. Разрядловчи контурнинг ФИК  $\eta_2$  ни ҳисобга олган ҳолда разряд қуввати қўйидагига тенг бўлади:

$$W_{\hat{\epsilon}} = W \cdot \eta_2. \quad (4)$$

Ўз навбатида  $\eta_2$  разрядловчи контур кўрсаткичларига боғлиқ бўлади:  $R_2$  қаршиликнинг индуктивлиги  $L_2$ , ва конденсатор С нинг сифими, ҳамда зарядлаш ва разрядлаш контурларининг боғланиш коэффициенти  $m$ . Бизнинг схемада индуктивлик  $L_2 \rightarrow 0$ , а  $m \rightarrow \infty$  эканлигини инобатга олган ҳолда  $\eta_2 = 0,3$  га тенг эканлигини аниқлаймиз [1, 2]. (3) ни (2) га қўйиб, конденсатор сифимини аниқлаймиз:

$$C = \frac{4W_{\hat{\epsilon}}}{\eta_2 \cdot \hat{e}_0^2 \cdot U_1^2} \approx \frac{16W_{\hat{\epsilon}}}{\hat{e}_0^2 \cdot U_1^2} \quad (4)$$

Иzlанишлар натижаси ҳамда адабиётда келтирилган маълумотларга кўра, разрядланиш давомийлиги

$t_u = (1...6) \cdot 10^{-3}$  с эканлигидан далолат беради. Сифим

С нинг қиймати маълум бўлганлиги сабабли, талаб этилаётган  $T_1 > t_u$  нисбатни зарядловчи резистор  $q = \frac{T_1}{t_u} R_1$  қаршилигини танлаш орқали таъминлаш мумкин бўлади. Импульсларнинг айланиши (скважность) импульсли ускуна тавсифлари сезиларли таъсир кўрсатади. Биотехнологик жараёнларни фаоллаштириш учун зарур бўлган импульсли ускуна учун скважности ўртача  $10 > q > 2$  бўлган импульс танланади. У холда конденсаторнинг зарядланиш даври ва вақт доимийси қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$T_1 = q \cdot t_u, \quad T_n = R_1 \cdot C. \quad (5)$$

(5) тенгламаларни биргаликда очиб, зарядланиш (3...4)  $T_n$  вақтда тугашини инобатга олган ҳолда, қўйидагини топамиз:

$$R_1 = \frac{q \cdot t_u}{C} \quad (6)$$

Айтиб ўтилганидек, кучланиш коммутатори талаб этилаётган кучланишда разрядни юзага келтириш учун ҳизмат қилади. Импульсли ускунанинг қуввати конденсаторда тўплланган қувват (2) ва импульсларнинг келиш частотаси орқали қўйидаги ифодадан аниқланиши мумкин:

$$f = \frac{1}{R_1 \cdot C} \quad (7)$$

(7) ни (4) га қўйиб импульсли ускунанинг қувватини аниқлаймиз:

$$P = f \cdot W = \frac{U_1^2 \cdot \hat{e}_0^2}{16R_1}, \quad (8)$$

Шундай қилиб, юқори кучланишли ускунанинг қўйидаги асосий электр параметрларини аниқладик:  $RC$  генератор кўрсаткичларини берилган қувват ва импульс давомийлигига ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган. Импульсли жараёнларни амалга ошириш учун генератор  $R_1 = 30$  кОм ли зарядловчи резистор,  $C = 1 \cdot 10^{-6}$  Ф сифимили конденсаторга эга бўлиши ва импульс давомийлиги 3-6 мс, кучланиш  $U_0 = 7$  кВ бўлганда разряд бошланишини таъминлаши зарур.

**Н.ЭШПУЛАТОВ,**  
ассистент,  
**Э.КАРИМОВ,**  
талаба,  
ТИҚҲММИ.

## АДАБИЁТЛАР

- Ливщиц А.Л. Отто М.Ш. Импульсная электротехника. М.: Энергоатомиздат. 1983. – 343 с.
- Сливков И.Н., Михайлов В.И., Сидоров И.И. Электрический пробой и разряд в вакууме. М.: Атомиздат. 1966. – 288 с

## ТРАКТОР ДЛЯ ИЗМЕЛЬЧЕНИЯ СТЕБЛЕЙ ХЛОПЧАТНИКА

The article proposes a new design of the tractor for grinding cotton stalks. The principle of its work is specified.

В настоящее время в Узбекистане большое внимание уделяется рациональному использованию орошаемых земельных ресурсов, в связи, с чем всё шире внедряется способ посева озимой пшеницы в междуурядья хлопчатника. При этом существует большая проблема – уборка или измельчение стеблей хлопчатника после завершения уборки хлопка-сырца.

Нами предлагается устройство трактора в котором рабочими органами для измельчения стеблей хлопчатника являются его колёса.

Для этого передний ведомый мост трактора выполнен двумя управляемыми колёсами с колеей 600 мм с возможностью её регулировки до 900 мм путем перестановки колёс. Два передние управляемые и два задние ведущие колёса состоят из диска и обода, выполненных цельным, при этом выпуклость центральной части диска колеса от вертикальной оси обода составляет 150 мм. Обода колёс выполнены полусферическими сечениями внутри, которых установлены прямой заостренной кромкой наружу, полусферические ножи под углом оси колёс. Передние управляемые и задние ведущие колёса спереди снабжены стебленаправляющими щитами.

При таком выполнении трактора обеспечивается возможность его движения по гребням грядок и измельчение стеблей хлопчатника полусферическими ножами, установленными в ободах колёс без повреждения ростков пшеницы в борозде. Исключается использование специального измельчителя стеблей хлопчатника в связи, с чем уменьшается энергозатраты.

Предлагаемая конструкция трактора показана на рис.1 - трактор в работе, сбоку; на рис. 2 – трактор в работе, спереди (полусферические ножи в ободах не показаны); на рис. 3 – колесо трактора (управляемые и ведущие колёса отличаются только размером диаметра); на рис. 4 – колесо в вертикальном разрезе по А-А; на рис. 5 – стебленаправляющие щитки сбоку, со скрепляющими стержнем и держателем; на рис. 6 – стебленаправляющие щитки сверху.

Трактор состоит из остова 1, двигателя внутреннего сгорания 2, трансмиссии 3, кабины управления 4, переднего ведомого моста 5 с двумя управляемыми колёсами 6, и заднего ведущего моста 7 с двумя ведущими колёсами 8. Колёса трактора 6 и 8 состоят из дисков 9, выполненных вместе с ободами 10 сечение которых имеет полусферическую форму. Выпуклость центральной части дисков 9 от вертикальной оси ободов 10 составляет 150 мм. В ободах 10 колёс 6 и 8, установлены полусферические ножи 11 с прямой заостренной кромкой наружу под углом оси колёс для резания стеблей хлопчатника 12. Каждое колесо спереди снабжено стебленаправляющими щитками 13, которые скреплены к ним с помощью стержня 14 и держателя 15.




Рисунок 1.




Рисунок 2.




Рисунок 3.




Рисунок 4.




Рисунок 5.




Рисунок 6.

Трактор работает следующим образом. В связи с особенностью конструкции колёс трактора необходимо вести на поле подготовительную работу и наладку трактора. Для этого создают поворотные полосы на обоих концах поля шириной 6-8 м. Стебли хлопчатника 12 на поворотных полосах убирают вручную, заравнивают внутрикарточные оросители и промоины, выравнивают подъездных путей к полю.

Для работы трактора на поле с междуурядьем 60 см колея двух управляемых колёс 6 переднего ведомого моста 5 остаётся неизменным равной 600 мм, а колею двух задних ведущих колёс 8 заднего ведущего моста 7 регулируют на 1800 мм. При этом обеспечивается ровное движение трактора по гребням грядок 16 и 17.

Для работы трактора на поле с междуурядьем 90 см колея двух управляемых колёс 6 переднего ведомого моста 5 регулируют на 900 мм путём их перестановки с одной стороны на другую, располагая диски 9 выпуклостью внутрь. А колею двух задних ведущих колёс 8 заднего ведущего моста 7 регулируют вначале с помощью бесступенчатой регулировки до размера 2400 мм, а после – для установки колеи на 2700 мм путём их перестановки с одной стороны на другую, располагая диски 9 выпуклостью внутрь. При этом обеспечивается ровное движение трактора по гребням грядок 16 и 17.

После завершения этих работ трактор заезжает в поле по следу четырехрядной сеялки, к началу грядок 16 и 17, так чтобы передние управляемые колёса 6 переднего моста 5 и задние ведущие колёса 8 заднего ведущего моста 7 двигались по ним. При движении трактора стебленаправляющие щитки 13 охватывают стебли хлопчатника 12 и направляют по поверхности гребней грядок 16 и 17 к колёсам 6 и 8, а их соединяющий стержень 14 сгибает стебли хлопчатника 12 по направлению движения трактора, создавая при этом удобное положение для резания полусферическими ножами 11, установленных

в ободах 10 под углом оси колёс 6 и 8. Полусферическими ножами 11 производится резание стеблей хлопчатника 12 со скольжением, в связи с чем снижается сопротивление на резание. Сочетание полусферической поверхности гребней грядок 16 и 17 с внутренними поверхностями ободов 10 колёс 6 и 8 обеспечивает прямолинейность движения трактора без повреждения ростков пшеницы 18 в бороздах 19 и измельчение стеблей хлопчатника 12.

Таким образом, выполнение переднего моста трактора двумя управляемыми колёсами с колеей 600 мм и возможностью её регулировки до 900 мм путём их перестановки, имеющими выпуклости в центральной части дисков размером 150 мм от вертикальной оси ободов, выполненных полусферическими сечениями, внутри которых установлены прямой заостренной кромкой наружу полусферические ножи под углом оси колёс и снабжение колёс спереди стебленаправляющими щитками, обеспечивает движение трактора по гребням грядок и измельчение стеблей хлопчатника без повреждения ростков пшеницы и снижает энергозатраты.

**О. АУЕЗОВ,**  
д.т.н., профессор,  
НФ ТашГАУ;  
**У.САДАДДИНОВ,**  
ассистент, НГПИ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Игамбердиев А.К., Ибрагимова Х.Р. Фўза қатор ораларига кузги буғдой ургуларини қаторлаб экишнинг абзалигиги//AGRO ILM. – Тошкент, 2011.-№4-Б. 68-69.

2. Игамбердиев А.К, Худойбердиев Т.С., Вохобов А., Мирзахмедов А. Фўза қатор орасига кузги буғдой экиш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2011, -№10.-Б. 25-26.

3. Хамидов А. T28x4M, T28x4M-C, T28x4M-C1 тракторлари. –Т.: Ўқитувчи, 1981. -200 б.

УДК: 631.348.45

## ВЛИЯНИЕ РЕЖИМОВ РАБОТЫ ВЕНТИЛЯТОРНОГО ОПРЫСКИВАТЕЛЯ НА КАЧЕСТВО ДЕФОЛИАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА

The article presents the results of laboratory and field studies of a double-nozzle fan sprayer. The parameters of the areas of contact of the liquid with the treated surface over the entire width of the capture unit. Dispersion of dispersion of liquid by sprayers at fan impeller revolutions: 1495, 2000 and 2550 rpm is described. The patterns of applying liquid droplets to cotton plants for the specified operating modes are established.

Дефолиация является одной из основных операций в технологии возделывания хлопчатника. Её проводят штанговыми и вентиляторными опрыскивателями. Каждый из них имеет свои положительные и отрицательные стороны.

В СП «AGRIM» разработан новый опрыскиватель с двойным соплом, который совмещает в себе положительные технические и технологические характеристики штанговых и вентиляторных опрыскивателей.

Агротехническая оценка опрыскивателя проводилась по методике O'zDST 3202:2017 «Испытания сельскохозяйственной техники. Опрыскиватели и опрыскиватели. Методы испытаний».

Общее число распылителей, участвующих

в нанесении препарата равнялось 27, в том числе по 7 шт. на боковых левом и правом цилиндрических соплах, по 3 шт. на дополнительных низких соплах и 7 шт. задних.




Рис.1 Площади контакта жидкости с обрабатываемой поверхностью.

Каждая группа распылителей обрабатывала свой отрезок поля по ширине захвата опрыскивателя.

На рис.1 показаны площади контакта жидкости с обрабатываемой поверхностью. Геометрические размеры площадей контакта определили в лабораторных условиях на стационаре.

Как видно из рис.1 при рабочих режимах опрыскивателя обозначены три площади контакта: левая с размерами - 1234x240см, правая 1200x240см и задняя – 480x240см. Общая ширина захвата равнялась 2800 см. Неравномерность ширины левой и правой площадей контакта обусловлена конструкцией короба опрыскивателя. Часть воздушного потока правого сопла направляется на формирование потока воздуха задних выдувных отверстий. Здесь же видны зоны перекрытий пятен контактов равных 57 см.

Лабораторно-полевые исследования опрыскивателя проводились на испытательном полигоне УзГЦИТТ на дефолиации хлопчатника.

Характеристика агрофона и условия испытаний были следующими: почва испытательного полигона – типичный серозем с ровным рельефом. Ширина междурядий равнялась 60 и 90 см со средней глубиной борозд – 15-17 см. Влажность верхнего слоя почвы на горизонте 0-10 см составила 8,39% (по ATT не более 19%) с твердостью 1,25 МПа. Скорость ветра была менее 2 м/с. Температура воздуха при работе опрыскивателя равнялась +16-21°C на высоте 2,0 м. Средняя высота кустов хлопчатника составляла 76-89см (по ATT не более 130 см), с шириной 30-36 см. На одном растении количество плодовых веток составляло 8 шт. на междурядьях 90 см. Растения имели плотный листовой покров с количеством 33-35 шт. на одном растении.

Оценка качества обработки листовой поверхности растения производилась по дисперсности распыла. Опыты проводились при оборотах крыльчатки вентилятора равных (об/мин): 1495, 2000 и 2550. Агрегат во всех трех вариантах опытов работал на скорости 5,29-5,6 км/ч при рабочем давлении в системе опрыскивателя 5 бар. Использовался трактор ТТЗ-811. На режиме 1495 об/мин медиально-массовый диаметр капель составил: крупных – 336-343 мкм, средних – 161-175 мкм, мелких – 77-97 мкм (по ATT 40-300 мкм).

На режиме 2000 об/мин: крупные капли – 372-414 мкм, средние – 170-221 мкм, мелкие – 73-77 мкм и на режимах 2550 об/мин: крупные капли – 444-459 мкм, средние – 166-189 мкм, мелкие – 77-85 мкм.

На рис. 2 показано изменение медианно-массового диаметра следов капель в зависимости от частоты вращения крыльчатки вентилятора по верху и низу

листьев хлопчатника. Из графиков видно, что при изменении числа оборотов крыльчатки вентилятора в пределах 1495-2550 об/мин медианно-массовые диаметры следов мелких капель по верху и низу листа изменяются незначительно. Медианно-массовые диаметры средних и крупных капель при увеличении числа оборотов крыльчатки вентилятора растут, причем, крупные более интенсивно, как по верху, так и по низу листьев. Качество обработки верхних и нижних поверхностей листьев хлопчатника отличается незначительно. Дополнительно проведены опыты по определению эффективности нового опрыскивателя на междурядях 60 см. Агрегатировался опрыскиватель трактором 28-Х4МА. Использовалась рабочая скорость 6 км/ч.




Рис. 2. Изменения медианно-массового диаметра следов капель в зависимости от частоты вращения крыльчатки вентилятора  
1-крупные капли-верх листа; 2-средние капли (верх листа); 3-мелкие капли(верх листа);  
4-мелкие капли (низ листа); 5-средние капли (низ листа); 6-крупные капли (низ листа)

## Рис.2. Изменения медианно-массового диаметра следов капель

в зависимости от частоты вращения крыльчатки вентилятора.

1-крупные капли (верх листа); 2-средние капли (верх листа); 3-мелкие капли (верх листа);

4-мелкие капли (низ листа); 5-средние капли (низ листа); 6-крупные капли (низ листа).

Процент раскрытия коробочек составил на междурядьях 90см и 60см соответственно:

- до обработки (%): 54,5 и 62,5;
- на 6-ой день после обработки: 75,7 и 63;
- на 12-й день после обработки: 79,8 и 67.

По заключению УзГЦИТТ показатели опрыскивателя с двойным соплом на дефолиации хлопчатника соответствует требованиям Тз и ATT.

**А. ЮЛДАШЕВ,**  
директор СП ООО "AGRIXIM".

1. Матчанов Р.Д. Защита растений в системе "Культура-вредитель-препарат-машина". —Ташкент: "ФАН", 2016 г., 360 ст.

2. Опрыскиватель. Патент NIAP 05658 Матчанов Р.Д., Казарез Л.А., Гуссарди П, Юлдашев А.И., Артемьев В.П.

# ЭЛЕКТРОМАГНИТНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ПЕРЕРАБОТКИ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ

**In this abstract the research work has developed an electromagnetic technology for obtaining extracts from plant materials. To achieve this goal, the tasks of intensifying the extraction process, increasing the yield of these substances, optimizing the extractor using modern dielectric materials have been solved.**

На уровень продовольственной безопасности и улучшения благосостояния народа оказывает перерабатывающая промышленность, которая является важнейшей жизнеобеспечивающей сферой. Разработка электромагнитных технологий и оборудования для производства функциональных продуктов в аграрной сфере является важным и актуальным направлением научных исследований.

Внедрение новых технологий в отрасли пищевых и перерабатывающей промышленности значительно расширит производство продуктов нового поколения с улучшенными качественными характеристиками, а также лечебно-профилактических специализированных продуктов.

Целью настоящей работы является разработка электромагнитной технологии для получения экстрактов из растительного сырья.

Для достижения поставленной цели решаются следующие задачи:

- интенсификация процесса экстрагирования;
- увеличение выхода экстрагированных веществ;
- конструктивная оптимизация экстрактора с применением современных диэлектрических материалов.

Одним из эффективных методов интенсификации технологических процессов переработки растительных объектов, обеспечивающих высокое качество и безопасность готовых продуктов, является воздействие электромагнитных полей низких и сверхвысоких частот.

Электромагнитные поля используются для обработки растительного сырья в следующих технологических процессах: сушка, снижение микробной контаминации (обеззараживание), производство соков и экстракция.

Известно, что экстракция растительного сырья и сушка требует больших энергетических затрат. Использование электромагнитных полей позволяет сократить расход энергии на обработку растительного сырья, в следствии сокращения времени при сохранении высокого качества продукции.

Степень обеззараживания продуктов, таких, как грецкий орех, мак, кунжут повышается за счет применения электромагнитных полей сверхвысоких частот 2000 МГц. При удельной мощности 250-500 Вт/дм<sup>2</sup>. Время обработки незначительно 30-90 секунд.

При уменьшении частоты ЭМП время обработки увеличивается до 5-20 мин.

В результате колебательного движения молекул воды происходит ее нагрев, что увеличивает скорость извлечения экстрактивных веществ.

Вращательное движение устройства обеспечивает увеличение диффузии экстрактивных веществ за счет конвекции.

В процессе проведения экспериментов использовались сухие створки хлопковой коробочки, которые содержат до 9% пектиновых веществ. Источник электромагнитного излучения работает только в тот момент когда створки коробочки хлопка проходят через него.

В качестве экстрагента использовали 0,2-0,5%ный раствор щавелевой кислоты. По мере многократного прохождения

циркуляционного потока сырья, оно пропитывается экстрагентом, набухает и подвергается воздействию электромагнитных полей сверхвысоких частот, возбуждаемые волноводами магнетрона, при этом нагревается до 55-60°C и экстрагирует. При этом пектиновые вещества переходят в экстрагент, частично выцеживаются наружу и пройдя грубую фильтрацию поступают во внешний контур циркуляции, и через конфузорно-диффузорное устройство поступает в аппарат до завершения процесса экстрагирования и получения конечного продукта.

Интенсификация процесса экстрагирования и увеличение выхода экстрактивных веществ достигалось за счет улучшения условий гидродинамики и массообмена под воздействием электромагнитных полей сверхвысоких частот и конструктивной оптимизации экстрактора с применением современных диэлектрических материалов.

За счет колебательного движения дипольных молекул воды выделяется тепловая энергия, что обеспечивает самостоятельный нагрев обрабатываемой массы вещества, и потребность в дополнительном подводе тепла отпадает. Регулируя плавно мощность электромагнитных излучателей, достигается необходимый температурный режим экстрагирования.

Удельную мощность электромагнитного поля подсчитаем, составив уравнение теплового баланса:

$$Q = C_T m_T \Delta t + C_{ж} m_{ж} \Delta t + Q_{пот} \quad (1)$$

$Q$  – тепло подводимое за счет электромагнитной энергии;

$C_T$ ,  $C_{ж}$  – удельные теплоемкости твердой и жидкой массы;

$\Delta t = t_{max} - t_0$  – разность температур;

$Q_{пот}$  – потери тепла.

Потери тепла происходят за счет теплообмена между теплой жидкостью в зоне действия электромагнитных полей и холодной жидкостью в остальной части установки. Так как времени для обработки мало, то перенос тепла в жидкостях происходит за счет конвекции, можно принять, что,

$$Q_{пот} = 2C_{ж} m_{пот} \Delta t, \quad (2)$$

где  $m_{пот}$  – масса воды, находящаяся в объеме установки в кг.

$$m_{пот} = \rho \cdot v \cdot r^2 \cdot l \quad (3)$$

$\rho$  – удельная плотность;

$v$  – объем занимаемой водой;

$r$  – радиус корпуса;

$l$  – длина внутренней части установки.

Теплота передается за счет излучения.

$$Q = \rho \cdot v \cdot \tau \quad (4)$$

$\rho$  – удельные диэлектрические потери;

$v$  – объем.

Удельные диэлектрические потери в 1 м<sup>3</sup> определяются:

$$P = 5,5 \cdot 10^{-11} \cdot v \cdot \Sigma \cdot t g \alpha \cdot E^2 \quad (5)$$

где:  $\nu$  - частота Гц;  
 $\Sigma$  - коэффициент диэлектрической проницаемости;  
 $t g \alpha$  - тангенс угла потерь в диэлектрике;  
 $E$  - напряженность электрического поля В/м.

Удельная мощность электромагнитного излучателя:

$$P = \frac{Q \Delta t}{\nu \cdot \tau}. \quad (6)$$

На основании изложенного можно сделать следующие выводы.  
Интенсификацию процесса экстрагирования и увеличение выхода экстрагированных веществ можно достичь применяя ЭМП.

Можно подобрать допустимую мощность источника ЭМП без перегрева обрабатываемого материала.

**А.САИТОВ,**  
коискатель, ассистент,  
**И.КОЛЕСНИКОВ,**  
к.т.н., доцент, с.н.с.,  
НИЛ "СЦБ и связь" ТашИИТ.

#### ЛИТЕРАТУРА

- Н.Ф. Ушакова. Опыт применения СВЧ энергии при производстве пищевых продуктов [Текст] / Н.Ф. Ушакова, Т.С. Копысова, А.Г. Курдяшова, В.В. Касаткин // Пищевая промышленность. – 2013. - №10 – с 30-32.
- А.А. Сайтов, И.К. Колесников, Ж.Ф. Курбанов. Экстрактор для сухого растительного сырья с помощью СВЧ – энергии. // Изобретения. Официальный бюллетень. Ташкент 2018 г., №11(211), - С. 14.

УЙТ: 636.638.631.1

**ИҚТИСОДИЁТ**

## ИПАКЧИЛИК ТАРМОГИ КОРХОНАЛАРИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШУВИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

The issues of development of silk industry enterprises and diversification of existing forms of entrepreneurship are considered. And also, recommendations were developed on assessing the diversification of economic entities in the industry

Кейинги йилларда Республикаиз пиллачилик тармоғида олиб борилган иқтисодий испоҳотлар натижасида соҳада ривожланишнинг янги босқичига эришилди.

Ипакчиллик тармоғидаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолашда индекс шаклида баҳолаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда корхоналар фаолиятининг таҳлили 2 хил даражадаги индексни ҳисоблаш орқали амалга оширилиши мумкин:

1) муайян тармоқ ичидағи хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасини ифодаловчи тармоқ индекси;

2) хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасининг тармоқлараро индекси.

Тадқиқот доирасида кўлланилиши тавсия этилаётган ушбу усулдан нафақат ипакчиллик тармоғи корхоналари хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасини баҳолаш, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар бўйича ҳам ушбу усулдан фойдаланиш мумкинлигини, бунда бир тармоқ бўйича тармоқ индекси билан чекланиш мумкинлигини, бир нечта тармоқлар таққосланганда эса услугуб ёндашуввлар асосида хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасининг тармоқлараро индексини баҳолаш имконияти мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Бир тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси индекси ҳар бир хўжалик юритиш шакли бўйича ҳисусий индекслар асосида ҳисоблаб топилади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш таклиф этилади:

$$I_d = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{\sum_{i=1}^n K_i} \quad (1.1)$$

бу ерда:

$I_d$  - тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси индекси;

$X$  - тармоқдаги ҳар бир хўжалик юритиш шакли бўйича ҳисусий индекслар;

Ч - тармоқдаги ҳар бир хўжалик юритиш шакли бўйича ҳисусий индекслар қийматининг қабул қилинадиган чегараси;

$i=1\dots n$  - тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари сони (бу ўринда  $n > 1$ ).

1.1-формуладан кўринадики, индексни ҳисоблаш учун тармоқдаги ҳар бир хўжалик юритиш шакли бўйича ҳисусий индекслар қийматининг қабул қилинадиган чегарасини аниқлаб олиш лозим. Бу кўрсаткични қўйидагича аниқлапаш мумкин:

$$\bar{X} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} \quad (1.2)$$

Формула ёрдамида ҳисоб-китоб қилишда ҳисусий индекснинг ушбу чегарагача бўлган қиймати тўлиқ олинади. Агар ҳисусий индекснинг қиймати ушбу кўрсаткичдан катта бўлса, унинг фақат қабул қилинадиган чегарагача бўлган қиймати олинади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг рентабеллигини ифодаловчи, фаолиятининг салмоғини ифодаловчи (1-блок) фаолиятининг салмоғини ифодаловчи (2-блок) кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлса-да, уларнинг сони жуда кўплиги сабабли, улар бўйича ҳисусий индексларнинг умумий қийматини аниқлапаш мумкин.

Бу умумий қиймат кўрсаткичларнинг ўртача қийматини ифодаловчи қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{U}K = \frac{\sum_{j=1}^k K_j}{KC} \quad (1.3)$$

бу ерда:

$U$  - ҳисусий индексларнинг умумий қиймати;

$K$  - тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг рентабеллигини ифодаловчи (1-блок) фаолиятининг салмоғини ифодаловчи (2-блок) кўрсаткичлар;

$C$  - кўрсаткичлар сони;

$j=1\dots k$  - тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари сони (бу

1-амал	Тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг рентабеллигини ифодаловчи (1-блок) хусусий индекслар кийматини аниглаш
2-амал	Тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг салмогини ифодаловчи (2-блок) хусусий индекслар кийматини аниглаш
3-амал	1-блок ва 2-блокхусусий индексларининг умумий кийматини аниглаш
4-амал	Хусусий индекслар кийматининг кабул килинадиган чегарасини аниглаш
5-амал	Тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси индексини аниглаш
6-амал	Тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасига баҳо бериш ва уни тажомиллаштириш йўналишиларини аниглаш

**1.1-расм.** Тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолашда бажариладиган амаллар кетма-кетлиги.

Юқорида баён этилган тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолаш услубининг қўлланилиши, бир томондан, тармоқда хўжалик юритиш шакллари ҳамда тадбиркорлик эркинлиги, уларнинг амал қилиши учун зарур шарт-шароитларнинг таъминланганини аниглаш имконини берса, бошқа томондан эса, тармоқ фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда иқтисодий салоҳиятдан кенгроқ фойдаланиш мақсадида хўжалик юри-

тиш шакллари диверсификациясини янада тажомиллаштириш йўналишларини аниглашга имкон яратади.

**Б.ШАРИПОВ,**  
мустакил изланувчи.

### АДАБИЁТЛАР

1. Адуков Р.Х. Выбор организационно-правовой формы предприятия / Сборник научных трудов ВНИЭТУСХ «Земельная и аграрная реформы в России: проблемы и опыт». М., 1998. – [http://www.adukov.ru/articles/vybor\\_opf\\_predpriyatiya/](http://www.adukov.ru/articles/vybor_opf_predpriyatiya/)

2. Колоколова Е.О. Кооперация как форма самоорганизации населения [Электронный ресурс] // Теория и практика общественного развития. – 2010. – № 3. – С. 1-4 – Режим доступа: <https://web.archive.org/web/20120414022222/http://teoria-practica.ru/-3-2010/philosophy/kolokova.pdf>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонига 1-илюва. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. <http://rushbiz.ru/upravlenie-biznesom/buxuchet/prochieraschety/norma-pribily-formula.html>

5. <http://pilotbiz.ru/rentabelnost/>

6. 14 коэффициентов рентабельности с формулами расчета по МСФО. - <http://finzz.ru/koefficienty-rentabelnosti-14-formul.html>

**УЎТ: 519.21**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ МАРКОВ ЗАНЖИРИ ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИ

**It is necessary to analyze the experimental data obtained in the study of processes related to the natural Sciences, Economics, agricultural engineering, agriculture and other industries using probability theory and mathematical statistics. In this paper, agricultural processes are considered as interdependent random variables, and their periodicity characteristics were studied using the Markov chain.**

Қишлоқ хўжалик жараёнларини ўрганишда, хусусан, пахта, бүғдор, шоли ва бошқа турдаги экинлардан олинадиган ҳосилдорликларни баҳолашда тажриба натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш методларидан фойдаланилади.

Кўп ҳолларда иқтисодиёт, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга тегишли жараёнларни ўрганишда тажриба натижасида олинган маълумотларни ўзаро боғлиқ бўлмаган тасодифий жараёнлар ёки миқдорлар сифатида қаралади.

Масалан, олмазорда жорий йилда етиштирилган олма ҳосилдорлиги ўтган йилда олинган ҳосилдорликка ёки жорий йилда сув омборига йиғиладиган сув миқдорини олдинги йилдаги йиғилган сув миқдорига боғлиқ бўлмаган жараён деб ўрганиш мумкин. Аммо амалиётда ўзаро боғлиқ тажрибалар кетма-кетлиги билан иш кўришга ҳам тўғри келади. Масалан қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорликларни даврийлик хусусияти ёки дарё сувларининг йиллик оқим миқдорини ўзгартириб туриши ёки бўлмаса тоғларда рўй берадиган қор кўчкиласарининг юзага келиши ўзаро боғлиқ ҳодисалар (жараёнлар) кетма-кетлигини ташкил этади.

Бундай жараёнларнинг эҳтимолий хусусиятлари рус олими А.А.Марков томонидан ўрганилган бўлиб, уни Марков занжири деб номлашган. Аввало, Марков занжирининг бошланғич тушунчалари ва сода ҳолларини келтирамиз.

Айтайлик,  $S$  та ўзаро боғлиқ тажрибалар кетма-кетлиги ўтказилаётган бўлиб, уларнинг натижасида  $A_1, A_2, \dots, A_s$  ҳодисалар рўй берсин. Агар ҳодисалардан у ёки бунисини  $A_1, A_2, \dots, A_s$   $K$  тажрибада рўй бериши фақат ундан олдинги

$K-1$  тажриба натижасига боғлиқ бўлса, у ҳолда бу тажрибалар кетма-кетлиги оддий Марков занжирини ташкил этади дейилади.

$A_1, A_2, \dots, A_n$  ҳодисалардан ҳар бирининг биринчи тажрибада рўй бериш эҳтимолини мос равишида  $P_1^0, P_2^0, \dots, P_s^0$  орқали белгилаймиз. Бу эҳтимолликлар бошланғич

эҳтимолликлар дейилади. Масалан,  $P_i^0$ -эҳтимол биринчи тажрибада  $A_3$  ҳодисанинг рўй бериш эҳтимолини билдиради, яъни

$$P_i^0 = P(A_i) \quad i = \overline{1, S}$$

$P_{ij}(n)$  -орқали  $(n-1)$  тажрибада  $A_i$  ҳодиса рўй берган бўлса,  $n$ -чи тажрибада  $A_j$  ҳодисани рўй бериш эҳтимолини белгилаймиз. Бу эҳтимоликларни ўтиш эҳтимолликлари дейилади.

Агар  $P_{ij}(n) \quad (i = \overline{1, S}, j = \overline{1, S})$  ўтиш

эҳтимолликлари ва  $P_i^0$  бошланғич эҳтимолликлар берилган бўлса, у ҳолда Марков занжири берилган дейилади.

Агар  $P_{ij}(n) = P_{ij}$  яъни ўтиш эҳтимолликлари  $n$ -та боғлиқ бўлмаса, бундай занжир бир жинсли Марков занжирини дейилади.

Биз соддалик учун бир жинсли Марков занжирини ўрганимиз.

$P_{ij}$  - ўтиш эҳтимолликлари ёрдамида ушбу матрицани тузамиз

$$P = \begin{pmatrix} P_{11} & P_{12} & \dots & P_{1S} \\ P_{21} & P_{22} & \dots & P_{2S} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ P_{S1} & P_{S2} & \dots & P_{SS} \end{pmatrix} \quad P(n) = \underbrace{P \cdot P \cdots P}_{n\text{-марта}} = P^n \quad (2)$$

Бу ерда  $P(n_0) = P^{n_0}$   $P_{ij} \geq 0$  ва  $\sum_{j=1}^S P_{ij} = 1$  (1) матрицани ўтиш эҳтимолликлари матрицаси дейилади.[1]

Бир жинсли Марков занжирини учун  $n$ -қадамда ўтиш матрицаси бўлади.

#### Марков теоремаси


$$\begin{cases} \sum_{i=1}^S P_i = 1 \\ \sum_{j=1}^S P_i P_{ij} = P_j, \quad j = 1, S \end{cases} \quad (3)$$

Агар шундай  $n_0 \in N$  натурал сон мавжуд бўлиб, матрицанинг ҳамма элементлари

қатъий мусбат бўлса, у ҳолда (1) матрицанинг ҳар

бир элемети учун  $i$  га боғлиқ бўлмаган  $\lim_{n \rightarrow \infty} P_{ij}(n) = P_j$  лимитик эҳтимоллик мавжуд бўлади. [2]

Лимитик (финол) эҳтимолликлар ушбу чизиқли тенгламалар системасидан топилади:



Агар система ечимга эга бўлса, лимитик эҳтимолликлар мавжуд бўлади.

Хулоса: Умуман, Марков занжирини  $S$  та ҳолатли тасодифий жараён деб ўрганиш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган хосилдорликни 2-та ҳолатли -серҳосил йил,  $A_2$ -кам ҳосил йилга бўлинган Марков занжирни сифатида ўрганиш мумкин. Марков теоремасида келтирилган лимитик эҳтимолликлар ёрдамида  $A_i$  ҳолатда ўртача  $T$  йил бўлиш  $P_i T$  орқали,  $A_i$  ҳолатга ўртача

қатъий оралиғи эса  $m_{ii} = \frac{1}{P_i}$  орқали аниқлаш мумкин.

Кўп йиллик кузатишлар олма ҳосилдорлигини 2 йиллик даврга эга бўлган жараён эканлигини кўрсатмоқда. Бу жараённи  $\{A_1, A_2\}$  икки ҳолатли бир жинсли оддий Марков занжирини ўрганиш мумкин.

Айтайлик,  $A_1$ -олма ҳосилдорлиги яхши бўлиш ҳодисаси,  $A_2$ -эса олма ҳосилдорлиги ёмон бўлиш ҳодисалари бўлсин.

Бу мисол учун 1 қадамда ўтиш эҳтимолликлари

матрицаси  $P = \begin{pmatrix} P_{11} & P_{12} \\ P_{21} & P_{22} \end{pmatrix}$  бўлади.

Бу ерда:  $P_{11}$ -ўтган йил ҳосилдорлик яхши бўлган бўлса, бу йил ҳам яхши бўлиш эҳтимоли;

$P_{12}$ -ўтган йили ҳосилдорлик яхши бўлган бўлса, бу йил ёмон бўлиш эҳтимоли;

$P_{21}$ -ўтган йили ёмон, бу йил яхши бўлиш эҳтимолини билдиради;

$$\begin{cases} P_1 + P_2 = 1 \\ PP_{11} + P_2 P_{12} = P_1 \\ PP_{21} + P_2 P_{22} = P_2 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} P_1 + P_2 = 1 \\ 0,3P_1 + 0,7P_2 = P_1 \\ 0,8P_1 + 0,2P_2 = P_2 \end{cases}$$

$$m_{11} = \frac{1}{P_1} = \frac{1}{\frac{1}{2}} = 2$$

$P_{22}$ -үтган йили ёмон бўлган бўлса, бу йил ҳам ёмон бўлиш эҳтимолини билдиради;

Айтайлик тажриба натижасида  $P = \begin{pmatrix} 0,3 & 0,7 \\ 0,8 & 0,2 \end{pmatrix}$  матрица топилган бўлсин.

Бу маълумотга асосан олма ҳосилдорлиги учун лимитик эҳтимолликлар ва ўртача серҳосил йил топилсин.

Ечиш.  $P_1$  ва  $P_2$  лимитик эҳтимолликларни (3)

#### АДАБИЁТЛАР

1. Б.В.Гнеденко "Курс теории вероятности". М. Наука 1994 г.
2. Дж.Кемени, Дж.Снелл. "Конечные цепы Маркова". М.1992 г.
3. Вальтер Л. "Статистические модели в экономике". М.Статистика, 1976 г.

УЎТ: 633.(575.1)

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

The article describes the essence and directions of the sustainable land usage, major factors, ways and ecologic-economic aspects of ensuring this development. The recommendations directed to the sustainable land usage in the republic were given.

**Keywords:** sustainability, sustainable land usage, agriculture, production, soil quality rating.

Қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш, бу — қишлоқ хўжалик тизимида ишлаб чиқаришда амал қилиш макони учун асосдир. Ердан аграр соҳада фойдаланиш учун аграр ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ер майдони (уларнинг сифат ва миқдор (таркиби ва тузилмаси) ҳолати, ер унумдорлиги) ҳамда ернинг худудий маконда жойлашганлиги (ўринжойи, ихчамлиги, масофанинг яқин-узоқлиги, ишлаб чиқариш, муҳандислик ва ижтимоий Инфратузилмаларни мавжудлиги ва ш.лар) характерлидир.

"Ердан барқарор фойдаланиш" тушунчаси фақат қишлоқ хўжалигига тайин қилинган ерларга нисбатан қўлланилди. Чунки ушбу тармоқда ер асосий ва хеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситасидир.

Ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг кўп сонли эканлиги ундан фойдаланишда иқтисодий, табиий, экологик, хукуқий, технологик, хўжалик ичida ердан фойдаланишини ташкиллаш барқарорлиги ва ижтимоий барқарорлик турлари мавжудлигини тақозо қилган.

Ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш – бу ерлардан асосий восита сифатида фойдаланишда хўжалик фаолиятининг пировард натижалари барқарорлигини (иктисодий кўрсаткичларини)нг ерни табиий унумдорлигини асрash ёки ошириш (экологик кўрсаткичлар) ҳамда ходимлар меҳнат ва ҳаёт фаолиятини яхшилаш (ижтимоий кўрсаткичлар) билан кўшиб олиб боришdir.

Ердан фойдаланиш барқарорлигини таъминловчи омиллар тақозо қилган барқарорлик турлари таснифларини

системадан яъни Бу системанинг ечими  $P_1 = P_2 = \frac{1}{2}$  бўлади. Демак, олма учун серҳосил йил йил бўлади. Яъни, олма ҳосилдорлиги 2 йиллик даврийликка эга бўлади.

Хулоса шуки, мазкур мақолада қишлоқ хўжалик жараёнларини ўзаро боғлиқ тасодифий миқдорлар сифатида қараб, унинг даврийлик хусусиятлари ўрганилган.

1) Қишлоқ хўжалик жараёнларини тасодифийлик ва даврийлик хусусиятлари Марков занжири ёрдамида таҳлил қилинган;

2) Кузатиш натижаларига асослануб, олма ҳосилдорлигини 2 йиллик даврийликка эга бўлган жараён эканлиги кўрсатилган;

**В.ВАХОБОВ, доцент,  
М.ХИДОЯТОВА, ассистент,  
ТИҚҲММИ.**

куйидагича ифодалаш мумкин. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий барқарорлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши натижадорлиги ва ерларни самарадорлиги билан белгиланади. Самарадорлик омили ўз мазмунига кўра 1 гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобига ялпи ҳосил (тушум), фойда, рентабеллик, иқтисодий самарадорликни олади. Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлиги ердан фойдаланишнинг табиий барқарорлигини таснифловчи омил бўлиб хизмат қиласди. Унумдорлик, ўз навбатида, тупроқ сифати ва хусусиятларига (органик қатлам қуввати, гумус миқдори, гранулометрик таркиб) асосланган. Ердан фойдаланишнинг экологик барқарорлиги айнан шунда мужассамлашган, у тупроқда салбий жараёнларнинг кўриниши ва аниқланиши билан тавсифланади. Уларни ўз вақтида аниқлаш ўзортидан ерressурсларини асрash ва тиклаш (мелиорация, пастроқ интенсивликдаги ерларни юқориогига трансформация қилиш, ерларни жонлантириш (реабилитация), қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли навларини парваришлашнинг интенсив технологияси) билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди. Ердан фойдаланишнинг хукуқий барқарорлиги ерга табиатнинг бир қисми сифатида хукуқий мақом, мақсадли характер, фойдаланиш режими ва экологик нормалар ва талабларни акс эттиради.

Ислоҳот йилларида амалга оширилган ерларни қайтата қсимлаш натижасида уч гурӯҳ хўжалик типлари пайдо бўлди: хусусий фермер хўжаликлари, оилавий майдо товар ишлаб чиқарувчи дехқон хўжаликлари ва давлат илмий-экспериментал

ва тажриба хўжаликлари шакллантирилди. Уларда ерлар турли ҳукукий асосда (мулк ҳукуки, мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш, узок муддатли ижара). Ер ҳуқуқининг барқарорлиги ундан фойдаланувчиларга сармоя ётқизиш ва меҳнат сарфларини амалга ошириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерга тежамли ва хўжайнлик хисси билан муносабатда бўлиш орқали истиқболда моддий манфаатдорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлайди хўжалик ичida ердан фойдаланишни ташкиллаш барқарорлиги уни ташкил қилувчи элементлар: ер майдонлари конфигурациясининг тўғрилиги ва алмашлаб экишнинг тўғри йўлга қўйилганлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларини кўллаш ва б.ларга боғлик. Ердан фойдаланишнинг технологик барқарорлиги унинг (ернинг) контури ва энергия сифими билан боғлик бўлиб, у ердан фойдаланишнинг иқтисодий барқарорлигига акс этади. Ихтимоий барқарорлик омилларига ҳудудий жиҳатдан кулаг маконда жойлашганлик, ўрин-жойи, узоқ-яқинлиги ва ишлаб чиқариш, муҳандислик ва ихтимоий инфратузилма билан таъминланлиги киради.

Агар ердан барқарор фойдаланишни битта бўлса ҳам, шакли барқарор бўлмаса, у ҳолда ердан фойдаланишни умумий барқарорлигига путур этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, бир томондан, табиий ресурсларга йўналиш олади, бошқа томондан эса турли хил бозор жараёнлари таъсирига дучор бўлади. Буларнинг барчаси нобарқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун объектив асос бўлади.

Ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳар хил сифатдаги ишлаб чиқариш потенциалини барча ресурсларидан сама-

вали фойдаланишда хўжаликлараро фарқни ҳосил бўлишига анчагина таъсир кўрсатади. Бу нарса ер, материал ва меҳнат ресурсларига тааллуқли. Ҳар бир зона учун (суғориладиган, лалмикор, тоғ) дехқончиликнинг маълум бир тизими талаб қилинади. Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилояти ерлари ва уларнинг табиий унумдорлиги билан боғлик маълумотларга мурожаат қиласидан бўлсан, айтиш мумкинки, вилоятда ерларнинг ўртача бонитет балли 56 ни ташкил қилиб (максимал балл – 100), у 31 – 40 билан 81 ва ундан ортиқ балл оралиғида тебраниб туради.

Бундан кўриниб турибдики, вилоятда аграр соҳада фойдаланишда бўлган ерларнинг табиий унумдорлиги анча паст кўрсаткини ташкил қиласиди. Ажабланарписи, вилоятда тупроқ бонитет балли 1990 йилда ўртача 66 балл бўлган, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 56 га тушган. Бу шундан далолат берадики, вилоятда ерлардан барқарор фойдаланишнинг фундаменталь кўрсаткичи (табиий унумдорлиги) сезиларпи ёмонлашган ва у самарали қишлоқ хўжалиги юритишига имкон бермайди.

Ва ниҳоят ердан фойдаланиш барқарорлигига материал ва меҳнат ресурсларининг ўзаро ҳаракати ишора қиласиди, улар ердаги ҳолатни нафақат юзага чиқаради, балки самарали унумдорлигини асрайди ва оширишни таъминлайди. Ердан фойдаланишни барқарорлиги шу ҳолатда таъминланадики, агар фойдаланилаётган ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари микдори ортса ва уларнинг сифат кўрсаткичлари оширилганда, ўша ер майдонининг ўзидан қўшимча маҳсулот олиш сифатида натижага эришилса.

**З.ТОЖИБОЕВ,**  
и.ф.н., доц.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси. Тошкент, "Ворис" нашириёти, 2016 йил.
3. Условия формирования устойчивого сельскохозяйственного землепользования / Н.Н.Корнева, Т.Ю. Малыгина // Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. 2010 № 4(5). С. 29-32.
4. Формирование механизма обоснования устойчивого землепользования / Л.Г. Овчинникова // TERRA ECONOM[CUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета). 2009 Т. №2 С. 41-44.
5. Эколого-экономические аспекты устойчивости сельскохозяйственного землепользования / О.А. Ткачева, Е.Г. Мещанинова // Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации. 2013 № 1 (09). С. 169-181.

**УЎТ: 633.11; 631.51**

## КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛARНИНГ АҲАМИЯТИ

Conclusion, when sowing autumn crops in rows of cotton in the open field with a conventional (SZU-3.6) seeder, with a resource-saving direct disk seeder (SA-9600), planting 5.5 million seeds (220 kg / ha, if 1000 grains weigh 40 g) is considered appropriate.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича иқтисодиёт ҳамда ихтимоий соҳани ривожлантириш ва либераллаштиришнинг аниқ йўлларини белгилаб бергани мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ходимларини руҳлантириб, улар учун ҳаракатлар стратегиясини белгилаб берди.

Хозирда республикамизнинг суғориладиган ҳудудларида бошоқли дон экинларини экиш икки усулда бажарилади. Барча майдонларнинг 25-30 фоизи очиқ майдонларга, 70-75 фоизи ғўза қатор орасига экилади. Буғдойдан бўшаган майдонларни шуд-

гор қилиш ишларининг 2 ярусли плугларда бажарилиши ва шудгорланган майдонларни пешма-пеш мола босиб қўйиш буғдой ўрилган майдонга такрорий экин сифатида дуккакли экинларни етиштиришда иккинчи йил экилаётган кузги буғдой ҳосилдорлигининг нисбатан юқори бўлишини таъминлайдиган энг самарали усул ҳисобланади. Энг муҳими, ўтган йилги ҳосилдан тўкилган дон ургулари униб чиқмайди. Очиқ майдонда фалла экишда 3-4 йил тўхтовсиз буғдой экилишининг олди олинади.

Экиш муддатини белгилашда ҳар бир минтаقا шароитидан келиб чиқиб, экишдан то биринчи совуқ тушиш давригача ўсимликлар туплаши, яъни ниҳолларда углевод моддали захира бўлишига эришиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, янги технологиянинг кўпланилиши такрорий экинларни ўз вақтида йиғиб териб олишга имкон

яратади. Кузги буғдойни айнан шу худуд учун белгиланган мақбул муддатда экиш ҳосилни ёғин-сочин кунларга қолдирмасдан йиғиб териб олиш билан бирга ҳосилдорликнинг юқори бўлишига ҳам таъсир этади.

Экиш усулини, экиш меъёрини тўғри белгилашнинг яна бир жиҳати, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири, ресурсларни иқтисод қилишни таъминловчи ғалла етишириш агротехнологияларни ишлаб чиқиш такозо этилаётганидир.

Ерни экишга тайёрлашга кетадиган харажатларни камайтиришин тўғридан-тўғри экишни қўллаш орқали эришиш мумкин. Барчамизга маълумки, бир гектар ерни шудгорлаш, молалаш ва бароналаш учун 40-60 литр дизел ёқилғиси сарфланади тўғридин-тўғри экиш технологиясида эса бор йўғи 8 литр сарфланиши мумкин. Анъанавий технологияда асосан тор қаторлаб, яъни узунасига ва кўндалангига қилиниб 13-15 см қатор ораси туп орасини 3-4 см қилиб экилади ва экиш билан биргалиқда 60-70 см жўяқ олиб кетилади. Янги технологияда эса қатор ораси 17 см ва уруғлар доимий пуштага экилади. Шу билан бирга ҳозирги кунда юқори ҳосил олиш учун замонавий ресурстежамкор экиш сеялкаларидан фойдаланиш давр талаби бўлмоқда.

Кузги буғдойни маҳсус ғалла экиш сеялкаларида экишнинг аҳамияти жуда катта. Бунда уруғ бир хил чуқурликка тушади ва бир текис униб чиқади. Экишда сеялканинг дискли сошникларига эътиборни қартиш лозим. Сошниклар тўлиқ бўлиб, улар экишга яроқли бўлиши керак. Агар очиқ майдонларда ўғит сепиш мосламалари ёрдамида экиш ишлари бажарилса уруғ бир текис тушмайди. Тўғридан-тўғри экиш (SA-9600) сеялкаси эса худди С3-3,6 сеялкага ўхшаш техник характеристикага эга бўлиб унинг асосий фарқи дискларнинг иккита бўлиши ва қаттиқ ерни ёриб, уруғларни бир текис чуқурликка қадаб кетишидир.

Тошкент Давлат Аграр университетининг кичик тажриба хўжалигида ўтказилган тажрибаларда олинган натижаларга кўра, тўғридан-тўғри экиш (SA-9600) сеялкаси билан экилган варианtlарда С3-3,6 сеялкасига нисбатан ўсимликларнинг кўчат қалинлиги кўп эканлиги ва ривожланиш фазасида эса олдинда эканлиги кузатилди.

Тажрибада, кузги буғдой навларини турли экиш усулларида ва муддатларида ғалла экиш меъёрлари ўрганиб кўрилди. Эрта муддатда экилганда турли экиш усуллари ва меъёрлари ҳамда навларнинг биологик усусиятига кўра дон ҳосилдорлиги ўзига хос равиша ўзгариб борди. Бунда энг юқори ҳосилдорлик ғўза қатор орасига SA-9600 сеялкасида 6 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда 3-қайтариқда (68,6 ц/га) кузатилди.

Навлар бўйича ўртача ҳосилдорлик экиш меъёрларига мос равиша очиқ майдонга SA-9600 сеялкасида экилганда 54,1-60,6 ц/га, С3У-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-63,8 ц/га, ғўза қатор орасига SA-9600 сеялкасида экилганда 62,3-68,6 ц/га, С3У-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-64,0 ц/га ни ташкил этди.

1-жадев

### Кузги буғдойни экиш усули ва меъёрининг дон ҳосилдорлигига таъсири

Вариантлар		Қайтариқлар бўйича ҳосилдорлик, ц/га		
		I	II	III
Ғўза қатор ораси	SA-9600 сеялкада экиш	5 млн. дона	64,2	63,2
		5,5 млн. дона	67,4	65,6
		6 млн. дона	68,6	66,8
	С3У-3,6 сеялкада экиш	5 млн. дона	60,2	58,6
		5,5 млн. дона	62,3	61,4
		6 млн. дона	64,0	62,4
Очиқ майдон	SA-9600 сеялкада экиш	5 млн. дона	56,6	55,2
		5,5 млн. дона	59,2	57,6
		6 млн. дона	60,6	58,9
	С3У-3,6 сеялкада экиш	5 млн. дона	60,3	60,4
		5,5 млн. дона	62,6	62,4
		6 млн. дона	63,8	63,4

Шуни таъкидлаш жоизки, очиқ майдонга экилганда анъанавий технология С3У-3,6 селкасида экилганда, ғўза қатор ораларида экиш амалга оширилганда ресурстежамкор тўғридан-тўғри дискли (SA-9600) сеялкада экилганда юқори ҳосилдорликка эришилади.

Экиш меъёрлари таҳлил қилинганда 5,5 млн. дона ва 6 млн. дона уруғ меъёри ҳисобида экилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари орасида жуда катта фарқ кузатилмайди.

Хулоса, кузги бошоқли дон экинлари экишда очиқ майдонларда анъанавий (С3У-3,6) сеялкада, ғўза қатор ораларига экилганда ресурстежамкор тўғридан-тўғри дискли (SA-9600) сеялкада кўпи билан 5,5 млн. дона (агар 1000 дона дон вазни 40 грамм бўлса 220 кг/га) унувчан уруғ ҳисобида экиш мақсадга мувофиқ.

**Ш.АЗИЗОВ,**  
мустақил тадқиқотчи,  
ТошДАУ.

### АДАБИЁТЛАР:

- Атаханов Н ва бошқалар. Кузги буғдой навларининг экологик синови // Бошоқли, дуккакли дон ва мойли экинлар селекцияси уруғчилиги ҳамда уларни етишириш агротехнологияларининг ривожланиш истиқболи. Халқаро илмий-амалий конференция. Андижон. 2011 й.
- Д.Ёрматова. X.Хушвақтова. Ўзбекистон буғдойи. Т.: “Фан ва технология”, 2015, 304 бет.
- Х.Н.Атабаева, Ж.Б.Худайқулов. Ўсимликшунослик. Т.: “Фан ва технология”, 2018, 408 бет.

ТҮЙХАТ ЎРНИДА

# МУҲАНДИС-МЕХАНИКЛАР УСТОЗИ

(Анвар Мухамедов таваллудининг 90 йиллиги  
ва илмий-педагогик фаолиятининг  
65 йиллигига)



Ўзбекистон Республикаси, қолаверса, Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда Россия федерацияси бўйича таникли олим, металлшунослик ва металларга термик ишлов бериш жараёнларининг энг тажрибали етук мутахассиси, Республикаизнинг тоғ-кон металлургия, кимё, механика-машинасозлик, нефть ва газ, энергетика, қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмлари ҳамда шуларга яқин соҳалар мутахассиси ва устаси, техника фанлари доктори, профессор устоз Мухамедов Анвар Акбарович 2019 йил 30 ноябрда қутлуг 90 ёшини қаршилайди.

Устоз 1930 йилда Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида таваллуд топган. 1948 йилда Ўрта Осиё политехника институти, ҳозирги “Тошкент давлат техника университети”нинг механика факультетига ўқишга кирди. 1953 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Устоз талабалик даврларида ёқ фақат аъло баҳоларга ўқиди. Билим ва илмга бўлган қизиқиши ва чанқоқлиги уни илмий изланишлар олиб боришга унади. 1953 йилда механика факультети «Металлар технологияси» кафедрасига асистент бўлиб ишга кирди ва ўз фаолиятини давом эттириди. 1953-1957 йилларда Ўрта Осиё политехника институти аспиранти бўлди.

Республикамиз илм-фанини янада ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшиш мақсадида Анвар Акбарович Мухамедов 1955 йилда ҳозирги Россия Федерациясининг Свердловск шаҳридаги илмий-текшириш институтининг «Металлшунослик» йўналишида «Металларга термик ишлов бериш натижасида кимёвий таркиби, хоссалари ва уларда бўладиган структура ва фаза ўзгаришлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва Тошкент шаҳрига ўзи ишлаган кафедрага ишга қайтди ва шу кафедрада асистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлади. Орадан кўп ўтмай 1960 йилда доцент илмий унвонига эга бўлди. 1960-1968 йилларда «Металлар технологияси» кафедраси доценти лавозимида ишлади. Педагоглик фаолиятини давом эттириш билан бир қаторда Анвар

Акбарович докторлик илмий ишларини ҳам давом эттириди ва бир неча фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди.

Устоз 1968 йилда алоҳида «Материалшунослик» кафедрасини ташкил қилди ва шу кафедрада 1968 йилдан 1995 йилгача кафедра мудири лавозимида ишлади. Анвар Акбарович ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб, 1980 йилда ўзининг докторлик диссертациясини Россия федерациясининг Москва шаҳридаги Олий таълим муассасаларининг Илмий Кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди. Орадан кўп ўтмай 1982 йилда профессор илмий унвонини олди. Кўп йиллик педагогик ва илмий фаолият меҳнати кези келганда ўзининг самарали мевасини берди. Инсоний табиати жиҳатидан 50 ёшли техника фанлари доктори, ёш профессор талабаларга билим ўргатиб, сабоқ бериш билан бирга, доимий равишда илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб, тўғри йўл кўрсатиб, керакли ва зарурий маслаҳатларини бериб келмоқда. Бугунги кунгача устоз илмий раҳбарлигига 30 дан ортиқ фан номзодлари ва 10 га яқин фан докторлари диссертация ҳимоя қилишган.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Навоий КМК» ДК йирик гигант саноатлари учун муҳим бўлган сифатли маҳсулотлар, деталлар ва буюмлар ишлаб чиқариш учун янги инновацион технологиялар яратилди ва бундай технологиялар учун оптимал термик ишлов бериш режимлари ишлаб чиқилди ва шулар асосида амалий тадқиқотлар олиб борилди ҳамда юқори натижаларга эришилди. Олинган натижалар Узбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги қўмитасининг бир неча давлат патентлари билан ҳимояланди. Юқорида номлари қайд этилган саноат корхоналарида айнан «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ да Анвар Акбарович Мухамедов илмий маслаҳатчилигига олиб борилган «Ейилишга бардошли қопламалар ва деталларни тайёрлаш учун модели газга айланувчи қўймакорлик усули бўйича юқори хромланган қотишмаларни легирлаш ва термик ишлов бериш»

мавзусидаги докторлик диссертацияси иши унинг шогирди Тилабов Баходир Қурбанович томонидан муваффақиятли ҳимоя қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланиб, фан доктори дипломи берилди.

Таникли олим ва ҳақиқий устоз Анвар Акбарович бугунги кунда металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалик саноатлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган, яъни импорт деталлар ўрнини босувчи металлургик насосларнинг ишчи ғилдиракларини юкориҳромланган оқ чўянлардан тайёрлаш ва легирлаш технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини давом эттироқда.

Устоз Анвар Акбарович Мухамедов илмий раҳбарлигида олимлар ва шогирдлар гурухи томонидан «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ да жуда кўп ишлатиладиган ҳар хил маркази роликларни республикамиздаги хом-ашёлардан фойдаланган ҳолда янги технологияси яратилди. Комбинатнинг цехларида синовдан ўтказилди ва ишлаб чиқаришига татбиқ этилди ҳамда юқори иқтисодий самараларга эришилди.

Бугунги кунгача Мухамедов Анвар Акбарович раҳбарлигига 1000 яқин бакалаврлар, 80 тадан ошиқ магистрлар, 30 тадан кўпроқ фан номзодлари ва 10 га яқин фан докторлари тайёрланган ва ҳимоя қилган. Бажарилган ишлар натижалари бўйича ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги қўмитасининг давлат патентлари ва ҳуқуқий гувоҳномалари олинган ҳамда ҳимояланган.

Табиатан камтарин ва меҳрибон инсон, доимо изланувчан ва янгиликлар яратувчан Анвар Акбарович 1968 йилдан тики 1995 йил август ойигача аввалги Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институти, Тошкент давлат техника университети ва ҳозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг механика-машинасозлик факультети «Материалшунослик» кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Бу йиллар давомида у республика ва ҳалқаро миқёсдаги 50 дан ортиқ илмий-техник, илмий ишлаб чиқариш ва илмий амалий анжуманларни ташкилий қўмитанинг раиси сифатида юқори савияда ўтказиб келган ва келмоқда. Ҳозирда «Материалшунослик» ихтисослиги бўйича кундузги ва сиртқи мустақил-изланувчи докторантура ўқишлиари очилиб, уларда кўплаб докторантлар фаолият кўрсатиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Устоз ўзининг педагоглик ва илмий фаолияти давомида жуда кўп марталаб Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ва Россия федерациясининг институт ва университетларида ҳамда бир нечта чет эл хорижий давлатларда малака ошириб келган ва ўргангандарини иш фаолиятига ва ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Шу билан биргаликда, у ҳар хил илмий-амалий грантларни, лойиҳаларни ва

хўжалик шартномаларни бажаришда доимо иштирок этиб раҳбарлик қилиб келган.

Машиналар ва автомобиллар деталларига жон киргизувчи таникли олим Анвар Акбарович 1993-2010 йилларда доимий равишда Тошкент давлат техника университети қошидаги Д 067.16.01 рақамли номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Илмий Кенгаш раиси, 2011-2016 йилларда доимий равишда Тошкент давлат техника университети қошидаги DSc16/07/2013.T/FM.02.02 рақамли фалсафа доктори (PhD) ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Кенгаш аъзоси сифатида ёш докторантларга илмий маслаҳатчи бўлиб, керакли маслаҳатларини бериб фаолият юритиб келмоқдалар.

Кўпчилик Олий таълим муассасаларининг жамоаларига таниш ва таникли олим техника фанлари доктори, профессор Мухамедов Анвар Акбаровичнинг педагогик ва илмий фаолияти натижалари, илм-фан, таълим ва тарбия ҳамда жамоат ишларидаги фаол ва ҳалол меҳнатлари ҳамда кўп йиллик хизматлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар хил медаллар билан муносаб тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг, вазирликлар, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг ҳамда Тошкент давлат техника университети ректоратининг Фахрий ёрликлари, мақтоллари ва дипломлари билан тақдирланган.

Устоз ўзининг ҳақиқий меҳнатсеварлиги, принципиал функтуаллилиги, севимли ишига содиқлиги, билимдонлиги ва устакорлиги, ўзгаларга хайриҳоҳлиги, билим ва илмдаги маслаҳатларини аямаслиги, одамийлиги ва камтарлиги билан ҳамкаслари ва шундай кўп сонли жамоанинг профессор-ўқитувчилари орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган меҳрибон инсондир.

Ҳозирги кунда Анвар Акбарович Мухамедов шундай ажойиб ҳаётнинг мустақиллик йилларида яшаётган, илм-фанда ўз ўрнини топган фан номзодларининг меҳрибон ва жонкуяр отаси, мактабу олий даргоҳларда аъло баҳоларга ўқиётган набираларининг энг севимли бобожони, шогирдларининг эса энг яхши кўрган ўқитувчи-устозидир.

Хурматли устоз, Сизни таваллуд топган кунингиз ва табаррук 90 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклиймиз. Сизга аввалимбор узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва саломатлик тилаймиз. Сермазмун ҳаётингиз доимо оиласвий баҳт ва омад қувончи билан бой бўлсин деймиз. Биз шогирдлар Сиздек азиз ва меҳрибон устозимиз борлигидан доимо фахрланиб хурсанд бўлиб юраверайлик деб, барча шогирдларингиз номидан

**Б.ТИЛАБОВ,**  
ToшДТУ профессори,  
техника фанлари доктори.